



Р. Турсунов, С. Махсумхонов, М. Акрамова, А. Абдуразаков

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

6-синф учун дарслик-мажмуа

*Қирғизистон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек – 2018

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 Уз я 721  
У 34

У 34      **Ўзбек адабиёти:** 6-синф: Умумтаълим мактабларнинг 6-синфи учун дарслик-мажмуа / Р. Турсунов, С. Махсумхонов, М. Акрамова, А. Абдуразаков. – Б.: Аркус, 2018. – 256 б.

ISBN 978-9967-31-764-2

Кўлингиздаги ушбу дарслик-мажмуа ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕК УНИВЕРСИТЕТИ тасарруфидаги «ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ МАРКАЗИ» томонидан янги давлат стандарти асосида тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни “МАРКАЗ” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,  
Г. Айтиев кўчаси, 27.*

Масъул муҳаррир: – *Муяссар Эргашева*, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

У 4306020400–18

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 Уз я 721

ISBN 978-9967-31-764-2

© Р. Турсунов, С. Махсумхонов, М. Акрамова, А. Абдуразаков, 2018  
© «Аркус нашриёти», 2018  
© Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги, 2018  
© Дарсликлар яратиш маркази, 2018

## МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

Азиз ўқувчи, ўзбек адабиёти фани бўйича олган билимларингизни давом эттириш учун кўлингиздаги ушбу дарслик сизга кўмак беради. Адабиёт билан танишиш сиз учун янгилик эмас. Яъни сиз илк бор адабиёт дарслиги билан 5-синфда танишдингиз. Аслида адабиёт билан сиз дунёга келган чоғдаёқ танишиб улгургансиз. Унинг тароватли, сеҳрли оғушида гўдак қалбингиз билан ором олгансиз. Бу сиз илк бор онангиз ёки бувингиз томонидан сизни овутиш учун айтилган «Алла» эди. Кейинчалик чуғур-чуғур қилиб ёдлаган шеърларингизу, тинглаган эртақларингиз сизни бу сирли ва бепоён адабиёт оламига етаклаган. Демак, адабиёт сиз учун янгилик эмас. Ўтган ўқув йилида адабиёт билан жиддий тарзда танишиш асносида бунга амин бўлгансиз, деб ўйлайман. Мана бу йил ҳам сиз адабиёт фани билан танишишда давом этасиз. Бу йўлда сизга ушбу дарсликка киритилган сўз санъатининг бетакрор маънавият дурдоналари ҳамроҳ бўлади.

Агар буюк боболаримизнинг ҳаёт йўлларига синчиклаб назар солинса, ана шу улўф зотларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган битта ажойиб хислатни пайқаш мумкин. Бу буюк хислат китоб билан сирдошлик, у билан тиллаша олиш бахтидир. Китобга меҳр қўйган, у билан сирлаша оладиган одамгина дунёнинг кўздан яширин жиҳатларидан, оламнинг мураккаблигидан хабардор бўлади, ҳаётнинг бекиёс гўзаллигидан баҳраманд бўла олади. Китобларга ошно бўлиб, бадий адабиётга меҳр қўйган бундай одамни дунёда яшаган ва яшаётган бошқа кишиларнинг ҳаётига ҳам бефарқ қарамайдиган комил шахс дейиш мумкин. Чунки бадий адабиётга чинакам меҳр қўйган, китоб ўқишни ҳаётининг эҳтиёжига айлантирган киши ўзидан бошқа одамларнинг туйғуларини ҳис этадиган, ўйларини тушунадиган бўлади. Шахсни ана шундай одамий фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашда бадий адабиётнинг ўрни бекиёсдир. Бугунги кунда ҳар бирингизда бадий адабиётга ошно бўлиш имконияти бор.

«Адабиёт» арабча сўз бўлиб, одоблар йиғиндиси, бошқача айтганда, одоблар хазинаси деган маънони билдиради. Одоб эса маънавият аталмиш тушунчанинг асоси ҳисобланади.

Шунинг учун бадий адабиётни маънавият хазинаси дейиш ҳам мумкин. Агар бугунги кунда халқимиз орасидан жаҳонга машҳур алломалар, доврўғи оламни тутган ижодкорлар чиқмаётган бўлса, бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида ёшларнинг кам китоб ўқиётганлигини, маънавият хазинасининг бойликларидан етарлича баҳраманд бўлмаётганлигини кўрсатиш мумкин. Чунки оламдаги барча буюк ишлар биринчи галда маънавиятдан бошланади. Маънавиятнинг асл ўзагини эса, айтилганидек, одоб ташкил этади. Дунёдаги барча ёмонликлар, аввало, одобсизлик тўғрисида содир бўлади.

Етук маънавият, яхши одоб инсонни ҳам гўзал ҳаёт, ҳам тўкин дастурхон, ҳам мусаффо табиат билан таъминлаши мумкин. Эҳтимол, сиз одоб-ахлоқнинг фаровон ҳаётга алоқаси йўқ-ку, деб ўйларсиз. Чунки ҳаётда баъзан ахлоқ-одобли одамлар камтарона кун кечирганлари ҳолда, баъзи ахлоқсиз юлғичларнинг тўқис яшаётганлигини кўрасиз. Ҳамма гап шундаки, одобга эга бўлмаган киши, нари борса, ўзини бадавлат қилиши мумкин. Одобли кишилар эса, нафақат ўзини, балки халқини, миллатини бадавлат, тўқис қилиш қувватига эга бўладилар.

Маънавият хазинасидан, яъни бадиий адабиётдан бахраманд бўлган киши ҳар қандай одобсизликни – руҳий дунё қашшоқлигини тез пайқаб олади ва унга қарши курашади. Масалан, боболардан минглаб йиллик мерос бўлиб қолган серсув, улкан дарёлар ва ёлғизгина денгизни асрай олмаслик, бу табиий бойликни кейинги авлодларга қолдирмаслик одобсизлик – маънавий камбағалликдир. Бу ҳолатнинг замирида ажодлар руҳи ва авлодлар тақдирига ҳурматсизлик, лоқайдлик ётади.

Ачинарлиси шундаки, анчагина вақтлар мобайнида, юқорида кўрсатиб ўтилгани сингари маънавиятсизликларга йўл қўйиб келинди. Ҳатто, Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Усмон Носир каби миллатимиз дарди билан ёнган кишиларнинг қатл этилишлари ва кейинги авлодларга халқ душманлари сифатида кўрсатилишларига ҳам имкон берилди. Бу – маънавий кўрликдан бошқа нарса эмас эди.

Узоқ вақт мобайнида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Намоз, Дукчи эшон, Мадаминбек сингари буюк боболаримизнинг шонли ҳаёт йўлларини, хавфу-хатарга тўла жанглари тарихини яхши билмаганлигимиз, улар билан фахрланмаганимиз ҳам маънавиятсизликдир. Миллатимиз ва ватанимиз эрки, озодлиги, мустақиллиги, имон, эътиқод ҳамда хусусий мулкнинг дахлсизлиги учун курашганларнинг босмачилар, кулоқлар, халқ душманлари сифатида жисман йўқ қилинишига имкон берилганлиги ҳам айни шу сабабдир. Маънавияти бой ва журъатли одамлар кўпчиликини ташкил қилганда эди, бундай ноҳақликка йўл қўйилмаган бўлар эди.

Халқимизнинг илм-фан, маданият ва маънавият соҳасидаги қадимий шухратини тиклашнинг, юқорида айтилгани сингари одобсизликларга бундан буён йўл қўймасликнинг энг тўғри йўли бадиий адабиётни севиб, ардоқлаб, тушуниб ўқиш, ўқиганларни таҳлил қилишга ўрганиш, синфдош ва таниш тенгдошларни китобхонликка чорлаш ҳамда ўқилган асарлар юзасидан улар билан мунтазам фикрлашишдир.

Сизга ўзингиздан олдинги авлоддан мустамлака йилларида таланган, хориган бўлса-да, мустақилликка эришгач, тараққиёт йўлига тушган Ватан мерос бўлиб қолмоқда. Айни вақтда, заҳарланган замин, босқинчилар томонидан топталган ва эндиликда тикланаётган аянчли инсоний тақдирлар ҳам сизга ажодларингиздан мерос. Шу билан бирга: сизда олдинги авлодда бўлмаган буюк бир имконият – тўла мустақиллик бор. Бу имконият Сизга ҳақиқатни айта олиш, уни тиклаш учун кураша билиш, маънавиятли бўлиш, шунинг ёрдамида Улкан эзгу режаларни амалга оширишга йўл очади.

Ҳақиқатни айтиш, уни тиклаш, ҳақиқатга таяниб улкан ишлар қилиш учун, аввало, уни билиш зарур. Билиш учун эса, ҳар бир одамга Қуръони Каримда айтилганидек, «ўқиш, ўқиш, ўқиш» лозим бўлади.

Ҳозирги кунда ўзининг барча соҳалардаги ютуқлари билан дунёдаги бошқа халқларни қойил қолдираётган миллатлардан бири японлардир. Япония бир замонлар қадим ота-боболаримизнинг бепоён мамлакати – Туронга қўшни бўлган юртдир. Японияга олиб борадиган Буюк ипак йўлларида қадим ажодларимизнинг излари қолган. Боболаримиз ўз мамлакатларининг сувга сероб бу қисмини Сувли ер деб атаганлар. Кейинчалик бу атама «Сув ер», «Сивир», «Сифир», ниҳоят руслар забт этгандан кейин «Сибир» кўринишини олган. «Сув ер» ўлкасидаги гўзал «Бойкўл» кўли келгиндилар томонидан «Байкал» дейилган, бу маскандаги серсув дарёлардан бири

«Энасой»(русчаси – Енисей), бошқаси «Ёйик»(русчаси – Урал) тарзида номланади. Шунингдек, Сувер – Сибирда Олтой деган юрт, олтойликларнинг ўзимизнигига ўхшаб яратилганига минг йиллардан кўп бўлган «Алпомиш» номли достони борлиги ҳам жуда диққатга сазовордир.

Хуллас, аждодларимизнинг маскани бўлмиш ана шу «Сув ер» маданиятининг таъсири туфайли қадимий қўшнимиз бўлган японларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, ахлоқий қарашлари кўп томондан бизнигига ўхшаб шаклланган. Кўп замонлар мобайнида Японияда тараққиёт бизнинг ўлкамиздагидан қуйроқ босқичда бўлиб келди. Аммо XX асрнинг эллагинчи йилларига келиб, неча асрлик қоқоқликдан безор бўлган япон халқи таълим-тарбияга, маорифни ривожлантиришга, ёшларни ўқитишга жуда катта эътибор бера бошлади. Ёшлар ўқишга ёппа меҳр қўйиб, китоб билан ошнолик ҳар бир япон боласининг асосий хусусиятига айланганидан сўнг, бу юртда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ютуқларга эришилди, оламшумул кашфиётлар килинди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг бугунги ҳаётигина эмас, балки келажакдаги тақдири ҳам бугун сизнинг ўқув фанларини қай даражада ўзлаштира олишингизга боғлиқ экан.

Адабиётга қизиқиш кишини китобхонликка одатлантиради, китобхонлик билимлар сари йўл очади, билимдонлик эса юксак парвозлар учун инсонга қанот беради.

Ўқувчиларимиз китоб ўқишга қанчалик кўпроқ меҳр қўйсалар, мамлакатнинг тараққиёти шунчалик тезлашади, халқнинг ҳаёти ўшанчалик фаровон бўлади. Билмасдан юксалиб бўлмайди. Билимлар калити, маънавият хазиначисининг очқичи китобдир.

## АЗИЗ ЎҚУВЧИ!

Қўлингиздаги дарслик ёрдамида яна бир йил адабиёт оламига сафар қиласиз. Сафарингиз мазмунли ва ажойиботларга тўла бўлиши учун дарсликка энг сара асарларни танлашга ҳаракат қилдик. Мактаб кутубхоналарида бадий асарларнинг етишмаётганлиги боис ўрганилаётган адиблар асарларининг тўла матни ва бошқа асарлари билан танишишингиз учун интернет саҳифаларига ҳаволалар тавсия қилдик. Энди сиз интернетдан фақат ҳар хил ўйинлар ўйнаш учун эмас, балки ўз билимингизни бойитишда самарали фойдаланишни ҳам ўрганиб оласиз. Маънавият хазиналари-барчамизнинг умумий бебаҳо бойлигимиз. Бу бойликни қай даражада эгаллаш ва уни керагича сарфлаш ўз қўлингизда эканлигини унутманг. Адабиёт оламига бўлган навбатдаги сафарингиз унумли ва сермазмун бўлсин.

### ***Мулоҳаза юритинг:***

1. Онангиз айтган аллалар ёдингиздами? Алла оҳанги, алла сеҳри Сизга қандай таъсир қилганини эслай оласизми?
2. Сиз ҳам китоб билан сирлаша, тиллаша оласизми?
3. Бадий адабиётга ошнолик инсонда қандай одамий фазилатларни шакллантиради? Ҳаётий мисоллар келтиришга ҳаракат қилинг.
4. «Одобли кишилар, эса нафақат ўзини, балки халқини, миллатини бадавлат, тўқис қилиш қувватига эга бўладилар.» Фикрга қўшиласизми?
5. Мустақил юртимиз ривож учун Сиз нима қила оласиз? Режаларингиз борми?
6. Япон халқи бугунги кундаги тараққиёти чўққисини қандай забт этган экан?
7. Япония тарихи ҳақидаги маълумотлар Сизда қандай фикрлар туғдирди?
8. «Билимлар калити, маънавият хазинасининг очқичи китобдир» жумласига қўшиласизми?

# ЭРТАКЛАР – ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

## УЧ ОҒА-ИНИ БОТИРЛАР

(Ўзбек халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўк экан, қадим замонда бир киши бўлган экан. Унинг учта ўғли бор экан, учови ҳам ўқиган, оқ-қорани таниган, юзлари ойдай, ўзлари тойдай, ёмон билан юрмаган, ёмон жойда турмаган экан. Тўнғичи – йигирма бир ёшда, ўртанчаси – ўн саккиз ёшда, кенжаси – ўн олти ёшда экан.

Отаси бир уни уларни ўз олдига чақириб, ҳар бирининг пешонасини силаб, бундай дебди:

– Ўғилларим, мен бой эмасман, мендан қолган нарсалар сизнинг турмушингиз учун етмайди, энди мендан бирор нима умид қилиб ўтирманглар, деб сизларни ўқитдим – доно бўлдингизлар, боқиб вояга етказдим – қувватли бўлдингизлар, кўрkitмай ўстирдим – ботир бўлдингизлар. Яна уч нарсани айтаман, қулоқларингизга олиб, эсларингиздан чиқарманглар: тўғри бўлинг – бежавотир бўласиз; мактанчоқ бўлманг – уятга қолмайсиз; дангаса бўлманг – бахтсиз бўлмайсиз. Бундан бошқасини энди ўзингиз билинг. Қора тойни, саман тойни, кўк тойни асбоблари билан тайёрлаб қўйдим. Хуржунларингизни бир ҳафталик овқат билан тўлғиздим. Бахтингиз йўлда, уни топиб олмоқ учун сафарга чиқингиз, дунёни танимай, дунё кишиси бўлмайсиз. Бахт қушини ушламоқ учун бахт овига чиқинглар. Хайр энди, ўғилларим! – деб сўзини تامом қилибди.

Ўғиллари суюнишиб, сафарга тайёрланибдилар, эрта саҳарда отланишиб, йўлга чиқибдилар. Уч оға-ини бутун кун бўйи йўл юриб, жуда узоқ кетибдилар. Қош қорайган пайтда бир манзилга етибдилар. Кечаси йўл юрмокни эп кўрмай, шу жойда ётмокни маъқул топиб, отларидан тушибдилар ва овқатдан сўнг бир оз дам олишгач, ётиш олдидан ўзаро шу маслаҳатга келибдилар: «Бу жой тўқайзор экан. Биз анча йўл босиб келганмиз. Чарчаб ухлаб қолсак, яхши бўлмас. Кечани уч бўлакка бўлиб, ҳар бир бўлагида галма-гал пойлоқчилик қилайлик».

Тўнғич ботир биринчи навбатни олибди. Иккала укаси уйқуга кетибди. Чироқ липиллаб ёниб турар экан. У қўлидаги яроғини ўйнаб, атрофга кўз югуртириб аллавақтгача ўтирибди. Ҳамма ёқ жимлик. «Шитр» этган товуш йўқ. Ҳамма нарса уйқуда. Кеча ойдин экан. Бир вақт тўқайдан чиқиб келаётган бир нарсанинг шарпасини сезибди. Пойлоқчи ҳеч кўрқмабди, яроғини чиқариб, тайёр турибди.

Булар тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор экан. Булардан бошқа ҳеч ким бу жойга тушмас, ҳатто бошқа ҳайвонлар ҳам бу жойга келгани кўрқар экан. Шер буларнинг ҳидини билиб, емоқ учун аста-секин яқинлашиб келаверибди. Тўнғич ботир шерни ўлдиришига ишонса ҳам, «Укаларим безовта бўлмасин»,– деб тўқайнинг бир томонига қочибди. Шер уни қувибди. Тўнғич ботир ўзини панага олиб, шернинг орқа оёғига қилич билан уриб, уни ярадор қилибди. Шер ботирга сапчибди. Ботир чап берибди. Қулай фурсатдан фойдаланиб шернинг олдинги ўнг оёғига урибди. Шер бор кучини тўплаб, ботирга човут солибди. Ботир яна чап бериб, шернинг бўйнига қилич солибди, шер йиқилибди. Яна бир зарб билан шерни ўлдирибди. Кейин шернинг устига миниб, терисидан бир тасма қирқиб олибди.

Ичидан белига тасмани маҳкам боғлаб олиб, ҳеч нарса кўрмагандай яна укаларининг ёнига келиб ўтирибди.

Пойлоқчилик навбати энди ўртанча ботирга келибди. Унинг навбатида ҳеч қандай ҳодиса бўлмабди. Охирида учинчи ботир турибди, тонг отгунча пойлоқчилик қилибди, ҳеч нарса бўлмабди. Биринчи кеча шу билан тугабди. Эрталаб яна йўлга тушибдилар. Кечгача йўл юрибдилар. Бир тоғнинг тагига келиб тушибдилар. Тоғнинг чап томони кенг кўрик<sup>1</sup> экан. Ўртада биттагина бақатерак бор экан. Бақатеракнинг тагига бир булок, унинг олдида бир супа, тоғ тагига ғор бўлиб, унда илонларнинг подшоҳи – аждар султон ёлғиз яшар экан.

Ботирлар шу ерга тушибдилар. Отларини ўтга қўйиб, ўзлари ҳалиги супада дам олибдилар. Овқатларини еб бўлишгач, аввалгидай пойлоқчилик навбати тўнғич ботирга берилибди. Ундан кейин гал ўртанча ботирга келибди. Бунинг галида ҳам кеча ойдин, атроф жим-жит экан. Бир вақт ҳалиги ғордан кўрқинчли бир овоз эшитилибди. Ўртанча ботир кўркмабди, жим тураверибди. Фақат акаси билан укасининг безовта бўлишларидан ташвишланибди. Кўп вақт ўтмай ғор ичидан боши хумдай, ўзи харидай бир нарса ўрмалаб, булар сари келаверибди. Ўртанча ботир супадан тушиб, булокнинг нариги томонига қараб қочибди. Одам борлигини билиб чиққан аждар ўртанча ботирга қараб югурибди. Ботир чап берибди ва аждар султоннинг думига қилич билан уриб, уни яралабди. Аждар султон гангираб қолибди. Ботир яна ўзини чоғлаб туриб аждарнинг белига қилич солган экан, у қаттиқ яраланиб, ҳансираб қолибди, шу чоқда уни қилич билан нимта-нимта қилиб, ишини тугатибди. Терисидан бир тасма олиб, ичидан белига боғлаб олибди. Ҳеч нарса кўрмагандай, яна супага бориб ўтирибди.

Учинчи навбат кенжа ботирга келибди. Ўртанча акаси уйкуга кетибди. Тонг отибди, уйғонибдилар. Улар яна отланиб йўлга тушибдилар. Бугун ҳам кечгача йўл юрибдилар: тоғлар, чўллар, даштлардан ўтиб, қош қорайганда, бир тепаликка етибдилар. Бу кечани шунда ўтказмоқчи бўлиб, отларидан тушиб, тепаликда дам олиб ўтирибдилар. Овқат қилиб ебдилар. Ётарда яна пойлоқчилик навбати аввал тўнғич ботирга, ундан сўнг ўртанча ботирга, энг кейин кенжа ботирга етибди. Ботирча тепаликда акаларини ухлатиб, пойлаб ўтирар экан, бирдан шамол келиб, чироқни ўчириб қўйибди. Акаларининг қоронғида ухлаши унга оғир туюлибди. Шу сабабли чироқ ахтариб, бир баланд тепага чиқиб, ҳар томонга кўз ташлаган экан, кунботар томондан ора-сира учкун кўриниб қолибди. Чироқни ёндириб келмоқ учун отга миниб учкун чиққан томонга қараб кетибди. Юриб-юриб чўл ўртасидаги бир кўрғон тагига келибди. Кўрғон етти пахса<sup>2</sup> девор билан ўралган экан, бир томонда эшик ўрни бор экан. Кенжа ботир ташқарига отини боғлаб, секин ичкарига кирибди. Кўрғон ичкарисида бир чеккада дарчалари берк бўлган ўн бир ёғочлик қора уй бор экан, лекин эшиклари очиқ экан. Оёқ учи билан секин-секин бориб дарчанинг тирқишидан мўралабди. Уй ўртасида катта ўчоқ, қозонда шўрва қайнаб турибди. Тутундан қорайиб кетган уйда йигирматача одам ўтирибдилар. Деворларда яроғ-аслаҳалар осиглиқ. Ўтирганларнинг бурунлари танқайган, кўзлари чақчайган, кўнгиллари қора, юзлари ола, ўйлаганлари ёмонлик экан.

<sup>1</sup> Кўрик (т) – экилмай ташлаб қўйилган ер, экин экишга ярқли, бўз ер.

<sup>2</sup> Пахса (ф) – пишитилган лойдан устма-уст босиб қурилган девор ва унинг ҳар бир қатори.



Хуллас, булар талончи ўғрилар экан. Бу жой уларнинг макони экан. Кенжа ботир ўзига-ўзи айтибди: «Буларни шундайлигича ташлаб кетаверсам, йигитликдан бўлмайди. Қандай бўлса ҳам, бир йўл билан буларни тамом қилиб битирмоқ керак. Бунинг учун бир хийла ишлатиб, буларга қўшилиб олай, пайтини топиб, ишимни бажарай» – дебди.

Орқасига қараб бир неча қадам юриб, кейин чопиб келибди. Оёқ товушини эшитган ўғрилар яроғларини қўлларига олиб, шайлана бошлабди. Шу орада кенжа ботир эшикдан ичкарига кириб келибди. Салом бериб, ҳаммаси билан сўрашиб, тиз чўкиб ўтирибди ва ўғрибошига таъзим қилиб, дебди:

– Эй бегим, мен фалон шаҳардан бўламан, ёшлигимдан бери ҳеч бир устоз кўрмай, ўзимча чакана ўғрилик қилиб юрар эдим. Кўп тажриба кўрганман, дурустроқ бир иш қилмоққа бир ўзим ёлғизлик қилганимдан, бир тўпга қўшилмоқ орзусида эдим. Кеча-кундуз йўл юриб, мана энди хизматингизга етиб келдим. Умидим шулки, мени ёш деб қайтармай, тўпингизга олиб, билмаган нарсаларимни ўргатсангиз. Кўп нарсалардан хабарим бор, айниқса лаҳм қовламоққа, олдин тушиб хабар олиб чиқмоққа устаман.

Ўғрилар бошлиғи дебди:

– Жуда соз, бизга ҳам бир шундай ёш ўғри зарур эди. Яхши келибсан, бизга қўшилдинг. Муродингга етдинг, ўғрича.

Кенжа ботир ўрнидан туриб, қуллуқ қилибди. Шўрвани келтирибдилар, ичиб бўлибдилар. Бугун ўғрилар подшоҳ хазинасини урмоқ мақсадида шу ерга тўпланишган экан. Маслаҳатлашиб отланибдилар. Ўғрилар ўрданинг<sup>1</sup> орқа томонидаги боғчага келибдилар. Отдан тушиб, ўрдага қандай қилиб кириш тўғрисида маслаҳат қилиб, олдин «ўғрича»ни девордан ошириб туширишга, ҳамма ухлаган бўлса, девордан бирин-кетин ошиб тушиб, ичкарида тўпланишга жазм қилибдилар. Сўнгра кенжа ботирга: «Сен кириб аҳволни билиб чиқ, сўнг девор тепасида хабардор бўлиб тур!» – дебдилар.

Ўғрилар кенжа ботирни деворга чиқарибдилар. У бир илож қилиб пастга ҳам тушиб олибди. Бир оз у ёқ бу ёққа қараб, хабар олган бўлибди. Сўнгра бир аравани девор тагига келтириб қўйибди. Араванинг устига чиқиб, бошини девордан чиқариб, ўғриларга қараб : «Ўрдада ҳамма ухлаган экан, қулай пайт», – дебди. Ўғрибоши ўғриларга: «Бирин-кетин девордан ошилсин, овоз чиқарилмасин!» – дебди. Биринчи ўғри девордан аравага тушмоқ учун қорнини пахсага қўйиб, пастга энгашган экан, қилич билан ўғрининг калласини узибди, кейин бошқа ўғриларга: «Тушилсин!» – дебди. Тушганларнинг калласини узаверибди. Хуллас, ҳамма ўғриларнинг калласини узиб битирибди... Кейин қиличини артиб, қинига солиб ўрда ичига кирибди. Аркнинг<sup>2</sup> дарвозасига келиб қараса, дарвозабон ухлаб ётган экан. Секингина унинг олдидан ўтиб, дарвозани очибди, яна ичкарига кирибди. Бир катта ўрда сарой, унинг уч томонида учта эшик. Тўғридаги эшик олдада посбон ухлаб ётган экан. Кенжа ботир жуда усталик билан посбон қўлидаги калитни олибди. Уни қулфга солиб, овоз чиқармайгина очибди. Ундан ҳам ичкарига – бир ўрта саройга кирибди. Унда яна учта эшик бор экан. Бу бўлмада ўнта чиройли чўри пойлоқчи экану, ҳаммаси ухлаб қолган экан. Кенжа ботир чунон усталик билан улар олдидан ўтибдики, ҳеч бири

<sup>1</sup> Ўрда – хон ва унинг амалдорлари жойлашган қалъа.

<sup>2</sup> Арк (а) – хон саройи жойлашган кичик қалъага кириладиган дарвозахона.

уйғонмабди. Биринчи эшикдан бир бўлмага кирибди, кип-қизил гуллар қўйилган, ипакдан тикилган ҳар хил уй буюмлари кўп экан. Чўри қизларнинг ўртасида кумуш сўрида бир қиз ухлаб ётган экан.

Кенжа ботир секин-секин келиб, уни томоша қилибди ва унинг ўнг қўлидаги тилла узугини чиқариб олиб, чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб, яна ўша ўрта саройдан келиб чиқибди. «Энди иккинчи уйни кўрай-чи, нима сирлар бор экан?» – деб иккинчи бўлмага кирибди. Унда ҳам уй ўзига яраша ипаклар билан безатилган. Кумуш сўрида ўнта чўри қиз ўртасида бир қиз ухлаб ётибди. Кенжа ботир унинг қўлидан секингина билакузугини олиб чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб, яна олдинги ўрта саройга келибди.

«Энди учинчи бўлмага кирмоқ лозим», – деб сўл томондаги бўлманинг эшигини очиб, ичкари кирган экан, бунисида ҳаммасидан ҳам зиёда чиройли буюмлар кўрибди. Девор кип-қизил ипак моллар билан ясатилган, ипак гиламлар устига ипак кўрпачалар солинган, чўри қизлар ўртасида, кумуш сўрида бир қиз ухлаб ётар экан. Кенжа ботир унинг ўнг қулоғидан секингина тилла исирғасини чиқариб олиб, чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб, яна ўша ўрта саройга келибди.

Кенжа ботир қайси йўл билан келган бўлса, ўша йўл билан дарвоза олдига борибди. Дарвозабон уйқусидан уйғонмаган экан. Дарвозани қулфлаб, калитини яна дарвозабоннинг қўлига тутқазиб, ўтиб кетибди. Кенжа ботир ҳалиги пахса девордан ошиб, чироғини ёндириб, отига миниб, акаларининг ёнига келибди. Акалари ҳали уйқудан уйғонмаган эканлар. Чироқни ўз жойига қўйиб, қамчисини ўйнаб ўтираверибди. Тонг отибди. Ҳаммалари уйқудан туришиб, бир-бирларидан хол-аҳвол сўрашибдилар. Кенжа ботир: «Тинчлик, ҳеч нарса бўлгани йўқ», – деб жавоб берибди.

### ***Муҳокама қиламиз:***

1. Мана, эртақ билан танишяпсиз. Эртақ сизга ёқяптими?
2. Ота ўғилларига қандай насиҳат қилди? Бу насиҳатларга сизнинг муносабатингиз қандай?
3. Ака-укаларнинг эҳтиёткорлигини қандай баҳолайсиз? Уларнинг навбатчилигида қандай воқеалар юз берди?
4. «Ўтирганларнинг бурунлари танқайган, кўзлари чакчайган, кўнгиллари қора, юзлари ола, ўйлаганлари ёмонлик экан» деб таърифланган. Ўйлаб кўринг-чи: инсоннинг ёмонлик йўлига кириши унинг юзига ўз нуксини урадими?
5. Қайси ботирнинг жасорати сизга кўпроқ ёқди? Нима учун?

### ***Бажаринг:***

1. Ота насиҳатларини дафтарингизга кўчиринг.
2. Уч оға-ини ботирларнинг аҳиллиги, иноқлиги, меҳрибонлиги ҳақидаги ўринларни эртақдан топиб ўқинг ва изоҳланг.

Улар овқатларини еб бўлиб, отларига миниб, йўлга чиқибдилар ва бир оздан кейин шаҳарга кириб келибдилар. Бир карвонсаройга<sup>1</sup> тушиб, дам олиб ўтиришган эканлар, шаҳардан ўрда хангомаси эшитила бошлабди. Шу вақтда жарчи чақириб, ҳаммани воқеадан хабардор қилмоқда экан:

«Бугун кечаси номаълум одам ўрданинг боғчасида йигирма кишининг бошини кесиб кетган. Саройнинг энг хилват жойларидан бир донадан тилла безаклар йўқолган. Бу сирли воқеага сабабчи бўлган ботирнинг ким эканлигини подшоҳимиз билмоқчи. Шаҳардаги ботирлар ўрдага борсинлар ва кимнинг ҳовлисида четдан келган мусофирлар бўлса, дарҳол ўрдага олиб борилсин!»

Карвонсарой эгаси бу ботирларга ҳам ўрдага боришни таклиф қилибди. Улар пиёда секин-секин ўрдага борибдилар. Подшоҳ буларнинг мусофир эканлигини билиб, алоҳида бир хона тайин қилибди. Хона ичи ясоғлиқ экан. Бошқа мусофир бўлмаганидан, подшоҳ улардан сир олмоқни вазирга топширибди. Вазир айтибди: «Буларни тўғридан-тўғри сўрасак, айтмаслар. Ўз ҳолларига қўйиб, ташқаридан кулоқ солиб турайлик. Нима десалар, сўзларидан сирни топамиз». Хонада булардан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Бир вақт дастурхон ёзилибди, хилма-хил ноз-неъматлар келтириб қўйилибди. Иккинчи бир хонанинг туйнугидан подшоҳ билан вазир астагина кулоқ солиб турибдилар. Бир оздан кейин уч оға-ини ботирлар ўзаро гаплаша бошлабдилар. Тўнғич ботир дастурхондаги овқатни кўрсатиб, дебди:

– Шу гўшт кўзи гўшти экан, бироқ кўзи ит эмиб катта бўлган экан.

Ўртанча ботир айтибди:

– Тўғри айтасиз, подшоҳ деган махлуқ ит гўшtidан ҳам қайтмайди. Саралаб емоқ – фақирнинг иши. Мен бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман: шу шиннидан одам иси келади.

Кенжа ботир айтибди:

– Подшоҳлик қонхўрлик демакдир. Қон қўшилган бўлса бордир. Лекин ёмоннинг қони бўлса-ку, майли, аммо бегуноҳнинг қони қўшилган бўлмасин. Мен ҳам бир нарсани айтай: шу нонни тахлаган кишининг отаси новвой экан, тахлови шуни билдиради.

– Тўғри, – дебди тўнғич ботир. – Подшоҳ бизни бу ерга ўрда воқеаси билан чақирган. Балки биздан сўроқ сўрар. Нима деб жавоб берамиз? – деб укаларидан сўрабди.

– Албатта, ёлғон сўзламаймиз, – дебди ўртанча ботир.

– Бу воқеага аралашган бўлсак, айтмоғимиз керак. Уч кунлик йўлда нималарни кўрган бўлсак, ҳаммасини ўртага ташлаш керак, – дебди кенжа ботир.

Тўнғич ботир биринчи кечада шер билан олишганини айтиб, белидаги тасмани ўртага олиб қўйибди. Ўртанча ботир иккинчи кечадаги воқеани айтиб, нишона учун олинган тасмани ўртага қўйибди. Кенжа ботир учинчи кечадаги воқеани айтиб, чўнтагидаги нарсаларни чиқариб ўртага ташлабди.

Подшоҳ билан вазир сирдан хабардор бўлибди. Фақат гўшт, шинни, нон тўғрисидаги гапларни аниқламоқчи бўлиб, чўпонни чақиртиришибди.

– Тўғриси айт, – дебди подшоҳ чўпонга, – кеча юборган кўзинг ит эмганмиди?

<sup>1</sup> Карвонсарой (ф) – қадимги меҳмонхона.

– Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, айтайин, – дебди.

– Ўтдим, тўғрисини сўйла.

– Қиш кунлари бир қўй кўзилаб, ўзи ўлиб қолди, шу вақтда бир катта итим тукқан эди. Кўзичоққа раҳмим келди. Етим кўзини оч қолдиргим келмади. Ночор, кўзини ўша итга эмиздириб катта қилдим. Бошқа кўзи қолмагани учун, ўшани юборган эдим.

Кейин подшоҳ боғбонни чақиртирибди, унга қараб:

– Тўғрисини айт, шиннига одам қони кўшилганмиди? – дебди.

– Подшоҳим, – дебди боғбон, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, айтаман.

– Айт, ўтдим.

– Бултур ёз, – деб сўз бошлабди боғбон, – боғдаги узумзорга ҳар кеча бир одам ўғирликка келиб, сизга олиб қўйилган энг яхши узумлардан ўғирлаб кетаверди. Бир кун: «Агар ўғри кўлимга тушса, уни ўлдириб, шу ток тагига кўмай», – деб аҳд қилдим. Бир кеча пойлаб ётдим. Яна келди. Тўқмоқ билан бошига урдим, боши пачақ-пачақ бўлиб кетди. Буни ҳеч ким билгани йўқ. Шу ток тагига чуқур қовлаб, уни кўмдим. Ток кучайиб, бу йил чунон узум қилдики, баргидан ҳам ҳосили мўл бўлди. Лекин мазаси бир оз бошқача бўлиб қолди. Мен шу узумдан сизга юбормай, ҳаммасини шинни қилган эдим.

Нонни подшоҳ саройидаги бир хизматкор тахлаган экан. Ҳақиқатан ҳам унинг отаси новвой экан.

Подшоҳ ботирларнинг ақлига қойил қолиб, уларнинг олдига кириб, салом бериб кўришибди. Кейин дебди:

– Сизларнинг ҳамма айтганларингиз тўғри чиқди, шунинг учун сизларга муҳаббатим ортди. Ботир меҳмонлар, хўп десангиз, бир арзим бор. Агар қабул қилсаларингиз, айтар эдим.

Тўнғич ботир:

– Тўғри келса, қабул қилурмиз, айтинг, – дебди.

– Менинг учта қизим бор, аммо ўғлим йўқ, – дебди подшоҳ, – мен эртага бутун шаҳарни тўйга чақириб, қирқ кун ош бериб, қизларимни сизларга берсам. Менинг ўғилларим бўлиб, бунда қолсангизлар.

– Хўп, – дебди тўнғич ботир, – лекин бизнинг ҳам бир шартимиз бор. Бизлар шаҳзода эмасмиз. Отамиз ҳам бой одам эмас. Сизнинг давлатингиз подшоҳлик билан топилган. Биз бўлсак бир камбағал одамнинг болаларимиз. Элимиз бир бўлса ҳам, тарбиямиз бошқа, қандай бўлар экан?

Подшоҳ айтибди:

– Мен бир иқлимнинг подшоҳиман, отангиз сизларни яхши тарбиялаб катта қилиб, ботир қилиб вояга етказибди. Оталарингиз сизларни шундай ўстиргани орқасида бугун номингиз оламга тарқалиб кетди. Мен қизларимни сизларга бермоқчиман.

Шундан кейин ботирлар подшоҳ таклифини қабул қилибдилар. Шаҳарда қирқ кунгача тўй-томоша бўлиб, ботирлар подшоҳ қизларига уйланибдилар. Яхши тарбия орқасида йигитлар бахт кушларини қўлга киритибдилар.

Подшоҳ куёвлари орасида кенжа ботирни айниқса яхши кўрар экан. Кунлардан бир куни подшоҳ бир салқин жойда ухлаб ётган экан, ёнидаги ариқдан бир илон чиқиб, подшоҳга захар солмоқчи бўлган экан, тўсатдан келиб қолган кенжа ботир

уни кўриб қолибди ва илонни қилич билан чоғиб, яна қиличини қинига солиб турганида, подшоҳ уйғониб қолибди. Дилида: «Қизимни берганимга қаноат қилмай мени ўлдириб, ўрнимга подшоҳ бўлмоқ хайли бор экан», – деб ўйлабди. Бу воқеани вазирга айтибди. Вазирнинг ботирларга адовати бўлиб, қулай пайтни кутиб юрган экан, унга яхши баҳона топилибди.

– Шундай бебаҳо қизларингизни, – дебди вазир, – мендан маслаҳатсиз, яхши тарбия кўрган, деб аллақачандан келган мусофирларга бердингиз, энди мана, учидан сизга кўрсатди. Жонингиздан ортиқ кўрган куёвингиз ўзингизни ўлдирмоқчи бўлди. У бир кун яна хийла билан сизни ўлдириб қўймасин.

Подшоҳ вазирнинг сўзига кириб, кенжа ботирни зиндонга<sup>1</sup> солибди.

Подшоҳнинг кенжа қизи кўп қайғурибди. Йиғлайвериб юзлари сўла бошлабди.

Бир куни қиз отасининг оёғига бош қўйиб йиғлаб, куёвини сўрабди. Подшоҳ қизининг юзидан ўтолмай, кенжа ботирни зиндондан олдириб келибди ва унга қараб дебди:

– Ботир, сиз ҳали шунақа бевафомисиз? Шу қизимни ҳам юз-хотир қилмай, қай кўнгил билан мени ўлдирмоқчи бўлдингиз?

Кенжа ботир подшоҳдан ижозат сўраб:

– Энди мен ўзимнинг қилган яхшилигимни сўзлай, – деб ариқдан чиққан илон воқеасини айтибди. Ўша жойда икки бўлиниб ётган илон танасини олиб келиб кўрсатибди. Подшоҳ қилган ишига пушаймон еб, кенжа ботирдан узр сўрабди.

Кенжа ботир айтибди:

– Подшоҳим, энди бизга рухсат берсангиз, ўз юртимизга қайтсак.

Подшоҳ ботирларга ялиниб-ёлвориб ҳаммаларининг шу ерда қолишларини сўрабди. Ботирлар унамабдилар:

– Биз сарой кишиси бўлмоқчи эмасмиз. Биз меҳнат билан, ҳунар билан яшаймиз, – дебдилар.

Подшоҳ:

– Бўлмаса, қизларим шу ерда қолсинлар, – деган экан, қизлари: «Биз эримиздан ажрамаймиз. Рухсат берсангиз, биз ҳам шулар билан бирга кетсак. Сизни кўргани ҳар йили келиб турамиз», – дебдилар.

Подшоҳ ҳайрон бўлиб, ночор рухсат берибди. Ботирлар сафарга чиқибдилар. Йигитлар ўз хотинлари билан бирга икки йил деганда оталарининг олдига олти киши бўлиб келибдилар. Ота уч ҳовли, уч боғ тайёрлаб қўйган экан. Йигитларнинг ҳар бири ўзига аталган жойга келиб тушибди. Ботирлар оталари билан кучоқлашиб кўришиб, хотинларини таништирибдилар

Ботирлар келинлар билан роҳатда яшаб, мурод-мақсадларига етибдилар.

### ***Муҳокама қиламиз:***

1. Подшоҳ ботирларнинг сирини қандай билиб олди?
2. Подшоҳ ботирларга нимани таклиф қилди? Подшоҳнинг қарори тўғри деб ўйлайсизми?
3. Шубҳа билан ва шошилиб чиқарилган хулоса нимага олиб келади?

---

<sup>1</sup> Зиндон (ф) – айбдорлар сақланадиган ер остидаги қудуқсимон жой.

4. Ботирларнинг подшоҳ саройида ортик қолишни истамай, ўз юртларига равона бўлишлари ҳақидаги қарорини қандай баҳолайсиз?
5. Айтинг-чи: ушбу эртақда эртақ жанрига хос қандай хусусиятлар бор экан?

### **Баъжаринг:**

1. Ака-укаларнинг хушёрлиги, донолиги, билағонлиги ҳақида сўзланг.
2. Эртақдаги муболағаларни топиб, дафтарингизга ёзинг.
3. Эртақдан олган таассуротларингизни расм орқали ифодаланг.

## **Эртақ ҳақида**

Эртақ ва унинг турлари билан қуйи синфларда бир қадар танишгансиз. Хўш, эртақнинг муҳим белгилари нималардан иборат? Эртақ жанрига хос муҳим белгилар қуйидагилардан иборат:

1. Эртақ бадиий адабиётнинг эпик турига, яъни воқеликни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари орқали ҳикоя қилиб берувчи турига мансуб жанр сифатида қизиқарли сюжетга эга. Сюжет бу асардаги воқеалар тизимидир.

2. Эртақдаги сюжет воқеалари охир-оқибатда эзгуликнинг ёвузлик, ҳақиқатнинг ноҳақлик, яхшиликнинг ёмонлик, ҳаётнинг ўлим устидан муқаррар ғалабаси билан якунланади, яъни яхшилар «мурод-мақсадларига» етадилар.

3. Эртақларда ҳақиқий ҳаёт воқеалари онгли тарзда уйдирмалар қобиғида тасвирлаб берилади. Бу эртақ жанри учун кенг бадиий-тасвирий имкониятлар беради. Акс ҳолда, эртақ воқеалари муваффақиятли якун топмаган, халқнинг орзу-истаклари эса бутун ҳаётбахшлиги билан акс этмаган бўларди.

4. Эртақларда ахборот бериш эмас, балки воқеликни бадиий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ҳиссий кечинмалари, руҳий дунёси орқали акс этириш ва шу орқали тингловчиларнинг ҳиссий-руҳий дунёсига таъсир кўрсатиш муҳим ўрин тутди.

5. Эртақлар ўзига хос бадиий қолиплар доирасида ижро этилади. Яъни эртақлар «Бир бор экан, бир йўқ экан, қарға қакимчи экан, чумчуқ чакимчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ғоз карнайчи экан» каби махсус бошламалар билан бошланиб, «Шундай қилиб, мурод-мақсадларига етибдилар» каби махсус тугалланмалар билан якунланади. Бу қолиплар тингловчининг диққатини ўзи яшаб турган дунёдан узиб, эртақ оламига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш учун хизмат қилади.

6. Эртақларга хос яна бир хусусият уларнинг тарбиявий ўғит бериш вазифаларида кўзга ташланади. Бу вазифа эртақлар мазмунига, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига, кечинмаларига шу даражада сингдириб юборилган бўладики, натижада эртақ, унинг қаҳрамонига хос фазилат тингловчи учун намуна, ибрат вазифасини адо этади. Буни англаш учун «Зумрад ва Қиммат» эртағи мазмунини эслаш кифоядир.

7. Эртақ муболағага жуда бой бўлади. Муболаға нарса ва ҳодисаларнинг, қаҳрамонларнинг белгиларини, хусусиятларини бўрттириб, қабартириб, кучайтириб, ошириб-тошириб тасвирлашдир. Демак, муболағали тасвир, бўрттириб кўрсатиш ҳам халқ орзу-умидларининг бир кўриниши ҳисобланади.

Эртақ жанрига хос бу хусусиятларни сиз юқорида ўқиган ва қуйида ўқийдиган эртақлардан топишга ва дафтарингизга ёзиб олишга ҳаракат қилиб кўринг.

## ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909 – 1944)

Ҳамид Олимжон 1909 йилнинг 12 декабрида Жиззах шаҳрида туғилди. Ҳамид бобоси мулла Азим ва онаси Комила ая тарбиясида улғаяди. Айниқса, онаси Комила аянинг узун тунлар айтган кўшиқ ва эртаклари Ҳамиднинг камолга етишида, халқ оғзаки ижодига бир умрлик меҳрининг туғилишида муҳим омил бўлди. Ҳамид Олимжон болалик кунларини шундай эслайди:



Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртақ эшитгандим –  
Сўйлаб берарди бувим.

Шоирнинг болалиги 1914 – 1916 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Бу урушда Россия ҳам қатнашди. Рус подшоси туркистонлик йигитларни қора меҳнат учун мардикорликка чақирди. Рус подшосининг мардикорликка олиш сиёсатига қарши Жиззахда 1916 йилда кўтарилган халқ исёни шафқатсиз бостирилди. Жиззах аҳолиси Мирзачўлга ҳайдалди. Ҳайдалганлар орасида 7 ёшли Ҳамид Олимжон ҳам бор эди. Мана шу машаққатли кунлар хотираси кейинчалик шоир шеърларига кўчди:

Мен бир қора кунда туғилдим  
Туғилдим шу он бўғилдим.  
Мен туғилиб кўз очган дунё  
Хароб эди, бузгун, бенаво.  
Вайронада изилларди ел  
Менга қондош, жондош бўлган эл  
Тутқун эди, гадо эди, хор,  
Қалби тўла нафрат, алам, зор.

Ҳамид Олимжон билим юртида ўқиётган пайтидан бошлаб шеър машқ қила бошлади. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами «Кўклам» 1929 йилда нашр этилган.

Ҳамид Олимжон адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олди. Унинг бетақроп шеърлари, «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ», «Зайнаб ва Омон» дostonлари адабиётимизнинг юксалишида катта аҳамиятга эга бўлди..

## ОЙГУЛ БИЛАН БАХТИЁР

### I

Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртақ эшитгандим,  
Сўйлаб берарди бувим.  
Эсимда ўша дамлар:  
Ўзи учар гиламлар,  
Тохир-Зухра, Ёрилтош,  
Ойни уялтирган қош,  
Ўт боғлаган қанотлар,  
Беқанот учган отлар,  
Бахтиёр билан Ойгул,  
Қиз бўлиб очилган гул,  
Сўйлагучи деворлар,  
Бола бўп қолган чоллар...  
Бувимнинг ҳар қиссаси,  
Ҳар бир қилган ҳиссаси  
Фикримни тортар эди,  
Ҳавасим ортар эди.  
Тинглар эдим бетиним  
Узун тунлар ётиб жим,  
Сеза олардим кучин,  
Кўпи ёлғон, кўпи чин.  
Аммо, Ойгул-Бахтиёр  
Эртагини у такрор  
Қилар эди ҳар кечин:

### II

Жамбил деган томонда,  
Жуда қадим замонда,  
Қуллар исён қилдилар.  
Жангга кириб кўшинлар,  
Урушиб ою кунлар,  
Дунёни қон қилдилар.  
Тинчлик тугаб оч элда,  
Мамлакат қолди селда.  
Даҳшат ичра ёниб хон  
Ҳар томон қилди фармон.  
Тўхтамай довул қоқди,  
Майдонларга ўт ёқди.  
Ўз холига қилиб ор,  
Тикиб қатор-қатор дор,

Кўзларига тўлиб қон,  
Замбараклар бўшатди.  
Тани заҳарга ботди.  
Жамбил эли кўп замон  
Тўполон бўлиб ётди.  
Бир ғазаб ичра жони,  
Жамбилнинг золим хони  
Кечар элнинг қонида.  
Қулларнинг исёнида  
Ўтарди ою кунлар,  
Қонга ғарқ бўлиб тунлар  
Чайқар оғрик бошини,  
Очлар тўкиб ёшини  
Олишарди куну тун,  
Яланғочлар ҳам бутун  
Берарди майдонда жон –  
Талаб қилиб ҳақ ва нон.  
Асло қўрқмай ўлимдан,  
Ўч оларди зулмдан;  
Сира қилмай андиша  
Чопарди қўлда теша;  
Бирови ушлаб косов,  
Саваларди келса ёв.  
Болтаси бор бирининг –  
Ўлим келмас унга тенг.  
Агар дуч келса шу чоқ  
Ағдарарди бўлса тоғ.  
Чўри бўлган отинлар,  
Қул аталган хотинлар  
Қумушдай оппоқ соқол  
Кўкрагини босган чол,  
Ёш гўдақлар, жувонлар,  
Навкирон паҳлавонлар  
Жон оларди бериб жон.  
Ва қанча-қанча қурбон  
Ётар эди қоқ ерда,  
Танлари бурда-бурда.  
Ўтиб юзлаб-минглаб йил,  
Бундай тарихни Жамбил  
Кўрмаганди умрида...  
Исёнчи кекса Дархон  
Қулларга бошлиқ эди.



Қизи Ойгул ютар қон,  
Кўзлари ёшлик эди.  
Ота-бола икковлон  
Қуллар учун бериб жон,  
Хонни ўлдирмоқ учун,  
Кўтариб элнинг кучин  
Кезардилар исёнда,  
Минг алам, минг фиғонда.  
Исён, бостирилган кун,  
Дархонни қилиб тутқун  
Саройга келтирдилар.  
Ясов тортиб қўшинлар  
Савлат билан турдилар.  
Сўнг золим хонга улар  
Танитдилар Дархонни:  
«Шу бошлаган исёни  
Шудир Дархоннинг ўзи,  
Мана бу Ойгул кизи...  
Тикиларди золим хон.  
Тикилар эди Дархон.  
Ёндиргудай жаҳонни,  
Қул қилғудай ҳар жонни  
Ўт бор эди кўзида,  
Зўр талваса юзида  
Ва хон ташлаб кўз қирин  
Сўради бирин-бирин:  
«Қани сўйлагил Дархон,  
Не фойда берди исён?  
Кимлар ўлди, ким омон?»  
Дархон сўз бошлаб деди:  
«Мен ва қизимдан бошқа  
Ўлмаган қул қолмади,  
Кириб шунчалик ёшга  
Кўрмовдим шунча қонни,  
Шунча зору фиғонни.  
Эл хонумонин буткул  
Сен ўт ёқиб этдинг қул.  
Жамбил эди бир бўстон  
Қилдинг уни гўристон  
Сендай қонхўр золимдан  
Қолмасин деб бирор зот,  
Бош кўтардик, зулмдан ,

Бўлмоқчи эдик озод.  
Лекин бу гал бўлмади,  
Аммо тилак ўлмади:  
Бир кун сани йиқармиз  
Ва қабрга тикармиз».  
Хон қовоғини уйди,  
Булултар ёмғир куйди,  
Яланғочлаб қилични  
Қулнинг бўйнига солди.  
Боши кетган қуш каби  
Дархон типирлаб қолди,  
Ерлар қонга бўялди.  
Имо қилди золим хон,  
Сарой бўш қолди шу он.  
Қулнинг гўзал қизига  
Яқин келди. юзига  
Ўлгундайин тикилди.  
Қизнинг олдида бу хирс<sup>1</sup>  
Кўрсатиб ёввойи хирс  
Ерга қадар букилди;  
Кўзида хийла қулди:  
«Чўри қиз, энди менга  
Хотин бўлурсан», деди.  
«Ҳашаматли саройда  
Отин бўлурсан», деди.  
Қиз живирлаб бадани –  
«Севмайман, – деди, – сани.  
Йўқ. Бўлмасман, ўйлама.  
Бундай сўзни сўйлама.  
Сен отамдан айирдинг,  
Қанотимни қайирдинг.  
Кўзғолон қилиб ўлган  
Шунча қуллар номидан  
Нафратим бордир санга.  
Ўзинг ўйлаб кўр танга:  
Сен одам эмас-ку сан,  
Ҳайвондан ҳам паст-ку сан,  
Хотин бўлмасман асло.  
Келса бошимга бало,  
Уни сендан кўрарман.  
Доим қарғаб юрарман.  
Тақдирим ёр бўлса-ю,

<sup>1</sup> Хирс – айик.

Фурсат кулай келса-ю  
Сени агар ўлдирсам,  
Танинга ханжар урсам;  
Дунёда энг бахтиёр  
Одам бўлардим номдор».  
Золим хон хўп тутоқди,  
Ғазаб ўтида оқди.  
Кутуриб қаҳри келди.  
Илондай заҳри келди,  
Жаҳлига чидолмайин,  
Ҳеч сўз дея олмайин,  
Жаллодларни чақириб,  
Йиртқишларча бақириб,  
Ундан ўчини олди,  
Қизни зиндонга солди,  
Бир ёмон ўйга толди.  
Золим хон саройида  
Кекса бир кул бор эди.  
Куни ўтар қайғуда,  
Ҳар нарсадан хор эди.  
Уни дердилар Тарлон.  
Ўлдирилганда Дархон  
Тоқати ҳеч қолмади,  
Асло чидай олмади.  
У қайнаган конини,  
Фарёд чеккан жонини,  
Қўймоққа топмади жой.  
Хира бўлди кўкда ой,  
У гўё бир буюк тоғ –  
Юзида минг йиллик доғ.  
Чунки зиндон тагига  
Ташланган бизнинг Ойгул.  
Ғаш солар юрагига,  
Азоблар уни буткул.  
Бу золим хон Ойгулни  
Ўлдирар, деб албатта,  
Қайғуси эди катта.  
Ахир у топди йўлни:  
Уйкуга кетганда хон,  
Ойгулни кутқармоққа  
Қаттиқ қасд қилиб Тарлон  
Йўл солди зиндон ёққа.  
Бордию аркон солди,  
У зимзиё чуқурдан,  
Қабрдай кўрқинч ўрдан

Ойгулни тортиб олди.  
Бутун атроф қоп-қора,  
Шундай мудҳиш тун ора  
Ойгул билан кул Тарлон  
Бўлдилар йўлга равон.  
Иккови ҳам жим эди.  
Ахири Тарлон деди:  
«Қизим, сени золим хон  
Ўлдиражак беомон.  
Мен сени кутқармоққа  
Олиб келдим буёққа.  
Фақат не ҳам қилардим,  
Нима қила билардим?  
Мен ҳам кулман, қанотим  
Сеникидай қирқилган,  
Менга ҳам ўша золим  
Қилар ишини қилган.  
Шунинг учун ўч олиб  
Бу ишини бузаман,  
Сени сандикқа солиб  
Дарёга оқизаман.  
Агар ўлмасанг, биров  
Сув бўйида қилиб ов  
Сенга дуч келиб қолур  
Сувдан чиқариб олур.  
Бир кунингни кўрарсан.  
Ўйнаб-кулиб юрарсан!»  
Азоб ичра ёниб жон,  
Қора кунда кул Тарлон  
Қизга қайғудош келди;  
Ғамига йўлдош келди.  
Қони қочиб юзидан,  
Қизнинг қора кўзидан  
Ёмғир каби ёш келди.  
Секин тушди, сандикқа,  
Сандик ҳам тикқа-тикқа  
Бўлиб Ойгулни олди –  
Хипча бели буралди.  
Тарлон яна нон солди,  
Нон демаки, жон солди.  
Атрофга кўз ташлади,  
Сандикни дарё томон  
Сўнгра судрай бошлади.  
Уйкуда эди хар ён,  
Сувга ташлади уни.

Ойгул ҳам оқиб кетди  
Ва кулнинг юрагини  
Ўт бўлиб ёқиб кетди.  
Бир чакмоқ чакиб кетди.

### III

Уйкудан уйғониб хон  
Ойгулни сўрамади.  
Зиндонга ташланган жон  
Не бўлди ҳам демади.  
Ичдан севиниб Тарлон  
Юраркан у ён-бу ён,  
Ҳеч нарсадан беҳабар  
Кўзи кўр, қулоғи қар  
Бўлиб кўринар эди;  
Тинмай уринар эди.  
Тинчлик эди саройда,  
Қиз бўлса катта сойда,  
Сув юзида бетиним  
Оқиб борар эди жим.  
Ойгул шу ҳолда уч ой  
Муттасил оқиб борди.  
Қанча дара, қанча сой,  
Уни узатиб қолди.  
Лекин ҳеч ким тутмади.  
Ҳеч бир савдо ўтмади  
Ва фақат тугаб нони  
Пича қийналди жони.  
Ўртаниб аламидан,  
Шу ҳолда кетиб борди.  
Ахири Журжон деган  
Бир юртга етиб борди.  
Журжоннинг даласида,  
Дарёнинг ёқасида,  
Бир чол ўтин терарди.,  
Доим шунда юрарди.  
У бир кун жуда ҳориди,  
Озгина тин олгали,  
Бир оз эркин қолгали  
Дарё лабига борди.  
Ва шу чоқда қари чол  
Бир нарса кўриб қолди.  
Ҳовлиқиб бўлди хушҳол,  
Қаққайиб туриб қолди.

У йўқ эди ўзида:  
Бир сандиқ, сув юзида  
Лопиллаб келар эди,  
Тўлқинда елар эди.  
Олмайин икки кўзин,  
Ечина солиб дарҳол  
Сандиқ кетидан ўзин  
Дарёга ташлади чол.  
Бирпасда тутиб олди.  
Қирғоқ сари чиқарди.  
Сандиқни очмоқ учун  
Сарф этди бутун кучин.  
Сира оча олмади,  
Тоқати ҳеч қолмади.  
Энг сўнгра ўроқ солди,  
Тешди-ю, хайрон қолди:  
Эски сандиқ ичида  
Бир қиз кўринар эди.  
Унда қийналиб жуда  
Ҳадеб уринар эди.  
Содданинг тили қотди.  
У ўзини йўқотди.  
Оғир бир ўйга ботди:  
«Эҳтимолки, бу қиз бир  
Савдогарнинг қизидир.  
Эҳтимолки, бир суқсур,  
Бир парининг ўзидир.  
Чўкиб балки кемаси,  
Бу қиз кетгандир оқиб,  
Дарё бўйлаб улоқиб;  
Эҳтимол, бир онаси  
Қолгандир бағрин ёқиб.  
Сўйласанг-чи, ҳой одам,  
Нега ҳеч урмайсан дам?»  
Дея чол қизга айтди.  
Ойгулдан жавоб қайтди:  
«Агар сандиқни ёрсанг,  
Омон-эсон чиқарсанг,  
Сенинг қизинг бўлурман,  
Жуда ҳам бой қилурман».  
Ташвишга солиб бу ҳол  
Жуда хайрон қолди чол,  
Лекин ҳеч ишонмади.  
Кўнгли гапга қонмади.

«Эл олдида очай, – деб, –  
Ёмон бўлса қочай», – дсб  
Сандикни кўнгли содда,  
Бозорга олиб кетди,  
Кун бўйи терган ҳамма  
Ўтини қолиб кетди.  
Бозорда қари чолни  
Ўғри дея тутдилар.  
Ура-сура шўрликни  
Подшо сари элтдилар.  
Подшо ҳам ғазаб билан  
«Бу нима» деб сўради,  
Соқчилар бир гап билан  
Атрофини ўради.  
Чолнинг тили тутилди,  
Кўрқди, ўпкаси тўлди,  
Секин: «Билмайман», деди.  
Бўздай оқарган эди.  
Сўнг подшо қиличини  
Яланғочлаб бир солди.  
Бечора чолнинг тани  
Шу он бекалла қолди.  
Кўшинлар питирлашиб  
Сандикни тез очдилар,  
Жонли бир нарса кўриб  
Тура-тура қочдилар.  
Сандикдан бир жонивор  
Қоматини кўтарди,  
Чинордайн бўйи бор,  
Одамга ўхшар эди...  
Ойгул туриши билан  
Сарой чарақлаб кетди,  
Ҳаммаёқ бўлиб равшан,  
Уйлар ярақлаб кетди.  
Ой деганда юзи бор,  
Кун деганда кўзи бор  
Бир гўзал қиз қаршида,  
Бебаҳо эди жуда.  
Қалдирғоч қошларидан,  
Тўниб карашларидан  
Ҳаёт сочилар эди,  
Гуллар очилар эди.  
Подшонинг ақли шошди,  
Ўт ичида туташди.

Ҳар томонга югурди,  
Дам ўтирди, дам турди.  
Бундай гўзал юлдузни,  
Бунчалик барно қизии  
Асло кўрмаган эди,  
Ишрат сурмаган эди.  
У чандон яқин келиб,  
Еб кўйгудай тикилиб:  
«Сен менга теккин», деди.  
Қиз ундан жирканарди,  
Ичи ўтда ёнарди.  
Подшодан қиларди ор,  
Ўзини сезарди хор.  
Ишлатиб у бир хийла,  
Топиб қулай васила,  
Кетмакка қилди қарор:  
«Майли, тегайин сенга,  
Бунинг учун сен менга  
Қирқ кун муҳлат бергайсан  
Озгина тин бергайсан.  
Жуда ҳам ҳолдан оздим,  
Сандикда ўлаёздим!»  
Подшо сира кўнмади,  
Қиз дегани унмади.  
Ахири қиз уч кунга  
Кўй, деб ёлворди унга.  
Ҳамон бўлмади рози:  
«Барча тошу тарози  
Бир кунга чидай олур,  
Ўйнаб ғаминг тарқалур.  
Сўнгра тўйни қилурмиз,  
Эру хотин бўлурмиз».  
Қиз гўё кўнган каби  
Подшога индамади.  
Подшо ҳам қизга энди  
Ҳеч бир нарса демади.  
Кўшилиб қирқ қизларга  
Ойгул ташқари чикди,  
Кўзи тиниб бўзларга  
Шўрликни қайғу йикди.  
Ичидан ёна-ёна  
Чўмилмоқни баҳона  
Қилиб, Ойгул қизларни  
Дарёга олиб борди.

Қирқ қизлар бирин-бирин  
 Ечина бошлар экан,  
 Айтиб бир-бирин сирын  
 Пичинглар ташлар экан,  
 Юзи гул, сочи сунбул –  
 Бизнинг қайғули Ойгул  
 Бироз ўйлаб турди-да,  
 Кўзини чирт юмди-да,  
 Ўзини сувга отди;  
 Шу ондаёқ у ботди.  
 Ойгулни Жайхун балик  
 Олди-ю ютиб кетди.  
 Томоғидан қилчалик  
 Оп-осон ўтиб кетди.  
 Қирқ қизлар саросима, –  
 Чувиллашиб қолдилар:  
 «Нима гап, нима, нима?»  
 Дея шовқин солдилар.  
 Ҳаммалари ноилож,  
 Баъзилари яланғоч

Саройга югурдилар  
 Ва подшога билдириб  
 Дириллашиб турдилар.  
 Подшо ҳам чапак уриб  
 Дарёга чошиб борди,  
 Зир югуриб ахтарди.  
 Лекин унда кимса йўқ.  
 Дарё ҳам силлиқ-силлиқ  
 Ҳар кунгидай бетиним  
 Оқиб борар эди жим.  
 Подшо энди хўп нолон,  
 Нима учун бир кунга  
 Муҳлат бердим деб унга  
 Ўлгудайин пушаймон.  
 Ичини ит тирнади.  
 Зиёда бўлиб дарди,  
 Ер ва кўкни у яниб,  
 Ўз ўтига ўртаниб,  
 Юриб қизни ахтарди.

### ***Муҳокама қиламиз:***

1. Сиз ҳам болалигингизда бувингиз ёки онангиздан эртақлар эшитганмисиз? Эшитган эртақларингиз сизда қандай таассурот қолдирган?
2. Ўйлаб кўринг-чи, куллар нима учун исён кўтардилар? Уларга ким бошчилик қилди?
3. Хоннинг золимлиги халқнинг қандай қаршилигига дуч келди? Зулм билан адолат ўрнатиш ёки енгиш мумкинми?
4. Дархоннинг тутқун ҳолида ҳам хонга айтган сўзларини қандай баҳолайсиз? Дархон қандай инсон экан?
5. Золим шоҳ исёнчилар бошлиғи Дархон билан унинг қизи Ойгулни қандай жазолади?
6. Кул Тарлон нима учун Ойгулни қутқаришга аҳд қилди?
7. Сандиқни тутиб олган чолнинг ўлдирилиши сизда қандай кайфият туғдирди? Чол шундай тақдирга лойиқмиди?
8. Ойгулни жайхун балиқ ютиб юборганда унга ачиндингизми? У балиқ қорнидан омон чиқадими? Яна шундай ҳолатни қайси эртақ ёки ривоятда учратгансиз?

### ***Бажаринг:***

1. Ойгулнинг хонга айтган: «**Сен одам эмас-ку сан. Ҳайвондан ҳам паст-ку сан**» сўзларининг маъзини чақишга уриниб кўринг.
2. Тарлоннинг: «**Мен ҳам қулман, қаноти сеникидай қирқилган**» деб айтган гапини шарҳлаб беринг.
3. Кул Тарлоннинг руҳий ҳолати, яъни шоҳга бўлган нафрати ифодаланган мисраларни топиб ўқинг ва изоҳланг.
4. Ойгулнинг сандиқ ичида оқиб кетишини тасвирлаб беринг. Яна қайси эртақда эртақ қаҳрамони сандиқда оқади, биласизми?
5. Ойгул қиёфаси ва табиатини эртақ матнига таянган ҳолда тасаввурингизда жонлан-тиринг ва таърифлаб беринг.

#### IV

Гўзал юрт Сусамбилда  
Бир подачи бор эди,  
У машхур эди элда,  
Номи Бахтиёр эди.  
Гўзал эди ва чинор  
Қоматига эди зор.  
Кўкраклари бутун бир  
Офтобни яширарди.  
Танларида бир умр  
Ўт ловиллаб турарди.  
Қиличдай ўткир эди,  
Рустам каби зўр эди.  
Аммо элда хор эди,  
Камбағал ночор эди,  
У доим боқиб пода  
Юрар эди сахрода.  
Чўлларда яшар эди,  
Қирлардан ошар эди.  
Қалбида минг турли доғ,  
Кўз ёши булоғ-булоғ  
Сув ёқалаб бораркан,  
Ҳар томонга қараркан.  
Балиқ овлаб дарёда  
Юрганларга йўлиқди.  
Шу чоқда унинг содда  
Кўнгли бироз тўлиқди.  
«Жиндай нон борми?» деди.  
Балиқчи танти эди:  
«Йўқдир берар нонимиз,  
Лекин куяр жонимиз.  
Майли, шу сафар тўрға  
Чикқанин ол ўзингга.  
Узун умринг бор бўлсин,  
Бола, бахтинг ёр бўлсин».  
Рози бўлди Бахтиёр.  
Ва толеига шу бор  
Жайхун илиниб қолди.  
Улкан балиқни олди,  
Икки хўкизга ортиб,  
Олдиндан ўзи тортиб,  
Уйга томон йўл солди.  
Ҳовлиқиб толиб келди  
Уйига олиб келди.

Ота, деди у, дарҳол  
Ҳозир бўлди қари чол.  
Ва ота-бола икков  
Балиққа солдилар дов.  
Отаси пичок олди,  
Ўғли ойболта солди.  
Балиқ қорнин ёрганда,  
Пичок белга борганда  
Чол бирдан чўчиб қочди.  
Бахтиёр ғазаб сочди.  
Балиқ қорнида шу он  
Тебраниб у ён-бу ён  
Ойгул кўзини очди.  
Ва Бахтиёрни кўрди,  
Бошига қон югурди.  
Қора кўзлари ёниб,  
Бир муҳаббат уйғониб,  
Қалби жизиллаб қолди,  
Қизарди бегап қолди.  
Танасини қуршаб ўт,  
Қип-қизил, мисли ёкут,  
Титрагучи лаб қолди.  
Ҳайронликда кўп замон,  
Жим қолдилар учовлон.  
Охирида киз туриб  
Уларга таъзим қилди,  
Чолга қараб эгилди.  
Улар яқин келдилар,  
Ким эканин билдилар.  
Ойгул: «Нон борми?» деди.  
Подачи танти эди:  
«Нонимиз йўқдир билсанг,  
Озгина сабр қилсанг  
Балиқни пиширармиз,  
Биргалашиб еяремиз».  
Ойгул унга, «Хўп», деди.  
Чолга гапи кўп эди:  
«Ота, қабул қилсангиз  
Ўғлингизга тегайин.  
Сиз ҳар нарса десангиз  
Мен бўйнимни эгайин».  
Чол довдираб ҳангуманг  
Жавобига қолди танг:  
«Қизим, бизда ҳеч пул йўқ.

Молу дунё буткул йўқ.  
Қандайин тўй қиламиз?  
Сени нима биламиз?»  
«Мен дунё сўрамайман,  
Бой одамга бормайман.  
Сиз хоҳласангиз агар  
Бошингизга тўкай зар»...  
Чол рози бўлган каби  
Ҳеч бир нарса демади.  
Бахтиёрнинг юраги  
Гупиллаб урар эди.  
Бу ажиб учрашувдан  
Барча хурсанд эдилар.  
Жайхунни қайноқ сувдан  
Олиб бирга едилар.  
Кеч ҳам кирди. Дала, чўл  
Туманга ботди буткул,  
Чол дарров чўкиб ётди.  
Бахтиёр билан Ойгул  
Суҳбатида тонг отди.  
Кулларнинг исёнидан,  
Ўлганларнинг қонидан,  
Отаси солган фироқ  
Бағрини ёққанини,  
Сўзлаб чикди у узок  
Сандиқда оққанини.  
Сўзлади золим хондан,  
Эртак айтди Журжондан,  
Балиққа ютилганин,  
Тўрларга тутилганин,  
Молу дунёни демай,  
Подшоларни хоҳламай,  
Подачини деганин.  
Узок элдан келганин,  
Сўзлаб ўлтирди Ойгул  
Очилик мисоли гул,  
Шодлигидан Бахтиёр,  
Қарарди такрор-такрор.  
Ойгул дарёда балиқ  
Қорнида ётганида,  
Икки катта ҳалқалик  
Гавҳар топувди унда.  
Қадрини билган эди,  
Эҳтиёт қилган эди.

Тонгда у йўқлаб чолни.  
Арз этди ушбу ҳолни.  
Чол ўзини унутди  
Ойгул гавҳарни тутди:  
«Мана бунинг бирини  
Бозорга сотиб келинг,  
Билиб унинг сирини  
Олтинга ботиб келинг».  
У бозорга жўнади.  
Юрса йўли унади.  
Чол ушлаганча гавҳар  
Бозорда юрар экан,  
Харидор сўрар экан,  
Битта катта савдогар  
Хабардор бўлиб қолди,  
Чолга ёпишиб олди.  
Гавҳарга чангал солди.  
Бир сандиқ олтин бериб  
Чолни жўнатиб қолди.  
У ҳам тезгина юриб  
Сусамбилга йўл олди.  
Лекин уста савдогар  
Деяр эди ҳар сафар:  
«Бахтим ёр бўлиб агар  
Яна битта шундақа  
Тополсам эди ҳалқа,  
Етти иқлимнинг божи,  
Божи билан хирожи,  
Қимматиға сотардим.  
Бир умр еб ётардим».  
Шунинг учун кўп хижил  
Кезар эди элма-эл.  
Яна кунлардан бир кун  
Ойгул чолни чақирди,  
Тағин бир ҳалқа берди.  
Чол ўзида йўқ бутун,  
Бозор томон югурди.  
Дуч келиб у савдогар  
Яна сўради гавҳар.  
Чол «Бор» деди, у бу бор  
Эди жазман харидор.  
Чолни қўймай ҳолиға,  
Олиб чиқиб ҳолиға.  
Икки сандиқ олтинни

Нақд бериб олди уни.  
Олтинни отга ортиб,  
Ўзи кучаниб тортиб,  
Сусамбилга бошлади,  
Девдай қадам ташлади.

## V

Олтинларнинг барини  
Тўплаб ёшу қарини  
Чақириб гўзал Ойгул  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Бахтиёри ёнида,  
Оташ ёниб қонида  
Каттакон кенгаш очди,  
Лабларидан дур сочди.  
Сусамбил тарихидан,  
Эзилганлар ҳолидан,  
Подшоларнинг зулмидан,  
Хўжаларнинг молидан  
Сўзлади жуда узоқ.  
Охири деди: «Бирок,  
Бу ҳол узоққа кетмас,  
Орзулар беиз битмас,  
Сусамбилда биз янги,  
Бир дунё қурмоқчимиз.  
Ҳар камбағал кўмакчи,  
Бўлсин содик соқчимиз.  
Бундай бир юртни фақат  
Эзилганлар қурурлар.  
Сўнг улар қават-қават  
Соз уйларда турурлар».  
Бу сўз ёшу қарига  
Мос бўлиб тушди жуда.  
Эртаси тўда-тўда,  
Гурас-гурас бўлиб эл,  
Келаберди боғлаб бел.  
Хотинлар, ёш болалар,  
Барча амма-холалар  
Келабердилар ишга.  
Ойгул янги турмушга  
Бошлаб, ошу нон берди.  
Жонсизларга жон берди.  
Етимларга парвариш,  
Есирларга ҳақ ва иш;

Болаларга саройлар, –  
Гўзал озода жойлар.  
Ҳар қадамда бир бўстон,  
Ҳар ерда бир гулистон.  
Эллар учун чаман боғ,  
Ҳар ерга қайнар булок  
Бино қилди кунма-кун  
Ҳар кун бир гўзал якун.  
Жиндай фурсат ичида,  
Куннинг эрта-кечида,  
Ҳар ёқдан ела бериб,  
Эл чуваб кела бериб,  
Миллион одам тўпланди.  
Борган сари кўпланди.  
Камбағал ва кулларнинг  
Жонидан севган ери,  
Сусамбил жаннатга тенг  
Ўлка бўлди охири.  
Озод эди бунда иш:  
Бу ўлкада ҳар емиш  
Оғочларда пишарди.  
Танларга яқин қуёш,  
Болаларга усти-бош  
Гулзорда етишарди.  
Ой деганда юзи бор,  
Кун деганда кўзи бор,  
Гўзал, доно Ойгулни, –  
Бу барно баҳор гулни  
Эл севар эди жондан.  
Ва бутун хонумондан.  
Ойгул химоясида,  
Бахтиёр соясида  
Сусамбилда эркин, шод,  
Яшар эди халойиқ.  
Уни бутун одамзод  
Хаёл қилишга лойиқ.  
Ойгул ўз ўлкасини  
Сақларди тинч, саранжом,  
Соқчилар севиб уни,  
Керак бўлса берар жон.  
Сусамбил соқчилари  
Чегарада бир қари  
Чолни тутиб олдилар  
Ва шубҳада қолдилар.



Қаландарга ўшарди,  
Лекин ёмон юрарди.  
Хўп қора эди ичи.  
Қаландар кийимида  
Бўлса ҳамки, қиличи  
Кўринарди ёнида.  
Уни маҳкам тутдилар,  
Ойгул сари элтдилар,  
Ойгул билан Бахтиёр  
Адолат айлаб шиор  
Қилдилар уни сўроқ,  
Подшолардан яхшироқ.  
Ул ҳам секин Журжонда  
Зўр подшо эканини,  
Сўзлаб берди ва қонда  
Етилиб ўганини.  
Сўнгра арзи холини,  
Бошлади саволини.  
Чол кўп нарса ўйлади:  
Қўлга тушдим тайин деб,  
Ойгулни алдайин деб,  
Фақат ёлғон сўйлади.  
У дедик: «Бир кунга  
Муҳлат олган ёримни  
Қўлдан бердим ва унга  
Қурбон қилдим боримни.  
Ерга отдим торимни,  
Туқтаириб зоримни,  
Мисоли бир қаландар  
Излаб келдим дарбадар.  
Сен мени демасмисан?  
Ойгулим эмасмисан?»  
Кўзида хийла қулди  
Ва ёлғондан буқилди.  
Халойиқ шу аснода  
Йиғилиб тўда-тўда  
Тўпланиб қолган эди.  
Подшо кўзи қон эди.  
Шунда чиройли Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул  
Ундан бир сўроқ қилди,  
Тарашадай қоқ қилди:  
«Неча хотинингиз бор?  
Ростини айтинг, зинҳор?»

«Қирк хотин бордир менда –  
Деди беор, шарманда.  
Эл қаҳ-қаҳлаб юборди.  
Золим подшо шу дамда  
Фикрини қонга қорди.  
Қиличини чиқарди,  
Ойгулга қараб борди.  
Аммо халойиқ шу дам  
Уни тутдилар бардам.  
Ўтмасдан жиндайин зум  
Оғзига тикдилар кум.  
Золим подшо шу замон  
Қабрга бўлди меҳмон.  
Ойгул кўнгли беғубор  
Қурликни айлаб шиор,  
Ҳам йўлдоши, ҳам ёри,  
Ёнида Бахтиёри,  
Яшаркан Сусамбилда,  
Қайғу йўқ экан дилда,  
Жамбилни ўйлар эди.  
Кул чолни сўйлар эди.  
Кулларнинг қасосини  
Олурман, деб аҳд қилган.  
Хонликнинг асосини  
Бузурман, деб жаҳд қилган  
Исён кучоғидаги  
Чоғларини эсларди.  
Гуноҳсиз қалбидаги  
Доғларини эсларди.  
Зиёда бўлиб дарди  
Кўз олдидан ўтарди:  
Оч қулларнинг исёни,  
Жамбилнинг қонхўр хони,  
Отасининг қиличда  
Тирқираб қолган қони.  
Қўкка чиқиб фиғони  
Ўтдай туташиб ичда...  
Энг сўнг Ойгул, Бахтиёр  
Қилдилар шундай қарор:  
«Жамбилга ўт очамиз  
Хоннинг қонин сочамиз».  
Ойгул туриб эрта тонг  
Қўшинларга урди бонг.  
Соқчиларни уйғотди,

Бошлиқларга сўз қотди.  
Куролларни олдирди,  
Қарнай-сурнай чалдирди.  
Бир нафасда кўшинлар  
Саф тортиб йиғилдилар.  
Қирқ кунликка ош ва нон,  
Отларга беда ва дон,  
Кўшинларга кийимлар,  
Дори-дармонлар, емлар  
Олдириб гўзал Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Бахтиёрни Сусамбил  
Юртига кўтариб бош,  
Шу кун берди юртга ош.  
Кўшин бошида ўзи,  
Чарақлаб қора кўзи,  
Мардлар сингари Жамбил  
Томонига бошлаб йўл,  
Тўп бўшатиб жўнади.  
Йўлма-йўл ва кўлма-кўл  
Манзилларда тунади,  
Яна туриб жўнади.  
Гўзал, чаман боғлардан  
Қуш бўлиб учиб ўтди,  
Осмон бўйи тоғлардан  
Бургутдай кўчиб ўтди.  
Қанча қурғоқ чўлларни,  
Дарёларни, кўлларни  
Ўта-ўта охири  
Жамбилга яқин борди.  
Жамбил хони роҳатда,  
Ишратда, фароғатда  
Яшар экан Жамбилда,  
Не бордир Сусамбилда  
Сира ҳам билмас эди.  
Кеча-кундуз маст эди.  
Ойгулни банду зиндон  
Қилган чоғидан буён  
Хабар олмаган эди,  
Эсга солмаган эди.  
Қул кизини зиндонда  
Чириб кетган деб ўйлаб,  
Ва лекин ҳар замонда  
Хуснидан эртак сўйлаб,

Мақтаб гўзал Ойгулни,  
Қарғади Дархон қулни.  
Тарлон бўлса Жамбилда  
Минг армон билан дилда,  
Ҳамон қул юрар эди,  
Қаттиқ кун кўрар эди.  
Ойгулнинг аҳволидан,  
Сусамбилнинг ҳолидан,  
Хабардор эди ўша.  
Унга қайғу билан зор,  
Юз ҳақорат, минг озор,  
Ҳамдам эди ҳамиша.  
Сусамбилга қочмоқни  
Хонга уруш очмоқни  
У хаёл қилар эди,  
Эл буни билар эди,  
Чорасиз юрар эди.  
Шу чоқ минглаб кўшини  
Билан Ойгул йўл босиб,  
Ухламай куни-туни,  
Ҳар ерга ялов осиб,  
Келар эди дувиллаб,  
Бўрон каби гувиллаб.  
Дарёларнинг устидан,  
Учиб ўтганда оти,  
Қушдай сирғаниб сувдан,  
Ёзиларди қаноти.  
У тўхтамай йўл босди,  
Хув деганда чўл босди.  
Бир оқиб кетиб келди,  
Жамбилга етиб келди.  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Ер - кўкни овозаси  
Тутиб келганда Ойгул,  
Жамбилнинг дарвозаси,  
Очилмади. Шунда ул  
Дарғазаб қилич солди,  
Дархол қайтариб олди:  
Қулуфлар шарақ-шарақ  
Ўйнаб очилиб кетди,  
Зулфинлар худди тупрок  
Бўлиб сочилиб кетди.  
Отларнинг туёғида  
Дарвозалар бўлди қул,

Ҳар тўп қўйган чоғида  
Саройлар қулаб буткул,  
Зўр қўшин кириб борди.  
Савалаб уриб борди.  
Жамбилнинг хон, беклари  
Қуён бўлиб қочдилар.  
Чукурлар, ғорлар сари  
Қучоғини очдилар.  
Соқчилар золим хонни,  
Бу ажойиб ҳайвонни,  
Оғилда ушладилар,  
Ўлгудай муштладилар.  
Ранги бўлса ҳам сомон  
Паст келмас эди ҳамон.  
Бутун эл қаҳ-қаҳ солди,  
Хон шарманда, уялди.  
Эл туриб шу чок: «Ойгул!  
Хонни ўлдир!» – дедилар –  
Бутун юрт ва барча эл  
Сендан ушбуни тилар!».  
Ойгул эл талабини  
Қилиб ўлдирди хонни,  
Бу ажойиб ҳайвонни.  
Қилич солиб бўғзига,  
Қўйиб тўпнинг оғзига  
Ўққа қўшиб кўчирди;  
Осмонларга учирди  
Ва кул қилиб туширди.  
Энди эски кул Тарлон,  
Ойгулга тўғри келди.  
Севинганидан шу он  
Оёғига йиқилди,  
Ойгул кўтариб олди.  
Тарлон кўришиб қолди.  
Кул Тарлон шодлигидан  
Тўхтолмади йиғидан,  
Барча хайрон эдилар.  
Улар келиб Ойгулга:  
«Бизларни Сусамбилга  
Олиб кетгин, – дедилар.  
Бу хонлардан куйдик кўп,  
Беклардан ўртандик хўп

Биз Жамбилда турмаймиз,  
Бу ерларда юрмаймиз.  
Бизни қўш ўз элингга,  
Эл бўламиз биз сенга...»  
Ойгулга аламини,  
Барча чеккан ғамини  
Эл айтиб йиғлар эди,  
Сел қайтиб йиғлар эди.  
Ойгул назар ташлади,  
Шундай бир сўз бошлади:  
«Золим хон кучди ўлим,  
Энди сизга йўқ зулм,  
Эл, осойиш яшарсиз.  
Ва бекойиш яшарсиз.  
Сусамбилни қўйинглар  
Ва Жамбилни суйинглар,  
Сизникидир тупроғи,  
Сизники тошу тоғи,  
Хон бўлмаса Жамбилда  
Қайғу ҳам бўлмас дилда,  
Мана бу ота Тарлон  
Ҳаммангизга бош бўлур,  
Сизлар учун берар жон  
Ҳар ерда йўлдош бўлур».  
Ойгулдан жаҳон-жаҳон  
Эл барча рози бўлди.  
Қалби шодликка тўлди.  
Қирқ кечаю қирқ кундуз,  
Барча эркак, хотин-қиз  
Ўйнаб байрам этдилар.  
Золим хонни йўқотиб,  
Қайғуларини отиб,  
Муродига етдилар.  
Шундан сўнг бизнинг Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Ўз Бахтиёри сари,  
Ўз севган ёри сари  
Сусамбилга йўл олди.  
Эл карнай-сурнай чалиб,  
Замбараклар бўшатиб,  
Уни узатиб қолди.

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Шоир сусамбиллик подачи Бахтиёрни қандай тасвирлайди? «Гўзал эди ва чинор Қоматиға эди зор», «Кўкраклари бутун бир офтобни яширарди» каби мисраларда шоир нима демоқчи? Бахтиёр кўз ўнгингизда қандай инсон сифатида намоён бўлди?
2. Бахтиёр билан Ойгул қандай қилиб бойиб кетдилар? Улар бу бойликларни нимага сарф этдилар?
3. Ойгулни сандиқда тутиб олган чол сандиқни сотаман деб бахтсизликка учради, Бахтиёрнинг отаси эса икки гавҳарни жуда омадли сотиб олди. Нима учун муаллиф икки чолнинг тақдирини икки хил қилиб берган деб ўйлайсиз?
4. Ойгул «Сусамбилда биз янги  
**Бир дунё қурмоқчимиз**», – деб нимани назарда тутди?
5. Уч сандиқ олтин миллион одамга уй қуришга етадими? Ойгул қандай қилиб қилиб шунча одамни бахтли қила олди деб ўйлайсиз?
6. Қаландар кийимида Ойгулни излаб келган кимса ким эди? У нима мақсадда Сусамбилга келган деб ўйлайсиз? Унга берилган жазо тўғри бўлдими?
8. Ойгулнинг Жамбил юртини озод қилиш ҳақидаги қарорини қўллайсизми? Нима учун?
9. Ойгул билан Бахтиёр қандай улуғ ишни мақсад қилдилар ва бу мақсадни қандай амалга оширдилар?
10. Ойгул нега Жамбил элини Сусамбилга олиб кетмади? Жамбил элига ким подшоҳ бўлди?
11. Ойгулнинг: **Сусамбилни қўйинглар Ва Жамбилни суйинглар,**  
**Сизникидир тупроғи, Сизники тошу тоғи,** – деган сўзларида қандай муқаддас туйғу ифодаланган?

### **Баъжаринг:**

1. Ойгулнинг қандай қилиб Бахтиёр хонадонига келиб қолганини сўзлаб беринг.
2. Эртақдаги сифатлаш, ўхшатишларни аниқланг ва дафтарингизга кўчириб олинг. Шоир маҳоратига баҳо беринг.
3. Эртақдан олган таассуротларингизни расм орқали ифодаланг.
4. Эртақдан парчалар ёд олинг.

## **АНВАР ОБИДЖОН**

(1947 йилда туғилган)



Анвар Обиджон 1947 йил 8-январда Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида дунёга келди. 1960 йили ўрта мактабда ўқиб юрганида Анвар Обиджоннинг «Ғунча» журналида «Шкафжон» номли биринчи шеъри босилди. У 1973–1979 йилларда ТошДУнинг журналистика факультетида сиртдан ўқиди.

Анвар Обиджоннинг «Она ер», «Оловжон ва унинг дўстлари», «Безгакшамол», «Аканг қарағай Гулмат», «Олтин юракли Автобола», «Аламазон ва Гулмат хангомаси»,

«Мешполвоннинг жанглари», «Олтиариқ хангомалари», «Одобли бўлиш осонми?», «Мешполвон» сингари 20 дан ортиқ китоблари босилиб чиққан.

Адиб аксарият асарларини болаларга бағишлайди. Иккинчидан, у ҳам насрда, ҳам назмда бирдай қалам тебратаети. Учунчидан, Анвар Обиджон сатира ва юморда ўз йўли, услубини топиб олган. Тўртинчидан, ёзувчи зинҳор миллий қобикқа бурканиб қолган эмас. Унинг асарларини дунё болалари завқ-шавқ билан ўқийдилар. Бешинчидан, Анвар Обиджон асарлари саҳнавий, томошабинлик характериға эға, уларни телефильм, бадий фильм қилиш, саҳнада кўрсатиш мумкин. Унинг «Кўнғироқли ёлғончи», «Топсанг ҳай-ҳай», «Қоринботир», «Тўтиқуш» каби асарлари театрларда саҳналаштирилган. «O‘zbekfilm» киностудиясида бу адиб сценарийлари асосида «Тилсимой – ғаройиб қизалок», «Даҳшатли Мешполвон» комедиялари кино тасмасига туширилган.

Анвар Обиджон 1997 йил «Шухрат» медали билан тақдирланган, 1998 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлган.

### Айтмишлари ва фикралар

Ижодкор бўлишимға сабаб нима? Бу ҳақда жуда кўп ўйлайман-у, қатъийроқ хулосаға келолмайман. Эртақ тинглашни ҳаддан зиёд яхши кўрган десам, эртақни ёқтирмайдиган боланинг ўзи йўқ. Бадий китоб ўқишға муккамдан кетганим десам, мендан ўн чандон «китобхўр» мактабдошларим ҳам бор эди...

Ҳақат бир нарса ёдимда яхши сақланиб қолган: дадам билан шаҳарға борганимда, киоскада турган чиройли ўзбекча журналға кўзим тушди, уни сотиб олдик. Бу янги пайдо бўлган «Ғунча» журналининг дастлабки сонларидан бири экан. Ундаги айрим шеърлар кўзимға жудаям оддий кўринди-ю, кўнғлимда ўз-ўзидан «мен ҳозирок бундан яхши ёза оламан», деган фикр уйғонди. Кейин, илгаригидек онда-сонда ёзмай, журналға кунига, кун оралаб шеърлар жўната бошладим. Олтинчи синфдалигимда «Ғунча» ходими Миразиз Аъзамнинг кичик таҳрири билан, ниҳоят, шеърим биринчи марта эълон қилинди. Шундан бери «шоирман» деб ёзиб келяпман.

Лекин, бу гапим билан, ижодкор бўлишимға журналда босилган бўш шеърлар сабабчи, демоқчи эмасман. Шахсий китобим сифатида хотирамда қолган биринчи китоб – «Алифбе».

Болалигимда кўпроқ эртақ ва халқ дostonларини ўқирдим. Ғўрўғли, Алпомиш, Авазхон, Барчин, Зулхумор, Қиличботир образлари бир умр ёдимда қолди. Кейинроқ улар сафига Буратино, Робинзон Крузо, Геклберри Фин кўшилди. Бундан ташқари, классик шоирларимиз ғазалларини тушуниб-тушунмай, ҳадеб титкилайверардим. Машрабнинг баъзи ғазалларига 6 – 7 синфда ўқиб юрган пайтларимда «мухаммаслар» ҳам битганман.

Ҳозирги болаларда ярқ этиб кўзға ташланадиган яхши ҳислат – оғзидагини олдириб қўядиган, ландавур бўлмастикка интилиш. Ёмони эса... улар кўпинча тараққиёт сеҳрғарликлари ортидан чопқиллашға берилиб кетиб, ҳақиқий мўъжиза – табиат ва ундаги жонзотларға бефарқ бўлиб қолишмаяптимикиан?

У ёки бу халқнинг оғзаки ижоди нечоғли ранг-баранг, нечоғли теранлигига қараб, ўша халқнинг ўтмиш маданияти қанчалар юксак бўлганини билиб олиш мумкин.

Ўзбеклар бу борада дунёдаги энг бой халқлардан бири экани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Куш инида, бола уйида кўрганини қилади. Болалар китоб мутоаласидан узоклашиб бораётган экан, бу биринчи галда, оилаларда китобхон ота-оналар танқислашаётганидан далолат беради. Бунга биргина китоблар нархи қимматлашгани эмас, китоб савдоси тизимининг фаолияти сусайгани, кишлоқлар тугул, бир қатор туман марказларида ҳам китоб дўконлари йўқолиб кетгани катта сабабчидир.

Аслида, одамлар қаторида тирик юришимиз учун нон қанчалик зарур бўлса, одам деган номни оқлаб яшашимизда китобнинг аҳамияти шунчалар муҳимдир. Ер юзида чумолилардек тез урчиб бораётган инсоният, агар фан ва техника тараққиётига таянмаганида, аллақачон очликдан қирилиб кетган бўлиши мумкинлиги, неъматлар мўлкўлчилиги замирида борлиқ илму билимлар қулфининг қоғоз калити ҳисобланмиш китоб ётганлигини болалар мурғакликданок англаб етишларига эришмоғимиз керак. Японларга ўхшаб, фарзандларимизни ҳали тили чиқиб улгурмасданок расмли китобларни варақлашга ўргатолсак, юртимизнинг эртанги кунидан ташвиш тортишимизга ўрин қолмайди. Олманинг ўзини еб роҳатланмаган бола олманинг шарбатига бирон-бир ачқимтир дори эмасмикин деб безиллаб қараши турган гап. Ота-онаси, боғча опаси ўқиб берган ёки ўзи таталаб ўқиган бадий асарлардан ҳузурланган болада китобга нисбатан меҳр, ҳурмат, энг муҳими – мутоалага кунт кўникмаси ҳосил бўлади, дарсликларга ҳам ўшандай қизгин иштиёқ билан ёндошади. Бадий китоб – ўзинг ёқтирган таом, дарслик – биров узатган овқат. Кейингисини суйиб ейиш-емаслигинг пазанда дидингни нечоғли яхши билишига боғлиқ.

## МЕШПОЛВОННИНГ ЖАНГЛАРИ

### Қиссадан парча

*Ўзбекнинг доно бахшиларига шогирд тушиб,  
ушбу дostonга қўл урдим.*

Ёзувчидан

Мешполвон тўғрисида олтиариқликлар жуда кўп ҳангомалар айтиб юришади. Буларни эшитмабсиз, дунёга келмабсиз. Лекин, шунисиям борки, унинг ғаройиб кечинмаларини биров ундоқ таърифласа, бошқаси: «Йўқ, аслида бундоқ бўлган», дейди. Менимча, эртақчиларнинг ҳаммасиям ҳақ. Чунки, зиғирдеккина ҳақиқатдан туғилган қиссанамо бу чўпчак асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб, кенг илдизлайверган, ҳар бир ота-она ўғил-қизига ўзидан қиттак кўшиб сўзлайверган. Ахвол шундай бўлгандан кейин, энди борини ортиқча яширмай, йўғини лофлаб<sup>1</sup> оширмай, сизларга ўртачасини ҳикоя қилиб берганим тузук.

Айтишларига қараганда, ўша омадли Мешполвон келажакда ўз ишлари афсонага айланиб, номи тарихда қолишини ҳали билмаган чоғларидаёқ, ташқи қиёфаси билан бошқалардан яққол ажралиб тураркан: икки лунжи ноғора, бети офтобдан зоғора, жағида эшак тепкиси нақшлаган чандиқ, қорни нақ қирқ пудлик<sup>2</sup> сандиқ, бурни

<sup>1</sup> Лоф – ақл ишонмайдиган даражада бўрттириб, ошириб тасвирлаш.

<sup>2</sup> Пуд – оғирлик ўлчови, 16 кг.

мушукникидек пучук, елкаси баайни хурпайган чумчук, бўйни олдинга энкайган, қулоқлари динкайган, оёқ босиши иланг-биланг, боши Ёзёвон<sup>1</sup> чўлидек яп-яланг, кўринишидан камгап-у анқов, аслида махмадана-ю мижғов, кўзлари бойқушникидек ола... хуллас, росаям кизиқ бола экан.

Шу болапакирнинг хандалакдек бошига момагулдиракдек кўргилик ёғилиб, ўн икки ёшга тўлиб-тўлмамай тирик етим бўлиб қолди. Йиртқич Сепкилшоҳнинг қора папоқ кийган аскарлари сел янглиғ босиб келиб, унинг болалик қувончларини беаёв ювиб ўтди. Хонадонлар талон, кулбалар вайрон, экинзорлар пайҳон бўлди. Тирик қолган жангчилар билан соғлом қиз-жувонларни занжирбанд этишиб, бирини кул, бирини чўри сифатида Қаҳратония деган узоқ ўлкага ҳайдаб кетишди. Уларнинг орасида Мешполвоннинг ярадор дадаси билан кўзлари кийикникидек чиройли онаси ҳам бор эди.

Мешполвон хўнг-хўнг йиғлаб, банди қилинганлар ортидан анча жойгача эргашиб борди. Шунда дадаси унга ўқрайиб: «Ойимқизларга ўхшаб ҳикиллама! Юрт сенга қоляпти!» – деб жеркиб берди. Онаси бўлса, ўғлига юраги тўликиб бир қараб кўйди-ю, негадир тезда юзини ўгириб олди.

Дадасининг гапидан кейин, Мешполвон ўз-ўзидан жойида тўхтаб қолди, даштнинг чақир йўлида имиллаб қадам ташлаётган одамларнинг қораси ўчгунича мўлтираб тураверди.

Юзлаб оёқлар остидан кўтарилиб, уфқни тумандек қоплаб олган чанг аста-секин сепсилди, илонизи йўл энди бўм-бўш эди. Банди қилинганлар сафи бутунлай кўздан йўқолган бўлса-да, улар айтиб бораётган кўшиқ болакайнинг қулоқлари остида қайта-қайта жаранглайверди:

Мардлар сенга фидо бўлди,  
Бизлар тирик жудо бўлдик,  
Кечир бизни, она юрт.

Мунгли кўшиқ айтмоқдамиз,  
Сени ташлаб кетмоқдамиз,  
Кечир бизни, она юрт.

Анча маҳалгача дараги бўлмаганидан юраги пўкиллаб, душманлар унияма қулликка судраб кетишдимикан деб жони ҳалак юрган энаси, Мешполвоннинг соғ-саломат қайтиб келганини кўриб, аввалига севинчи ичига сигмай қолди. Кейин бир-данига «хув-хув»лаб йиғлашга тутинди:

– Қора папоқ<sup>2</sup> кийганлар ҳамма нарсамизни талаб кетишди. Энди сени қандай тўйдираман, етимчагинам?

– Мунча ваҳима қиласиз? – деб чинқирди Мешполвон. – Филни пишириб беринг деярманми? Жа борса, бир қозон шўрва ичиб, икки тандир нон ейман-да.

Яхшиямки, бу юртнинг қуёшли ойи кўп, тупроғининг мойи кўп, ариқ билан сойи кўп. Босқинчилар кетганидан кейин, ёз ўрталарида экилган бўлишига қарамай,

<sup>1</sup> Ёзёвон – Фарғона водийсидаги чўл номи.

<sup>2</sup> Папоқ – мўйнаси сиртига қилиб тикилган чўзинчоқ телпак.

арпа-ю бугдой, мош-у ловия, макка-ю шоли, жавдар-у кўноқ, қизилча-ю ошқовоқлар кеч кузга қолмасдан пишиб етилди. Одамлар кўп тиришиб, кам ухлаб, тут шиннисини зоғора нонга булаб, ошқовоқни сутга димлаб, беҳи баргидан чой дамлаб, қулликка кетганлар ғамида кўз намлаб, қишдан эсон-омон чикиб олишди.

Бу даврда Мешполвон билан энасига, айниқса, қийин бўлди. Кампир бечора ўзини унутиб, чала тўйиш туфайли неварасининг кўзлари киргайиб бораётганига қуёнса, хўратомоқ<sup>1</sup> бола дўмбирадек қорни кун сайин пучмайиб, белида иштон ўрнашмай қолаётганидан ичикиб юрди.

\* \* \*

Сирдарё билан Амударё жўш ураверди, Орол денгизи тўласича тураверди. От кетидан тойлар ўтиб, кун кетидан ойлар ўтиб, яна бодом гуллади. Қушлар чуғурлашни, чумолиллар ушоқ ўғирлашни бошлади. Мешполвоннинг юртдошлари асалари галаси билан бир вақтда тирикчилик ташвишига тушди. Кампирлар уруғлик донни саралаб, чоллар кўш хайдашди, қизлар ариқ тозалаб, ўғил болалар кесак янчишди.

Шудгордаги қоп-қора дўнгалак кесаклар худди қора папоқли бошларга ўхшарди, болакайлар уларни аямасдан янчиб, хавасга теша уришаверди.

- Вуй, манавининг катталигини-и!
- Сепкилшоҳнинг аскарбошиси ана шу-да.
- Ие, бир уриб атала қилайлик бўлмаса. Мана!
- Ҳаюв-в!!!

Олиб тешатўқмоқни,  
Янчинг қора папоқни,  
Ҳаюв-в!  
Билакда куч тўплаймиз,  
Юракда ўч тўплаймиз,  
Ҳаюв-в!  
Тоғимизда лола кўп,  
Юртимизда бола кўп,  
Ҳаюв-в!  
Майли, бизни кўрган чоқ  
Қуйиб ўлсин Сепкилшоҳ,  
Ҳаюв-в!

Уруғлар сепилиб, кўчатлар экилиб, сукут ўрнини умид эгаллади. Дехқоннинг оёғи далада, оғзи ялада бўлиб қолди.

Лайлак ўтиб ғоз келди, баҳор кетиб ёз келди. Жўжалар хўрозга, куртаклар чаросга айланди.

Бошоқларга ўроқ, қовунларга пичоқ тегиб, жазлар<sup>2</sup> бир қозон, тандирдаги ўтлар аламазон бўлди.

Мана шундай файзли кунларнинг бирида Мешполвон ўтин ёраман деб, тўнка яқинида турган сопол тоғорани синдириб қўйди. Шу нарса баҳона бўлди-ю, ўғлини

<sup>1</sup> Хўратомоқ – овқатни танламай кўп ейдиган (асосан, хайвонларга нисбатан айтилади).

<sup>2</sup> Жазлар – қовурилган масаллик.



соғиниб, кўпдан бери ичидаги захрини кимга сочишни билмай юрган энаси хумор ёзиб саннашга тушди:

– Битта тўнгатки эплаб ёролмайсан, яшшамагур. Бўйинг терак бўлсаям, ўзинг эркак бўлмадинг. Эркак бўлганигда, ота-онангни қулликка жўнатвориб, томошақовокдек дўмпайиб ўтирармидинг? Ҳой, кўзимга қара, жигарларинга қуйишни билмасанг, одамлардан уялишни бил. Орият<sup>1</sup> деган нарса борми ўзи сенда? Ориятинг бўлмаса, бўйинингни бўйинтурукдек қилиб юравер. Э, сатқайи одам кет!

Қорнидай катта, иштаҳасидай кучли бўлмасаям, ҳарқалай Мешполвонда ўзига яраша ҳамият<sup>2</sup> бор эди. Энасининг гапи юрагига ачиштирарли даражада оғир чўкиб, дилида ғашлик чуваланди. Отга мингаштириб бозор кезадиган дадаси билан очлигини кўзидан сезадиган онасини ўзиям ўлгудек соғиниб юрувди. Кампирнинг хархашаси туртки бўлиб, эркаклик нималигини биздан кўрасиз энди, дея шартта сафарга ҳозирланди. .

Аммо, ғариб жангчининг на маҳсус уст-боши, на қурол-аслаҳаси бор эди. Як-так-иштон устидан астарсиз чопонини кийиб, белига чилвир боғлади, елкасига хўкизтери пўстакни илиб, қатик ивителиладиган сопол чапани<sup>3</sup> бошга дубулғадек ўрнаштирди, белбоғига даскалла<sup>4</sup> қистирди, қозоннинг ёғоч қопқоғини қалқон, учига бигиз қоқилган ўқловни найза қилди. Қўшни чолнинг олдинги оёғи оқсоқ хачирини<sup>5</sup> қарзга олиб, эгар-жабдуқ урди. Унга минмоқчи бўлганида, офтобда қизиб турган узанги<sup>6</sup> оёғини жизиллатди. Ўша турқ-атворда хачирни етаклаб энасининг қошига борди, унинг кийилганда чоки тепада турадиган, тагчармсиз шалпилдоқ ковушига суқланганича бир сўз деди:

Сепкилшоҳнинг элатига қилай юриш,  
Бўлар энди дунёда энг катта уруш,  
Ноқулайдир ялангоёқ жангга кириш,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.  
Токи чапя бутун экан – бошим омон,  
Пўстакдан ўқ ўтмас душман отса камон,  
Бир ургандинг, гурзидан ҳам ўқлов ёмон,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.  
Қозонқопқоқ юрагимни асраб юрар,  
Сепкилшоҳинг кимлигимни энди кўрар,  
Ғалабага битта ковуш етмай турар,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.

Мешполвондан бундай қаҳрамонликни кутмаган энаси олдиниға иккиланиб қолди. Кўсов билан савалаб, шаштидан туширмоқчи ҳам бўлди. Лекин, синчиклаб қараса, аҳди қаттиқ, кўзида аччиқ, лаблари пичирлаб, тишлари ғижирлаб турибди.

<sup>1</sup> Орият – ор-номус, уят.

<sup>2</sup> Ҳамият – номус, ор, ҳиммат

<sup>3</sup> Сопол чапя – суг, қатик, суюқ овқат солиш учун ишлатиладиган сопол идиш.

<sup>4</sup> Даскалла – дарахт шохини кесадиган асбоб; (даст – қўл, калла – бош)

<sup>5</sup> Хачир – отдан кичик, эшакдан каттароқ, улов учун боқиладиган уй ҳайвони.

<sup>6</sup> Узанги – отга, хачирга, эшакка минаётганда ва минганда оёқ қўйиладиган темир мослама.

Қайсарлиги кўзиганини сезиб, энди уни йўлдан қайтаролмаслигини фаҳмлаб, индамай хужрага кириб кетди. Бир зумдан кейин икки кўзи озиқ-овқатга тўлдирилган хуржунни зўрға кўтариб чикиб, эгар қошига ўнгарди. Калишини ечиб бераётиб, панд-насихатлар билан неварасига оқ йўл тилади:

Йўлинг ойдин йўл бўлсин,  
Босган изинг мўл бўлсин,  
Янтоқ узсанг, гул бўлсин,  
Тиконлари тилмасин.

Сўз қуйилар лабимдан,  
Мағиз чайна гапимдан,  
Нон тилама ҳар кимдан,  
Нафсинг бузук бўлмасин.

Учраса ҳам ўтинчи,  
Салом бергин биринчи,  
Сени кўрган ҳар синчи<sup>1</sup>  
Одобсиз деб билмасин.

Мешполвон ўзини хачирга жойлаб, энасининг гапини белига бойлаб, йўлга тушди. Йўллар эса кафтдаги ажинлардек чизиқ-чизиқ, ярми текис-у ярми бузук, бири чексиз-у бири узук эди. Болапақир оқсоқ жониворини ниқтаб, ҳар қайси гузарда бир тўхтаб, тепа келса ўрлаб, нишабликда ашулани туёқ овозига жўрлаб бораверди:

Олма едим бақалоғидан,  
Гилос едим чақалоғидан,  
Анжир едим япалоғидан,  
Боғбон буванинг шапалоғидан...

Шу куйи неча чойхона-дўқондан, Бағдод-у Қўқондан, чўл-у даштдан, Исфара-ю Аштдан зиён-заҳматсиз ўтди, мажруҳ хачирни Жиззах-у Шаҳрисабзга тик солдириб, яна неча маконни ортда қолдириб, Қизилқумга етди. Саҳрода бир ҳафта юрди ҳамки, на қўқайган дарахт кўринди, на сўппайган қудук. Гоҳ қаттиқ нон кемириб, гоҳ мешдан сув симириб, Сепкилшоҳнинг қасдида олдинга кетаверди. Сепкилшоҳ эса бу вақтда ҳашамдор қасрида бамайлихотир айш суриб ётар, ер юзининг назардан қолган қайсидир нуктачасида ўзига қарши даҳшатли бир куч силжиганидан мутлақо беҳабар эди.

\* \* \*

Бир куни кечки пайт бўрон бошланиб, ер-у осмонни тўзон қоплади, Мешполвонни хачирига қўшиб ерга чаплади. Ҳайвон бошимдан садаға дея жиловни қўйвориб, хуржунни маҳкам қучоқлаганича пўстакка бурканиб ётаверди. Кўзи қумга, оғиз-бурни шўртак тузга тўлди. Тонгга яқин бўрон тингач, энди саҳрони хурраги билан бесаранжом қилиб, лоҳас ухлаб қолди.

---

<sup>1</sup> Синчи – сезгир, билағон.

Чошгоҳ<sup>1</sup> маҳали уйғониб қараса, ҳатто қилт этган шабада йўқ, куёш тиккага келиб, ерни кабобдек жазиллатиб турибди. Кал бошидан оққан тердан чапаяда бир чўмич сув тўпланибди. Омон қолганим ростми-ёлғонми деб осмонга тупуриб кўрди. Лойқа ту-приги шап этиб пешанасига қайтиб тушган чоғда ич-ичидан қувониб кетди.

Шундан кейин хачирини қидириб теваракка аланглади-ю, кўркинчли манзарадан баданига қалтироқ кириб, юраги така-пука тепди. Кўмилиб ётган хачирнинг думи билан тумшугигина қум юзасида аранг кўзга чалинар, тумшукнинг устида иккита гурза илон бўйин тиккайтирганича бир маромда тебраниб «рақс тушаётганди».

Мешполвон оёғини олти қилиб қочишним, қумга санчилиб турган ўқловни олиб илонларга отишним билмай, бирпас хўшшайиб қолди. Эс-хушини йиғволгандан сўнг: «Ке, мендан нима кетди, шу турки совуқларгаям бир хушомад қипкўрай-чи», деб сўзга оғиз жуфтлади:

Илон тушга кирса – бойлик,  
Вой, мунчаям сиз чиройлик,  
Яшанг, илон афандилар!

Мен ва хачир ўртоқ бўлиб,  
Келдик сизга қўноқ бўлиб,  
Яшанг, илон афандилар!

Мешполвон шундай дея хуржунидан бир ховуч талқон олиб, ерга сепди. Сахро хўжайинлари сиполик билан судралиб келиб танаввулга киришган дамда, фурсатдан фойдаланиб, хачирини халос қилишга тутинди. Жониворни ердан қазиб олгач, тирикчилик қилиб мадор тўпласин деган мақсадда янтоқзорга ҳайдаркан, илонлар томонга зимдан назар ташлади. Улар талқонни тинчитиб бўлишиб, мазахўраклик билан яланиб туришарди.

– Хуш кўрдик, илон афандилар,– дея икки кўлини кўксига чоғиштирди Мешполвон.  
– Хўп, хайр бўлмаса.

Илонлар ҳамон дикрайиб турганидан дили қоронғулашиб, бу сурлар хачир ик-каламизни еб бўлмагунча кетмайди шекилли, деб ўйлади. Ўлганининг кунидан хиринглаб, уларнинг олдига чўкка тушди.

– Яна меҳмон қилай десак, ўзимиздаям жиғилдон бор, – деди у ютиниб. – Уйдаги-ларга салом айтасизлар-да энди.

Илонлар қаттиқ вишиллаб, кутилмаганда Мешполвонга ташланишди, бир сап-чиб, унинг қўйнига кириб олишди. Қабристондек жимжит сахро зумда дод-фарёдга тўлди: «А-а-а!!! Вой- до-о-д! Ўлди-и-м! Ўляпма-а-н! Вой, эна-а-а! Энажо-о-н!!!»

Мешполвон у ёққа юмаланиб йиғлади – ўлмади, бу ёққа юмаланиб йиғлади – ўлмади, ўрнидан туриб, уввос солганича хачир атрофида қирқ марта айланди ҳамки, тирикчигича қолаверди. Бақирини охири жонига тегиб, жағини тийди, қўйнига секин қулоқ солди. Ҳалиям бу дунёда турганига ишонч ҳосил қилиш учун яна осмонга тупуриб кўрди. Туприги қайтиб тушиб, бу сафар бурнига чапланди.

Шундан кейин сал-пал ўзига келди. Қўллари қалт-қалт титраб, хуржундан қула-ча олди, бир бўлагини майдалаб, эҳтиётлик билан қўйнига тикди. Илонлар «виш-виш»лаб тўлғанганича, озикни домига торта бошлаганидан кўнгли жойига тушиб, ўзи

<sup>1</sup> Чошгоҳ – куёш тиккага келган пайт.

ҳам кўрқа-писа кавшанишга киришди. Ҳар ютинганида бўйнини чўзиб, бу аҳволдан хўрлиги кўзиб, янтоқзорда қорин тўйдираётган хачирига юзланиб, бир арз айтди:

Бўрон келди тескари,  
Чанг-тўзонлар – аскари,  
Сен якка-ю, мен якка.

Сахро қопкон, тўр экан,  
Пешанамиз шўр экан,  
Сен банди-ю, мен банди.

Мешполвон бу гаплардан кейин ҳар қандай махлуқ ҳам «оҳ» чекиб юборса керак деб ўйлаган эди, ундай бўлмади, нодон хачир индамай нафсини қондираверди.

### ***Муҳокама қиламиз:***

1. Мана, эртақ-достондан каттагина бир парчани ўқиб чиқдингиз. Сизга ёқдими?
2. Мешполвон ким? Унинг болалик чоғида қандай воқеалар юз берди?
3. Мешполвон билан бувиси қандай шароитда яшай бошлашди?
4. Мешполвон яшаган юрт табиати, деҳқончилиги, боғдорчилиги ҳақида ёзувчи қандай маълумотлар беради?
5. Бувининг қайси дашномлари Мешполвонни сафарга отлангирди?
6. Бувиси сафар олдидан Мешполвонга қандай насиҳат қилди? «Ёнғоқзорда ухлама», – деган ўғитни қандай тушундингиз?
7. Мешполвон йўлда нималарга ва қандай ходисаларга дуч келди?

### ***Бажаринг:***

1. Мешполвоннинг портрети, яъни қиёфаси тасвирини дафтарингизга кўчириб, қофиядош сўзлар тагига чизинг.
2. Мешполвоннинг жангга отланиш жараёнини, унинг жанг қуроқларини тасвирлаб беринг. Бу тасвирдаги кулгили ўринларни топинг.
3. Илонларнинг Мешполвонга муносабатини сўзланг.
4. Достондаги шеърӣ парчалардан намуналар ёд олинг.

\* \* \*

Аждодлари ер чопиб, уруғ сочиш билан кўҳна хонадонга ризқ улашиб келган Мешполвон илгари саҳрони ҳеч кўрмаган эди. Сахро деганда ҳар вақт унинг кўз ўнгида тўлқинлари қотиб қолган денгизни эслатувчи яп-яйдоқ қум барханлари жонланарди. Унчалик эмас экан. Бу масканнинг ҳам ўз шовқин-у жимликлари, майса-ю ўсимликлари, муқим кун кечирувчи жонзот-у ҳашаротлари, алоҳида бардошга йўғрилиб<sup>1</sup> яратилган парранда-ю даррандалари<sup>2</sup>, ҳар бирининг ўзига хос яшаш тарзи, айни чоғда, бир-бирига занжир ҳалқаларидек боғлиқлиги, фақатгина шу жойга мансуб ҳаёт қонунлари бор экан.

Одамзод доимо одамлар орасида ўзини эркин ва қудратли сезади, четга чиқди дегунча турли хавф-хатарга йўлиқади, ёлғизланиб, пашшадек ожизланиб қолади.

<sup>1</sup> Йўғрилмоқ – аралаштирмоқ, қоримоқ, қориштирмоқ.

<sup>2</sup> Парранда-ю дарранда – қушу ҳайвонлар.

Ўрмон айиқлари билан, тоғ-адир бўрилари билан, чакалакзор қоплонлари билан, уммон<sup>1</sup> наҳанглари<sup>2</sup> билан, дашт қашқирлари билан, тўқай тўнғизлари билан уни ҳуркита бошлайди, қалбида яна тезроқ одамларга бориб қўшилиш истагини алангалатади.

Сахрода ҳам шундай бўлди. Совуктурк<sup>3</sup> эчкимарлар галаси ўттиз кадамча орқароққа ёйилиб олиб, Мешполвон билан унинг хачирини талай жойгача таъкиб қилиб боришди. Улар тунги бўрон маҳали шунча ўлжадан беҳабар қолганларидан афсусланиб, бахтларига бошқа бирон офат юз беришини кутганларича умидвор эмаклаб келишарди.

Мешполвон хачирга тескари ўтириб, бигизли ўқловни қўлига қўндириб, эти дир-дир титраб, йиртқичларга зоғланиб қараб, тўхтамасдан илгарилаб кетаверди. У умрида илк бор содир бўлиш эҳтимоли кутилаётган катта жангга ўзини шайлаб, қозонқопқоқ ушлаган қўлининг бошмалдоғида қорнига қистириғлик даскалла тиғини сийпаб-сийпаб қўярди. Кун тиккага келиб, борлиқни жизғанак қилишга уринаётган паллада эчкимарлар салқин инларида жон сақлаш учун тарқалишди.

Жизгин барханларнинг чеки йўқдек эди. Мешполвон бир-икки кундан кейин: «Бу сахронинг чети ер тугаган жойга бориб тақалса-я», деб хавфсирай бошлаган ҳам эдики, орқадан отлик кимсанинг қораси кўринди. Яқинлашиб келгач, мундоқ қараса, гулдор юган ушлаган, тагида тулпор кишнаган, кўзида қандайдир илинж, белида бир қулоч қилич, гавдаси ғўла, билагаи қувватга тўла бир ўспирин қаршисида турибди, қозонқопқоғ-у ўқловлардан ажабланиб, теграсида айланиб юрибди. Сиёғидан<sup>4</sup> пайқаш мумкинки, шошиб турса – қамчилаб, шошмаса – сўз билан чимчилаб ўтадиган чамаси бор.

Унинг авзойидан чўчинқираган Мешполвон кўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш кўриб, қолаверса, қўйнидаги илонларига ишониб, бошидан чапани олди, пешана-сидаги терни енгида артиб, тўсатдан дағдаға қилди:

Кўркмай ўлимдан,  
Турма йўлимда,  
Ўқлов қўлимда,  
Илон қўйнимда.

Бу қозонқопқоқ  
Мардларга яроқ,  
Даскаллам – пичоқ,  
Хачирим чўлоқ

Бошимда йўқ соч,  
Чапя менга тож,  
Йўлни тўсма, қоч,  
Ўзи қорним оч.

---

<sup>1</sup> Уммон – океан.

<sup>2</sup> Наҳанг – акула, кит; кўчма маънода «юлғич», «тўймас», «очкўз».

<sup>3</sup> Совуктурк – совук юзли, хунук.

<sup>4</sup> Сиёғи – авзойи, кўриниши.

Буни эшитган аслзода ўспирин Мешполвонга масхараомуз тикилиб, отдан хачирга букилиб, сўроқ-қистовини бошлади:

Таппайтириб бурнингни,  
Қаппайтириб қорнингни,  
Қаёқларга кетяпсан?

Туксиз каллангни очиб,  
Миянг қатикдай ачиб,  
Қаёқларга кетяпсан?

Оч қаргадек донсираб,  
Норгуядек ҳансираб,  
Қаёқларга кетяпсан?

Саҳрои тап-тақирда,  
Уч оёқли хачирда  
Қаёқларга кетяпсан?

Мешполвон ўзига гард юқтиргиси келмай, калака қилинаётганини гўёки сезмай, жиддий туриб жавоб қилди:

Йўлга чиқсам, асосим бор,  
Сепкилшоҳда қасосим бор.

Паҳлавоним дадам – унда,  
Меҳрибоним онам – унда.

Элимни у талаб ўтди,  
Асалимни ялаб ўтди,

Бориб озод қилайин деб,  
Энамни шод қилайин деб,

Каллалардан қаср қилди,  
Кўпчиликни асир қилди.

Қўғирмоч еб, кучни тўплаб,  
Йўлга тушдим кафтга туфлаб.

Бу гапдан кейин димоғдор ўспириннинг бирдан қиёфаси ўзгарди, «Кечир мени, биродар, дардингни сўрамасдан туриб қаттиқ тегиб қўйибман», дея отдан тушди. Келиб, Мешполвонга дўстона қўл узатди.

– Энди оға-ини бўламыз, – деди у очиқ чехра билан боқиб.

– Йўлимиз бир экан. Менинг отим Ошиқбола.

– Менинг тўғримдаги шов-шувларни эшитгандирсан, – деб бўйин шиширди Мешполвон. – Олтиариқдан чиққан даҳшатли Мешполвон менман. – Сўнг афсуслангандек бош тебратиб, қўшиб қўйди. – Сени номинг қулоғимга чалинмаган экан. Ҳе, аттанг...

Мешполвон шу гердаиганича ўзидан қувониб тураверсин. Биз уни пича тинч қўйиб, Ошиқбола билан яхшироқ танишиб олайлик.

\* \* \*

Воҳ, нуридийдам<sup>1</sup> китобхоним! Тили бийрон болакайлар! Ширин-шакар қизалоқлар! Сизлар жудаям омадлисиз. Чунки ўзбекларга фахрли, ёвларга қахрли бўлмиш довюрак Гўрўғлибек ҳақидаги қизиқ ривоятларни эшитмаган, унинг мардона жангларини шарафловчи дostonларни ўқимаган шўрпешаналар орангизда йўқ.

Эсингизда турган бўлса, енгилмас Гўрўғлибек шунча давр суриб, биттаям фарзанд кўрмади. Ҳасанхон деган болани Ваянган элатидан, Авазбекни Хунхор юртидан олиб келиб, тарбиялаш учун бунисини Мисқол парига, унисини Оға Юнус парига тутқазди.

<sup>1</sup> Нуридийдам – қалбим нури, севикли.

Болалар улгайиб йигит бўлди, бири лочин-у бири бургут бўлди. Кўп савдоларни бошдан кечириб, ғанимларнинг кайфини учириб яшади. Ҳасанхон сулув хон Даллига уйланиб ўғил кўрди, отини Равшанбек кўйди. Авазбек билан Гулқиздан эса қиз туғилиб, номи Гуланор бўлди.

Неча марта қор эриб, неча бор чечак унди. Қиз эркаррок, ўғил серкаррок бўлиб вояга етгач, Ҳасанхон Авазбекнинг хонадонига совчи жўнатди. Кекса Гўрўғлибекнинг ўзи ўртага тушиб, оқлик сўраб борди. Авазбек бўлса ўз оғаси Ҳасанхоннинг ўғлини қизига тенг кўрмай, бобонинг дилини оғритди. Бу орада Равшанбек Ширвоншоҳнинг кизи Зулхуморга ошиқ бўлиб, юз хил қувонч-азоб кўриб, охири унга уйланди.

Яна кун кетидан ойлар ўтди, қўлдан-қўлга чойлар ўтди, Равшан билан Зулхумор сочи жингалак, пешанаси дўнғалак, зотдор кўзидек тўлпоқ, қоракўз-у оппоқ ўғил кўришди, исмини Ошиқбола кўйишди. Ошиқбола уч ёшида ариқдан сакраб ўтадиган, тўртида ҳарф битадиган, бешида китоб титадиган, олтисида ўзини отда эркин тутадиган, еттисида нонга ханжарда ёғ суртадиган, саккизида ўқ-ёй билан тангани йиртадиган, тўккизида тухумни хом ютадиган, ўнида полвонларни елкада туртадиган, ўн бирида уйида ошна кутадиган, ўн иккисида ҳафталаб овга кетадиган бўлди.

Ўн учиди ҳам овдан кўнгли совимади. Бир куни чамбиллик чапдаст жўралари билан кийик қувиб юриб, Боботоғда бир гала қизларга дуч келиб қолди. Уларнинг сардори – Бойсун бегининг Ойтумор исмли қизига ишқи тушиб, элига сархушланиб қайтди, дардини Гўрўғлибек бобосига айтди. Бобоси қирқта гулдек навқарини чаман, уловларини саман қилиб, совға-ю мол-ҳол, яна учта оқсоқол билан Бойсунга совчи юборди. Кўп ўтмай совчилар икки қўли бурнида қайтиб, ноиложликнинг сабабини айтиб, Сепкилшоҳнинг аскарлари Бойсундаги сандиқларни қоқлаб, йигит-қизларни боғлаб, қул ва чўриликка олиб кетганини маълум қилишди. Буни эшитиб, Гўрўғлибекнинг юрак санчиғи, Ошиқболанинг аччиғи кўзиди. Бобосидан Ғиротни тилаб, дадасининг қиличини тасмага улаб, Сепкилшоҳга пинҳона<sup>1</sup> жағ силаб<sup>2</sup>, йўлга чикди...

Ошиқболанинг гапларини Мешполвон ўшандай ғўдайганича тинглаб бўлгач, унга бошдан-оёқ назар солиб деди:

– Дадам онамга совчи кўйганида, опоқ отам: «Ҳали ёш экансан, кураш тушсанг – белингни, ўғри босса – келингни<sup>3</sup>, душман келса – элингни сақлай олармикансан? Аввал илигингни тўлдир, бирон ишни дўндир, пайингни шишир, ақлингни пишир, кейин уйлан», деган экан. Сениям бошинг чумчуқдег-у, ёндим-куйдим дейишингга ўлайми?

– Зотимиз ўзи шунака, – деб ғурурланди Ошиқбола. – Дадам Равшан ботир ҳам ўн уч ёшида Ширвонда қилич савашиб, онамни олиб келган.

Буни эшитиб, Мешполвон чуқур хўрсиниб кўйди:

– Мени дадам ўттизида рўзгор қилган.

<sup>1</sup> Пинҳона – яширинча.

<sup>2</sup> Жағ силамоқ – ибора: «Сендан ўчимни, аламинни оламан» мазмунида.

<sup>3</sup> Кели – ичи ўйилган ғўла, келисоп билан уриб, унда дон туйишган.

Шу куйи иккаласи гапни гапга улаб, ёмоннинг номини балчикқа булаб, яхши-ни осмонга кўтариб, гармселдан<sup>1</sup> юзлари кўкариб, саксовулларни оралаб, поёнсиз сахрони бўралаб боравердилар. Бир ёқда жизганак азоби, иккинчи ёқда сув ва овқат тежами, яна уйкусизлиг-у саргардонлик балоси кўшилиб, уч-тўрт кундаёқ Мешполвоннинг холи танг бўлди: оғзи қақраб, томоғи тақиллади, жағи очилиб, тили осилди.

Ошиқбола ўзини анча бардам тутиб келаётган эди. Аммо, эрталаб қулоғи тагида қандайдир шиш пайдо бўлди-ю, иситма чиқиб, кўзларига кон қуйилди, белидан мадор кетди.

– Бўқок бўлганга ўхшайман, – дея руҳи сўниқиб пўнғиллади у. – Шу башара билан Ойтуморга қандай йўлиқаман?

Мешполвон пишиллаганича кўл силтаб деди:

– Хафа бўлма, ошнагинам, буни йўли осон. Озгина нонингдан берсанг, қандай тузатишни айтаман.

Ошиқбола Ғиротнинг юганини тортиб, секин ерга тушди. Отнинг белига ҳар кўзи тойпахтадек келадиган олача хуржун ташланган эди, очикқўл асилзода ундан тўртта нон, ярим халта толқон, йигирматача пиширилган тухум, майиз-туршак олиб, дастурхон ёзди. Ёзилаётган дастурхоннинг шабадасидан учган қумлар ҳали тўхтаб-тўхтамасидан, Мешполвон аллақачон шу жойга чордана қуриб улгурган эди. Ошиқбола нарсаларни бирин-кетин ўртага келтириб қўяётганда у ютоқиб тамшанганича, ҳар сафар: «Раҳмат, ошна. Кам бўлма», деб дуоғўйланиб турди.

Нихоят «олинг-олинг»га навбат етди. Ошиқбола дастлабки нон бурдасини оғзига солаётиб, тухумга сепишга туз йўқлигини кўрди-ю, бориб яна хуржунни титкилади. Тузни олиб келиб қараса, дастурхон шипшийдим. Нима бўлганини тушунмай, бир муддат анграйиб турганидан сўнг, Мешполвондан сўради:

– Ҳой, дастурхондагилар қани?

– Нима бало, сениям қорнинг очмиди? – дея безрайиб боқди Мешполвон. – Шуни олдинроқ айтмайсанми? Қўлингдаги ейдиган нарсамми ўзи?

– Туз.

– Қани, буёққа узат-чи.

Мешполвон тузни олиб, шартта оғзига тўқди. Ютаётиб ҳатто юзини буриштириб қўймади.

Улар овқатланиб бўлиб яна йўлга туришди. Ютинишга ҳам қийналаётган Ошиқбола йўл-йўлакай зоғорани сўриб бораётиб, «буқоқнинг давосини айтгин энди», деб зардаланди.

– Ҳозир айтаман, – деди Мешполвон. – Олдин озгина овқатдан чўзгин. Чика минан Пука эрдан чиқибди-ку.

– Ким дединг? – зоғорасидан бир тўғрамини узатаётиб сўради Ошиқбола.

– Илонларим, – дея озикни уч қисмга бўлиб, бирини ўнг қўйнига, иккинчисини чапига тикди Мешполвон. Учтинчи бўлакни эса ўзи ямлай бошлади. – Ўнг қўйнимдагиси – Чика, чапдагиси – Пука. Умрингда ошиқ ўйнаганмисан ўзинг? Отган ошиғинг ютуқ томонга ёнбошласа – чика, тесқари тарафи тушса, пука бўлади.

<sup>1</sup> Гармсел – иссиқ шамол (гарм – иссиқ).



Ана энди Мешполвоннинг Ошиқболадан кулишини кўринг:

Шўринг курсин, бахмал чопон,  
Улғайибсан жуда нодон.  
Ошиқ нима, билмасмисан?  
Ўзбакмисан, ҳабашмисан?<sup>1</sup>  
Бордир яна ёнғоқ ўйин,  
Ютсанг – овқат икки қўйин.  
Ёз келганда кириб боққа,  
Отганмисан зўлдир-соққа?<sup>2</sup>  
Ерга чизиб «чизма-чизик»,  
Сопол суриш ундан қизик.  
Ўйнамаган бўлсанг «Даства»<sup>3</sup>,  
Демак, мендан зарбинг паст-да.  
«Ҳаммом пишди» беш ёшга мос,  
Ўн ёшгача ҳайинчак ос.  
Катта бўлиб қолдик энди,  
Бизга бопи – «эшак минди».  
Билмайман деб жаҳлим қўзма,  
Ахир, машхур «Кулоқчўзма»<sup>4</sup> –  
Кам эмасдир улоғингдан,

Ўт чакнайди кулоғингдан.  
Ҳаммасини киёслаб кўр,  
«Мўри-мўри» ўйини зўр.  
Бордир яна «Бекинмачок»,  
Энг қалтиси – «Уршапалоқ»<sup>5</sup>.  
Қилар сени овчи, жангчи:  
«Ёппа кураш», «Шоли янчи»,  
«Пичоқ санчар», «Сопқон отди»,  
«Каманд чирмаш», «Арқон тортди».  
Аралашса агар қизлар,  
Келин-куёв сайлаб бизлар,  
Ўйнар эдик «Хола кучган»,  
Кимки совчи – қўлга тушган.  
Бўшанг кизни қилар қоқвош  
«Ҳакалакам» минан «Тўптош».  
Айниқса тил қайрар жуда  
«Олинг, куда-беринг, куда».  
Ўйнаганлар «Оқ-кўк терак»<sup>6</sup>,  
Чопа олар нақ пирпирак.

Етти пуштдан қолган мерос  
«Ҳалов, туя», «Тожихўроз»...  
Э, буларни ким билмабди,  
Бу дунёда туғилмабди.

Ошиқбола нафси ўткир йўлдошининг бидирлашларига бефарқ кулоқ солиб тур-  
гач, ковоқ-тумшуғи осилиб сўради:

– Бўқоқнинг давоси нима, деяпман? Ё хуржуним бўшамагунча айтмайсанми?

– Бўқоқмас бу, – деб ниҳоят асосий гапга ўтди Мешполвон. – Буни тепки дейиша-  
ди. Давоси осон: иккита кулчами, тўртта олмами, олтита варақими – ниманики топ-  
санг, ҳисобини жуфт қилиб, эгизак тукқан хотиннинг уйига борасан, қўлингдагини  
бериб, дардингни айтасан. Еган оғиз уялар деган гап бор. Хотин ҳамма ишини

<sup>1</sup> Ҳабаш – қора танли, занжи (негр).

<sup>2</sup> Зўлдир-соққа – тикилган ганақни уриш учун белгиланган ошиқ.

<sup>3</sup> Даства–чиллак ўйини.

<sup>4</sup> Кулоқчўзма–тўйларда шундай ўйин бўларди: катталардан бирови рўмолчага танга тугиб,  
болаларнинг ўртасига ташлар, рўмолчани паккага элтган бола тангаларни оларди. Шерикла-  
ри йўлда тутиб олишса, рўмолчани ташламагунча кулоғини чўзишаверарди.

<sup>5</sup> Уршапалоқ ёки муштум-шапалоқ – бирон бола ўнг қўлида кулоғини тўсиб, чап кафти-  
ни қўлтиғига тескари қўйиб туради. Орқадагиларнинг бири уради, ҳамма «мана, мана», деб  
бакиради. Долвой бола урганни топса, ўзининг ўрнига тургизади.

<sup>6</sup> «Оқ теракми, кўк терак» ўйини.

ташлаб қўйиб, каллангни пўсахонага<sup>1</sup> мидиб<sup>2</sup> ётқизади, шишган жойингга яланг оёғи билан етти марта тепади. Бир ҳафтадан кейин сен кўрмадинг, мен кўрмадим бўласан.

Ошиқбола индамай отига қамчи урди. Мешполвон ҳам хачирини олдинга қистаб, севимли қўшиғини хиргойи қила бошлади:

Олма едим бақалоғидан,  
Гилос едим чақалоғидан,  
Анжир едим япалоғидан,  
Боғбон буванинг шапалоғидан...

Улар туртиниб-суртиниб, талай йўл босишди. Эгизак болали хотин у ёқда турсин, қарғиш теккан бу саҳрода бирон-бир тирик жоннинг ўзини учратиш амримаҳол эди. Шунга қарамай, Ошиқболанинг бўйнидаги шиш бир ҳафтада ўз-ўзидан қайтиб кетди.

### ***Муҳокама қиламиз:***

1. Эчкиэмарни кўрганмисиз? Мешполвон эчкиэмарлардан ўзини ва хачирини қандай химоя қилди?
2. Мешполвон саҳрода ким билан учрашиб қолди? У боланинг туриши ва кийиниши қандай тасвирланган?
3. Ошиқбола ҳақида нималарни билиб олдингиз?
4. Мешполвон қайси йўллар билан Ошиқболанинг овқатини тортиб олди?
5. Мешполвон Ошиқболага болаларнинг қандай ўйинлари ҳақида маълумот берди? Бу ўйинларнинг қайсилари сизга таниш?
6. Мешполвон тепкини даволашнинг қандай йўлини кўрсатди? Бундай даволаш усули фойда қилдими?

### ***Бажаринг:***

1. Саҳро кўринишини асардаги тасвир асосида айтиб беринг.
2. Матндан «Кўрққан олдин мушт кўтарар», «Гард юктиргиси келмай» каби ибораларни топиб дафтарингизга кўчиринг ва изоҳланг.
3. Овқатланиш пайтидаги Мешполвоннинг очофатлигини тасвирлаб беринг.
4. Мешполвон қайд этган болаларнинг ўйинлари номларини дафтарингизга кўчиринг.
4. Оҳангдош сўзлар тизилиб келган гапларни кўчириб, оҳангдош сўзлар тагига чизинг.
5. Насрдаги бундай оҳангдош сўзлар нима деб аталишини биласизми? Аниқлаб қайдасини дафтарингизга ёзиб қўйинг.

\* \* \*

Хайриятки, саҳронинг нарёғи Мешполвон ўйлаганидек, «ер тугаган жой»га бориб тақалмас экан. Аввалига якка-якка овуллар учраб, охири каттакон дарёнинг бўйидан чиқиб қолишди. Қирғоқ ёқалаб бориб, кечга яқин Мингпода шаҳрига дуч келишди. Йўлдаги овулларда меҳмон бўлишганда, мингподаликлар Сепкилшоҳга ўз хоҳишлари билан бўйсуниб, дарёдан қуйидаги ерларни талашига йўл очиб беришганини чўпон-чўлиқлардан эшитишган эди.

<sup>1</sup> Пўсахона – остона.

<sup>2</sup> Мидиб – ёпиштириб, жипслаб.

Қўш-омоч аранг сиққулик тор кўчаларида ҳар хил чуқур қазилган, курумли гум-базларига ўргимчактўр осилган, деворлари нураган, гижирлоқ дарвозалари мой сўраган бу шаҳарда иккаласи карвонсарой қидириб анча сарсон бўлишди. Биров итмисан, битмисан демади. Ҳамма ўз ишини битириш, ўз нафсига қайгуриш билан банд эди.

Бегона-ку – бегона, бу ернинг одамлари ҳатто бир-бирига ҳам оқибатсизлиги шундоққина кўриниб турарди. Агар яқин танишлар учрашиб қолса, бирови бош қимирлатсаям обрўйи тўкиладигандек, шунчаки қош учириб кўяр, униси безрайганича сал ковоқ юмиб алик оларди. Қарама-қарши дарвозалардан кўчага тенг чиқиб келган кўшниларнинг бири гўдайиб кўз қисса, иккинчиси жийиниб мўйлов учирарди. Душман уларни ҳеч бир қийинчиликсиз тобе этиб, энди осонгина тизгинлаб юрганининг боиси ҳам шу бўлса керак.

Ҳақат болаларгина ғалати қуролланиб, ҳўкизтери ёпинган жангчини алоҳида қизиқув билан томоша қилишиб, кўчама-кўча эргашиб боришди.

Йўллар торлиги учун уловлар олдинма-кетин юрар, отнинг туёғи таратган чангдан Мешполвоннинг томоғи қичишиб, ҳахири ҳам нафаси қайтаётгандек тинимсиз безангларди.

«Ғирот бўлсанг ўзингга!– дея тихирланди Мешполвон. – Хумбош эганг иззатини билиб, орқада юраверса ўлармиди?»

Олдда доим асилзода,  
Қолган одам гўё пода.

Майли, олдда юрса юрсин,  
Бирок чангитгани курсин.

Ачишади танглай-томоқ,  
Кўзларингга тўлар тупроқ.

Йўл қаёқда, кўролмайсан,  
Жилониям буролмайсан.

Савол берсанг, келмас жавоб,  
Етаклайди баттар шитоб...

Айтинг, ахир бундай “пойга”,  
Бошлаб борар охир қайга?

Сизга ростин десам, хуллас,  
Эргашганга қилманг ҳавас.

Умр ўтар бўлса чангда,  
Ўлган яхши бирор жангда.

Бориб-бориб, тўрткўчага туташувчи кенг ялангликка чиқиб қолишди. Ўртада – сувсиз тошҳовуз. Ҳовуз бўйидаги қуриган чинор остида соч-соқоли ошқовоқпалак бўлиб ўсган, чакмони қаландарнинг пайтавасидек тўзган, шалварига мингта ямоқ оралаган, оёғининг бошмалдоғи чориғидан мўралаган ҳайкалсимон бир гадоё ажаба-ажаб гапларни айтиб, жавраниб ўтирарди:

– Хў, одамлар! Жиндак ақл ташлаб ўтинг, ўрнига тилимни бераман.

Мешполвон ҳеч нарсага тушунмай, меровланганича Ошиқболага қаради.

– Хў, одамлар! Менга инсоф бериб, жиғилдонимни олақолинг. Биламан, барибир сизга инсофнинг кераги йўқ.

Энди Ошиқбола ҳам ҳайратланиб, Мешполвонга ўгирилди.

– Хў, одамлар! Майли, бурнимни олинг, ортиқча кўз-қулоқларни менга топширинг.

Икки мусофир анграйган кўйи уловларидан тушиб, гадоёга яқин боришди, бирин-кетин салом беришди.

– Гапни қисқа қилинглар, – деди гадой. – Сизларга ўпка керакми? Ўрнига нима берасизлар? – Юракми?

Улар нима дейишни билмай, бир муддат каловланиб туришди. Ниҳоят Ошиқбола тили тутилиб гап бошлади:

– Нега... бунақа деяпсиз, бобо?

– Оламдаги энг қимматли жонзот – одам, – дея шоҳона қиёфада осмонга қўлини бигиз қилди гадой. – Чунки, унда ақл бор, идрок бор. Ақл-у идрокниям, фаросат-ниям кўз билан кулоқ бойитади. Биз бўлсак, бурун билан яшаяпмиз, тил билан кун кўряпмиз. Исковучмиз! Чақимчимиз!

– Бечорага борингни бергин, – деб шивирлади Мешполвон, – очликдан жинни бўпқолай депти.

Гадой бу гал уларни кулоқ солиб эмас, кўзи билан тинглаётгандек эди.

– Дунёда уч хил жинни бор: халқини талончилик билан тўйдирадиган подшо, подшо нима деса маъқуллайверадиган амалдор, шу иккала жиннига қўшилган фуқаро.

Гадой шундай дея улардан юз ўгириб, виқор билан жағини кўтарди, булутлари қизгиш осмонга қиялаб тикилди. Ошиқбола тулпоридоги хуржунни таг-туги билан олиб келиб, унинг олдига қўяётганда ҳам, иккови аста узоқлашиб бораётганда ҳам, раҳмат айтиш тугул ҳатто чурқ этмади. Оловранг булутларга кўз қадаганича тошдек котиб тураверди.

Улар гадойнинг гапидан ҳайрон лаб тишлаб, уловларининг тизгинидан ушлаб, ялангликни пиёда кесиб ўтишди, тўғридаги торкўчанинг бошига етишди. Ошиқбола узангига энди оёқ қўймоқчи бўлганида, Мешполвон унга бурун тешигини дўлайтиб қариллади:

– Менга қарагин, ошна. Тўғрисини айтганда, ҳаддиндан ошяпсан. Кимсан – даҳшатли Мешполвон бўлсам, номимга яраша обрўйим бор. Индамасам, шаҳарда олдимга тушиб юрдинг. Боя гадойгаям мен турганда аввал сен салом бердинг. Шуюм ишми?

Шу кўйи, Мешполвоннинг оғзидан боди кириб, шоди чиқаверди:

Юрма менга эгов бўлиб,  
Олифта-ю лалов бўлиб,  
Ёз пайтиям тумов бўлиб,  
Бурнинг қилиб парак-пуруқ.

Босиб киборлигинг юки,  
Йўл бошлама лўкки-лўкки,  
Асли мендан фарқинг шуки,  
Тасманг фақат ярак-юруқ.

Бўлмаса нон, толконларинг,  
Тингламасдим ёлғонларинг,  
Қилич, совут, қалқонларинг  
Жонга тегди – шарақ-шуруқ.

Қўймай туриб ҳали соқол,  
Пандлар айтиб, тўқиб мақол,  
Ўчокдаги чойдиш мисол  
Қилаверма варақ-вуруқ.

Ғиротдан ғоз боқинасан,  
Яёв юрсанг, қоқинасан,  
Гўдаксан-у, соғинасан –  
Кўз сузса қиз чарақ-чуруқ.

Қон бўлдим сен эгов билан,  
Олифта-ю лалов билан,  
Сопқолмайин ўқлов билан  
Бошгинанга тарақ-туруқ.

Ошиқболанинг бу гапдан ғаши келган бўлсаям, ўзини босди, ўртоғининг содда-диллигига қулиб қўя қолди.

Бир маҳал торкўчада жувонлари илжайган, эркаклари сўлжайган мазанглар пайдо бўлди. Улар чирмандани бата-банг уриб, ўйинчи кампирни олдинга суриб, шўх-шўх кўшиқ куйлаб, биронта лақмани аврашни ўйлаб келишарди.

Ўйинчи кампирнинг кўшиғи мана бундай эди:

Қайнаналар, келинлар,  
Кумуш танга беринглар.  
Алам қилар келинчак,  
Сақич олиб чайнасақ.

Келинчалар, келинлар,  
Чирмандадан олинглар.  
Куйса куяр қайнана,  
Уни чалиб ўйнасақ...

Мешполвон уларнинг олдини тўсиб, яқин атрофда карвонсарой бор-йўқлигини сўради. Ўйинчи кампир бўйнидаги маржонларини шарақлатиб, пиёладек кўзларини чарақлатиб, унга яқин келди. Кўлини белига тиркаб, оғзидан довул пуркаб: «Биттагина карвонсарой бор, уям товукнинг катагидек тор, ҳар ўнта мусофирдан биттаси тўғри, колгани ўғри, ухласанг – у ёнингда ханги, бу ёнингда банги, сани кўнглинг гумонда, уларники – ҳамёнда, топилса – чақани, топилмаса – отингдаги тақани олишади. Ундан кўра, биз билан юринглар, туннинг гаштини ялангда суринглар, сой бўйида базм қиламиз, еганимизни ажриқда думалаб ҳазм қиламиз», деди. Икковлон бир зум пайсалланиб туришгач, қимматбаҳо молимиз йўқ, бировдан хавфсирайдиган холимиз йўқ, дейишиб мазангларга эргашишди.

\* \* \*

Бу кўчманчилар шаҳар четидаги сой соҳилига макон қуришган экан. Бориб, ўтлоқ жойга давра-давра бўлиб ўтиришди. Ҳар ким ҳимматига яраша нарса олиб келиб, ўртага тўкаверди.

Мешполвон текин зиёфатдан суюниб, эндигина енг шимармоқчи бўлиб турган эдики, от туёқларининг дупур-дупури эшитилди. Қош қорая бошлагани туфайли, қандайдир отлик тўда шу ёққа яқинлаётганини ҳам илғамай қолишибди.

От устига ўрнатилган улкан тарвузни эслатувчи бақалоқ киши биринчи бўлиб дўнг ортидан чиқиб келди.

– Бу Наҳанг ўлпончи,– дея у томонга ишора қилди ўйинчи кампир.– Солиқ тўплаб юрибди.

...Вой, ўйинқароқ китобхонларим-ей, ҳали солиқнинг нималигиниям билмаймиз денг? Жуда бахтлисизлар-да!

Дунёда зўрлаб олинадиган солиқдан расво нарса йўқ. Масалан, айтайликки, бонгоннинг бобосидан мерос қолган беш таноб ерингиз бор. Ана шу ерга ўзингиз чилла суви бериб, ўзингиз ҳайдаб, ўзингиз ўғит солиб, ўзингиз мола босиб, ўзингиз уруғ сочасиз. Ариқ тозалаш-у экин сўғориш ҳам ўзингизнинг бўйингизда. Югуриб-елиб, буғдойниям пишириб оласиз. Кейин ўрасиз, боғлайсиз, тўплайсиз, хирмонга ташиб чиқасиз, ёясиз, бировнинг хўкизига ҳақ тўлаб янчийсиз. Донни похолдан ажратиб олгач, уни шамолга шопириб саралайсиз. Ана энди ғаллани қопга солсангиз ҳам бўлаверади.

Буғдой ўн қоп чиқди дейлик. Унга қараб, каллада хомчўт қила бошлайсиз: тегирмонга олиб борсам, тахминан шунча ун бўлади, шунчаси тегирмон ҳақиға кетади,

шунчасини нон ёпиб ейишга ажратаман, шунчасини сотиб, рўзгорга шу-шу нарса-ларни оламан...

Бирдан фикрингиз чалкашади, бу буғдойлардан келаси баҳорда экишга уруғлик асраб қўйиш ёдингиздан кўтарилганини фаҳмлайсиз. Ҳисоб-китобни қайтадан бошламоқчи бўлиб турганингизда, дабдурустдан пошшоликнинг одамлари келиб қолади, буғдойларни Сепкилшоҳга қарашли ерларда ўстирдинг, энди ҳақини чўзиб қўй, дейишади.

Ўз меҳнатингиз билан ўз ерингизда етиштирган ҳосилингизнинг пошшолик учун олинадиган ўша қисми «солик» дейилади, уни ундириб кетадиган кишиларни эса «солиқчи» ёки «ўлпончи» деб қарғашади.

Ўлпончи инсоф қилса, буғдойингизнинг ярмини, инсоф қилмаса, ўн қопдан етти-саккизтасини олиб кетаверади. Буғдойнинг ўрнига пул бераман десангиз ҳам йўқ демайди.

Пошшолар-у амалдорлар кимлар-у нималарнинг ҳисобига кун кечиришини энди билиб олгандирсиз? Улар шунақа, ўзини боқаятган одамларнинг хок-пойини кўзга суртиш ўрнига, уларга зўрлик қилишади, алдашади, ўлай деб топганини талаб кетишади...

Наҳанг ўлпончи Сепкилшоҳнинг молдек фаҳмсиз, бўридек раҳмсиз солиқчиси эди. Подшоҳ ўн хил солиқ солса, у яна уч хилини қўшар, беш тангадан тўплаб кел деса, одамлардан олти-етти тангани шилиб оларди.

У ҳар сафаргидек йигирмата маишатпараст сарбози, иккита калхатфеъл жаллоди билан Мингподага келиб, бировни қўрқитиб, бировни даррада калтаклатиб, қайсарини дорга осдириб, пошшоликнинг хилма-хил солиқларини йиғиб қайтаётган эди: ер солиғи, сув солиғи, уй солиғи, мол солиғи, ўтин пули, тутун пули, эшак пули, кесак пули...

Булардан чўнтакка уриб қолгани етмагандек, Наҳанг ўлпончи салла солиғи билан иштон пулиниям ўзича қўшиб қўйганди. Солиқчилар келгандан кейин бу юртда саллаликлар сони кескин камайиб кетган бўлса-да, аммо иштон пулидан ҳеч ким қочиб қутулолмади.

Наҳанг ўлпончидан сўнг, дўнгликда икки барзанги жаллод, юк ортилган туяларни қўриқлаб келаётган қора папоқли сарбозлар пайдо бўлди.

– Қимирламай тур ҳамманг! – деб дўқ урди Наҳанг ўлпончи мазангларга яқин-лашаётиб.

Сарбозлар ўтирганларни тезда қуршаб олишди.

– Ҳой, сандан ойнанай, – дея ўрнидан туриб ўлпончига юзланди ўйинчи кампир. – Қўлида эски чирманда, чўнтаги қуруқ шарманда лўлилар бўлсак. Биздан нимани истайсан?

– Гапни кўпайтирма, – деб ўшқирди Наҳанг ўлпончи. – Чирманда пулини яхшиликча тўлаб қўй.

Мазанг кампирнинг кўзлари чакчайди. «Етмиш йил санғиб, саксон мамлакатни кўрдим. Локин чирмандага солиқ солганларини биринчи бўлиб сан муттаҳам айтдинг», дея бир сўз деди:

Солиқ солдинг еримга,  
Кўйдан шилган теримга,  
Сойда ювган киримга,  
Чирмандамга ёпишма.

Олдинг кўчат пулини,  
Олдинг кўкат пулини,  
Олдинг нўхат пулини,  
Чирмандамга ёпишма.

Бўкиш пули сўрадинг,  
Чўкиш пули сўрадинг,  
Сўкиш пули сўрадинг,  
Чирмандамга ёпишма.

Қизлар тўлар хол пули,  
Кампир тўлар чол пули,  
Чол тўлар соқол пули,  
Чирмандамга ёпишма.

Дувол пули бер дединг,  
Рўмол пули бер дединг,  
Шамол пули бер дединг,  
Чирмандамга ёпишма.

Ариқ пули тўладик,  
Сарик пули тўладик,  
Чорик пули тўладик,  
Чирмандамга ёпишма.

Ўйлаб топдинг қор пулин,  
Ўйлаб топдинг дор пулин,  
Ўйлаб топдинг ор пулин,  
Чирмандамга ёпишма.

Солиқ солдинг тушга ҳам,  
Солиқ тўлар иштаҳам,  
Келиб энди, муттаҳам,  
Чирмандамга ёпишма.

Наҳанг ўлпончининг бирдан фигони фалакка чиқиб: «Ким муттаҳам? Ҳозир сени ўлпонга олинган эчки ҳисобида гўштга тортаман», деганича кампирга дағдага қила кетди:

Ҳап сеними, лўли кампир,  
Тиш ўтмаган эски чандир,  
Гап билан жон олган омбир,  
Сени гўштга тортиш керак.

Бордир пошшо чизган чизик,  
Тан олмадинг уни, қизик,  
Ўй-мақсадинг жуда бузук,  
Сени гўштга тортиш керак.

Чиқиб келиб шитоб билан,  
Фитнанамо хитоб билан,  
Гап талашдинг арбоб билан,  
Сени гўштга тортиш керак.

Қачонгача семирасан,  
Солиқ бермай кемирасан,  
Мамлакатни емирасан,  
Сени гўштга тортиш керак.

Наҳанг ўлпончи кампир тарафга имо қилиб, мўйловини қимирлатди. Жаллодлар оддан тушиб, қўлларидаги сўйилни ҳавода визиллатган куйи ўйинчи кампирга яқинлаша боришди. Мазанг йигитлар чаққонлик билан ўринларидан туриб, кампирнинг атрофини ўраб олишди, енг шимариб, мушт-муштга шайланишди. Жаллодлардан бири олдинроқдаги чайир ўсмирнинг ўсиқ сочидан тутамлаб, бошдан оширганича орқага улоқтирди. Буни кўриб, сарбозлар қаҳ-қаҳ уриб кула бошлашди.

Дадаси гоҳида Мешполвонга: «Одамхўр жаллоддан қўрма, аҳмоқ дўстдан қўрк», деб уқтирар, сўнг бу гапини изоҳлаб: «Аҳмоқ одамлар оғмачи, оғмачилар таъмагир, таъмагирлар харомхўр бўлишади. Харомхўрларни қармоққа илинтириш осон, ғанимларинг ундан чаён ясаб, пайтавангга ташлашади. Пайтавадаги чаён эса сени кутилмаганда чақиши билан жаллоддан минг марта хавфли», дерди. Қизик! Аҳмоқ дўстнинг башараси қанақа бўларкин?

Мешполвон дангал олдинга чиқиб, лўлиларга: «Тўхтанглар!» деб ҳайқирди ва «буларни менга қўйиб беринглар», дея жаллодларга яқин борди. Жаллодлардан бири масхараомуз тиржайиб: «Ёрдам беринглў-ў-р!» – деб атрофга аланглади. Иккинчиси ҳам: «Алпомишга учрадик-ку, вой дод!» – дея аскияга қўшилди.

– Тайёр тур, Чика!– деб шивирлади Мешполвон ўнг қўйнидаги илонни туртиб. Илон енгдан ўрмалаб бориб, бошини унинг кафтига суйкай бошлади. – Ростданам жуда зўрмисан? – деди Мешполвон энди биринчи жаллодга писандсиз боқиб. – Олдин бир қўл қисишиб кўрмаймизми?

– Ие, шунақами ҳали? – деб ҳингиллади жаллод. Кейин осмонга тикилганича бепарво қўл узатди. – Ма, бир уқалаб қўй.

Бу хангомани кузатиб турган сарбозлар Наҳанг ўлпончига қўшилиб, яйраб-яйраб кулишди.

Мешполвон ларзанглаб бориб, жаллоднинг қўлини чангаллади. Уни қаттиқ қисмоқчидек «Ҳайт!» деб қичқирган пайтда илон бегона кафтни чимиллатиб чақиб олди. Барзанги бир додлади-ю, шилқ этиб тушганича нафаси тўхтади.

Мешполвон ғолибона қиёфада атрофга аланглади. Наҳанг ўлпончи сўррайиб, сарбозлар анграйиб, мазанглар донг қотиб турганини кўрди. Биргина Ошиқбола одатдагидек хотиржам эди.

– Шундай мутахассисни нима қип қўйдинг? – дея ачиниб бақирди Наҳанг ўлпончи. – Бунақа ваҳший энди ё топилади, ё топилмайди.

Иккинчи жаллоднинг бармоқлари кафтда бўғизланиб, тумшуғи тўнғизланиб, ваҳималар тоғини Мешполвоннинг устига ағдаргудек бўлди:

– Куним битди деявер, бола. Қўлингни узиб, итларга бераман. Оёғинг ҳақкаларга ҳақалтаёқ бўлади. Киндигингни суғуриб, бузукқа чилвир қиламан. Қулоғингдан паррак, бурнингдан ҳуштак ясайман.

– Қўп керилма!– деди Мешполвон. – Пешанангга битта чертсам, питиллаб коласан.

– Мен питиллайманми?– деб наъра тортди иккинчи жаллод. – Мана, чертвол! Армонда кетма!

У ғижинганича пешанасини тутган чоғда Мешполвон чап қўйнидаги илонни туртиб: «Кўзингни оч, Пука!» – деб шивирлади. Пука аста ўрмалаб, енгининг учига келганини сезганидан сўнг, дабдаба билан рақибига яқинлашди.

– Майли, одамгарчилик қилиб чап қўлимда чертақолай,– деди у. – Ўнгида чертсам, калланг учиб кетмасин.

Шундай дея «Ҳайт!» деб жаллоднинг пешанасига чертди. Енг ичидан бошини чиқариб турган илон захарли тишини каллага ботирди. Жаллод аравадан ташланган тўнгакдек оёғи осмондан бўлиб ерга ағанади. Мазанглар ҳам, сарбозлар ҳам баравар: «Во-о-ҳ!» деб юборишди.

Шундан кейин Мешполвон сарбозларга майда хашаротларга қарагандек қараб, гапни гупиртиришга тушди:

– Ҳов, ҳани-ҳунилар! Мени танимаяпсанлар, шекилли? Юз томонга донғи кетган даҳшатли Мешполвон – менман. Сенларга ўхшаган читтак-питтаклар минан пачакилашишга вақтим йўқ. Куч синашмоқчи бўлсанглар, ана, шогирдим Ошиқбола турибди, Гўрўғлибекнинг чевараси бўлади, шу бола минан уришаверинглар.



Илонларнинг заҳари тугаб, Мешполвон ноилож қолганини сезган Ошиқбола, бир сакраб Ғиротга минди. Қиличини суғуриб, сарбозларнинг устига ҳайқирганича от солди:

Келавергин тараф бўлсанг,  
Мендан гина қилма ўлсанг,  
Гўрўғлибек бобом, билсанг,  
Қиличида мундоқ чопган.

Сенларга сал берай сабоқ,  
Бошлар билан учсин папоқ,  
Қариндошим Аваз бабоқ<sup>1</sup>  
Қиличида мундоқ чопган.

Опоқ отам Ҳасан полвон  
Урушганда бўлиб қоплон,  
Қонхўрларни қўймай омон,  
Қиличида мундоқ чопган.

Равшан ботир менга ота,  
Билаклари жувозхода,  
Ширвон аскарларин тоғда  
Қиличида мундоқ чопган.

Жанг қилай, тан берсин олам,  
Фахрлансин бир кун болам,  
Десин: «Душманларин дадам –  
Қиличида мундоқ чопган!»

Ошиқбола ўзбекнинг номига хос иш қилиб, паҳлавон ота-боболарини пеш қилиб, бундан кучига куч қўшилиб, қўлида қиличи эшилиб, қора папоқлиларни кийрата кетди. Лекин, қора папоқлилар ҳам сара сарбозлар эди, бир тирранчадан чекинишни ўзларига эп кўрмай, жон- жаҳдлари билан савалашишди, кўп талафот бераётганига қарамасдан Ошиқболани сой ёқасига қисиб боришди. Энди қўлга тушдинг дея «ҳаёв-ҳаёв»лаб шовқин кўтаришди.

Ошиқбола ўнг томондагиларнинг ҳамласини қайтаришга чалғиган дамда чапдагилардан бири камонда унинг курагини нишонга олди. Мешполвон «орқанга қара», деб қичқирмоқчи бўлган эдики, ёнгинасида «туп» этган товуш эшитилди. Сарбознинг камони қўлидан учиб, чап кўзини чангаллаганича отдан йиқилди. Мешполвон ўгирилиб қараса, боя жаллод бошидан ошириб улоқтирган узунсоч лўли бола туппакни ўқлаб турибди. Ўқлаб бўлгач, оғзига солиб пуфлаган эди, яна «туп» этган овоз таралиб, энди бошқа бир сарбоз кўзига қафт босиб, отдан ағдарилди.

– Ўқига қалампир қўшганман, жўро, – деб Мешполвонга иршайиб боқди мазанг бола. – Кўз деганни ёндиради!

Шу тариқа у ҳаш-паш дегунча беш-олти душманни чўзилтириб қўйди. Бу орада Ошиқбола қуршовни ёриб чиқиб, энди қора папоқлиларни қувлаб юриб чопишга тушди.

Наҳанг ўлпончи кўрдик, аҳвол чатоқ. Шартга отининг бошини буриб, «шарақашурук» қочиб қолди. Ажали етмаган уч-тўрт сарбоз ярадор жўраларигаям, қарвондаги ўлжаларигаям қарамай, жонҳолатда унга эргашди.

Ёвнинг енгиллиб қочганини кўрган мазанглар ғала-ғовур билан Мешполвонни ўраб олишди, умримизда бунақа паҳлавонни учратмаган эдик, деб мактай кетишди. Бундан Мешполвоннинг беҳад димоғи кўтарилган бўлсаям, ўзини камтарроқ кўрсатишга уринди.

<sup>1</sup> Бабоқ хўроз демокчи.

– Бас энди, лўлижонлар, мактовни тўхтатинглар, – деди у мўмиқдек<sup>1</sup> ғўдайиб. – Булар нима бўпти? Аслини олганда, эртактаги қизил девниям мен сулайтирганман. Мактанишни ёмон кўрганымдан, ҳеч кимга айтмай юрувдим. Бўлди энди, уялтирманглар мени. Одамлар мана шунақа оёғимга йиқилавермасин деб қирқ бошли аждарҳони тинчитганимниям бировга билдирмагандим. Бас, одамни хижолат қиляпсизлар. Очиғини айтсам, Бадахшон-у Фарғонани кемириб ётган одамхўр ялмоғизниям, Бухоро-ю Хоразмни тилсимлаб қўйган малла жодугарниям ўзим ўлдирганман. Етар энди, этагимни ўпиб, мени уялтирманглар. Куруқ мактайвергандан кўра, овқат-повқатдан гапиринглар.

Буни эшитиб, мазангларнинг оқсоқоли меҳмонни сийлаш кимни ўлдирибди деб, зиёфат устига зиёфат бераверди. Мешполвон эса, «бўлди, тўйдим», демай, борини бўкситиб ураверди. Мазангларнинг икки ҳафтага етгулик озиқ-овқати қиронга учраб, «топганимиз шу эди», деб узр сўрашгандан кейин, Мешполвон ноилож қўлини артди. Нафси андак тийилиб, кайфияти суюлиб майсага ёнбошларкан, Ошиқболага қараб деди:

– Манавини одамгарчилик деса бўлади. Мазангларга қойил қолдим. Ке, ошна, қарвонни мол-дунёси минан шуларга берайлик.

– Нарсаларни эгаларига қайтарамиз, – деб эътироз билдирди Ошиқбола. – Улар камбағал одамларники.

Мешполвоннинг бирдан жаҳли қўзиб ўшқирди:

– Мингподаликлар Сепкилшоҳга ўзлари сотилган. Балони олишсин!

Ҳозир унинг дилида кечаётган сўзларни мисраларда ифодалашга уриниб кўрайлик:

Боқма бой-у ночорига,  
Қўшма одам қаторига,  
Ўз юртининг атторига –  
Сотқинларга раҳм қилма.

Урушмасдан асир тушиб,  
Бир-биридан энди чўчиб,  
Юраверсин ранги ўчиб,  
Сотқинларга раҳм қилма.

Моласидан уялмаган,  
Даласидан уялмаган,  
Боласидан уялмаган  
Сотқинларга раҳм қилма.

Ёв соқолин юлолмаган,  
Ўқлов билан сололмаган,  
Мендан ўрناق ололмаган  
Сотқинларга раҳм қилма.

– Қонингни қайнатмасдан тургин, – дея Мешполвонга танбех берди мазанг кампир.

Ўртоғинг тўғри айтгани шуки, одамларда айб кам, юртни амалдор сотади. Қарвондаги муллажирингларни камбағалларга қайтиб топшир. Мазангларнинг бойлиги йўлда, бизга от билан туяларни савғо қилсанглар бўлгани.

Маслаҳатлашиб, охири бир қарорга келишди. Маҳаллаларга икки киши-икки кишидан тақсимланиб, эрталабгача бойликларни бева-бечораларга тарқатиб чиқадиган бўлишди.

– Неварам Чумаквой сан паҳлавон билан бирга борсин, – туппакчи болани Мешполвонга рўпара қилиб деди мазанг кампир. – Сандан ақл ўрганади.

<sup>1</sup> Мўмиқ – бирон белги сифатида йўл чети ёки майдонга кўмиб ўрнатиладиган ёғоч устун

Икковлон ўзларига тегишли маҳаллада томма-том юриб, қопчиқдаги тангаларни мўрилардан ташлаб кетишаверди. Маҳалла охирлаб қолганида ой ботиб, у ер-бу ердан хўроз қичқириклари эшитила бошлади.

Улар пастаккина тупроқ томга чиқишганда, «Гамом, маҳалла шу ерда адоғ бўлди», деб пичирлади Чумаквой. Шу пайт мўридан дағдағали овоз янгради:

– Кетамиз дедимми, кетамиз! Кечдим бунақа эгаси бетайин юртдан!

Энди кекса аёлнинг: «Ота юртингдан кетиб, қаергайм сиғардинг?» – деган титроқ товуши эшитилди.

– Қанақа ота юрт? Сепкилшоҳнинг томорқаси-ку бу. Нимани хоҳласа, шуни қилади.

– Чидаб тур, болам. Бу келгиндиларгайм худо бордир.

– Қани ўша Худо? – деб шанғиллади ўғил. – Нега юртимни озод қилмаяпти?

– Шаккоклик қилма, тилинг кесилгур!

«Ошиқбола тўғри гапирган экан, – деб ўйлаб қўйди Мешполвон. – мингподаликларнинг ҳаммасиям сотқин эмас, шекилли».

\* \* \*

Мешполвон ота-онасини, Ошиқбола севган ёрини душман Сепкилшоҳ асирлигидан кутқара оладими? Буни дostonнинг тўлиқ матни билан танишиб чиқсангиз, билиб оласиз, азиз ўқувчи!

*Тавсия: Асарнинг тўла матнини қўйидаги интернет саҳифасидан юклаб олишингиз ва ўқишингиз мумкин:*

***Анвар Обиджон. Мешполвоннинг жанглари zyouz.uz. Адибнинг бошқа асарлари билан сиз қўйидаги интернет саҳифалари орқали танишингиз мумкин: Анвар Обиджон (1947) zyouz.uz; Kutubxona - Turkum:Anvar Obidjon uzgen.org; Anvar Obidjon. Aytmishlari va fiqralar. Xurshid Davron kh-davron.uz***

***Муҳокама қиламиз:***

1. Мингпода шахрининг одамлари бир-бирларига қандай муносабатда бўлар экан?
2. Гадойнинг гаплари нега Мешполвонга қаттиқ таъсир қилди?
3. Мазанглар – лўлиларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари асарда қай даражада ҳаққоний тасвирланган деб ўйлайсиз?
3. Солиқчилар кўчманчи мазангларга қандай муомала қилишди?
4. Мешполвон жаллодларни нималарнинг ёрдами билан жазолади?
5. Нима учун Мешполвон ва унинг дўстлари карвондаги бойликларни одамларга тарқатиб юборишди?
6. Мингподалик она ва ўғил тортишувидан нимани англадингиз? Ўғилнинг йўли тўғри деб ўйлайсизми?

***Бажаринг:***

1. Мингпода шахрининг кўринишини сўзлаб беринг.
2. Мешполвоннинг обрў талаб қилиб Ошиқболага иддао қилиб айтган шеърларининг мазмунини сўзланг.
3. Ошиқбола ва туппакчи боланинг солиқчилар ва уларнинг аскарлари билан ўзаро жангини тасвирланг.
4. Достондаги шеъринг парчалардан ёд олинг ва ифодали ўқинг.

# ЖИЛВАЛАНАР БОЛАЛИГИМ ҲАЙРАТЛАРИ

## ТУРСУНБОЙ АДАШБОВ

(1939 – 2017)

### ТАРЖИМАИ ҲОЛИМГА ЧИЗГИЛАР



Мен, Турсунбой Адашбоев, 1939 йилнинг 1 январида Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Олабуқа туманига қарашли Сафед Булон қишлоғида туғилганман. Бобом Шоқир аттор ёлғиз ўғли бўлган менинг отамга ирим қилиб Адашбой деб от қўйган экан. Мен ҳам яққа фарзанд бўлганлигим учун Турсунбой деб номлашган. Тўрт ёшимда отам вафот этгач, онамнинг тарбиясида улғайдим. Болалигим анча оғир кечди. Мактабда ўқиб юриб, бошоқ тердим, қурилишларда ишладим. Ота меҳрига тўймай ўсган бўлишимга қарамай, асло тушқин қайфиятга берилмадим. Бадиий китоблар асосий овунчоғимга айланди.

Биз мактабда ўқий бошлаган чоғимизда, яъни 1946 – 1947 йилларда латин ёзувида бўлган. У ёзувга тишимиз ўтмаса-да, ўқишга чанқоқ эдик. Ўша пайтларда Гўрўғли туркумидаги, «Алпомиш» ҳамда «Қунтуғмиш» каби дostonларни ўқиш урф эди. Қунларнинг бирида, қишлоғимизнинг ўша пайтлардаги раиси Абдуллажон Шаитов мактабимизга келиб, муаллимларимиз иштирокида «Алпомиш» дostonидан айрим парчаларни кироат билан, оҳангга солиб, бурро ўқиш бўйича ўзига хос танлов ўтказди. Мен тенгдошларимдан кўра яхшироқ ўқибман шекилли, раис бобо окшом идорага боришим лозимлигини айтди. Ўша кундан иборат ҳамқишлоқ оғаларим: Эрмуҳаммад Воҳидов ва Давронбой Шобдоновларнинг ёнида, навбати билан, кечки соат саккиздан тунги соат ўн иккига қадар чойхона ҳамда клубда кўсак чувишга тўпланган қишлоғимиз аҳлига дoston ўқиб бериш чекимизга тушди. Маълум даражада меҳнат ҳақи белгиланди. Раис Абдуллажон ота ўқилиши лозим бўлган саҳифаларнинг вақти-соатини тайинлаб, бўлимларга хатчўп қистириб кўярди. Шундай қилиб, икки мавсумни китобхонлик билан ўтказдик. Бундан ташқари, отга ишқибоз поччам Шарифхон Ворисовнинг илтимосига биноан қиш ойларида унинг кўпқаридан қайтган улоқчи дўстларига «Равшан» дostonини ўқиб берардим.

Ота қишлоғим Сафед Булон тоғлар бағрида жойлашган. Одамлари ўта сўзамол бўлиб, асосан боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади. Одамлари аскияга уста, кишини довдиратиб кўядиган қочиримларни ўрнига қўйишади. Қишлоғимиз шоиртабиат кишиларидан ташқари, XIII асрда қурилган овулнинг кўрқига кўрқ қўшган маҳобатли тарихий ёдгорликлари билан ҳам машхур.

Сафед Булон тоғли қишлоқ,  
Аскияга чоғли қишлоқ.

Бир умр бахтни қўмсаб яшаган тенгдошларимнинг ёшликдаги изтироблари, орзу армонлари болалар учун шеърлар машқ қилишимга туртки бўлган. Халқ дostonла-

ридаги равонлик эса, мен ёзган шеърларга кўчган бўлса ажабмас. Хуллас, ўқувчилик давримдаёқ, машқларим Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари матбуотида чиқа бошлади. Олтинчи синфда ўқиётганимда, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг «Тешик дастурхон» сарлавҳали асари бўйича ёзган мулоҳазаларим учун у кишидан жуда илиқ мактуб олганман. Кейинроқ «Ёзи билан Зебо» достонини ён кишлоғимиздаги Олим бахшидан ёзиб олиб, Тошкентга жўнатгач, машхур фольклоршунос олим Ҳоди Зарифнинг рағбатига сазовор бўлдим. Ўша кезларда Бишкек шаҳрида ўзбек тилида чиқадиغان «Қирғизистон ҳақиқати» газетасида ҳажвий шеърлар учун кўрик-танлов эълон қилинди. Ўзимни синаш мақсадида танловда машқларим билан иштирок этдим. Ҳаракатим зое кетмаган экан, совринли ўрин олдим. Кейин ана шу газетага ишга таклиф қилишди.

1958 йилнинг май ойида Қирғизистон ёзувчилар уюшмасининг котиби халқ шоири Суёнбой Эралиев чақириб колди. Борсам унинг хонасида чуст дўппини киррасидан кийган, пўрим кийинган бир киши ўтирибди. Кейин билсам, у киши машхур шоир Миртемир домла «Манас» эпосини ўзбек тилига таржима қилиш масаласида келганлигини айтиб, у кишига ҳамроҳ бўлиб юришим кераклигини тушунтирди. Мен учун бу сира қутилмаган иш бўлди. Икки ҳафта давомида қўлёзмалар институтининг «Манас» секторида, Талас шаҳрида ва Исиккўлда улкан шоир билан бирга бўлдик. Орадан бир йил ўтиб, май ойининг бошларида Миртемир домла яна Бишкекка келиб, икки ҳафта турди. Устознинг «Қирғизистон туркуми»даги гўзал шеърлари биринчи марта мен ишлаётган газетада босилиб чиқди. Бу гал у кишини поездда Қирғизистон билан кузатдим. «Тошкентга кишлоғим Иқон орқали кетаман», – дедилар...

Миртемир домланинг қутлуғ сафари менинг қирғиз ижодкорлари билан яқиндан дўстлашимга сабаб бўлди. 1960 йилнинг август ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан ёш ижодкорларнинг ўн икки кунлик минтақавий кенгашида иштирок этдим. Миртемир домла мени машхур болалар шоири Қудрат Ҳикмат билан таништирди. Бир папка машқларимдан атиги бештаси Қудрат акага маъқул бўлди. Дангал гапни хуш кўрадиган, ўта қаттикқўл Қудрат Ҳикмат қандай ёзиш, нималарни ўқиш зарурлигини аниқ айтдилар. Кенгаш давомида адабиётимизнинг фаҳри бўлмиш Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор каби ёзувчиларнинг суҳбатларини тингладик. Тўра Сулаймон, Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Ҳабиб Саъдулла, Эргаш Ёндош ва Омон Мухторлар билан танишдим.

Шундай қилиб десангиз, ўтган давр ичида Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини сиртдан битирдим. Москвадаги жаҳон адабиёти институтида таълим олдим. Талабалик чоғимдаёқ Қудрат Ҳикматнинг кўмагида шеърини тўпламларим чиқа бошлади. «Камолнинг олмаси», «Биз – саёҳатчилар», «Олатоғ – лолатоғ» «Арслонбоб шаршараси» ана шулар жумласидандир. Миртемир оғанинг далолати билан қирғиз адибларининг асарларини ўзбек тилига ўгиришга тутиндим. Шу кунгача йигирмадан ортиқ қирғиз ижодкорларининг битганларини ўзбек тилига ағдардим. Ҳозирга қадар ўзбек, козоқ, қирғиз, рус ва латиш тилларида йигирмадан ортиқ китобларим нашр этилди.

Битта камчилигимни ҳам айтиб қўяй: ўзимга нисбатан талабчанликни бўшаштриб қўймаслик учун ўзга шоирларнинг айрим хомроқ шеърларига пародиялар ҳам ёзиб тураман.

Эр йигит ҳаётида уни тушуна биладиган турмуш ўртоғи бўлсагина ишида ривож, дастурхонида файз бўлади. Бу жиҳатдан менинг омадим юришган. Ҳаёт ва ижодда нимагаки эришган бўлсам, ёстикдошим марҳум Саломатхондан миннатдорман. Ўғлим ва кизларим ўта қобил, диёнатли фарзандлар бўлиб етишди. Улардан бир ҳовли набиралар кўрганман. Шуларга атаб шеърлар ёзгим келади.

Муҳтарам ўқувчим! Сиз билан анчадан бери танишмиз. Биласиз, сизларга атаб гоҳо қувноқ, гоҳо ҳазил ҳамда она юрт ҳақида шеърлар ёзишдан ўзга илинжим йўқ. Марҳамат, танишиб кўринг.

*Турсунбой АДАШБОЕВ*

2004 йил 8 декабрь

***Муҳокама қиламиз:***

1. Турсунбой Адашбоев нима учун «Сиз билан анчадан бери танишмиз» демоқдалар? Ўйлаб кўринг-чи?
2. Шоир бобонгизнинг қайси шеърларини ўқигансиз? Шеърларидан ёд олганмисиз?
3. Турсунбой бобонгиз билан сизнинг болалигингизда қандай фарқиятлар бор?

**ЛОФЛАР**

**БЕШТА САНОЧ<sup>1</sup>**

Лоф гапларга Латифжоннинг

Суяги йўқ.

Сал мақтанчоқ, оғзининг-ку,

Жияги йўқ.

Ёшлигидан ўта абжир,

Ишга солди гузардаги

Қассобларни.

Бир чивинни айиргунча

Жўрасидан

Тушов солиб чиқаргунча

Қўрасидан

Икки қассоб тушиб кетди

Қора терга.

Эплаб-сеплаб ётқизишиб

Уни ерга

Шоди қассоб: «Таваккал», – деб

Чаккон эди.

Бўрдоқига бешта чивин

Бокқан эди.

Чархлаттириб болта, пичоқ,

Асбобларни.

Тортди пичоқ.

Терисидан бешта саноч.

Тикди шу чок.

Мен уларни чўпонларга

Совға қилдим.

– Шу гап ростми? Ажабтовур!

Тавба қилдим.

– Ёғларини бераётсак

Совунгарга

Гўштарини олиб қочди

Бир тўп қарға.

***Муҳокама қиламиз:***

1. Мана, шоир бобонгизнинг лоф шеърларини ўқиб чиқдингиз. Улар сизга ёқдими? Қизиқ эканми? Нимаси билан қизиқ?
2. «Бешта саноч» шеърда Латифжоннинг қандай сифатлари баён этилган? «Ёшлигидан ўта абжир, чаккон эди» тарзидаги хулоса нимага асосланган?

<sup>1</sup> Саноч – кимиз куйиладиган идиш. Эчки ёки кўй терисидан тикилади.

3. Сўйишга олиб чиқилаётган чивин тасвири сизга нимани эслатди?
4. Латифжонни лофларига қараб уни ёлғончи дейиш керакми ёки лофчи?

**Баъжаринг:**

1. Лоф ҳақидаги мақолани ўқинг ва шеърлар таҳлилида унга асосланинг.
2. Бўрдоқига боқилаётган беш чивин ва уларни сўйиш учун тайёрланган асбоблар тасвири чизилган мисраларни топиб ўқинг. Бундай асбобларни ишлатишни биласизми?
3. Шеърдан шоирнинг кулдириш маҳорати кўринган ўринларни топинг ва ўқинг.

## ШИРМОН КУЛЧА

Бир арава ясади,  
 Латифга уста Рўзи.  
 Қўзмунчоқлар осилган,  
 Кўрганнинг куяр кўзи.  
 Чамамда уни агай,  
 Буюртма қилган чоғи.  
 Ғилдираги ғалтақдан,  
 Гупчак ёнғоқ пўчоғи.  
 – Бунга нима ортади?  
 Бу шинам аравани,  
 Қандай жонзот тортади?  
 Ихчам юган, қўм<sup>1</sup>, тизгин,  
 Чармдан тиркич<sup>2</sup>, бўйинча<sup>3</sup>.  
 Булар шохдор кўнғизга,  
 Демак, менинг ўйимча.  
 Латифжон кўриб қолиб,  
 Тиришқоқ чумолини,

Тортиб бермоқчи бўлди,  
 Омбор тўла донини  
 Шунинг учун бугундан,  
 Кўнғиз ишга киришди.  
 Савоб юмуш кўйида,  
 Довон ошди, тиришди.  
 Қурук сойнинг бўйида,  
 Томи йўқ қўш тегирмон.  
 Ҳампа<sup>4</sup>, дўлнинг<sup>5</sup> ўзи йўқ,  
 Фақат якка тоши бор,  
 Буғдой тортар тинмайин.  
 Имкон бўлса, ташиб ол  
 Аравакаш кўнғизда.  
 Чумоли шод шунчалар,  
 Қурилмаган тандирда,  
 Ёпар ширмон кулчалар.

**Муҳокама қиламиз:**

1. Уста Рўзи Латифжонга ясаб берган аравани шоир қандай тасвир ва тавсиф қилади?
2. Латифжон қайси жондорга яхшилик қилмоқчи бўлди? Аравани тегирмонга нима тортиб борди?
3. «Томи йўқ, қўш тегирмон. Ҳампа, дўлнинг ўзи йўқ, Фақат якка тоши бор Буғдой тортар тинмайин». Бундай ҳолат ҳақиқий ҳаётга тўғри келадими? Нима учун?
4. Чумоли пиширган кулчалар мазали деб ўйлайсизми?

<sup>1</sup> Қўм – от, эшакка уриладиган юмшоқ шолча эгар (тўқим).

<sup>2</sup> Тиркич (тиркиш) – арава шотисини боғлашда ишлатиладиган ошланмаган теридан тайёрланган ип.

<sup>3</sup> Бўйинча – аравага қўшиладиган от ёки эшак бўйнига киритиладиган мослама.

<sup>4</sup> Ҳампа – тегирмонда тортилган дон тушадиган мослама-идиш.

<sup>5</sup> Дўл – тегирмонда тортиладиган доннинг бир хил тушишини таъминлайдиган мослама.

## Баъжаринг:

1. Шеъдаги тасвир асосида арава расмини чизинг.
2. Шеърни ёд олинг ва ифодали ўқинг.

## ЮГАН СОЛИБ, ЭГАР УРИБ

Кулоқ солинг Латифжоннинг  
Яна битта эртагига.  
Юган солиб, эгар уриб  
Чигиртканинг эркагига.  
Қамишлардан найза ясаб,  
Откулоқдан қалқон қилиб.  
Хуржунига тўқоч<sup>1</sup> солиб,  
Тутмайиздан талқон қилиб.  
Ёй камалак елкасида,  
Ёнбошида гулдор садоқ.  
Узангини ниқтаб борар,  
Латифбойнинг феъли чаток.  
Чигиртка ҳам ўқтин-ўқтин,  
Асовланиб лўкиллайти.  
Уни кўриб юмронларнинг  
Юраклари пўкиллайти.  
Майда-майда даррандани  
Эътиборга илгани йўқ.  
Маймоқ қуён, каламушни  
Назар-писанд қилгани йўқ.  
Бу гал Латиф бораётир  
Қизил Унгур зовига.  
Хайри хола чақиртирган  
Уни тулки овига.  
Кампиршонинг товуғин еб,  
Суягини кемирганмиш.  
Агар миш-миш рост бўлса,  
Бегемотдай семирганмиш.  
Чигирткани роса емлаб,  
Кейин толга боғлаб қўйди.  
Тулкиларнинг инларини  
Дурбин билан чоғлаб қўйди.  
Сездирмайин ғорга кириб,  
Мўлжал олиб анча ётди.  
Пешин чоғи бегемотдай  
Бир тулкини шартга отди.

Ёй камоннинг зарбидан у  
Жон ҳалпида бақирганди  
Итдай улиб, ёрдам сўраб  
Дўстларини чақирганди.  
Жилғадаги қарағайлар  
Акс-садога синиб тушди.  
Олмаҳонлар шошиб қолиб,  
Бир-бирини миниб тушди.  
Сўқмоқ йўлдан чопганича,  
Ўлжасига етиб алҳол.  
Типирчилаб турган маҳал,  
Бўғизлади уни дарҳол.  
Семирибди хаддан ортик,  
Қуйруғи ҳам икки кулоч.  
Тўрт паҳлавон тери шилар,  
Сабаби: йўқ бошқа илож.  
Қолган-қутган ҳангомани,  
Кўнчилардан<sup>2</sup> эшит, дўстим:  
– Ўша тулки мўйнасида  
Тикиб бердик ўнта пўстин.  
Латифбойдай зўр мерганга  
Арзир эди ҳисоб берсак.  
Икки кулоч қуйруғидан  
Тайёрладик қирқта телпак.  
Қузғун кўқдан човут солиб,  
Тулки гўштин улоқ қилди.  
Арслон билан Йўлбарс эса  
Бир-бирини чўлоқ қилди.  
Мерган тулки калласини  
Хуржунига солиб келди.  
– Мени эслаб юрарсиз деб  
Икки қўллаб олиб келди.  
Хайри хола нарвон қўйиб,  
Товуқ катак ёнбошига.  
Ирим қилиб, у каллани  
Осиб қўйди том бошига.

<sup>1</sup> Тўқоч – сафарда бузилмаслиги учун қотириб пиширилган нон (у иссиқ кулда пиширилган)

<sup>2</sup> Кўнчи – тери ошловчи косиб.



### **Муҳокама қиламиз:**

1. Юган, эгар, узанги, хуржан каби номлар сизга танишми? Уларни яна қайси асарларда учратгансиз?
2. «Чигиртка ҳам ўхтин-ўхтин, Асовланиб лўкиллайди. Уни кўриб юмронларнинг Юраклари пўкиллайди» тасвирида қандай ғайри ҳаётийлик бор деб ўйлайсиз?
3. Хайри хола Латифжонни нега тулки овига чақиртирди?
4. «Ўша тулки мўйнасидан Тикиб берди ўнта пўстин», «Икки кулоч куйруғидан Тай-ёрладик қирқта телпак». Бундай тасвирларни нима дейиш мумкин?

### **Бажаринг:**

1. Юган солиб, эгар уриб, Чигиртканинг эркагига» мисралардаги ҳаётий ва ақлга сиғмайдиган тасвирларни топиб, изоҳланг.
2. Шеърдаги жондорларнинг номларини топиб, дафтарингизга ёзинг. Уларни қаерларда кўрганингизни эсланг.

## **БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ**

Кўрдингларми, чипор Хўроз  
Миниб олиб Тулкини  
Ўтиб кетди гузар томон  
Ортиб молу мулкини.

Тошбақага эгар уриб  
Қинғир оёқ Чигиртка,  
Кечки овқат ташвишида  
Шошиб борар гугуртга.

Олаҳакка арқон боғлаб  
Тимсоҳнинг пўконига,<sup>1</sup>  
Ёнғоқ ташир бозордаги  
Хусусий дўконига.

Беқасам тўн Зебрадан  
Жирафа сал норози.  
Филнинг вазнин ўлчаш учун  
Сотиб олди тарози.

Чувалчангни кўрган маҳал  
Кобра қочди сесканиб.  
Бу дунёнинг иши шундай  
Пала-партиш, тескари.

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Биринчи мисрадаги манзара ҳаёт ҳақиқатига тўғри келадими?
2. «Тошбақага эгар уриб Қинғир оёқ Чигиртка Кечки овқат ташвишида, Шошиб борар гугуртга» тасвирида қандай қарама-қаршилик бор?

### **Бажаринг:**

1. Олаҳакканинг тимсоҳга миниб, хусусий дўконига ёнғоқ ташиши тасвирини шарҳланг. Тасвирдаги ҳаётийлик ва ноҳаётийликни топинг.
2. «Чувалчангни кўрган маҳал, Кобра қочди сесканиб» мисралари шеър сўнгидаги хулосани чиқаришга қандай асос бўлганини изоҳланг.
3. Бу шеърдаги жондорларнинг ҳам номларини дафтарингизга кўчириб, қаерда кўрганингизни айтинг.

---

<sup>1</sup> Пўкон – томоқ, бақбақа

## КЎЗИН ОЧСА

Бир қоп сабзи ортиб олиб  
Бўрига  
Дўк урганча хайвонларнинг  
Зўрига  
Қуён полвон борар милтик  
Ўқталиб.  
Сапчиб тушар йўғон-йўлпи  
Тўқмоқдан.  
Кетишаркан бир томон йўл,

Сўқмоқдан.  
Бу аҳволни Лайлак кўриб  
Боғаро  
Чалди бирдан ўрмон бўйлаб  
Ноғора.  
Қуён чўчиб очса ғилай  
Кўзини,  
Тол остида кўриб қолди  
Ўзини...

### *Муҳокама қиламиз:*

1. Шеърдаги манзара билан «Сеними, шошмай тур!» мултфильмидаги Бўри билан Қуён саргузаштлари бир-бирига тўғри келадими?
2. Латифжоннинг лофларини эшитганлар зарар кўрадими ёки кўнглига равшанлик кирадими? Нега?

### *Бажаринг:*

1. Қуённинг «жасорати» тасвирланган ўринларни қайта ўқинг ва изоҳланг.
2. Қуённинг туш кўриши билан уйғониб кетиши орасидаги боғлиқликни аниқланг.
3. Шеърни ёд олинг.

## ҚАРОҒИМ ЎШ

Қайда юрмай, қаён турмай,  
Нигоҳим узра пайдосан.  
Барокўхсан, дилбар, шўхсан,  
Ҳазин Оқбура дарёсан –  
Қароғим Ўш, чароғим Ўш!  
Чарос кори, Қамбарнисо,  
Самарбону, Хувайдосан.  
Шоир Махжур каби содиқ  
Бир умр ошику шайдосан.  
Бобур Мирзо тавоф қилган,  
Ғаройиб, қутлуғ маъвосан –  
Қароғим Ўш, чароғим Ўш!  
Азиз шаҳрим, лазиз наҳрим,  
Сабаб, тахти Сулаймонсан.  
Ўғлинг Ҳабиб Абдуллодай,  
Арзир меҳринг учун ёнсам,  
Қароғим Ўш, чароғим Ўш!  
Сен – Иброҳим Ҳамробоев,  
Ўзинг Иззатли Султонсан.  
Таърифингни ёзар бўлсам,

Қайнаган чашма, вулқонсан!  
Қароғим Ўш, чароғим Ўш!  
Сен – Шавкатнинг ҳасрат, дарди,  
Юракдан чикқан оҳсан.  
Икки элнинг онахони –  
Қурмонжонсан – Додҳоҳсан.  
Қароғим Ўш, чароғим Ўш!

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Шеърда Ўш шаҳри қандай таърифланган? Юқоридаги таърифларга сиз яна нималарни қўшган бўлардигиз?
2. «Қароғим Ўш» шеърисида тилга олинган тарихий шахслар ҳақида нималарни биласиз?
3. Шеърда муаллифнинг қандай туйғулари ифодаланган?

### **Бажаринг:**

1. Ўш ҳақида билганларингиз ҳақида синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.
2. Шеърни ёд олинг.

## **ТУПРОҚ**

Аждодлардан мерос бўлиб  
Қолган тупроқ.  
Боболарнинг қон ва тери  
Томган тупроқ.  
Қизғалдоқлар очилганда  
Қилмай қанда,  
Қир-адирлар гулхан бўлиб  
Ёнган тупроқ.  
Тўкин-сочин дастурхонни  
Солган тупроқ.  
Дори-дармон, синовлардан  
Толган тупроқ.  
Қотилни ҳам, ботирни ҳам  
Сукут сақлаб,  
Эҳтиётлаб, ўз бағрига  
Олган тупроқ.  
Боболарнинг қон ва тери  
Томган тупроқ.

*Тавсия: Шоирнинг бошқа шеърларини қуйидаги интернет саҳифаларидан юклаб ўқишингиз мумкин: Турсунбой Адашбоев (1939) [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz); Kutubxona - Turkum: [Tursunboy Adashboyev uzgen.org](http://Tursunboy Adashboyev uzgen.org); [Tursunboy Adashboev](http://Tursunboy Adashboev) » [Xurshid Davron kh-davron.uz](http://Xurshid Davron kh-davron.uz)*

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Шеърдаги «тупрок» сўзи қайси мисраларда асл ва қайси мисраларда кўчма маънода келган?
2. «Боболарнинг кон ва тери  
Томган тупрок» мисраларида шоир нима демоқчи? Фикларингизни далиллай оласизми?
3. Қайси мисраларда табиат тасвири бор?

### **Бажаринг:**

1. «Тўкин-сочин дастурхонни Солган тупрок. Дори-дармон, синовлардан Толган тупрок» мисралари мазмунини шарҳланг.
2. Тупрокнинг бағри кенглиги ифодаланган мисраларни топиб ўқинг ва изоҳланг.
3. Шеърни ёд олинг.

## **ХУДОЙБЕРДИ ТҶХТАБОВ**

(1933 йилда туғилган)



«Ота-онадан етим қолганман. Асосан, деҳқон бобомнинг, остона ҳатлаб кўчага чикмаган момоннинг қўлларида улғайганман. Оят, эртак, ривоят, дostonларни момондан тинглаганман. Бобом раҳматлик ниҳоятда қаттиққўл одам бўлганлар. Ўзлари дам олиш нималигини билмаганлар, шунданми, «чарчадим» деган сўзни эшитишга тоқатлари йўқ эди. Бир сафар тешани жойига қўймаганим учун жазолаганлар.

На оиламизда, на қишлоқда мендаги сўзга мойиллик туйғусининг кўкаришига шароит бўлган. Эсимда, қишлоғимизда Ҳодихон эшон, Қирғиз домла, Шодивой қори, Райим қори деган китобхон мўйсафидлар бўлишган.

«Матмуса бобоникига оборинг» - деб йиғлаганларим эсимда... Китоб кўрган одамларнинг суҳбатига муштоқ бўлиб, кечалари фонус кўтариб эшикма-эшик юрардик...

Қора жомадон кўтариб, кўзим ёниб, зўр иштиёқ билан Тошкентга келганман, САГУнинг логика-психология бўлимига ўқишга кирганман.»

Адибнинг бу сўзлари ғаройиб болалик даврининг ёрқин бир манзарасини намоён этади.

Худойберди Тўхтабоев олий ўқув юртини тугатгач, «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» рўзномаларида, «Гулистон», «Гулхан», «Шарқ юлдузи», «Ёш куч» ойбикларида, «Камалак» нашриётида ишлади. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида хизмат қилди. Кейинги йилларда «Олтин мерос» республика жамғармасига раҳбарлик қилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг «Болажон» телевидениесида болалар учун тез-тез кўрсатувлар олиб боради.

Ижодининг дастлабки давриданок ҳажвга, кулгига мойил ёзувчи қатор ҳикоя тўпламлари, қисса, романлар яратди. Бу асарлар ўқувчилар орасида тез тарқалди ва уларнинг меҳрига сазавор бўлди. 5-синфда ёзувчининг «Ниҳоллар ноласи» ҳикоясини ўқиганингиз ёдингиздадир.

Айниқса, адибнинг «Сехрли қалпоқча», «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар», «Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатада» сингари асарлари ёзувчининг номини машҳур қилди. Худойберди Тўхтабоев Ўзбекистон халқ ёзувчисидир.

Адибнинг «Сариқ девни миниб» асарини ўқимаган мактаб ўқувчиси кам топилади. Бу асар ўнлаб тилларга таржима қилинган. Кўпчилик ўқувчиларни «Сариқ девни миниб» романининг қандай дунёга келганлиги қизиқтиради. Худойберди Тўхтабаев ўн йилча фелъетончилик билан шуғулланган. Ўз даврида унинг кўплаб ўткир фелъетонлари халқнинг оғзига тушган. Жуда кўп адолатсизликларнинг бартараф этилишига, ҳақиқатнинг қарор топишига журналист шу тариқа ҳисса қўшган. Аммо ёзувчида турли сабаблар билан ёзилмай қолган ёки ёзилса-да, ўша вақтларда босилиши мумкин бўлмаган ёхуд моҳиятига кўра фелъетонга сиғмайдиган танқидий йўналишдаги жуда кўп материаллар бўлган. Улар адибнинг дилини оғритган, руҳиятига безовталик солган. Ёзувчини безовта қилган, унинг нафратини уйғотган, жуда кўп ёмонликларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган инсоний камчиликлар «Сариқ девни миниб» ва «Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатада» асарларида ғоят жонли тимсолларнинг ҳаёти мисолида, ўта қизиқарли ва серҳаяжон воқеалар асносида тасвирланади.

Азиз ўқувчи, сиз албатта адибнинг «Сариқ девни миниб» асарини ўқинг. Асарнинг электрон вариантини сиз [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz) (Худойберди Тўхтабоев. Сариқ девни миниб (роман) [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz)) интернет саҳифасида ўқисангиз бўлади. Ушбу дарсликда адибнинг «Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатада» романидан парча берилди. Парчани ўқиш жараёнида сиз асар қаҳрамонларининг турли хил саргузаштлариغا гувоҳ бўласиз.

## СЕХРГАРЛАР ЖАНГИ ЁХУД

### ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИДА

*(Романдан парчалар)*

#### І боб

#### Мен Ақром қовунчи бўламан

Гап қўшмай турсангиз, ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бераман, бўлган воқеа қандай юз берган бўлса, қасам ичиб айтаманки, ҳеч нарса қўшмасдан, ҳеч нарсани олиб ташламасдан шундайлигича айтаман. Ёлғончи эмасман. Ёлғон гапирган одамни кўрсам, мени етти кун ҳиқичоқ тутати. У ёғини сўрасангиз, ёлғон гапиришни, бирга ўнни қўшиб сўзлашни Ҳошимга чиқарган. Ҳошимни танийсизми? Рўзивой аканинг саргарош ўғлини танимайсизми? Йўқ, танийсиз. Ҳозир эсингизга тушираман. Унинг тўғрисида Тўхтабоев деган ёзувчи китоб ҳам ёзган. Ўша китобни мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим яна ҳам мақтаниб юриш учун атайлаб ёздирган. Ёзувчи амаки таътилини ўтказиш, ширин-шакар мевалардан еб, сойларда маза қилиб чўмилиш учун қишлоғимизга меҳмон бўлиб келувдилар. Ҳошим унинг соч-соқолини текинга олиб

қўйган, атирларнинг ҳам энг тозаси, энг хушбўйларида сепган бўлса керак. Бундан ташқари, ўша пайтда Ҳошимларнинг ола сигири туккан эди, ёзувчига қатик олиб ўтганини кишлоқдаги болалар бир неча бор кўришган экан. Бўлмаса, шунча аълочи болалар бу ёқда қолиб, бориб-бориб мактанчоқ Ҳошим ҳақида китоб ёзармиди? Бундан ташқари, диққат қилган бўлсангиз, ўша китобдан янги ивигилган қатикнинг ҳиди келиб туради. Мен ҳидни яхши биламан, минг бир нарсанинг ҳидини минг метр наридан туриб фарқлай оламан. Ҳошим роса мактанган бўлса керак. Ҳатто менинг ҳам номимни ўша ёзувчи бир неча бор тилга олиб ўтган. Ўқиган бўлсангиз, эсингиздадир, ўша китобда «Ақром бўри ушлабди» деган боб ҳам бор. Бўрининг боласини ушлаб олганим тўғри, уни аравачага қўшиб цирк томошаси кўрсатмоқчи бўлганим ҳам рост. Лекин Ҳошимнинг шу бўри боласига маҳлиё бўлиб Ақром яхши ўқий олмай, олтинчи синфда қолиб кетди, дегани ғирт ёлғон. Тўғри, мен ўша йили олтинчи синфда қолиб кетганман, лекин ёмон ўқиганим учун эмас, йўқ, зинҳор бундай деб ўйламанг. Ўша йили, сизга очиғини айтсам, бутун мактабимиз бўйича тўрт ва беш баҳолар заҳираси камайиб шунақа баҳолар солинадиган ҳалтачалар бўшаб қолган экан. Шунинг учун муаллимлар менга нукул ё уч, ё икки қўйишаверган. Ўқитувчилар: «Ақромжон, сен ўзи ажойиб боласан-у, лекин бари бир сенга икки қўйишга тўғри келади-да», деб бир неча бор узр сўрашган. Хуллас, айб менда эмас эди. Ҳошим қурғур бутун айбни мен билан бўрининг боласига тўнкаб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатмоқчи бўлган. Хуллас, мана шунақа гаплар. Хўп, нима деяётган эдим? Ана холос, ҳаммаси эсимдан чиқди-қолди! Уф, ўзи мен сал шунақароқман. Бир нарса ҳақида гапириб тураман-у, тўсатдан эсимга бошқа нарса келиб қолади. Кейин ўша ҳақда хаёл суриб кетаман. Мана масалан, жўғрофия дарсида ўтирибмиз дейлик. Муаллим йўқламани қилиб бўлгач, ўтган дарсда қайси мавзунини ўтган эдик, деб сўрайди, ҳамма қўл кўтаради, мен ҳам кўтараман. Муаллим: «Ақром Мадумаров, доскага чиқ», дейди. Чиқаман. «Демак, «Гибралтар бўғози»ни ўтганмиз, шундайми?» «Шундай», дейман. «Қани, бошла», дейди муаллим. Кўзларимни хиёл қисиб, чаккамни қашлаб, бир оз жим тураман-да, бошлаб юбораман. Гибралтар бўғозининг қайси денгизларни туташтириб тургани, бу денгизлар қайси мамлакатга қарашли эканлиги, бўғознинг юк ташишдаги аҳамияти, бу бўғоз туфайли... дейман-у, кейин миямда бўғоз деган сўз айланаверади... Тўсатдан, сигиримиз бу йил бўғоз эмас, эсизгина, қисир қолди-я, деб ўйлайман. Кейин ўйимни давом эттириб, энди сут-қатик масаласи чатоқ бўлади-да, ширгуруч қилмоқчи бўлсак, товоқ кўтариб Ҳошимларникига чиқишга тўғри келади. Мактанчоқ Ҳошимнинг бувижониси сут бергунча, ландовур даданг битта сигирниям қочиролмабди-да, деб шунақа дийдиё қиладики, охири шу сутни ичгандан захар ичган маъқул деб қайтаётганда сут тўла идишларни ерга ургинг келади... Ана шунақа гапларни ўйлаб кетаман. Қанча ўйласам, ўйим шунча чувалашиб келаверади...

- Нега жим қолдинг? – деб сўрайди муаллим.
- Жим бўлганим йўқ, – дейман ҳамон ўйга толиб.
- Гапир бўлмаса, – дейди муаллим яна.
- Сигиримиз бўғоз эмас, – дейман.
- Нима?! – дейди муаллим ўрнидан хиёл қўзғалиб.
- Энди сут масаласи чатоқ бўлади-да.
- Нима-нима?! – деб муаллим ўрнидан туриб кетади.

– Ҳошимнинг бувисидан сут сўрагандан кўра... – дея дудуклана бошлайман.

– Тавба! – дея муаллим ёқасини ушлаб қолади.

– Маҳалламизда яхши буқа йўқ, – дейман-у, гапимнинг у ёғини айтолмайман. Нега десангиз синфда гуриллаб кулги кўтарилади. Муаллим ҳам кула бошлайди. Кўпчиликдан қолиш яхшимас деб ўзим ҳам жўр бўламан. Мириқиб-мириқиб куламан. Муаллим кулгидан тўхтаб, қовоғини уйиб:

– Ўтир, – дейди, – баҳоинг – икки!

Мана шунақа камчилигим бор. Зарур гапни ўрнида айтолмайман. Шунинг учун ҳам тенгқурларим менга «Қовунчи» деб лақаб қўйишган. Яъни мен тез-тез қовун тушириб турармишман. Лақабим қовунчи бўлгунга қадар «қовун туширди» деган гапнинг мазмунига унча тушунмас эдим. Кейин ўйлаб кўрсам, ўрнида айтилмаган ҳар бир гап, ўрнида бажарилмаган ҳар бир юмуш кераксиз жойга қовун туширган-дек бир гап экан... Хуллас, мана шунақа гаплар... У ёғини суриштирсангиз, ўзим ҳам қовунни ўлгудай яхши кўраман. Лақабим Ақром қовунчи бўлгани учун эмас, йўқ, йўқ, ундай деб ўйламанг, қовун ширин бўлгани, боз устига еяётганда тани-жоним яйраб кетгани учун яхши кўраман. Қовунни кўп еганим ва яна шу ҳақда кечасию кундузи ўйлаганим учунми, унинг ҳақидаги маълумотим энг зўр муаллимларникидан ҳам кўпроқ. Ёлғон сўзлаётганим йўқ, рост айтаяпман. Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади, деган мақол бор, тўғрими? Хўш, тўғри бўлса айтинг-чи, нега унинг уруғи кўп бўлади, нега? Ана, билмас экансиз-ку! Мен биламан. Айтиб берайми? Қулоқ солинг бўлмаса. Қовун гул ташлагандан кейин бош бармоқдеккина хамакча пайдо бўлади. Хамакча янги туғилган бузоқча онасининг эмчагини сўргандек палакни сўриб катта бўлади. Томирларда пайдо бўлиб, палаклар орқали оқиб келаётган оппоқ сут хамакчанинг оғзига қуйилиб туради. Ана шу сутни уруғлар кўпроқ сўрса, улар кўпайиб кетади-ю, қовуннинг эти бемаза бўлиб қолади. Қалай, билар эканманми? Мен яна қовунларнинг етмиш олти хилини ҳидига қараб ажрата оламан. Кўзимни етти қават дока билан бойлаб, қовунни орқангизга беркитсангиз:

– Бу босволди, бу чала пишган бегимсуйди, бу банжида бўлган оқ уруғ, бу бир ёнига офтоб тегмаган қизилуруғ, — деб бехато айтавераман.

Маҳалламизда Саври хола деган кампир бор. Бир куни кўчамиздаги болалар билан бас бойлашиб, бир арава қовун ютиб олганимни кўриб: «Суф-суф, болам, кўз тегмасин. Одамларнинг ақли калласида бўларди, сенинг ақлинг бурнингда экан, бурнингни эҳтиёт қил», деб насиҳат қилгани ҳали-ҳали эсимда. Ишонсангиз, ўшандан буён гоҳо ёмон болалар билан мушшлашиб қолгудай бўлсам калламни эмас, бурнимни эҳтиёт қиламан. Менинг бошқаларда учрамайдиган яна битта фазилатим бор. Айтиб берардим-у, лекин бари бир ишонмайсиз-да. Ҳа, майли, ишонмасангиз ҳам айтаман. Мен қовунни қўлимга олишим билан унинг ичида неча дона уруғ борлигини ҳам бехато айта оламан.

Қовунни кафтимга қўйиб, кўзимни юмишим билан кўз ўнгимда телевизор экранига ўхшаш сарғиш бир лаган пайдо бўлади-ю, шу лаган сатҳида уруғлар дона-дона бўлиб бир томонга сурилиб ўтаверади. Эҳ-хе, бу ҳақда аввал кўчамизда, кейин мактабда, ундан кейин туман марказида ўтказилган катта қовун сайлларида неча-неча марталаб баҳс бойлашлар бўлиб ўтмади дейсиз! Фақат бир мартагина хато қилиб қўйганман холос. Қирқма қовунни қўлимга тутқазиб:

– Айт! – дейишди.

Кўзимни чирт юмиб, сарғиш экранда намоён бўлган дона-дона уруғларга бир нигоҳ ташладим-да:–Етти юзу қирк! – дедим.

– Сўй! – дейишди.

Сўйиб, санаб кўришсаки, етти юзу қирк битта уруғи бор экан. Роса хафа бўлдим, дарди-дунём қоронғи бўлиб кетди. Уруғларни ўзим қайтадан санай бошладим. Эҳ–ҳа, мана, хато қаерда экан. Уруғлардан бири эгизак, яъни мактанчок ўртоғим Ҳошимжоннинг тили билан баён қиладиган бўлсак, Ҳасан-Ҳусан экан. Ҳасани яхши ривожланиб, Ҳусанини тагига босиб олгани учун кўз ташлаганимда яхши илғамай қолган эканман... Хуллас, мана шунақа гаплар... Хўп, нима деяётган эдим, ҳа, эсимга келди. Хуллас, ўртоғимнинг ёлгон-яшиқ гаплари орқали мен ҳам сизга қисман танишман. Ўзимни қайтадан таништириб ўтиришимнинг ҳеч хожати йўқ демокчиманда. Мабодо тоғ орасидаги мана шу Сойбоши қишлоғига йўлингиз тушиб, эгри-бугри кўча-кўйдами, сурнай чалиниб зиёфат берилаётган тўй- маъракадами ўрта бўй, гиппа семиз, чўзиқдан келган юзи сарғайиб пишган ҳандалакка хиёл ўхшаб кетадиган, қоп-қора кўзлари хамиша кулиб, чараклаб, сергўшт лаблари қизик бир нарса айтмоқчидай табассумга мойилнамо қимтиниб турадиган йигитчага дуч келсангиз – бу менман! Мана, қаршингизда ўтирибман. Ҳикояни давом эттираверайми? Хўп бўлмаса, жиндай сув ичиб олай, сув ичсам гапим равонроқ кетади-да. Сизга айтадиган энг катта ҳикоямни бошлашдан олдин яна бир воқеа эсимга келиб қолди. Рухсат берсангиз шуни ҳам тугатиб олсам. Сизга Катта тагоблик Ҳошимжон билан қандай танишлигимни айтдим-у, ундан қандай ажралганимни ва ажралишганимиздан сўнг бошимдан нималар ўтганини айтмабман. Шуларни айтиб берсам майлими, шошаётганингиз йўқми?

## II боб

### Ойижоним бурнимни кесиб ташламоқчи бўлгани

Тўғри, олтинчи синфда қолиб кетдим, буни ҳеч кимдан яширмайман. Лекин, сабаби, ҳали айтганимдек ёмон ўқиганим эмас. Балки мактабимизда яхши баҳолар тугаб қолгани учун шунақа бўлди. Ахир ёмон баҳоларни ҳам кимдир олиши керак-ку. Илгари ҳам бир шунақа бўлувдим. Тўртинчи синфда ҳам икки йил ўқиб, бошланғич таълим пойдеворини обдан мустаҳкамлаб олганман. Олтинчида ҳам шундай қиларман деб ўйладим-у, унча хафа бўлмай қўя қолдим. Лекин бу ниятим амалга ошмай қолди. Нега десангиз, қишлоғимиздан уч чақирим юқорирокдаги, тўрт томони баланд тоғлар билан ўралган Сойбоши деган қишлоққа кўчиб кетдик. Дадам асли ўша ерлик экан-у, бундан йигирма йилми, ўттиз йилми олдин кўчиб келиб қолган, ойим икковлари шу ерда топишиб, шу ерда турмуш қуришган экан. Катта бобомдан қолган боғ, олти хонали уй, йигирмата мол сигадаган оғилхона дадамга мерос бўлибди. Ўшалар хароб бўлмасин, энг муҳими – бегона одамлар қўлига ўтиб кетмасин деб, дадам ўша ёққа кўчишга қарор қилган экан...

Бу ерда ишларимиз жуда гумбур бўлиб кетди. Дадам магазинга мудир, ойим сотувчи, ўзим бўлсам саккизинчи синфга эсон-омон жойлашиб олдим. Кўчиб келган кунимиз эртасига Ортиқали деган чап қўлида олтига бармоғи бор ўзим тенги бир бола билан танишган эдим, кейинчалик дўст бўлиб кетдик. Ортиқали саккизинчи



синфга кириб ўқийвер, нега десанг бу ерда муаллимлар ўқувчиларнинг билимига қараб эмас, далада қандай ишлаганига қараб баҳо қўйишади. Сен жуссаликкина экансан, кучинг ҳам бор экан шекилли, қара, билагингдаги мушакларинг ўйнаб турибди, хашар пайтида ўзингни бир кўрсатсанг, эҳтимол аълочи ҳам бўлиб кетарсан, олти-етти дея бошингни оғритиб юрма, деб маслаҳат берди.

– Демак, бизнинг мактабга ўхшаркан-да, – дедим хурсанд бўлиб.

– Энг муҳими, прогул қилмасанг бўлгани, – деб тушунтирди янги дўстим, – синфдан синфга ўзлари ўтказиб қўйишаверади... Лекин, Ақромжон, битта нарса сўрасам йўқ демайсан, хўпми?

– Истаганингча сўрайвер, – деб қўйдим.

– Сенинг бурнинг яхши ҳид олармиш, шу ростми?

– Рост.

Исковуч итдан ҳам зўрмишсан, тўғрими?

– Тўғри.

– Фақат қовунни ҳидини яхши фарқлай оласанми?

– Нега энди фақат қовунники бўларкан?

– Шундай деб айтишди-да.

– Бўлмаган гап, – дедим негадир шу пайтда жуда мақтангим келиб, – мен минг хил ҳидни бир-биридан фарқлай оламан.

– Йўғ-э! – деди Ортиқали ишонқирамай.

– Ишонмайсанми?

– Ишонай деяпман-у, ахир негадир ишонгим келмаяпти.

– Уч чақирим наридаги нарсанинг ҳам ҳидини сеза оламан...

– Сен... ғалати экансан-ку! – деб қўйди Ортиқали ҳайрати ошиб.

Ўша кунни суҳбатимиз роса қизиқ кетди. Лекин қизигани ҳам яхши бўлди, нега десангиз кўчиб келганимизга ўн кунча бўлган бўлса ҳам ҳали биронта бола билан дурустроқ танишиб, мириқиброқ суҳбатлашганим йўқ эди. Шунақа суҳбатни жуда, жуда ҳам қўмсаб юрган эдим. Суҳбатимиз бориб-бориб Шоқирали бобога тақалди. Биз кўчиб келмасимиздан бир кун олдин уйини ўғри уриб кетибди. Иккита ўғли армияда хизмат қилаётган экан. Келишса иккисини тўйини бир кунда ўтказамиз, деб икки сандикни тўлатиб мол -дунё йиғиб қўйишган экан. Помбархит, мачалка, бархит деган ялтироқ матолардан нақд ўн етти кийимлик экан, ҳаммасини уриб кетишибди. Милиция кепти, тополмабди, ром очишибди – фойдаси бўлмабди, қишлоқ эркакларини йиғиб, обдастагардон қилдиришибди – нафи тегмабди... Чолу кампир ҳозир сал ғалатироқ бўлиб қолишган эмиш...

– Ақром, – тўсатдан жонланиб кетди Ортиқали нимадир эсига тушгандек.

– Нима дейсан? Бирон гап бўлдимикин деб у ёқ бу ёғимга бир қараб олдим.

– Наҳотки чол кампирга ачинмасанг?

– Ачинаман, – деб қўйдим.

– Ачинсанг, нарсаларни топишга ёрдамлашиб юбор. Хўп дегин, жон ўртоқ, мен учун хўп дегин. Агар ёрдамлашсанг, жонажон ўртоқ бўлиб қоламиз. Иншоларингга ёрдамлашиб юбораман, ўзим мана шу қўлларим билан ёзиб бераман.

Ўйланиб қолдим. Мен милиционер ҳам, изкувар ҳам эмасман. Буларнинг ишига аралашсам қалай бўларкин? Лекин чол бувага ачиниб кетяпман. Кампири чилдирма

чалиб, ўйинга тушиб юрган эмиш. Демак, сал анақароқ бўлгани аниқ. Хўп ана, аралашдим ҳам дейлик, бирор иш чиқара олмасамчи? Ахир, ўғрилар ҳам анойи эмас. Аллақачон нарсаларни гум қилиб қўйган бўлиши мумкин... Бордию ваҳима кучайиб, нарсаларни қишлоқдан олиб чиқишга улгирмаган бўлишса-чи, ахир ўғрилик кундузи юз берган-ку?.. Агар яқин ўртага беркитилган бўлса... бемалол топса бўлади... Нега десангиз, ҳар бир нарсанинг ранги, шакли бўлгандек, унинг уфуриб турган ҳиди ҳам бўлади. Рангни, шаклни беркитса бўлади, ҳидни беркитиб бўлмайди. Кўмсангиз тупроқдан баҳра олиб, яна тиниқлашади, пуфласангиз ҳаво билан қўшилиб, яна кучаяди. Рост айтяпман, буни мен ҳам бир неча бор синаб кўрганман. Ҳатто ўзимча битта ҳикматли сўз ҳам тўқиганман. Ранг кўркамлик аломати, ҳид ошкорлик аломати, деган гапни ўзим ичимдан тўкиб чиқарганман...– Лекин қалай бўларкин, илгари ҳеч ўғирлик мол орқасидан қувмаганман. Ҳид билишимни қовун сайлидан бошқа жойда ишлатиб ҳам кўрмаганман. Тўғри, сигиримиз адашиб бошқа қишлоққа ўтиб кетганда, эмчагидан таралаётган сут ҳидини ҳидлай-ҳидлай адашмасдан орқасидан етиб борганман.

– Кетдик, дедим аста ўрнимдан туриб.

– Ёрдам берасанми? – шошилиб сўради Ортиқали.

– Бир уннаб кўраман, – ланжроқ жавоб қайтардим. Нега десангиз ўзим ундок эмасдим-да.

Шокирали бува ҳовлисидаги катта нок салқинида эски тўшакка ёнбошлаб ётган экан. Ўй суришга шунақа берилиб кетибдики, ҳатто кирганимизни ҳам пайқамай қолди. Яқинроғига бориб, томоқ қириб йўталдик. Йўқ, ухлаб қолганга ўхшайди, кўзини очмади.

– Бува, мен Ортиқалиман, – деди ниҳоят шеригим келганимизни сездириш учун.

Шокирали бувам уйғоқ экан, ёшовраб турган нурсиз кўзларини хиёл очиб:

– Имм, – деб қўйди.

– Ўзи тузукмисиз бобо? – негадир бу гал шошилиб сўради Ортиқали.

Бобо жавоб қайтармади-ю, ўрнидан кўзғалиб, чордана қуриб олди, қўлидаги чорси билан хира пашшаларни ҳайдаган бўлди:

– Нима қилиб юрибсанлар?

– Сизга ёрдам бергани келдик.

– Ёрдам бергани? – назаримда Шокирали бобонинг нурсиз кўзлари каттарок очилгандай бўлди, бир нафас бизга тикилиб турди-да, – Қанақа ёрдам? – деб сўради.

– Ўғриларни тутгани, – қатъий бир оҳангда деди шеригим.

– Нима?! – Шокирали бобо ўнг қўлини ўнг қулоғи супрасига карнай қилиб биз томонга хиёл бургандек бўлди.

– Шеригимнинг бурни жуда зўр, – тушунтира бошлади Ортиқали.

Бобо қўлидаги чорси билан пашшасини қўриб:

– Ёрдам бермаган икковинг қолувдинг, – деди-да, бошини яна тиззасига солинтириб олди.

Ортиқали бидирлаб, бу ўртоғимнинг бурни яхши ҳид олади, бу хусусда энг зўр итларни ҳам йўлда қолдириб кетади, деган мазмунда гапира бошлаган эди, чол бобо қўли билан «даф бўлинглар» дегандек ишора қилиб қўйди. Жуда ноқулай аҳволда қолдик. Тураверишни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмаймиз денг. Худди шу пайт-

да бурнимга ғалати-ғалати хидлар гупиллаб урила бошлади. Куюдорининг гаранг қилувчи аччиқ ҳиди, хушбўй ялпизнинг димокни эркаловчи атри, яхши пишган нон беҳининг иштаҳа кўзгаб, оғиздан сўлак оқизувчи хидига кўшилиб, аралашиб, тўлқин-тўлқин бўлиб димоғимга урилаверди. Миямга ғалати бир фикр келди-ю, кўзларим чарақлаб очилиб кетгандай бўлди. Рўпарадаги икки қаноти ланг очиқ турган уйга қараб юра бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Шеригимнинг, ўғирланган моллар мана шу уйда сақланарди, деган палағда товуши қулоғимга ё кирди, ё кирмади. Ҳа-ха, деган ўй яшин тезлигида ўта бошлади бошимдан, келин-куёвларга аталган қимматбаҳо кийимликлар мана шу туя сандиқларда сақланган. Кампир холамиз бу сандиқларда энг олдин беҳи сақлаган бўлса ҳам ажаб эмас. Кейинчалик кийимларини жойлаган. Уларга куя тушмасин деб олдин ялпиз уруғини сепган, бўлмагандан кейин район марказидан куя дори олдириб келган... Отилиб ташқарига чиқдим. Ичкарида туйганим аралаш хидлар кўринмас ипдек чўзилиб, эшилиб-буралиб боғ томонга ўтиб кетгандек бамисоли бурнимга бурувиқ солиб, ўша томонга қараб тортаётгандек. Орқамдан ҳаллослаб келаётган Ортиқалининг: «Қаёққа югуряпсан, эшик буёқда-ку», деганини ё эшитдим, ё эшитмадим. Назаримда, мана шу хидлардан яралган йўлакча мени тўппа-тўғри ўғирланган моллар беркитилган томонга олиб борадигандек. Ҳа-ха, худди шундай бўладиганга ўхшайди! Бўш келма, ўзингни кўрсат, кадрдон бурним! Сени ҳар куни эрталаб илиқ сувга чайганим бўлсин, устингдан вазелинга ўхшаш мойлардан сурганим бўлсин, лекин мени шарманда қилма. Мана шу дақиқаларда эгангнинг тақдири ҳал бўлади, ё ўғирланган молларни топиб Сойбоши қишлоғи болалари ўртасида номи шоншухратга кўмилади, ёки... мени, кадрдон бурнигинам! Мана шу ортимдан тилини осилтириб югургилаб келаётган оқкўнгил Ортиқали олдида юзимни ёруғ қил, иншоларимни ёзиб бераверсин...

Боғ деворидан ошиб ўтиб, юзасини сарик жангалу пакана ўсган ҳар хил буталар қоплаб ётган, шунинг учун ҳам югуриш хийла қийин бўлган пасту баланд адирлардан чопқиллаб борардим. Гоҳо пастликка тушиб кетаман, тушишим билан аралаш хидлар пасайиб, бурнимнинг ичи бўм-бўш бўлиб қолгандай сезилади. Югуриб юқорига чиқаман-у, худди, чегарачиларнинг итига ўхшаб иягимни юқори кўтариб куядори, беҳи ва ялпизнинг аралаш ҳиди уфуриб турган изни қайтадан топиб оламан. Олтинчи тепаликдан ўтганимдан кейин энди ҳалиги аралаш хидлар орасидан резинка калишнинг ҳиди ҳам кела бошлади. Резинка офтобда куйганда қанақа хид чиқарса, бора-бора атрофни шундай хид қоплаб олди, бошқа хидларни босиб кетгандек бўлди, поёнсиз сайхонликда беҳисоб янтоқ ғарамлари турибди. Қишда қўйларга едириш учун колхозчилар уйиб кетишганга ўхшайди. Ғарамлардан бирининг ёнига бориб тўхтадим. Ўғирланган моллар шу ерда, дедим ўзимга ўзим ва чуқур-чуқур нафас ола бошладим. Ҳар гал нафас олганимда, ишонсангиз, аввалги хидлар ёнига яна бошқалари келиб қўшилаверади. Мана буниси амиркон маҳсига сурилган лакнинг ҳиди, мана буниси попукли жун рўмолга ишлатилган бўёқники дея кўнглимдан ҳам ўтказиб турибман денг.

– Жуда чопағон экансан-ку! – деб қўйди Ортиқали етиб келгач.

– Хид олувчилар чопағон бўлади ўзи, – деб кулдим, – ўғирланган мол мана шу ерда, ғарам остида.

– Янглишаётганинг йўқми? – сўради шеригим қувончдан кўзлари пирпираб ёниб. Ғарамнинг ён томонидан яримигача очиб тўртта шакар қоп бир-бирига суяб қўйилганини кўрдик.

– Шу, – деди Ортиқали ирғишлаб. Сўнг гап йўқ, сўз йўқ қишлоқ томонга ўқдек учиб кета бошлади. Бир маҳал чопишдан тўхтаб қафтларини оғзига кўзача қилди-да, сен қимирламай тур, дея бақирди.

Кўз юмиб-очгунча ҳаммаёқни одам босиб кетди. Шокиралаи бобо, кампири, иккита куёвию қизлари... Бир маҳал қарасам, янтоқ ғарамлари орқасидан ҳаллосланганича дадам чиқиб келяпти. Шокиралаи бобо шакар қоплар атрофида гир-гир айланиб, ҳалол эди, ҳаммаси пешона терга келган эди, ўттиз йил йикқанман-а, ўттиз йил деса, кампири чўкка тушиб, хўнг-хўнг йиғлаб, Худога шукур, ўғилларимнинг пешонаси ярқираган экан, дейди денг. Бошқа бир хотин бўлса, вой айланай ромчи бувамдан, мол ташқарига чиққани йўқ, дедилар-а, кароматларидан ўргилай,, деб жавраяпти.

Ўша куни ҳеч кимнинг мен билан иши бўлмади, ҳатто Ортиқали ҳам унутиб юборгандек бўлди. Лекин эртасига, ҳай-ҳай, бурнимнинг ҳид олиш хислати ҳақида миш-мишлар шунақанги куч олиб кетдики, ишонсангиз, томоша қилгани келган одамлар дастидан кўчада ҳам юролмай қолдим. Индинисига эса мени бутунлай сеҳргарга чиқариб қўйишди. Миш-мишнинг учқур қаноти бор деганлари паққос рост экан. Қишлоқдан қишлоққа учиб ўтиб, охири район марказига ҳам бориб етибди. Газетадан фото муҳбир келиб, бурнингни суратга олиб, газетада босиб чиқараман, деб туриб олса бўладими! Ҳай-ҳай, ўша кунлари бемаъни савол-жавоблардан қийналганим. Лекин булар ҳам ҳали ҳолва экан. Машмашанинг энг каттаси шу воқеадан ўн кун ўтгандан кейин бўлди.

Кечки пайт эди. Дадам магазинга савдо қилгани кетган. Ойим супрани кенг ёзиб, майдалаб угра кесаётганди. Мен бобомиздан мерос теккан катта ҳовлини чангитиб супураётган эдим. Милиция формасини кийган, ўрта ёшлардаги, дадамдек норғул бир одам қулимсираганча кириб кела бошлади.

– Ақромжон Мадумаров ўзингиз бўлсангиз керак? – деб сўради қаршимда тўхтаб.

– Ўзимман, – деб қўйдим.

– Қани бир омонлашиб қўяйлик-чи.

Мен билан, негадир илиқ сўрашди. Сўрашаётганда кўзлари қулиб, юзларидан нур ёғилиб тургандек бўлди. Сўнг ойижоним уйдан олиб чиққан синиқ курсига ўтириб, ўзини танитгач, гапни жуда узоқдан бошлади. Мендек ўғилни тарбиялаб, вояга етказаетгани учун раҳматлар айтди. Шу билан бирга милициянинг жиноят қидирув бўлими ихтиёрида зотдор, ғоят ақлли бир исковуч ит бор экан. Бундан олти ой олдин тўсатдан ўлиб қолибди. Ўша ўлгандан буён ўғирланган молларни топиш мумкин бўлмаётган эмиш. Агар менинг ойим, яъни Сарвинисо Мадумарова рози бўлса, мени, яъни Ақром Мадумаровни милиция капитани ўртоқ Эргашев саксон сўм маош билан ўзига ишга олмоқчи экан...

Ойижонимнинг қошлари пасту баланд бўлиб кетди. Юзларида ғалати-ғалати тугунчалар пайдо бўлди, лаблари пирпираб уча бошлади. Қўлидаги зувалани тапиллатиб супрага урди-да, шартта ўрнидан туриб:

– Итингиз ўлиб қолибди-да? – деб сўради.

– Ҳа, ўлиб қолди, – деди капитан ачиниб, – кўп ажойиб ит эди-да.

– Демак, менинг ўғлимдан унинг ўрнида фойдаланмоқчи экансиз-да?

– Агар рози бўлсаларинг...

– Демак, мен бола эмас ит тукқан эканман-да! Йўқолинг, ҳозир бўлмаса мана шу пичоқ билан, – ойижоним энгашиб ош пичокни қўлига олди-да капитаннинг устига бостириб кела бошлади, – мана шу пичоқ билан аввал сизни кейин ўзимни чавақлаб ташлайман. Тилаб-тилаб олган боламини исковуч ит ўрнида ишлатармиш! Йўқолинг, ҳозир йўқолинг деяпман!

Ойижоним мақсадини яхши англатолмай хангу-манг бўлиб қолган капитанни гоҳ биқинидан, гоҳ елкасидан туртиб нақ кўча эшигигача итар-итар қилиб борди-да, ўша ерга етганда шунақанги қаттиқ итардики, капитан ўзини тўхтатолмай, дадам ишлаётган магазиннинг ҳовлисигача югуриб борган бўлса ҳам ажаб эмас. Сўнг... уф, буёғини айтгани тилим бормайди... Қўлидаги ошпичокни ўқталиб бошимни ғалвадан чиқармаётган ўша бурнингни кесиб кутулмасамми, дея мени қувлаб кетди. Ҳар қалай, ўша куни бурним кесилмади-ю, лекин қаттиқ кўрккан эканман, бир ойгача ухласам икки қўллаб бурнимни чангаллаб ётадиган бўлдим.

### ***Муҳокама қиламиз:***

1. Асарнинг бошланишида Худойберди Тўхтабоевнинг Ҳошимжон Рўзиев бош қаҳрамони бўлган қайси асари ҳақида сўз кетмоқда? Сиз асарни ўқиганмисиз?
2. Ақром бир синфда икки йил қолиб кетганини қандай изоҳлайди?
3. Ақром ёлғончиликни ёмон кўраман деб айтяпти. «Ўша йили... мактабимиз бўйича «тўрт» ва «беш» баҳолар захираси камайиб, шунақа баҳолар солинадиган халтачалар бўшаб қолган экан» сўзларига эътибор берсак, ростдан ҳам у ёлғончиликни ёмон кўрармикан?
4. Ақромнинг хаёлпарастлиги сизга ёқдими? Нима учун ўртоқлари унга «Қовунчи» деб лақаб қўйишган?
5. Ақромнинг «қовунчилик» соҳасидаги билимига қандай баҳо берасиз?
6. Ақром бурнининг ёрдамида ўғирланган молларни топганига ишондингизми? Рост айтинг.
7. Нима учун Ақромнинг ойиси бурнини кесиб ташламоқчи бўлди?

### ***Бажаринг:***

1. Матнга таяниб жавоб беринг: Ҳошимжон билан Ақром ўртасидаги қандай дўстлик муносабати бор?
2. Ўқитувчи ва Ақромнинг диалогини ролларга бўлиб ўқинг.

## **III боб**

### **Шиша ичидаги жинлар**

Ҳали айтганимдай, бу ерда ишларимиз гумбур бўлиб кетди, дадам магазинни қабул қилиб олгандан кейин ойижонимни ўзига ёрдамчи қилиб олди. Нега десангиз, дадам у ёқ-бу ёққа кетганда магазин беркилиб қолса, харидорлар хафа бўлар экан. Катта укам Ақбар жуда уйқучи денг. Овқат еб ўтирганда ҳам кўзи уйқуда бўлади. Далага мол олиб чиқса, дарахтга боғлаб қўяди-да, марзага бош қўйиб кун ботгунча ухлайверади. Дарс пайтида ҳам ухлагани-ухлаган. Кўпинча охирги қўнғироқни эшитмай, синфда эртасигача қолиб кетади. Ойижоним жиғибийрони чиқиб:

– Наҳотки кечаси уйғонмаган бўлсанг? – деб сўраса, укам бир эснаб олади-да:  
– Нега уйғонмас эканман, – деб тўнғиллаб қўяди.  
– Нега бўлмаса уйга келмадинг? – ер тепиниб дейди ойижоним.  
– Эртага тагин қайтиб келгандан кўра шу ерда ухлаганим яхши-да, – дейди Акбар. Ана шу укамни бешинчи синфга қабул қилишди. Йўқ, энг муҳими бу эмас, муҳими уни тозалик комиссиясига раис қилиб қўйишди. Мактабдан кела солиб папкани ховлидаги сўрига ирғитди-да, бир умр сув тегмагандан қасмоқ боғлаб кетган кўлларини совунлаб ювишга тутинди.

– Бетингни ҳам ювгин, – деб маслаҳат берган эдим:

– Бари бир кир бўлиб қолади, яхшиси уни эрталаб ювман, – деб жавоб қайтарди. Ундан кейинги укамнинг исми Асқар. У шунақанги қайсарки, таърифига сўз тополмайсиз. Нима десангиз, ўшанинг аксини қилади.

– Юр! – десангиз,

– Бормайман! – дейди.

– Хўп, шу ерда ўтириб тур бўлмаса, – десангиз:

– Йўқ, энди орқангдан боравераман, – дейди. Дадам негадир уни ҳаммамиздан ортиқ севади. Гоҳо елкасига қоқиб, катта бўлса колхозга бош бухгалтер бўлади, деб қўяди. Хуллас, колхознинг бўлажак бош бухгалтери учинчи синфга қатнай бошлади. Муаттар синглимни дадам уйимизнинг булбули деб атайди. Ўзиям бирам ширинки, ойижоним уни шунақа ясатадики, худди магазинларда сотиладиган елим қўғирчоқнинг ўзигинаси дейсиз. Уни гапга солганимиз-солган. Етти ухлаб тушингизга кирмайдигон ғалати-ғалати сўзларни топиб айтади. Ҳой, Муаттар, кўзингга қараб юр, десангиз, юришдан тўхтаб, ака, кўзимга қарасам, юролмайман-ку, деб қўяди. Ҳой, булбулча, оғзингга қараб гапир, десангиз, ака, бўлмаса қўлимга ойна бериб қўйинг, ўшанда оғзимга қараб гапираман, дея сизни мот қилиб қўяди. Ана шу қақажон синглимнинг ёши етмаган бўлсаям бари бир биринчи синфга қабул қилишди. Ўзим бўлсам ҳали айтганимдай саккизинчига қатнай бошладим.

Ўқишнинг биринчи куни хонанинг бир чеккасида ўзимни камтар қилиб кўрсатиш мақсадида худди уят иш қилиб қўйган боладай қимтинибгина ўтирган эдим, синф раҳбари менга бир оз тикилиб турди да:

– Янги меҳмон келибдимми? – деб сўради.

Ортиқали шошилиб ўрнидан турди:

– Магазинчининг ўғли, – дея менинг ўрнимга жавоб қайтарди.

– Отинг нима? – деб сўради муаллим.

– Ақром.

– Ақромжон дегин, яхши. Фамилиянг?

– Мадумаров.

– Яхши, қайси мактабда ўқигансан?

– Макаренкода.

– Яхши, еттинчини табелини олиб келдингми?

– Йўқ.

– Яхши, эртадан қолмай, албатга, олиб келгин, хўпми?

– Хўп.

– Яхши, Сойбошида яшаётганларинг ҳақида қишлоқ советидан справка ҳам келтирасан.

– Хўп.

Худди шу пайтда Ортиқали яна дик этиб ўрнидан турди:

– Домла, бунга справканинг кераги йўқ.

– Нега? – ҳайрон бўлди муаллим.

– Сойбошида яшаётганини мен тасдиқлаб беришим мумкин.

– Яхши, – деб хиёл кулимсирагандай бўлди синф раҳбаримиз, – бўлмаса сенинг ўзингни справка сифатида Мадумаровнинг делосига тириклай ёпиштириб қўяман.

Эртасига табел ҳақида ҳам, Ортиқалини менинг деломга тириклайин ёпиштириб қўйиш ҳақида ҳам бир оғиз сўз бўлмади. Нега десангиз бутун мактаб бўйича катта ҳашарга катта сафарбарлик эълон қилинди. Колхозимизнинг чўл қисмидаги пахтасини йиғиштириб олиш учун мен тенги-мен тенги азамат йигит-қизлардан икки юзтаси етишмаётган экан. Қиш тушгунча мазза қилиб ўша ёқда яшадик. Ортиқали ўртоғим тўғри айтган экан. Менга ўхшаган меҳнатсевар, гап қайтармайдиган, эсли-хушли болаларнинг кадри бу ерда жуда баланд экан. Нормани ортиқ бажарсанг – беш, хирмондаги пахтани қоплашга ёрдамлашсанг – беш, эрталаб барвақт туриб бак қайнатсанг – беш, тушлиқда муаллимлар яхши овқат еяётганини кўриб, ҳеч кимга айтмасанг – беш, йигирма саккизинчи декабргача шунақанги аълочи бўлиб кетдимки, беш баҳоларим шунақанги кўпайиб кетдики, каттатагоблик ўртоғим Ҳошимга ўхшаган дангаса ўқувчилардан ўнтасига улашсанг ҳам яна уч кишилиги ортиб қоларди. Йўқ, ўлай агар, рост гапиряпман, чиндан ҳам бешларимнинг ҳисоби йўқ эди. Хуллас, ишларимиз гумбур бўлиб кетаётган эди... Лекин тўсатдан, ҳа-ха, тўсатдан дадам ичкиликка шунақанги ружу қилиб қолдики, асти қўяверасиз. Йўқ-йўқ, мен дадажонимни ҳечам ёмонламоқчи эмасман. У киши жуда меҳрибон, байрамларда ҳаммамизга янги кийимлар олиб беради, бўлар-бўлмасга уришиб-сўкавермайди ҳам.

Кийим-бошидан терлаган отнинг ҳиди келиб турадиган участка бошлиғи Қўзиев амаким, урушда бир оёғини ташлаб келган, қўлтиқоёқли Аливой тоға учовлари ичишади. Гоҳо уйга ярим кечаси бир-бирини қўлтиқлашиб, ашула айтиб келишади. Бечора ойижоним йиғлаб-йиғлаб тонг отгунча уларга хизмат қилади. Кейин... У ёғини айтгани, ишонсангиз, тилим бормайди. Ҳа, майли, кейин бири кўча эшикнинг остонасига бошини қўйганча, бири ховлидаги сўрига чалқанча тушиб, учинчиси ўчоқбошидаги кир пўстакка думалаб ухлаб қолишади. Гоҳо ойижоним куйиб кетганидан:

– Шишадаги жин бир кунмас-бир кун дадангни бошини ейди-да! – деб зорланарди.

Қақажон Муаттар:

– Ойижон, чиндан ҳам шишанинг ичида жин борми? – деб сўрайди.

– Бор, – дейди ойижоним маънос тортиб.

– Ўша жиннинг ола-була кўзлари ҳам борми?

– Бор, қизим.

– Кейин қўл-оёқлари ҳам борми, дадажонимни бўғиб оладими?

Ойим жавоб қайтармайди. Хўрсиниб қўяди. Тўққизинчини битираётган пайтим эди. Ўқишлар таққа тўхтаб, яганага чиқиб кетган эдик. Магазинга тўсатдан ревизия

келиб қопти. Дадам, ҳисоб-китобга қарашиб юборсин, деб синф раҳбаримиздан мени сўраб олди. Калта сочлари найзадек тик ўсган, пешонаси кенг, ияги беҳад ингичка, шунинг учун ҳам типратиканга ўхшаб кетадиган бир амаки ревизор бўлиб келган экан. Ўн бир кун давомида текшир-текшир қилди. Мен омордаги қийшайиб қолган яшиқларни пулга ўтказиш учун уёқ-буёғини тиклаш билан машғул эдим. Тўсатдан дадам иккаловлари ўртасидаги қисир-бўғоз овозларни эштиб қолдим:

– Ўх-хў, Мадумаров ака, ишлар чаток-ку! – деди ревизор амаки.

– Очиқроқ айтаверинг, – шивирлади дадам.

– Камомад жуда катта.

– Йўғ-е!

– Мана, ўзингиз қўл қўйган актлар.

– Қайтадан чўтга солинг-чи.

– Эллик марталаб солиб кўряпман, бари бир жуда катта.

– Сал пасайтиришни иложи йўқми? – деди дадам ёлвориб.

– Бу сизга боғлиқ... негадир ревизор амаки томоғини қириб, йўталиб олди.

– Кўп керакми?

– Минг сўмсиз битмайди.

– Э, сал инсоф қилинг-да, дадам қўлини кўксига қўйиб яна ёлворишга тушди, ахир мен ҳам бола- чақалиман, тўрттаси ейман-ичаман деб турибди.

– Актни топширсам... Сизни қамашади.

– Уф! – деди дадам. – Пулни кейинроқ берсам ҳам бўлаверадими?

– Йўқ, ҳозир берганингиз маъкул... Мадумаров ака мени тўғри тушунинг. Бераётган пулингиздан учдан бири ҳам менга тегмайди. Мен ҳам катталарнинг томоғини мойлаб тураман. Яна ихтиёр ўзингизда. Ҳар эҳтимолга қарши актларни икки хилда тузиб берган эдим. Биттасини танланг. Ё уёғлик бўласиз, ё... Ҳар қалай бола-чақангиз бор, яхшилаб ўйлаб кўринг.

Мен илгари пора деган сўзни эшитар эдим-у, қанақа бўлишини, қай шароитда, қанақа топширилишини билмас эдим. Пора узатаётган кишининг кўзлари билинар-билинемас ёшовраб тураркан, хўрлиги келиб, билинар-билинемас уф тортаркан. Олаётган одам, ҳай-ҳай, кўзлари қувончдан чакнаб, юзлари гулгун яшнаб кетаркан... Ғалати аҳволга тушиб қолдим. Қўл- оёғим музлаб кела бошлади, ич-ичимдан қалтироқ турди. Дадамга, худди аждаҳо қаршисида турган боладек довираб, ожиз, нотовон бўлиб қолган меҳрибон дадажонимга ич-ичимдан ачиғиб кетдим. Чиндан ҳам типратикон бошли ревизор кўзимга худди эртақлардаги аждаҳога ўхшаб кўрина бошлади. У ҳозир дадажонимни тириклай ютади, кейин мени, магазиндаги молларни юта бошлайди, деб ўйладим-у, ичимдаги ҳалиги кўркув аралаш қалтироқ ҳикичочқа айланиб, томоғига дон тикилган жўжахўроздай нағма қила бошладим. Йўлакдги синиқ яшиқни жаҳл билан тепиб кўчага чиқиб кетдим. Кечгача йиғладим. Йўқ, кечаси уйқумнинг ичида ҳам йиғлаб чиқдим, шекилли... Бир маҳал уйғониб кетдим. Қарасам, дадам билан ойижоним ухлашмабди. Назаримда, магазиндаги саккиз минг сўмлик камоматнинг ўрнини тўлдириш учун кимдан қарз сўрасак экан, деб маслаҳат қилишаётганга ўхшайди.

– Айтмадимми, мана шу ароқ зорманда бир куни бошингизни ейди деб, куйиниб шивирляпти ойижоним.



– Ух! – деди дадам. – Яна дийдиёингни бошладинг-а. Ичсам бир бутилка ичарман, икки бутилка ичарман, айтдим-ку, пулни ўрнига қўйиб борганман, деб. Уф, мени Ҳамдам чўлоқ чув тушурганга ўхшайди. Пактурани ҳамиша қалбаки ёзади у.

Ҳамдам чўлоқ... танийман уни. Матлубот жамиятида омборчи бўлиб ишлайди. Дадам иккимиз мол олгани борганда неча бор кўрганман. Кўзлари кисиқ, юзи дум-думалок, ўнг оёғини силтаб ташлайди. Лекин ўзи жуда ширинсухан, сўзлаганда тилдан чаккиллаб бол томади, дадамга ҳамиша «акажон» деб мурожаат қилади. Фактурага саккиз юзта пахта гулли пиёла ёзади-ю, юзтасини бермай туриб олади. Уч юз метр атлас ёзса, албатта, ўттиз метр кам бўлади.

– Уф, – дейди дадам бош қашиб.

– Ундай деманг, жон ака, – дейди Ҳамдам чўлоқ йиғламсираб, – менга ҳам осон эмас. Малол келса олмай кўя қолинг.

– Ахир мен ҳам план бажаришим керак-ку, – дейди дадам тутакиб.

– Беш-ўн қоп туз беришим мумкин, – бўш келмайди Ҳамдам чўлоқ.

– Сойбошида туздан бошқани ейишмайдими?

– Бўлмаса кир совун ола қолинг.

– Хўп, неча яшиқ беришингиз мумкин?

– Аввал сиз айтинг, акажон, яшигига неча сўмдан берасиз?

– Уч сўмдан.

Омбор мудури бараварига икки кўлини кўксига кўяди...

– Ўндан камига бўлмайди.

– Ҳа, майли, уч яримдан бераман.

– Сиз ўзимнинг акамсиз. Майли, тўққиздан бера қолинг.

– Тўрт сўмдан.

– Еттигадан камига бўлмайди.

– Бешга ҳам йўқми?

– Оббо, акажон-эй, кулиб турганингизни яхши кўраман-да, ҳа, майли. Лекин сизни яхши кўраман. Ҳалол йигитсиз, пок йигитсиз, лекин менга ҳам осон эмас. Тепамдаги аждаҳолар ютаман деб турибди. Жон ака, яна эллик тийинлик кўшинг!

– Уф! – дейди дадам манзилга аранг етиб келган паровоздек узок дам чиқариб...

Ўй-хаёлларим худди шу ерга келганда мени яна уйқу элита бошлади. Кўз олдими қоп-қоронғу туманлик қоплаб келди. Туманликлар орасидан олдин типратикон бошли ревизор амаки, кетидан кўлини кўксига қўйиб илжайганча омборчи чиқиб келди-да, қизик, бир нафасда даҳшатли аждаҳога айланиб, дадажонимни икки томондан исканжага олишди. Кейин нима бўлганини билмайман, ухлаб қолибман.

Ревизор амаки кузга бориб яна келди. Неча кун текширгани аниқ эсимда йўқ. Лекин кетаётган куни дадамнинг пул ахтариб, уйма-уй юргани ҳали-ҳали эсимда. Кейин... Кейин дадажоним қамалиб кетди. Тағинам судья амаки инсофли экан. Тоғамдан уч минг сўм олиб, қамоқ муддатини анчага камайтириб берди. Яна ҳам камайтирса бўларди-ю, лекин пуллари жуда оз экан, дебди.

## IV боб

### Имтиҳонда оёғим осмондан келгани

Лақабим қовунчи эканлигига энди ишонч ҳосил қилгандирсиз. Ростини айтсам, шу одатим ўзимга ҳам ёкмайди. Зарур гаплар буёқда қолиб, ҳамиша нозарур гапларни айтиб, дакки эшитганим эшитган. Бўлмаса бурнимни ишга солиб ўғирланган молларни топганиму дадамнинг қамалганини айтишнинг нима ҳожати бор эди, тўғрими? Аслида мен сизга ширин қовунлар мамлакатига сафар қилганим, у ерда кўрганим ажойиб ва ғаройиб ходисалар ҳақида сўзлаб, борингки медицина фанлари доктори, профессор Ақром Ақромий дея улуғланганим, бурнимга ҳайкал қўйганлари ҳақида гапириб бермоқчи эдим, тўғрими? Мана, тагин қовун тушириб қўйдим. Хафа эмасмисиз? Унда яна давом этаман... Ўша кунлари, яъни шиша ичидаги жинлар дадамнинг қўл-оёғини боғлаб қамоқхонага судраб кетган пайтлари бутун оиламиз билан тушкунликка тушиб қолдик. Роса ух тортдик. Ух тортиш аслида бизга дадамдан юққан. Ойижоним билан укаларимни айтмайману, аммо мен жуда қувноқ боламан. Ғаму ташвишни тез унутадиган одатим бор. Тўғри-да, кўз ёши тўкиб, қовоқ тумшук қилиб ўтиришнинг нима ҳожати бор. Ўнинчини битириш арафасида эдим, давлат имтиҳонларига яқин қолганди. Эҳтимол, сизларда бошқачароқдир. Лекин бизда имтиҳонлар очик ҳавода, яъни дала шийпонида бўлади. Лекин бир жиҳатдан шуниси ҳам яхши. Нега десангиз, синф хонада ўтирганда одамнинг юраги сикилиб кетади. Кейин имтиҳонни далада топширишнинг яна бир яхши томони шундаки, фанлардан қўйиладиган баҳоларни кўпинча табелчи билан бригадирлар ҳал қилишади. Назаримда, унча тўғри айтмадим шекилли, сал бошқачароқ. Яъни айтмоқчиманки, баҳолар ўшаларнинг маслаҳати билан қўйилади. Бундан ҳам аниқроқ қилиб айтидиган бўлсам, кечга яқин шийпоннинг қоқ ўртасига учта стол қўйилади, ўртасидагига бригадир, чап томондагисига табелчи, ўнг тарафга муаллим ўтиради. Биз қуйироққа чўкиб, биримиз чордона қуриб, биримиз ёнбошлаб оламыз. Тоғ томондан ғир-ғир шабода эсиб, танимизга роҳат бағишлаб, руҳимизни эркалаб туради.

– Абдуллаева, – дейди рўйхатга қараб муаллимимиз.

Арофат шошилиб ўрнидан туради. Бригадир амаки унга бошдан-оёқ разм солиб чиқади, сўнг негадир ёнбошини пайпаслаб:

– Бобонг ҳалиям нос қилиб сотяптими? – деб сўрайди. Кейин ҳалиги пайпаслаган жойидан шишача чиқариб, кафтига қоқади.

– Сотяптилар, – секингина дейди Арофат.

– Эртага менга бир шиша олиб келгин. Хўпми, қизим?

– Хўп.

– Домласи, шу қизимга яхши баҳо қўйворинг. Ғўзани яғана қилишга уста экан, иши тоза.

Навбат бошқа ўқувчига келади.

– Боймирзаев, – дейди яна рўйхатга қараб муаллим.

Собитали дик этиб ўрнидан туради.

– Қўлингдаги нима? – сўрайди бригадир.

– Дафтар, – дейди Собитали икки қўлини орқасига беркитиб.

– Дафтар, қанақа дафтар, нос ўрайдиганми?

– Йўқ, алгебра дафтар.  
 – Нега пайкалнинг ичида уни кўтариб юрибсан.  
 – Чарчаганимда ўқийман-да.  
 – Чарчаганимда ўқийман? – бригадиримиз жаҳли чиққаннамо ўрнидан бир кўзгалиб кўяди. – Бекор айтибсан. Уч-тўрт марта кўрдим, кесак устида чўнқайиб ўтирганигни. Сен бу ерга дафтар ўқигани келганмисан ёки хашарга келганмисан? Ишни ишдек қилиш керак-да. Олтмиш гектар яганасиз ётибди, пастги пайкалларни ўт ўраб кетган, бу ёқда пилла шошириб турибди. Э, ўргилдим-э, сендақа ёрдамчилардан. Нима, мен кузга бориб мажбуриятга алгебра топшираманми? Биз ҳам ўқиганмиз ўша алгебрангни. Лекин биз кечаси ҳаммани ухлатиб қўйиб ўқирдик. Икки кўйинг бу болага!

Муаллим ўртага тушади. Собитали ҳиқиллай-ҳиқиллай кечирим сўрайди. Бир амаллаб уч кўйиб юборишади. Мен эса, ўзи омадли боламан-да, ҳамма фанлардан ё тўрт, ё беш оламан. Нега десангиз, бригадиримизнинг айтганини жойида ҳозир қиламан.

Тўсатдан қалбимга ўқиш иштиёқи тушиб қолди. Институтни битириб, фан кандидими ёки сал бошқачарокми, ишқилиб, катта олим бўлгим келиб қолди. Соё кўчада Умар ака деган йигит бўларди. Ҳозир шаҳарда туради. Катта олим бўп кетган. Қариб қолган онасига ойига юз сўмдан жўнатиб туради. Мен ҳам катта олим бўлиб кетсам, қулоғидан қарзга ботиб ётган ойижонимга ёрдамлашаман. Уйқучи укам Акбарга, қайсар Асқарга, тили ширин синглимга ҳар хил кийим-бошлар, қимматбаҳо совға-саломлар жўнатиб тураман, дея ширин-ширин орзуларга берилдим-у, ўртоқларимга қўшилиб шаҳарга отландим. Аввалига ойижоним кўнмади. Энди сен ҳам мени ташлаб кетасанми, деб йиғлади, тўйиб-тўйиб йиғлади. Кейин тўсатдан инсофга келиб қолди шекилли, кечаси билан ухламай сутли патир ёпди. Данак чақиб, бир халта мағиз ҳам қилиб берди.

Ортиқалининг энгашиб юрадиган кампир аммаси бор эди. Ўшаникига тушдик. Ўртоғим танишганимиздан буён мол доктори бўламан деб юарди. Хужжатларини ветеринария техникумига топширди. Мен бўлсам, қайси институтни танлашни билмай, гаранг эди.

– Бирон фанга қизикасанми ўзи? – охири жеркиб берди ўртоғим.  
 – Қизикаман.  
 – Қайсинга ахир?  
 – Тарихга дедим-ку!  
 – Бўлмаса хужжатингни пединститутга топшираман.  
 – Пединститутми, мединститутми менга барибир.  
 – Мединститутда тарих ўтмайди-ку? – яна жиғибийрони чикди ўртоғимнинг.  
 – Эҳтимол ўтар.  
 – Йўқ, ўтмайди, – деди ўртоғим кўлимдан тортиб, – қани кетдик пединститутга топшираман.

Хужжатларни эсон-омон топшириб олгандан кейин, оҳ-оҳ менда шунақанги бир ширин кайфият, кўтаринки руҳ пайдо бўлдики, назаримда қанот боғлаб енгил-енгил учиб юргандекман. Ҳаммага яхши гапиргим, кимгадир яхшилик қилгим келарди. Сочимни «полбокс» қилдириб, юзларимга атир-упалар ҳам септириб олдим. Пулим

озрок экан, ойижоним бериб юборган мағизни ҳам сотиб қўшиб-чатиб жинси шим олдим. Ҳошим ўртоғимга ёлгон-яшиқ гапириб, одамларни лақиллатиб юргунча, битта яримта институтни битириб олсанг ўласанми, деган мазмунда хат ҳам жўнатиб юбордим.

Лекин, кетма-кет ишимнинг чатоғи чиқа бошлади. Яъни айтмоқчиманки, қовун тушира бошладим. Қаёқдан ҳам энгашиб юрадиган кампирнинг уйига тушган эканмиз. Ҳовлиснинг орқасида кичкинагина боғчаси бўлиб, ичи тўла шафтоли денг. Марғилон луччаги, ойлар шафтоли, лоладай кип-қизариб пишадиган, пўстини артиб, танглайингизга босиб сувини қулт-қулт ютса бўладиган оқ шафтолилар, бирибидан тотли, ҳидини айтмайсизми маст қиламан дейди-я! Дарс қилиш баҳонасида ўша боғчага кўрпа-тўшак қилиб ётиб олиб, шафтолилардан еяберибман, еяберибман. Охири совуқлигим шунақанги ошиб кетибдики, гапирай десам сўлагимни бошқара олмайман. Шунақанги уйқучи бўлиб қолдимки, аста қўяберасиз. Китобни олдим дегунча, икки кўзим барабар юмилиб келади, консультация пайтида орқа партага ўтириб олиб, гумбурлатиб хуррак отаман. Институтдан қайтаётганда, автобусда ухлаб қолиб, икки марта шаҳардан ташқарига чиқиб кетибман денг. Булар ҳам ҳали ҳолва экан, энг хунуги имтиҳон пайтида бўлди. Менга ўхшаб илм талаб бўлиб келган бир юзу йигирма болани катта бир залга тўплаб, доскага иншо мавзуини ёзиб қўйишган. Хоҳлаганимизни танлар эмишимиз, хўш, хоҳламасак-чи? Ана, хоҳладик ҳам дейлик, лекин хоҳлаганимизни ёзолмасак-чи, унда бешнинг тескариси бўлади, шундайми?.. Лекин шимнинг хўп чиройлисидан олдим-да, деган фикр ўта бошлади бошимдан. Хайрият, тезгина ўзимни тўхтаб олдим-у, шоша-пиша яна доскага тикилдим.

1. Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» пьесасидаги Ғофир образига характеристика.

2. Ойбекнинг «Фанга юриш» шеърининг ғоявий мазмуни.

3. Эркин тема.

Бор-йўғи шу. Хўш, мен булардан қайси бирини биламан. Билган тақдиримда ҳам қандай қилиб ёзаман? Умримда бир марта иншо ёзганман, униям ўртоғим Ортикалидан кўчирганман. Ҳамза Ҳакимзода... Тўғри, шунақа ёзувчи бор, ўтганмиз, диндорлар уриб ўлдирган, нега энди шеър ёзавермасдан пьеса ёзди экан? Ғофир образи... Ҳеч эслай олмаяпман. Ғофирбой тоғани биламан, сувчилик қилади. Қачон қарасанг, кумғон қайнатиб, пўриллатиб чой ичгани-ичгани... Йўқ, мен бу мавзуни ёзолмайман. Яхшиси иккинчи мазуни танлайман. Э, ана буни қаранг. Домла хато ёзиб қўйибдилар-ку! «Панага юриш» дейиш ўрнига «Фанга юриш» деб ёзибдилар-а. Фанга юрса, уни оёқ ости қилса, увол бўлади-ку, наҳотки шуни ҳам тушунмаган бўлсалар. Демак, катта муаллимлар ҳам хато қилар эканлар-да. Ҳа, майли. «Ойбек ўзининг «Панага юриш» деган шеърида, – деб ёза бошладим, – Панага юришнинг фойдаси ҳақида гапирган. Даладан макка ўғирлаб келаётганингизда бригадир кўриб қолмаслиги учун атайлаб панадан юрасиз ёки бўлмаса аскарлар разведкага кетаётганида душман сезиб қолмасин учун қамишзорлар оралаб паналаб боришади. Демак, Ойбек панага юришнинг фойдаси ҳақида ёзган».

Тамом, у ёғига сўз тополмай қолдим. Ўқимаганингдан кейин тўқиб чиқариш жуда қийин бўлар экан. Лекин одам астойдил ўйласа, эсидан чиқиб кетган нарсалар ҳам хотирасида қайтадан жонланиши мумкин экан. Тўсатдан, ҳа-ха, тўсатдан «Бой ила

хизматчи» пьесасини ўтганимиз эсимга келиб қолди. Ўшанда муаллима қўлидаги бир даста садарайхон билан юзини елпиб-елпиб сўзлаган эди. Қаранг, шу пайтда олдин димоғимга гупиллаб райхон хиди урилди, кейин пьесани эслаб кетдим.

– Иккинчи мавзу. Ғофир образига характерситика – деб иншоннинг давомини ёзишга тушдим. – Тўғри, Ғофир сувчи эмас, балки бойнинг хизматчиси бўлган. Ғўзасини чопади, ягана қилади, ўтдан тозалайди, хуллас, роса абжағи чиқади. Бунинг эвазига бой уни уйлантириб қўяди. Кейин хотинини тортиб олмоқчи бўлади. Икковлари роса муштлашишади. Охири бой зўр келиб, Ғофирни каматмоқчи бўлади. Ғофирнинг хотини Жамила келиноийм йиғлаб эрининг бўйнига осилади. «Дадажониси, сизсиз мен бу тўртта болани қандай катта қиламан, магазинчи бўлмай кетинг, ароқ бошингизни еди-ку», дейди. Ғофир хотинининг бошини оҳиста-оҳиста силаб: «Йиғлама, онаси, – дейди, – қадингни тик тут, дадил бўл. Беш йил нима бўпти, бир пасда ўтади-кетади. Аммо эсон-омон келсам, мана шу кунларни бошимга солган порахўр ревизору чўлоқ омборчи билан бошқача гаплашаман, ўттиз иккита тишини қоқиб оламан. Йиғлама, онаси, йиғлама»... Шу ерга келганда ўйланиб қолдим. Қизик, бу гапларни Ғофир айтганмиди, ёки камалиш олдидан дадам айтганмиди? Иккилана бошладим. Йўқ, яхшиси эркин мавзуда ёзганим маъқул. Ҳа-ҳа, эркин мавзу кишига эрк беради.

Эркин мавзу. Келажакда ким бўлмоқчиман, дея шошилиб иншонинг давомини ёзишга тутиндим. Келажакда олим бўлмоқчи эканлигимни олдин сизга ҳам айтгудим, шекилли. Эҳтимол шунинг учундир, руҳимдаги иккиланиш йўқолиб, дадиллик пайдо бўлди. Миям ҳам ёнланган мотордек гупиллаб ишга тушиб кетди. Тўққизинчи бетни тўлдириб, навбатдаги варақни энди очаетган эдим, муаллим келиб, вақт тугади, дея ёзганларимни йиғиштириб олди. Хурсанд эдим. Ҳа-ҳа, шодман. Шерикларим тўрт-беш қоғоздан оширолмабди. Мен бўлсам... Тўққиз қоғоз-а! Демак, беш тайин. Оғзакидан ҳам бир амаллаб бешга тўғрилаб олсак... Оббо, ўзим ҳам хўп бахти кулган боламан-да! Ўша куни шафтолизорга чиқиб мазза қилиб луччаклардан сўрдим. Тўйиб-тўйиб ухладим.

Оғзакига атайлаб кечикиброқ кирдим. Муаллимлар чарчаб қолса, савол-жавобни камроқ қилишармикан, деб шундай қилдим.

- Фамилиянгиз? – сўради ўртада ўтирган кўзойнакли муаллим.
- Мадумаров.
- Отингиз?
- Ақромжон.
- Варақа номерингиз?
- Икки юзу қирк.

Уч муаллим худди елимлаб ёпиштириб қўйилгандек ёнбош ўтиришган экан. Иншонни қўлдан-қўлга ўтказиб, хоҳолаб кула бошлашди. Чап томондаги пакана муаллим қорнини силкита-силкита, оғзини катта очиб, овоз чиқармасдан куларкан. Кайфиятлари яхшига ўхшайди, демак буёғи ҳам зўр бўлади шекилли, деб ўйладим-у, хурсандлигимни ичимга сиғдиролмай мен ҳам хоҳолаб кула бошладим. Ўртадаги муаллим, ўти ўчиб қолган мотордек жим бўлди-да, кўзойнагини қўлига олиб, менга тикилиб қолди. Бир оз боқиб турди-да, яна кулиб юборди:

- Демак, Ойбек «Панага юриш», деб ёзган экан-да?

– Ҳа, шунақа деб ёзган, – дея дадил жавоб қайтардим.  
– Демак, Гофирнинг хотини Жамила сизга келиноий бўлар экан-да?  
– Ҳа, бизда ўзидан катта аёлларни келиноий деб чақиришади.  
– Демак, Гофир эсон-омон қайтиб келсам, ревизор билан омборчини савалайман, дебди-да?

– Ҳа, шундай деган.  
– Менга қаранг, ўртоқ Мадумаров, институтга хужжат топшираётганда соғлигингиз тўғрисида справкани ҳам қўшиб топширганмисиз?

- Қўшиб топширганман.
- Справка беришдан олдин докторлар текширишганмиди?
- Текширишган.
- Миянгизни рентген ҳам қилишганми?
- Қилишган.
- Ҳммм... Мабодо, болалигингизда йиқилиб, миянгиз лат емаганми?
- Йўқ.
- Ҳммм, кани, мени орқамдан юринг-чи.

Кўзойнакли муаллим мени «Қабул комиссияси»нинг раисига рўпара қилиб, болани қабул қилаётганда у ёқ-бу ёғига қараб олиш керак-да, кип-қизил жинни-ку бу, деб ёзган иншомни унинг олдига отиб, тап-туп қадам ташлаб чиқиб кетди. «Жинни эмишман, – дея қалтираб ўйлай бошладим, – уч-тўрт қоғоз ёзганлар соғ эмиш-у, тўққиз қоғозни қойиллатиб қўйган мен жинни эмишман! Эҳтимол... ўзинг жинни-дирсан».

### ***Муҳокама қиламиз:***

1. Мана, Ақромжоннинг укалари билан ҳам танишиб олдингиз. Улар сизга ёқдимиди?
2. Нима учун синф раҳбари Ақромдан еттинчи синф табелини ҳам, яшаш жойидан справкани ҳам қайта сўрамади?
3. Ақромжоннинг аълочи бўлиб кетиши тўғри бўлдимиди?
4. Дадасининг ичкиликка ружу қўйиши оила аъзоларига қандай таъсир қилди?
5. Ойисининг «Шишадаги жин бир кунмас-бир кун дадангни бошини ейди-да» – деб зорланишига қандай қарайсиз? «Шишадаги жин»нинг одамлар бошига касофат олиб келишига гувоҳ бўлганмисиз?
6. Сиз пора қанақа бўлишини биласизми?
7. Ақромжоннинг дадаси фақат ароқ ичгани туфайли қамалиб кетдимиди?
8. Пора олган ревизор амаки, судья амакилар қандай одамлар?
9. Ақромжонларнинг мактабидаги имтиҳон топшириш жараёни ҳақида қандай фикрдасиз? Сиз имтиҳонларни қандай топширасиз?
10. Ақромжон институтга кириш учун қандай «тайёргарлик» кўрди?
11. Нима учун институт ўқитувчилари Ақромжонни «кип-қизил жинни»га чиқаришди?

### ***Бажаринг:***

1. Ёзувчи Ақромжон воситасида танқид қилаётган турмушдаги иллатларни топиб дафтарингизга қайд қилинг.
2. Ақромнинг институтга кириш учун имтиҳон топшириш жараёнини сўзлаб беринг.

## V боб

### Эшак «Жигули» эмас

Хайрият, ойижоним хафа бўлмади. Назаримда андак хурсанд ҳам бўлди, шекилли. Елкамни силаб, қайтага даданг келгунча ёнимда бўлганинг маъкул, ўқиш бўлса бир гап бўлар, деб қўйди. Айтувдим-ку, Сойбошининг одамлари жуда меҳрибон, жуда раҳмдил деб. Ойижонимни қишлоғимиздаги аралаш боғчага мудир қилиб ўтказишибди. Марҳаматларини мендан ҳам аяшмади. Тўксон беш сўмлик ойлик билан почтачи этиб тайинлашди. Ўзи аслида дунёда почтачиликдан яхши касб йўқ экан. Эрталаб марказий почтахонадан газета, журналларни, хат-хабарларни оласиз-да, уйма-уй тарқатиб бўлгач, хоҳласангиз ухлайсиз, хоҳласангиз Ҳошимжоннинг сартарошхонасига бориб, лақиллашиб ўтираверасиз. Хатларни адаштириб қўйсангиз ёки пенсия пули кечикиб қолса, кампирлар онда-сонда:

– Дадангга ўхшаб сен ҳам пиёниста бўп қолдингми, пулни қачон берасан? – деб номигагина хархаша қилиб қўйишади. Бошқа вақтда нукул мазза. Лекин яна ишнинг чатоғи чиқди... Эҳ, айтгандай, сизга айтмабман... Сойбоши қишлоғига олиб борадиган йўл шу йил қишда жарга ўпирилиб тушгандан буён бу ёқларга машина қатнамайдиган бўлиб кетган. Асосан транспорт – эшак. Эҳтимол шунинг учундир тоғ қишлоқларида эшак қиммат туради. Сойбошида эшак кўп бўлгани ва кўпинча бир-бирига ўхшаш бўлгани учун адаштириб қўймайлик дея одамлар ўз эшагининг пешонасига худди «Жигули»никига ўхшатиб номер осиб қўйишади. Уйини ўғри уриб кетган Шокирало бобо нарсаларини топиб берганим учун мени яхши кўриб қолган экан, битта эшагини бериб:

– Лекин болам, бу «тулпор»ни эҳтиёт қил, – деб тайинлади. «Тулпор» хийла қариб қолган бўлишига қарамай ҳали бақувват. Ўзиям нақ туяча келади. Қулоқлари узун, оёқлари йўғон, йўрғасини кўрсангиз! Ҳалани қаттиқ босиб, биқинига иккита ниқтаб қўйсангиз, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тўртинчи скоростда келаётган «Жигули» ҳам етолмай қолади. Ақллилигини айтмайсизми, қайси ҳовлига хат ташламоқчи бўлганимни олдиндан сезиб, ўша ерга тўхтаб, ханграб, уй эгасини чакириб беради денг... Мен бора-бора тоғ орасидаги қишлоқларда эшак «Жигули»дан яхши экан, деган фикрга бориб қолдим. Бензин сўрамаса, мени мойлаб қўй демаса, ремонт талаб қилмаса, энг муҳими миниб олганингиздан сўнг устида мудрашингиз ёки истаганча хаёл суришингиз мумкин. Марказий почтахонага кетаётганда устига чўзилиб ётиб, қўлларимни осилтириб оламан, қайтаётганда осмонга қараб ётиб, ширин-ширин хаёллар сураман. Қани энди, дейман ўзимга ўзим, эшагим ҳозир вертолёт бўлиб қолса-ю, ўнг қулоғини бураб осмонга кўтарилсам, олис-олис элларга саёҳат қилсам, ўртоғим Ҳошим кўрмаган нарсаларни кўрсам-у, унга айтиб бериб ҳавасини келтириб, оғзининг сўлақларини оқизиб юборсам... Қани энди, дея ширин хаёлларимни яна давом эттираман. Ҳў, жар тубидаги улкан чинорларга оқуруғ қовунлардан пайванд қилсанг, ҳар биттаси тандирдай келадиган қовунлар пишса, ох, мазза бўларди-да, ярмини ёзда еб, ярмини қишга қоқи қилиб қўярдим-да.

Лекин ҳали айтганимдай, ишнинг чатоғи чиқиб қолди. Ёзнинг қоқ ўртасида «Тулпор»имнинг устини оппоқ яра қоплаб кетди. Етаклаб мол докторга олиб борган эдим, у ёғини кўриб, бу ёғини кўриб, иссиғини ҳам ўлчагандан кейин:

– Кўркма, – дея менга далда берган бўлди, – яғир бўпти. Қадим замонлардан буён ота-боболаримиз эшак яғир бўлса, ёнғоқ чайнаб босишган. Уйда ёнғоқ борми?

– Қўшнилardan суриштираман, – дедим шоша-пиша.

– Битта ёнғокни олгин-да, чақиб ярмини ўзинг егин, – маслаҳатини давом эттирдди доктор, – ярмини чайнаб яғир бўлган жойига босгин. Бир ҳафтада ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади.

«Тулпор»имни етаклаб уйга қайтдим-да, Шокирaли бободан бир этак ёнғоқ олиб чиқиб, худди доктор айтгандай қилиб, яғир босган жойларга юмшоқ-юмшоқ малҳам қўйдим... Эрталаб ўрнимдан турсам, йўғ-э, нахотки туш кўраётган бўлсам, анграйганимча қотиб қолдим. Кўзларимга ишонмай ишқалаб кўрдим, йўқ, ўнгим экан, югуриб укаларимни чақириб чиқдим. Улар ҳам худди жин чалиб кетгандай оғизлари бир томонга қийшайиб, тарракдай қотиб қолишди... Эшагимнинг устидан катта бир ёнғоқ ўсиб чиқибди. Яна-тагин шигил ҳосил тугибди денг. Ёнғоғи ростакaмми ёки кечаси жинлар пластилиндан ясаб осиб кетишганмикан дея, билмоқчи бўлиб эшагимни етаклаб, ҳовлимиз орқасидаги шудгорга олиб ўтдим-да, енгимни шимариб, дарахтга қараб, кесак ота бошладим, на ёнғоқ тушади, на кесак. Икки пайкал ернинг кесагини отиб бўлдим ҳамки, на унисидан дарак бор, на бунисидан. Қани тепадан нима ҳодиса юз бераётган экан билай-чи, деб ёнғокнинг устига чикқан эдим, ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, тепада икки пайкал ер пайдо бўлиб, шарқираб сувлар ҳам оқиб ётибди. Ҳаяжондан терлаб кетган эканман, артиниб олай деб, чўнтагимдан рўмолчамни чиқараётган эдим, билмадим қачон солиб қўйган эканман, икки дона қовун уруғи илашиб чиқиб ерга тушиб кетди. Шу захотиёқ униб чиқиб палак ота бошлади. Ё навзaмбилло, деб ёқaмни йиртворгудек қилиб ушлаб турибман. Палак етти метрга етганда қовунчалар туга бошлади. Кўзимни юмиб очишимни билaман, ҳар қовунлар пишибдики, энг кичкинаси юз литр сув элтадиган ёғоч бочкача келади денг. Бунақанги бочкалар дадамнинг магазини олдида қалашиб ётарди. Чўнтагимдан пичоқчамни олиб чакмоқлаб кўрмоқчи бўлувдим, чўлп этиб ичига тушиб кетса бўладими? Қани, нима бўлар экан деб энгашиб қарамоқчи бўлувдим, ўзим ҳам оёғим осмондан бўлиб, ичига йиқилиб тушдим.

Билмадим, бир кун саланглаб учдимми, икки кун учдимми, эҳтимол бир ой учгандирман, нега десангиз ўша пайтда мен қаттиқ кўрққаним учунми ўзимдан кетиб қолган эдим. Бир маҳал кўзимни очсам, номаълум шаҳар чекасидаги ташландиқ уйнинг томида ётибман. Хайрият, уй ёнида ўсган олманинг шоҳлари томга ёпирилиб тушган экан. Эмаклаб тагига кириб олдим. Меваси овқату шоҳлари бошпана бўлди. Баргидан сидириб, остимга тўшаб ҳам олдим. Бу ўлкада ўтказганим бир йилдан ортиқ вақт ичида бошимдан кечган ажойиб ва ғаройиб воқеаларни сизга сўзлаб ўтирмайман. Нега десангиз, кейинги саргузаштларим улардан ўн чандон қизиқарлироқ бўлди. Шаҳарнинг номи Тарвуз деб аталиб, одамлар ҳам бамисоли тарвузга ўхшаб думдумалоқ бўларкан. Кимга асранди ўғил бўлганим, очдан ўлмаслик учун қанақанги юмушларни бажарганимни ҳам айтиб ўтирмайман. Бир йил ўтар-ўтмас тилларини ўрганиб олдим. Сўзлари жуда осон содда, ё бир, ёки икки бўғиндангина иборат бўларкан. Та, ту, ки, пи... хуллас мана шунақа сўзлар. Одамлари негадир бизнинг қишлоқдагиларга жуда-жуда ҳам ўхшаб кетади денг. Гавдаси, ранги-рўйи, гоҳо кийинишларида ҳам жуда ўхшашлик бор. Фақат еганлари тарвузу, ичганлари қовун



шарбати бўлгани учунми, диққат қилиб қарасангиз, бири, ҳали айтганимдай тарвузгаю, бошқаси қовунга ўхшаб кўринарди. Лекин ҳаммалари ҳам ширин, есангиз, кечирасиз, адашиб кетдим, суҳбатлашсангиз мазза қиласиз. Бировлар мамлакати ҳар қанча гўзал бўлмасин, барибир туғилиб ўсган юртингни қўмсайверар экансан. Бир йилдан кейин ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим. Қочиб учун тайёргарлик кўрай десам, урдасидан чиқолмасдим. Ана шундай кунларнинг бирида шаҳар марказидаги катта ялангликда қовун-тарвузлар кўргазмаси бўлиб қолди. Бу мамлакатда биргина қовуннинг ўзидан етти юз хили ўстириларкан. Кўргазмага ангишвонадек келадиган ҳаммақчадан тортиб катталиги росмана уйдек келадиган қовунлар ҳам қўйилган денг... Томоша қилиб юриб, тўсатдан бир қовун олдида тўхтаб қолдим. Ҳай-ҳай, тепасига қарасангиз дўппингиз тушиб кетаман дейди. «Сеҳрли қовун», дея тахтача ҳам осиб қўйишибди. Сеҳрли деган сўз миямга қаттиқ ўрнашиб қолди. Мен ичига тушиб кетган қовун ҳам, назаримда, сеҳрли эди, шекилли. Демак, икковининг уруғи бир, амаллаб ичига тушиб олсам ўз мамлакатимда пайдо бўлиб қолишим ҳам мумкин.

Кечаси эл ётар пайтида қўшнимизнинг ўн етти поғонали нарвони бор эди. Ўшани келтирдим-да, сеҳрли қовун устига чиқиб, гўшт чопадиган ўткир болта билан (ўша кунлари мен қушхонада қассобга ёрдамчи бўлиб ишлаётган эдим) уриб бир амаллаб туйнукча очдим. Нима бўлса пешонамдан кўрдим дедиму, ўзимни туйнукча ичига отдим. Қовун чиндан ҳам сеҳрли экан. Ичига тушишим билан осмондек кенгайиб кетди. Қушлардек енгил уча бошладим. Одам боласининг қўллари зарур бўлганда қанотга айланар, оёқлари эса бирлашиб, яхлит бир дум ҳолига келаркан. Поёнсиз фазода бир неча кун парвоз қилганимдан сўнг, ниҳоят чарчадим шекилли, дум ва қанотларим ишламай қолиб, бошим билан пастга шўнғиб кета бошладим. Кейин... ҳар қалай йиқилган бўлсам керак. Анча маҳал беҳуш ётгандек бўлдим. Аста-секин ўзимга келаётганимни сезиб турардим. Лат емадиммикан деб энг аввал оёғимни кетидан қўлларимни силкитиб кўрдим, йўқ, ҳаммаси жойида. Хафа бўлишимни ҳам, хурсанд бўлишимни ҳам билмасдим. Туриб беихтиёр атрофга тикилдим. Кўз ўнгимда ғоят гўзал манзаралар намоён бўла бошлади. Поёнсиз бўшлиқ, майсалар гуркираб ўсиб ётибди. Осмонда қушчалар учиб чарх уришади. Хў наридаги боғлардан бўлса керак, гул ишқида маст бўлган булбулларнинг овози келяпти. Борлиқни етилиб пишган ананас қовуннинг ҳиди қоплаб кетибди.

Ранг-баранг капалакчалар қувлашиб, гулдан гулга қўнишади. Ёнгинамдаги ариқда оқаётган сув бамисоли ёқимли куй чалаётганга ўхшайди. Ажойиб водий экан, деб ўйладиму бошим оққан томонга қараб кета бошладим. Қанча юрганам эсимда йўқ, бир маҳал мол боқаётган болалар қаршисига бориб қолибман. Қизиқ, бу ерда болалар молнинг устига миниб олиб боқишаркан. Ўзбекчалаб сўрасам тушунишармикан? – дея бир оз турдим да, сўнг Тарвуз шаҳрида ўрганган тилимда:

– Эй бола, – дея кўрқиброқ мурожаат қилдим.

Сигир устидаги бола мен томонга хийла бурилгандек бўлди.

– Бу қайси мамлакат? – деб сўрдим яна.

– Ўзинг билмайсанми? Тўсатдан мен ўрганган тилда сўзлаб юборди бола.

– Йўқ, билмайман.

– Нега билмайсан?

– Эсимдан чиқиб қолди.

– Билмасанг, билиб қўй, – бола гапнинг қолган қисмини дона-дона қилиб айта бошлади, – бу мамлакатни Ширин қовунлар мамлакати деб аташади.

Бари-бир бегона юртдан чикиб кетолмайман-да, деб ўйладиму хафа бўлганимдан андоқ бўлмаса йиғлаворай дедим. Сеҳрли қовун мени мамлакатнинг у чеккасида бу чеккасига келтириб ташлабди, кўрсатган каромати бор йўғи шу бўпти холос... Эҳтимол, бола янглишаётгандир, деган фикр ўтди бошимдан. Ҳар эҳтимолга қарши:

– Ширин қовунлар мамлакати дедингми? – деб сўрадим.

– Ҳа, – яна ўз тилида жавоб қайтарди бола.

– Мазза экан-ку?

– Бўлмаса-чи.

– Отинг нима? – дея сўрадим суҳбат бошланиб кетганига хурсанд бўлиб.

– Ҳа Мак.

– А?!

– Қулоғинг қарми, Ҳа Мак деяпман.

– Нега Ҳа Мак бўларкан?

– Ўзинг билмайсанми?

– Йўқ.

– Аслида қаерликсан?

– Осмондан тушганман.

– Осмондан? Назаримда бола кўрқиб кетгандай бўлди.

– Ҳа. Ие, у ерда қанақа мамлакат бор?

– Сойбоши деган мамлакат.

– Ҳеч эшитмаган эканман.

– Ҳошимжон Рўзиев деган болани эшитганмисан?

– Унияма эшитмаганман.

– Мен ўшанинг ўртоғи бўламан, – шошмасдан ўзларининг тилида дона-дона қилиб тушунтира бошладим, – унинг тўғрисида китоб ҳам ёзишган. Эҳтимол ўқигандирсан?

– Ўқиганим йўқ.

– Нега ўқимадинг?

– Биз китоб ўқиш ўрнига телевизор томоша қиламиз.

– Яхши эмас, – насиҳат қилган бўлдим, – китоб билим манбаи-ку. Китоб ўқиган бола ақлли бўлади. Телевизорни кўп томоша қилсанг, дангаса бўп қолсан, билдингми?

– Билдим.

– Отинг нега Ҳа Мак эканлигини айтмадинг-ку?

– Айтдим.

– Айтганинг йўқ.

– Айтдим.

– Айтганинг йўқ.

Нақ ярим соат чамаси тортишди. Бу бола ҳам менинг нариги дунёда қолиб кетган укам Асқарга ўхшаб «а» десанг, «бе» дейдиган хилидан экан. Охири бир амаллаб кўндирган эдим:

– Ҳа, майли, яна бир марта айтсам айта қолай, – дея розилик билдирди, – бизда болаларнинг номи ёнига Мак сўзи қўшиб айтилади. Мак дегани бола дегани, ғўр дегани, билдингми?

– Билдим. Фамилиянг нима?

– Қо Қи.

– А?!

– Кармисан? Қо Қи деяпман.

– Фамилиянг ширингина экан.

– Биз ҳаммамиз ширинмиз.

– Лекин қишда учраганингда еб кўярдим-да, – дедим лабимни чапиллатиб.

– Нима, сен одамхўрмисан?

– Баъзан, битта-иккитасини еб тураман.

Бола мендан шубҳалана бошлади шекилли, тескари ўгирилиб миниб турган сирини ниқтаб нари кета бошлади. Менинг эса ундан ажралгим йўк. Тўйиб-тўйиб гаплашгим, бегона мамлакат ҳақидаги нарсаларни ундан сўраб билгим келарди.

– Ха Мак, жон ука, тўхта, – деб ёлвордим, – яна битта нарса сўрай.

Бола сигирнинг бошини тортиб, елкаси оша менга хўмрайиб қаради.

– Еб кўяман деяпсан-ку.

– Ўлай агар, ҳазиллашдим.

– Нимани сўрамоқчисан ўзи?

Ростдан ҳам энди нимани сўрасам бўлар экан? Кўп нарсани билгим бор-у, лекин шу пайтда эсимга ҳеч нарса келмаётганини қаранг. Ёпирай, энди нима қилдим...

– Сен... Сен жуда яхши Ха Мак экансан,- дея дудуқлана бошладим, – нега сигирингни миниб олдинг?

– Миниб олмасам қочиб кетади-да.

– Минганингдан сўнг обқочиб кетса-чи?

– Баҳонада катайса қилиб келаман.

– Яхши, яхши. Сен, Ха Макжон, нечанчи синфда ўқийсан?

– Олтинчида.

– Уй вазифаларини бажариб қўйганмисан?

– Бизда уй вазифалари берилмайди.

– Ие, нега?!

– Муаллимларнинг ўзлари ишлаб, ўзлари баҳо қўйишаверади.

– Яхши экан. Айт-чи, мана бу катга йўл қаёққа олиб боради.

– Шаҳарга.

– Шаҳарнинг номи нима?

– Ҳандалак.

– Ўзиям ширингина бўлса керак-да?

– Илгари ширин бўлган дейишади.

– Ҳозир-чи?

– Пишиб ўтиб кетган дейишади.

– Демак, ачимтироқ экан-да?

– Шунақа бўлса керак.

Димоғимга наҳорда узилган хушбўй ҳандалакнинг ҳиди гупиллаб урилгандай бўлди. Таним яйраб кетди. Кўзимни юмиб, ширин-ширин энтика бошладим. Тасаввуримда олдин еган ҳандалакларим жонланди-ю, оғзимдан сўлак оқа бошлади... Кўзимни очиб бундай қарасам... Э товба, э товбангдан кетай, бу қанақаси бўлди-а?

На бола бор, на сигир бор, на яшнаб турган ўтлоқ! Яйдоқ даштда сўппайиб бир ўзим турибман. Яна сеҳрли воқеа юз берганга ўхшайди деб кўрқиб кетдим.

– Ха Мак, қаердасан укажон? – ваҳима ичида қичқира бошладим.

*Тавсия: Асарнинг тўла матнини қўйидаги интернет саҳифасидан юклаб олиб ўқишингиз мумкин: Худойберди Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакати (роман) [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz)*

Адибнинг бошқа асарларини *Kutubxona - Turkum:Худойберди Тўхтабоев узген.org* ва *Худойберди Тўхтабоев (1933) [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz)* интернет саҳифаларида ўқишингиз мумкин.

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Нима учун Ақромжоннинг имтиҳондан йиқилиб уйга қайтганига ойдис хурсанд бўлди?
2. Нима учун сойбошилиқлар эшакларига «Жигули»никига ўхшаб номер осиб кўйишади?
3. Ақромжон «Тулпор»ининг устидан қандай қилиб ёнғоқ ўсиб чиқди? Бу лофми? Лоф нима?
4. Ақромжон қандай қилиб Тарвуз шаҳрига бориб қолди?
5. Ақромжон Ха Мак билан нималар ҳақида суҳбатлашди?
6. Асарда жамиятдаги қандай иллатлар қораланган?
7. Ақромжоннинг қовунлар мамлакатада бошланган саргузашти, сизнингча, қандай давом этади?

### **Бажаринг:**

1. Ақромнинг сеҳрли қовунлар мамлакатига бориб қолиш тарихини сўзлаб беринг.
2. Асардан олган таассуротларингиз асосида «Хаёлот оламида» мавзуда таассурот эссе ёзинг.

## **САРГУЗАШТ АСАР**

Бадиий адабиётда қаҳрамонларнинг кечинма ва ўйларини тасвирлашга бағишланган асарлар бўлгани сингари, уларнинг иштирокида рўй берган қизиқарли воқеаларни кўрсатишга, қаҳрамонларнинг табиатларини ана шундай кутилмаган, ғалати воқеалар асносида тасвир этишга қаратилган асарлар ҳам мавжуд. Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» ва «Сеҳрлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатада» романлари қизиқарли воқеаларни акс эттириш йўли билан яратилган. Бу хилдаги асарлар кўпчилик китобхонлар учун севимли саналади. Чунки китобхонлар бу асарларни ўқиш жараёнида кутилмаган, тасодифий ва сирли воқеалар асносида қаҳрамонлар табиатига хос янги-янги жиҳатларни билиб олишлари мумкин. Шунингдек, сирли воқеаларнинг кутилмаган ечимини билиш ҳамма учун ҳам қизиқарли. Бири-бирдан қизиқ воқеаларнинг якунини сабрсизлик билан кузатиб борган китобхон асарни қандай қилиб ўқиб чиққанини ҳам билмай қолади.

Қаҳрамонлар табиатини кутилмаган, сирли, тасодифий ва қизиқарли воқеаларнинг тасвири мобайнида акс эттирадиган бадиий асарлар саргузашт асарлар ҳисобланади.

Саргузашт асарларда қаҳрамонлари бошидан ўтган ғоят қизиқарли ва фавқулодда воқеаларнинг тасвири ўқувчини ўз ортидан эргаштиради. Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» ва «Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатада» романлари саргузашт асарлар сирасига мансубдир.

Саргузашт адабиёт дастлаб пайдо бўлган замонларда «таваккал» (авантюра) адабиёт деб юритилган. Чунки бундай асарларнинг қаҳрамонлари буюк таваккалчилар, ҳеч нарсадан қайтмайдиган жасур кишилар бўлишган. Эътибор қилган бўлсангиз, Ақром ҳам ақлидан кўра туйғуларига кўпроқ қулоқ соладиган, қайтмас, таваккалчи бола. Асар давомида у жуда кўп ғайритабиий ҳолатларни, қутилмаган воқеаларни бошидан кечиради.

Саргузашт асарларда деярли ҳамиша фантастик, детектив ва саёҳат унсурлари мавжуд бўлади.

«Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатада» романидан олинган ва сиз танишиб чиққан боблар фикримизнинг қанчалик тўғри эканлигини исботлайдиган мисолдир. Ширин қовунлар мамлакатага Ақромнинг тушиб қолишида сеҳрли қудрат ва фантастик хусусият бўлса, Ақромнинг ўғирланган молларнинг топиши лавҳаларида детективга хос белгилар мавжуд, романдаги асосий қизиқарли воқеалар қаҳрамонимизнинг саёҳати мобайнида содир бўлиши эса, фикримизни асословчи учинчи далилдир.

Кўпинча саргузашт асарни детектив асарлар билан бир хил деб ўйлашади ва баъзан саргузашт-детектив асар деган бир ном билан аташади ҳам. Аслида, детектив асарларда бирор жиноятни фош этишга доир сирли саргузаштлар тасвирланади. Қаҳрамонларнинг бошидан кечирганлари бевосита бирор жиноятнинг очилишига алоқадор ҳолда тасвирланган асарларнигина саргузашт-детектив асар дейиш мумкин.

Детектив асарларнинг қаҳрамонлари, кўпинча, асарга шаклланган ҳолда кирилади, саргузашт асарларда эса қаҳрамон воқеалар мобайнида камолатга эришиб боради. Худди шу ҳолни «Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатада» асаридаги Ақром образи мисолида кўришимиз мумкин. Санъаткорлик билан битилган саргузашт асарлар юксак бадиий қиммат ва катта тарбиявий аҳамият касб этади.

### ***Мулоҳаза юритамиз:***

1. Саргузашт асарга хос қандай белгиларни билиб олдингиз?
2. Детектив асарларда қандай воқеа-ҳодисалар тасвирланади? Уларда саргузашт тасвири бўладими?
3. Саргузашт асарлар билан детектив асарларнинг қаҳрамонлари бир-бирдан қандай фарқ қилади? Фикрингизни ўқиган асарларингиз асосида далиллашга урининг.

## АНТУАН ДЕ СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ

(1900 – 1944)



Антуан де Сент-Экзюпери 1900 йилнинг 29 июнида Франциянинг Лион шаҳрида қашшоқлашиб қолган зодагонлар оиласида дунёга келди. Кичкина Антуандаги қизиқувчанлик, турли фанларни эгаллашдаги билагон қобилият жуда эрта кўзга ташланди. У ўзига тенгқур болалар даврасида кувнок, хазилкаш, турли ўйинларни ўйлаб топишга устаси фаранг сифатида машҳур эди. Тонио (уни эркалаб шундай чақиришарди) машиналару техникага жуда қизиқарди, совға қилинган ўйинчоқларнинг ичини кавлаштирар, қандай тузилганини билишга интиларди. У олти яшарлигидаёқ машиналар ҳақида анча-мунча тушунчага эга эди.

Антуан учувчи бўлишни орзу қиларди. У ўн икки ёшга тўлганда биринчи бор ҳавога кўтарилди. Ўша пайтлардаги машҳур француз учувчиси Ведрен уни Амборье шаҳарчаси яқинидаги аэродромдан бирга олиб осмонга учади. Парвоз ишқи мана шу лаҳзадан бошлаб ёш Антуаннинг ҳаётдаги асосий бир умрлик мақсади бўлиб қолади.

Сент-Экзюпери дастлаб коллежда, сўнг Швейцарияда, кейинчалик Парижда ўқиди. Париждаги Санъат мактабининг меъморчилик бўлимига ўқишга кирди. 1921 йилда ҳарбий хизматга чақирилди, бу унинг ҳаётида кескин бурилиш ясади. Унинг орзуси амалга ошадиган бўлди, чунки у ҳарбий учувчилар полкига тушган эди. У ҳарбий учувчилик касбини яхши эгаллайди. Кейинчалик Марокашда аэродром бошлиғи бўлиб ишлайди. Мана шу пайтда у бадий ижод билан шуғуллана бошлайди ва бир ярим йилдан сўнг, ўзининг биринчи асари билан Францияга қайтади. Бу «Жанубий почтачи» қиссаси эди. Қисса 1928 йилда нашр этилади. Учувчи-ёзувчи Сент-Экзюперидан яхшигина адабий мерос қолган.

Қайд этилган қиссадан кейин «Тунги учуш», «Башар сайёраси», «Ҳарбий учувчи», «Кичкина шаҳзода» ва ниҳоят, тугалланмаган, ҳажман жуда катта фалсафий роман «Қалъа», қатор публицистик асарлар мерос бўлиб қолди. Инсон тирик экан, бу асарлар мангу бўлиб қолажак. Чунки улардаги инсонга бўлган чуқур меҳр ва ирода қудрати ҳар кимнинг кўнглини ёритади, одамнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Эътиборингизга Антуан де Сент-Экзюперининг таниқли ўзбек адиби Хайриддин Султонов таржимасидаги «Кичкина шаҳзода» қиссасидан айрим бобларини ҳавола қиламиз.

### КИЧКИНА ШАҲЗОДА

*(Қиссадан боблар)*

#### XX

Кичкина шаҳзода кум барханлари аро, қоя ва музликлар аро узоқ кезиб юрди ва ниҳоят, йўлга тушиб олди. Ҳар қандай йўл эса одамзод хузурига элтади.

– Салом, – деди у.

Унинг қаршисида гул-чечакларга тўла бир чаманзор ястаниб ётарди.

– Салом, – деб жавоб қайтаришди гуллар.

Шунда Кичкина шахзода бу гулларнинг барчаси унинг феруза гулига ўхшаш эканини пайқади.

– Тўхтанг, сизлар кимсиз? – деб сўради у лол бўлиб.

– Бизлар – гулмиз, – деб жавоб беришди гуллар.

– Шунақами... – деди Кичкина шахзода бўшашиб.

Сўнг дафъатан ўзини бениҳоя бахтсиз сезди. Феруза гул унга, бутун оламда мен каби зебо санам йўқ, деб айтган эди. Мана, ҳозир пойидаги бу чаманзорда эрка гули янглиғ гулларнинг беш мингтаси ял-ял товланиб турибди!

«Агар буни кўрса, у канчалик хафа бўларди-я! – деб ўйлади Кичкина шахзода. – Чамаси кулгили кўринмаслик учун у зўр бериб йўтала бошлаган, ўзини ҳатто жон таслим қилаётгандек кўрсатган бўлур эди. Мен эса унинг ортидан худди беморнинг ортидан юргандек эргашиб, таскин-тасалли беришга мажбур бўлардим, акс ҳолда, мени ташвишу уятга қўйиш учун ҳам у жон таслим қиларди...»

Кейин хаёлига яна шундай фикр келди: «Мен, ўзимча дунёда танҳо гулга эгаман, деб юрардим, ҳеч қайда унинг тенгию ўхшаши йўқ, деб ўйлардим, ваҳоланки, у оддийгина бир гул экан. Менинг бор буд-шудим ўша оддийгина гулу бўйи тиззамдан келадиган учта вулқондан иборат эди, унинг ҳам биттаси сўнган, ким билсин, балки абадий уйғонмас... энди менинг подшолигим қолдим...»

У майса узра юзтубан тушганча, йиғлаб юборди.

## XXI

Худди шу пайт рўпарасида Тулки пайдо бўлди.

– Салом, – деди у.

– Салом, – дея алик олди Кичкина шахзода хушфёъллик билан, бироқ теварак-атрофга аланглаб, ҳеч кимни кўрмади.

– Мен бу ерданман, – деган овоз эшитилди яна. – Дарахтнинг тагидаман...

– Сен кимсан? – деб сўради Кичкина шахзода. – Бунчаям чиройлисан!

– Мен – Тулкиман, – деди Тулки.

– Мен билан ўйнагин, – деб ўтинди Кичкина шахзода. – Билсанг, ҳозир шу қадар хафаманки...

– Сен билан ўйнаёлмайман, – деди Тулки. – Мен қўлга ўргатилмаганман.

– Э, кечирасан, бўлмаса, – деди Кичкина шахзода, аммо бир оз ўйланиб: – «Қўлга ўргатилмаган» дегани нима? – деб сўради.

– Бу ерлик эмас экансан-да, – деди Тулки. – Нима излаб юрибсан бу жойларда?

– Одамларни излаяпман, – деди Кичкина шахзода. – «Қўлга ўргатиш» дегани нима?

– Одамларни излаяпман дегин? Уларнинг ёнида қуроли бўлади, шуни тақиб овга чиқишади. Жуда чатоқ-да, шуниси. Улар товук ҳам боқишади. Ягона маъкул иши шу уларнинг. Сен товук изламаяпсанми?

– Йўқ, – деди Кичкина шахзода. – Мен дўст излаб юрибман. Хўш, «қўлга ўргатиш» дегани нима?

– Бу аллақачонлар унут бўлиб кетган тушунча, – деб тушунтирди Тулки. – Бу дегани – ришталар боғламок демакдир.

– Ришта боғламок?

– Худди шундай, – деди Тулки. – Ҳозир сен мен учун дунёдаги ўзингга ўхшаган юз минг боланинг бирисан, холос. Ҳозирча сен менга керак эмассан, мен ҳам сенга керак эмасман. Мен ҳам сенга ҳозир дунёдаги юз минглаб тулкининг бириман, холос. Аммо бордию сен мени қўлга ўргатсанг, иккимиз бир-биримизга керак бўлиб қоламиз. Сен мен учун дунёдаги ягона одамга айланасан. Мен ҳам сен учун дунёда ягонага айланаман...

– Тушунгандек бўляпман, – деди Кичкина шахзода. – Бир гул бор эди... чамаси, у мени қўлга ўргатган экан...

– Бўлиши мумкин, – деб тасдиқлади Тулки. – Ер юзида нималар бўлмайди, дейсан.

– Бу воқеа Ерда бўлмаган, – деди Кичкина шахзода.

Тулки хайрон бўлди:

– Қаерда бўлган? Ўзга сайёрадами?

– Ҳа.

– Ўша сайёрада ҳам овчилар борми?

– Йўқ.

– Э, соз экан-ку! Товуқ борми?

– Йўқ.

– «Бир кам дунё» дегани шу экан-да! – деб хўрсинди Тулки. Аммо зум ўтмай, тагин сўз бошлади. – Ҳаётим жудаям зерикарли. Мен товукни пойлайман, одамлар эса мени пойлайди. Товукниям ҳаммаси бир хил, одамниям. Шунинг учун ҳаётим мудом зерикиш билан ўтади. Агар сен мени қўлга ўргатсанг, қоронғи турмушимга нур киради. Шунда сенинг оёқ товушларингни мен минглаб одам ичидан ажрата оладиган бўламан. Ҳозир одам шарпасини сезсам, бас, дарҳол бекиниш пайига тушаман. Аммо мени қўлга ўргатсанг борми, қадам олишинг худди оҳанрабо мусиқа янглиғ мени ўзига чорлайдию, яшириниб ётган жойимдан истиқболингга югуриб чиқаман. Ундан кейин, хув анави буғдойзорни кўряпсанми? Қара, буғдой ғарқ пишиб ётибди. Мен дон-дун емайман, ғалла билан ишим йўқ. Буғдойзор далаларнинг мен учун ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг қанчалар қайғули эканини билсанг эди! Сенинг сочларинг ажойиб, тилларанг товланади. Агар мени қўлга ўргатсанг, шундай соз бўладики! Олтин тусли буғдойзор энди менга сени эслата бошлайди. Ва шунда мен бошоқларнинг шамолда чайқалишини яхши кўриб қоламан...

Тулки жимиб қолди, Кичкина шахзодага узоқ термилди, ниҳоят:

– Илтимос... мени қўлга ўргатгин, – деди.

– Жоним билан ўргатардим-у, – деди Кичкина шахзода, – лекин вақтим зикроқ-да. Мен ҳали дўстлар орттиришим, жуда кўп нарсаларни билиб олишим керак.

– Фақат қўлга ўргатилган нарсаларнигина билиб олиш мумкин, – деди Тулки. – Ҳозир одамларнинг бирор нарсани билишга вақти қолмаган. Ҳамма нарсани тайёрлигича магазиндан олишади. Лекин дўст сотадиган магазин йўқ-да, шунинг учун ҳам одамлар энди дўст орттирмайди. Агар дўст орттирмоқчи бўлсанг, мени қўлга ўргата қол!



– Хўп, бунинг учун нима қилиш керак? – деб сўради Кичкина шахзода.

– Сабр-тоқатни бир жойга йиғиш керак, – деб жавоб берди Тулки. – Дастлаб сал узокрокда, хув анави ердаги майсанинг устига келиб ўтирасан. Мен сенга аввал бир оз ҳадиксираб қарайман, сен бунга индамайсан, майлими? Чунки сўз бир-биримизни англашимизга халақит беради, холос. Кейин эса кун сайин аста-секин яқинроқ келиб ўтираверсан...

Эртасига Кичкина шахзода яна шу жойга келди.

– Яхшиси, ҳар куни бир пайтда кела қолгин, – деб илтимос қилди Тулки. – Масалан, агар соат тўртда келадиган бўлсанг, мен соат учдан ўзимни бахтиёр ҳис қила бошлайман. Муддат яқинлашган сари бу қувонч орта боради. Соат тўртда эса юрагим хаяжонга тўлиб шодумонлик билан тепа бошлайди. Ана шундагина мен бахт-саодатнинг қадрини сезаман! Бордию сен ҳар куни ҳар хил вақтда келадиган бўлсанг, мени бу бахтиёрлик туйғусидан маҳрум қиласан... Расм-русмни тўғри бажо келтириш керак.

– Расм-русм нима? – деб сўради Кичкина шахзода

– Буям аллақачон унутилган нарса, – дея тушунтирди Тулки. – У шундай бир нарсаки, у туфайли қайсидир давр бошқа даврларга мутлақо ўхшамайди. Масалан, менинг пайимда юрадиган овчиларда шундай расм-русм бор, улар пайшанба кунлари қишлоқи ойимқизлар билан кўнгилхушлик қилишади. Шунинг учун ҳам пайшанба дегани жуда ажойиб кун-да! Шу кунлари мен аста сайр қилгани чиқаман, ҳатто узумзорнинг чеккасигача бемалол бораман. Агар овчилар маълум кунларда эмас, хоҳлаган пайтларида кўнгилхушлик қилаверсалар, ҳамма кунлар бир хил бўлиб қоларди, унда мен хордиқ нималигини билмай ўтиб кетардим.

Шу тарика Кичкина шахзода Тулкини қўлга ўргатди. Мана, ниҳоят айрилиқ чоғи ҳам етди.

– Энди сени эслаб йиғлаб юраман, – дея хўрсинди Тулки.

– Айб ўзингда, – деди Кичкина шахзода. – Сени ранжитишни сира-сира истамасдим, ахир, ўзинг айтган эдинг-ку, мени қўлга ўргат, деб...

– Ҳа, албатта, – деди Тулки.

– Лекин йиғлайман, деяпсан-ку!

– Албатта йиғлайман-да.

– Демак, сени қўлга ўргатиб нотўғри қилибман-да.

– Йўқ, – деб бош чайқади Тулки, – бундан хафа эмасман. Эсингдами, олтин бошоқ ҳақида сенга айтган гапларим? – У жимиб қолди, орадан сал ўтгач, тагин қўшиб қўйди: – Ўша гулзорга яна бир марта бориб қарагин, феруза гулингнинг оламда чиндан ҳам ягона эканига ишонч ҳосил қиласан. Қайтиб келганингдан сўнг, хайрлашар чоғи сени яна бир сирдан огоҳ этаман. Майли, бу сенга мандан ҳадя бўлсин.

Кичкина шахзода чаманзорга қараб кетди.

– Сизлар менинг феруза гулимга сираям ўхшамайсизлар, – деди уларга. – Сизлар ҳали ҳеч нима эмассизлар, чунки сизларни бирор кимса қўлга ўргатган эмас, сизлар ҳам бирор кимсани қўлга ўргатган эмассизлар. Менинг Тулким ҳам аввал шундай эди, юз минглаб бошқа тулкилардан асло фарқи йўқ эди. Аммо мен у билан дўст тутиндим, энди у мен учун ёруғ оламдаги ягона тулкига айланди.

Гуллар хижолатдан қип-қизариб кетишди.

– Сизлар чиройлисизлар, аммо дилингиз бўм-бўш, – дея давом этди Кичкина шахзода. – Сизларни деб одамнинг курбон бўлгиси келмайди. Албатта, феруза гулимга тасодифан кўзи тушиб қолган ўткинчи уни сўзсиз сизларга ўхшайди, деб айтиши мумкин. Аммо унинг ёлғиз ўзи менга сизларнинг барчангиздан кўра кадрлирок. Чунки мен ҳар куни сизларни эмас, уни суғорганман-да. Парда тортиб, шиша қалпоқ тутиб сизларни эмас, уни изгирину совуқлардан асраб-авайлаганман. Уни деб, капалаклар тезроқ очилиб чиқиб у билан ўйнасин, деб ғумбақлар олиб келганман. Мен унинг арзу додини ҳам, нозу фироғини ҳам эшитганман, ҳатто сукутга чўмган чоғларида ҳам кўнглини сезиб турганман. У – меники, у менинг ёлғизим, ягонаман...

Шундан сўнг Кичкина шахзода Тулкининг ёнига қайтиб келди:

– Хайр, яхши қол... – деди у.

– Хайр, яхши бор, – деди Тулки. – Мана сенга айтмоқчи бўлган сирли гапим: фақат кўнгил кўзигина очиқ, энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан.

– Энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан, – деб такрорлади Кичкина шахзода, бу ҳикматни эслаб қолиш учун.

– Гулинг сенга шунинг учун ҳам кадрлики, унга кўнглингни бергансан.

– Чунки унга кўнглимни берганман.. – деб такрорлади Кичкина шахзода яхшироқ эслаб қолиш учун.

– Одамлар бир ҳақиқатни унутдилар, – деди Тулки, – аммо сен асло ёдингдан чиқарма: кимники қўлга ўргатган бўлсанг, унинг тақдирига ҳамиша жавобгарсан. Унутма, феруза гулинг учун ҳам жавобгарсан.

– Феруза гулим учун жавобгарман... – деб такрорлади Кичкина шахзода яхшироқ эслаб қолиш учун.

*Тавсия: Асарнинг тўла матнини қуйидаги интернет саҳифасидан юклаб олишингиз ва ўқишингиз мумкин. Антуан де Сент-Экзюпери. Кичкина шахзода (қисса) [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz)*

*Адибнинг бошқа асарлари билан сиз қуйидаги интернет саҳифалари орқали танишингиз мумкин: Антуан де Сент-Экзюпери (1900–1944; Франция) [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz); Antuan de Sent- Ekzuperi. Duo. » [Xurshid Davron kh-davron.uz](http://Xurshid Davron kh-davron.uz)*

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Антуан де Сент-Экзюпери ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Нима учун Кичкина шахзода гулзорга келиб ўзини бениҳоя бахтсиз сизди?
3. Гулзордаги беш мингдан ортиқ Феруза гулига ўхшаш гуллар Кичкина шахзодада қандай туйғулар уйғотди? Нима учун?
4. Тулки нима сабабдан Кичкина шахзода билан ўйнашни истамади?
5. «Кўлга ўрганиш» нима эканлигини билиб олдингизми?
6. «... дўст сотадиган магазин йўқ...» сатрларини қандай изоҳлаш мумкин?
7. Кичкина шахзода қачон Феруза гулини оламда ягона эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин экан?
8. Нима учун Кичкина шахзода чаманзордаги гулларга «Сизлар чиройлисизлар, аммо дилингиз бўм-бўш...» дейди?

9. «... фақат кўнгил кўзигина очик, энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан» сўзларини қандай тушундингиз?
10. «... кимники кўлга ўргатган бўлсанг, унинг тақдирига ҳамиша жавобгарсан» сўзларига қандай маъно юкланган?
11. Яқин кишилар учун жавобгарлик ҳисси сизга танишми?

***Бажаринг:***

1. Кичкина шаҳзоданинг «майса узра юзтубан тушганча, йиғлаб юбор»иши сабабини изоҳланг.
2. Кичкина шаҳзоданинг Феруза гули ўзи учун ягона эканлигини эътироф этган ўринларни матндан топиб қайта ўқинг ва моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Уйингизда ўзингизга тегишли бўлган ўсимлик ёки жонивор ҳақида қисқача эссе ёзишга уриниб кўринг.

# ТАҚДИРЛАР СЎЙЛАЙДИ ЎТМИШДАН ЭРТАК

## ХЎЖАНАЗАР ҲУВАЙДО



Хўжаназар Ҳувайдо Ўшда туғилган ва умрининг охирига қадар Фарғонанинг Чимён деган қишлоғида яшаб ижод этган. Унинг туғилган йили ҳозиргача маълум эмас. Унинг замондошлари ва шогирди Мир Ҳасан Садойиларнинг шоир вафотига бағишлаб ёзган тарих-марсияларига кўра, Ҳувайдо 1780 – 1781 йилларда вафот этган.

Ҳувайдонинг отаси Ғойибназар сўфи ўз даврида Қашкарда машҳур бўлган Офоқ Хўжа эшоннинг муридларидан бўлиб, Чимён қишлоғида масжид ва хонақолар қурдирган эшонлардан бўлган.

Ҳувайдо аввал эски мактабда, кейин Қўқон мадрасасида таҳсил кўради. Отаси вафот этгач, мактаб ва хонақоларда дарс беради.

Ҳувайдонинг авлодидан бир неча шоир ва шоиралар етишиб чиқиб, улар ўз ижодларида Ҳувайдо анъаналарини давом эттирганлар. Масалан, Ҳувайдонинг набираси Мавлавий Сирожий (вафоти 1877), чеваралари Самарбону (1837–1891), Салоҳиддин Соқиблар (1838–1910) девон тузган шоирлар бўлганлар.

Ҳувайдонинг адабий мероси, асосан, шоирнинг чевараси Салоҳиддин (Соқиб) ва Мирза Ҳақим ибни Умид Марғилонийлар томонидан кўчирилган девонда тўпланган. Бу девондан шоирнинг уч юздан ортиқ ғазали, 28 рубойиси, 41 тўртлиги, 3 мухаммаси, 1 мусаддаси, 1 мусаммани, 1 мустазоди ва 3 маснавийси ўрин олган.

Ҳувайдо XVIII аср ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин олган, ўз ижодида ҳаётнинг барча қарама-қаршликларини акс эттирган, ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфна ғояларни тараннум этган шоир саналади.

Ҳувайдо лирик шоир сифатида гўзал ғазаллар ёзиш билан бирга бир нечта маснавийлар ҳам ижод қилган. Ўз маснавийларида у файласуф, донишманд сифатида инсон ҳаётининг жуда кўп ахлоқий-маънавий масалаларига тўхталади. Масалан, «Роҳати дил» маснавийси таркибига кирган ҳикоятларда очкўзлик ва таъмағирлик, вафо ва хиёнат, боқийлик ва ўткинчи ҳою-ҳавас каби ахлоқий масалалар хусусида тўхталиб, қаламга олинган ҳар бир масала бўйича ибратли кичик-кичик ҳаётий воқеаларни келтиради.

Бу ҳикоятлар кишиларга яхшилиқнинг фойдаси, ёвузликнинг ёмон оқибатларга олиб бориши, эзгулик, ростгўйлик, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик кишига бахт келтириши ҳақида панд-насиҳатлар қилади. Бинобарин, Ҳувайдо маснавийларидаги ҳикоятлар панднома характеридаги асарлардан иборат.

«Баёни ғаддорийи дунё» ҳикояти «Роҳати дил» достонидаги ана шундай ибратли асарлардан биридир. Ҳикоятда сайр-томоша учун сафарга отланган уч ака-ука ҳақида сўз юритилади.

## «БАЁНИ ҒАДДОРИЙИ<sup>1</sup> ДУНЁ»

(«Роҳати дил» достонидан)

Сафар килди баногоҳ уч биродар,  
Ағо эрди, бириси эрди додар<sup>2</sup>.

Бир эрди ҳам ато бирла аноси,  
Ки бир тукқон эди ҳар уччалоси.

Борур эрдилар онлар сўйи сахро,  
Тамошо қилибон ул чўлу дарё.

Дучор бўлди аларга йўлда бир ганж<sup>3</sup>.  
«Худо берди,- дедилар,- бизга беранж<sup>4</sup>».

Дедилар: «Эмди уч ҳисса қилолик,  
Ичиб-еб фотиҳа бирла бўлолик».

Учови дедилар бу сўзни маъқул.  
Аларни меҳри дарё айлади чўл.

Чу ҳар ким ҳиссасига бўлса рози,  
Эмасдур ҳеч хожат бизга қози.

Инисига ағолари буюрди,  
Ани бир пора зар илкига берди.

Иковини баякбор<sup>5</sup> ўлтурурсан,  
Тамоми ганжини ёлғуз олурсан».

Аларни ўлтурурга килди ангез<sup>6</sup>,  
Нечук ёлғуз иковин ўлтирай тез.

Ўшал дам кўп хаёлу фикр килди,  
Кўнгулда кўп бу ишни зикр килди.

«Тавакқуф<sup>7</sup> қилма эмди, айла суръат,  
Олиб келтур,- дедилар,- бизга неъмат».

Иниси йўлга кирди, бўлди ночор,  
Борур эрди югуриб суйи бозор.

Ағолари чу ганж олдида эрди,  
Аларнинг кўнглига дунё югурди.

Деди дунё: «Ани ўлдурмақ авло<sup>8</sup>,  
Ики ҳисса қилибон олмақ авло».

Деди дунёки: «Они ўлтурунглар,  
Бўлуб иккисини беғам олинглар».

Инисин ўлтурарин кор қилди,  
Пичоқ, аргомчини тайёр қилди.

Анга дунё югуриб мунга келди,  
Ани кўнглига мундоғ фикр солди.

Деди: «Эй баччаи беақлу нодон,  
Олурсан, - деди, - бас, моли фаравон.

Мунингдек нечаларни ўлтирубдур,  
Аларнинг қониға илкин<sup>9</sup> ювибдур.

Талаб қил, бўлса ганж, эй биродар,  
Вагарна сандин авло гов ила хар<sup>10</sup>.

Талаб қил, бўлса ганжи бозиёни,  
Санга бўлғай чу умри жовидони.

<sup>1</sup> Ғаддор – алдамчи, хиёнатчи, золим

<sup>2</sup> Додар – ука

<sup>3</sup> Ганж – хазина, бойлик, пул.

<sup>4</sup> Беранж – машаққатсиз, меҳнатсиз.

<sup>5</sup> Баякбор – бирданига, биратўла.

<sup>6</sup> Ангез – бошлаш, қасд қўзғатиш.

<sup>7</sup> Тавакқуф – тўхташ, пайсалга солмоқ.

<sup>8</sup> Авло – яхши, тузукроқ.

<sup>9</sup> Илкин – қўлини.

<sup>10</sup> Гов ила хар – мол ва эшак

«Солой эмди таом ичига оғу,  
Егандин сўнг ўлур бўлғай икову.

Агар ўлса қолур бўлғай ўшал ганж,  
Манга бўлғай муяссар ганжи беранж».

Таом ичига ул дам захр солди,  
Аларни элтибон олдига қўйди.

Муни тутти ўшал дам иккалоси,  
Бошин кести инисини ағоси.

Инисин ўлтуриб дилжамъ бўлди,  
Таомларни алар олдига қўйди.

Моҳазарни<sup>1</sup> қилиб ул дам тановул,  
Вафосиз бевафога бўлдилар гўл.

Вафосиз дунё учун тўкдилар қон,  
Замон ўтмай алар ҳам бердилар жон.

Киши бўлмаса маънидин хабардор,  
Ани одам дема, де накши девор.

Кетар, бил, андин инсофу диёнат,  
Кеча-кундуз бўлур фикри хиёнат.

Анинг кўнглига тушгай кўп тараддуд,  
Олай дер дунё молин илкига зуд.

Йиғинса молу мулкат мисли Қорун<sup>2</sup>,  
Кўзи тўймас, қилай дер боз афзун<sup>3</sup>.

Бу дунёдин кетар дунёга тўймай,  
Кўзининг уйига то хок<sup>4</sup> тўлмай.

Илоҳи, сақлағил мундоғ балодин,  
Қутулғаймиз бу янглиғ можародин.

*Тавсия: Адибнинг бошқа асарлари билан сиз қуйидаги интернет саҳифалари орқали танишишингиз мумкин: Хўжаназар Хўвайдо (1704-1780/81) e-adabiyot.uz*

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Хўжаназар Хўвайдо ҳаёти, адабий мероси ва авлодлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Ака-укалар сафар йўлида нима топиб олдилар?
3. Ганжни топиб олган ака-укалар қандай қарорга келдилар?
4. Кўнглига «...дунё югурган» акалар қандай қабих ишга қўл урдилар?
5. Молу ганж ишқи кичик укани қандай йўлга бошлади?
6. «Вафосиз дунё учун тўкдилар қон» мисраси маъносини изоҳлай оласизми?
7. «Бу дунёдан кетар дунёга тўймай, Кўзининг уйига хок тўлмай» мисралари орқали шоир нима демоқчи?
8. Сизнингча, ушбу ҳикоят мазмунидан қандай хулоса келиб чиқади?

---

<sup>1</sup> Моҳазар –гайёр овқат

<sup>2</sup> Қорун – бениҳоя бойликка эга бўлган афсонавий шахс. Адабиётда бойликнинг рамзий образи.

<sup>3</sup> Афзун – ортик, кўп.

<sup>4</sup> Хок – тупрок.

### ***Баъжаринг:***

1. «Баёни ғаддорийи дунё» ҳикоятининг мазмунини қайта ҳикоя қилинг.
2. Ака-укалар образларини тавсифлаб беринг.
3. Ҳикоятнинг ҳулосасини («Талаб қил, бўлса ганж, эй биродар» мисрасидан бошлаб) ёддан айтиб беринг.
4. Ҳикоятнинг мазмунини насрий ҳикоя тарзида адабиёт дафтарингизга ёзиб келинг.

## **ПАНДНОМА**

Панднома Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари адабиётида жуда қадим замонларда вужудга келган бўлиб, у кишиларга таълим-тарбия беришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилган.

Пандномаларда ахлоқ-одоб, урф-одат, оилавий муносабатлар, дўст ва яқинларга хайрихоҳлик, душманларга ҳушёр муносабатда бўлиш, эзгулик орқали ёвузликнинг олдини олиш, ишқ-муҳаббатда садоқатли бўлиш, ватанга меҳр қўйиш, ҳалоллик, ростгўйлик, мол-дунёга ҳавас қўймаслик каби олижаноб инсоний хислатлар тарғиб ва ташвиқ этилган. Шуниси қизиқки, пандномада қаламга олинган ҳар бир ахлоқий-маърифий масала ўғит-насихат берувчи кичик-кичик ибратомуз ҳикоятлардан ташкил топган.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Овесто»даги «гат»лар ўз даврининг ўзига хос пандномаларидан иборат эди. Мана шу нарса кўрсатадики, Ўрта Осиё халқларида пандномаларнинг илдизлари жуда ҳам қадимий.

Кайковуснинг «Қобуснома», қадимги ҳинд тилидан таржима қилинган «Калила ва Димна», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Абу Али Ибн Синонинг «Зафарнома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» каби асарлари таркибига кирган латиф ҳикоятлар ўзбек, форс-тожик халқлари адабиётида пандномаларнинг гўзал, бетакрор намуналари мавжуд эканлигидан далолат беради. Кейинчалик бу жанр Хожа, Ҳувайдо, Гулханий, Ҳамза каби адиб ва шоирлар ижодида давом эттирилади.

Хуллас, панднома форс-тожик ва туркий халқлар адабиётида узоқ тарихга эга бўлиб, у ҳозирга қадар у ёки бу ижодкор томонидан яратилишда давом этмоқда.

### ***Мулоҳаза юритамиз:***

1. Панднома асар хусусиятлари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Қуйи синфларда қандай панднома асарларни ўқигансиз? Эслаб кўринг.

## АБДУЛЛА ҚАХҲОР

(1907–1968)



Бадий асарлари билан ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абулла Қаҳҳор 1907 йил 17 сентябрда Тожикистоннинг Ашт туманида туғилди. Отаси Абдуқаҳҳор темирчи эди. У тирикчилик ўтказиш учун Қўқон ва унинг атрофидаги Бувайда, Яйпан, Оққўрғон, Қудаш, Олқор каби кишлоқларнинг биридан иккинчисига кўчиб юрар, оила бирор кишлоқда узокроқ қўним топмасди. Чунки, биринчидан, у маҳаллар темирчига кишлоқларда иш қўп бўлмасди. Иккинчидан, Абдуқаҳҳор темирчи тик сўзли, қайсар одам бўлгани учун одамлар билан чиқишиб кетиши қийинроқ эди. Бир умр бир жойдан бошқасига кўчиб юришдан иборат ҳаёт таъсирчан, хаёлпараст ва тортинчоқ бола бўлган Абулла хотирасида ёмон из қолдиради. Кўчиб борган жойдаги болаларга эндигина ўрганганда, яна бошқа жойга кўчиб кетишгани боис у, кўпинча, болаларга эл бўла олмасди.

Бўлажак ёзувчи дастлабки маълумотни Бувайдадаги эски мактабда олди. Сўнг Оққўрғон кишлоғидаги жаҳид мактабида таҳсил кўрди. Сал кейинроқ Қўқондаги ётоқмактаб (интернат)да ўқиди. 1922–1924 йилларда Қўқонда очилган ўқитувчилар тайёрлайдиган техникумда таҳсил кўрди.

1925 йили Тошкентга ишга таклиф этилган Абулла Қаҳҳор кечаси ўқиб, кундузлари «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлади. 1926 йилда САГУнинг тайёрлов факультетини тамомлади. Сўнгра Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг педагогика факультетига ўқишга кириб, 1930 йилда тугатди.

Абулла Қаҳҳор ижоди 1924 йилдан бошланган. Дастлаб «Муштум» журналида, «Янги Фарғона» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида унинг ҳикоя, фелъетон ва хабарлари босилди. Ёзувчининг «Олам яшаради» номли биринчи ҳикоялар тўплами 1928 йилда чоп этилган. Ўтган асрнинг 30-йилларида адибнинг учта ҳикоялар тўплами китобхонлар қўлига тегди. Абулла Қаҳҳорга катта шуҳрат келтирган «Сароб» романи 1934 йилда ёзилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзувчининг бир қанча фелъетон, қисса ва ҳикоялари эълон қилинди. «Асрор бобо», «Дардақдан чиққан қахрамон», «Кампирлар сим қоқди», «Хотинлар» ҳикоялари ва «Олтин юлдуз» каби қиссаларида ўзбек жангчиларининг мардлиги, халқимизнинг меҳнатдаги жонбозлиги маҳорат билан ифодаланган.

Ёзувчи урушдан кейинги йилларда «Кўшчинор чироқлари» романи, «Шоҳи сўзана, «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» комедиялари билан ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Адибнинг «Синчалак», «Муҳаббат», «Ўтмишдан эртақлар» қиссалари ўзбек насри тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Адабиёт соҳасидаги хизматлари учун Абулла Қаҳҳорга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилган. У 1968 йилнинг 25 майида вафот этди.



Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Сотиболди касални ўқитди – бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товук сўйиб қонлади... Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлади. Бундай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади.

Шаҳарда битта докторхона бор. Бу докторхона тўғрисида Сотиболдининг билгани шу: салқин, тинч парқда, дарахтлар ичига кўмилган баланд ва чиройли оқ иморат; шиша қабзали кул ранг эшигида кўнғироқ тугмаси бор. Чигит пўчоқ ва кунжара билан савдо қиладиган хўжайини Абдуғанибой омборда кулаб кетган қоплар остида қолиб ўладиган бўлганида бу докторхонага бормай Симга<sup>1</sup> кетган эди. Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келар эди.

Бемор оғирлашди. Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди, аммо бу боришдан муддаоси нима эканини аниқ билмас эди. Абдуғанибой унинг сўзини эшитиб кўп афсусланди, кўлидан келса ҳозир унинг хотинини оёққа бостириб беришга тайёр эканини билдирди, кейин сўради:

– Девонаи Баҳоваддинга ҳеч нарса кўтардингми? Ғавсул-аъзамга-чи?

Сотиболди кетди. Беморнинг олдидан жилмаслик ва шу билан бирга тирикчилик учун хонаки бир касб қилишга мажбур бўлди – ҳар хил саватчалар тўқишни ўрганди. У эртадан-кечгача офтобшувокда гавронлар ичига кўмилиб сават тўқийди.

Тўрт яшар қизчаси кўлига рўмолча олиб, онасининг юзини қарахт, нимжон, хира пашшалардан кўрийди; баъзан, кўлида рўмолча, мукка тушиб ухлаб қолади. Ҳамма ёқ жим. Фақат пашша ғинғиллайди, бемор инқиллайди; ҳар замон яқин-йироқдан гадоёй товуши эшитилади: «Ҳей дўст, шайдулло баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо...»

Бир кечаси бемор жуда азоб тортди. У ҳар инграганда Сотиболди чаккасига буров солинган кишидай талвасага тушар эди. Кўшниси бир кампирни чақирди. Кампир беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқ-бу ёғини силади, сўнгра... ўтириб йиғлади.

– Бегуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади, уйғотинг қизингизни!- деди.

Бола анчагача уйқу ғашлиги билан йиғлади, кейин отасининг ғазабидан, онасининг аҳволидан кўрқиб, кампир ўргатганча дуо қилди:

– Худоё аямди дайдига даво бейгин...

---

<sup>1</sup> Сим – Фарғона.

Бемор кундан-кун баттар, охири ўсал бўлди. «Кўнгилга армон бўлмасин» деб «чилёсин» ҳам қилдиришга тўғри келди. Сотиболди тўқиган саватчаларини улгуржи оладиган баққолдан йигирма танга қарз кўтарди. «Чилёсин»дан бемор тетик чикқандай бўлди; шу кечаси ҳатто кўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пичирлади:

– Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳига қабул қилди. Дадаси, энди тузукман, қизимни саҳарлари уйғотманг.

Яна кўзини юмди, шу юмганича қайтиб очмади – саҳарга бориб узилди. Сотиболди қизчасини ўлик ёнидан олиб, бошқа ёққа ётқизаётганда қизча уйғонди ва кўзини очмасдан одатдагича дуо қилди:

– Худоё аямди дайдига даво бейгин...

*Тавсия: Адибнинг бошқа асарларини қўйидаги интернет саҳифасидан юклаб ўқшингиз мумкин: Абдулла Қаҳҳор (1907-1968) [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz); Kutubxona - Turkum: [Abdulla Qahhor uzgen.org](http://Abdulla.Qahhor.uzgen.org);*

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва адабий мероси ҳақида нималарни билиб олдингиз? Адибнинг қайси асарларини ўқигансиз?
2. Оғриб қолган хотинини даволатиш учун Сотиболди нималар қилди? Улар фойда бердимиз?
3. Докторхона ҳақида ўйлаганида, Сотиболдининг кўз олдига келадиган йигирма беш сўмлик пул нимани англатади?
4. Хўжайини ёрдам бермагач, ҳам хотинига қараш, ҳам тирикчилик важдан Сотиболди нима юмуш билан шуғулланди?
5. «Кампир беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқ-бу ёғини силади, сўнгра... ўтириб йиғлади». Қўшни кампир нега йиғлади?
6. «Ҳаммаёқ жим. Фақат пашша гинғиллайди, бемор инқиллайди; ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади: «Ҳей дўст, шайдулло баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо...» Бу жумлалар қандай мазмунни ифодалайди?

### **Баъжаринг:**

1. Ҳикоядан беморнинг аҳволи, Сотиболдининг руҳияти акс этирилган ўринларни топинг ўқинг ва изоҳланг.
2. Сотиболдининг хотинини тузатиш учун кўрган тадбирларига муносабатингизни билдиринг.
3. Бемор онанинг Сотиболдидан қизчасини саҳарлари уйғотмасликни сўраганлигининг сабабини тушунтиришга урининг. У чиндан ҳам тузалганмиди?
4. Асарнинг тилига, жумлаларнинг қисқалигига эътибор қилинг. Ҳикоя матнига таяниб, ҳар бир қахрамон тилидаги ўзига хосликни кўрсатиб беринг.
5. Ҳикоянинг тугалланишига алоҳида эътибор қилинг. Қизча ҳолатини, Сотиболдининг айна вақтдаги руҳиятини тушунтиришга уриниб кўринг.
6. Асарга олинган эпиграф билан ҳикоя мазмунини солиштиринг.

## БАДИЙ АСАР ТИЛИ

Бадиий асар тили шоир ва адиблар томонидан пардозланган, жилоланган поэтик тилдир. Бадиий асар тилида адабий қоидалардан чекиниш, қаҳрамонлар тилининг ўзига хослигини таъминлаш учун кўча сўзларини, шева унсурларини қўллашга тўғри келади. Одамлар бир-биридан фақат ташқи кўринишлари, бўй-бастлари билангина эмас, балки, кўпроқ даражада, сўзлашиш йўсини, гап оҳанги, қандайдир сўзларни кўпроқ ишлатиши, яъни тили билан ҳам фарқ қилади. Бадиий асарда ҳам одамлардаги ана шу фарқлар акс эттирилса, ҳар бир адабий қаҳрамон ўзига хос тилда сўзлашса, таъсирли бўлади. Ҳар бир одамнинг ўзгалардан фарқи, аввало, унинг тилида намоён бўлади.

Бадиий асар тили – адабий тилдан ҳам, сўзлашув тилидан ҳам фарқ қилади, айтилиши вақтда, уларнинг ҳар иккаласига таянади. Ёзувчи ҳаёт воқеаларини кўрсатар, одамларнинг руҳиятини тасвирлар, тимсоллар яратар экан, жонли тил бойликларидан ва адабий тил нормаларидан ўрни билан фойдаланади. Шу тариқа, ҳам жонли тилнинг, ҳам адабий тилнинг ўсишига маълум ҳисса қўшади. Ёзувчи асарнинг тилини унинг мавзуси, тасвирланаётган воқеаларнинг моҳияти ва қайси давр акс эттириляётгани, айтилиши, қаҳрамонларнинг характериға қараб белгилайди. Адиблар сўз ва ибора танлашда гап қурилишининг турли усулларидан, шева унсурларидан, эскириб, истеъмолдан чиққан сўзлар ва фақат бир гуруҳ одамларғагина тушунарли бўлган жаргонлардан ҳам фойдаланади. Айтилиши шу жиҳатлар асарнинг ўқишли, қизиқарли ва жозибали бўлишини таъминлайди.

Агар бадиий асардаги барча қаҳрамонлар адабий тил қоидаларига мос тилда сўзлашадиган қилиб тасвирланса, бу хилдаги асарлар жуда зерикарли, ширасиз, сунъий, ҳаётдан йироқ бўлиб қолади. Чунки ҳаётда одамлар ҳеч қачон бир хилда сўзлашмайдилар. «Бемор» ҳикоясидаги қизалоқнинг болаларға хос тили, чорасиз кампирнинг кўпни кўрган қайвониларға хос сўзлашув услуби, Абдуғанибойнинг бошқаларниқига ўхшамаган нутқи асарнинг жозибасини таъмин этган омиллардан ҳисобланади.

Жумлаларнинг ўта қисқалиги ва тасвирнинг тиниқлиги Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бош хусусиятидир.

## ОДИЛ ЁҚУБОВ

(1926 – 2009)

Одил Ёқубов 1926 йили Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон туманининг Қарноқ қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. 1951–1956 йилларда у Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг филология факультетида ўқиди.

Одил Ёқубовнинг биринчи йирик асари – «Тенгдошлар» повести 1951 йилда босилиб чиқди. Унинг «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди» каби комедиялари Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри сахнасида қўйилди.



1956 йилда «Икки муҳаббат» номли насрий асарлар тўплами нашр этилди. Кейин бирин-кетин «Бир фельетон» киссаси, «Муқаддас», «Қанот жуфт бўлади», «Биллур қандиллар» каби киссалари чоп қилинди.

Одил Ёқубов ўзбек романчилиги ривожига ҳам ўзининг «Эр бошига иш тушса», «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Диёнат», «Оққушлар, оппоқ қушлар» каби йирик эпик асарлари билан улкан ҳисса қўшди.

Одил Ёқубов 2009 йил 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида 83 ёшида вафот этди.

## МУЗҚАЙМОҚ

### Ҳикоя

Ўша оиламиз бошига оғир кулфат тушган куни, мен, ўн яшар бола, нимадандир кўнглим ғаш, уйимиз рўпарасидаги пахса деворга чиқиб, ўзимча гўё отга миниб ўтирардим. У маҳалда биз Туркистон шаҳрининг энг сўлим жойларидан бири – Лагер кўчасида икки хонадан иборат, олди айвон, ўша замон имкониятига кўра тузуқкина уйда истикомат қилардик. Бу уйнинг каттагина ҳовлиси ҳам бор эди. Икки қаватли улкан дарвоза орқали кирадиган бу ҳовлида биздан ташқари яна бир нечта хонадон яшарди. Дарвозанинг устида қурук пичан сақланадиган болохона бўлар, биз, болалар оқшом пайтлари беркинмачоқ ўйнаганда болохонага чиқиб пичан тагида «жон сақлардик».

Оиламиз бошига мусибат тушган ўша машъум кундан бир неча ой муқаддам дадам уйимиздаги деярли барча китобларни уч-тўрт қопга солиб, беда тагига яширгану, болохона эшигига отнинг калласидек кулф осиб қўйгандилар. Эндиликда болохонага ҳеч ким киролмас, фақат мен гоҳо-гоҳо туйнукдан тушиб, қоплардаги китобларни, айниқса серсурат, қалин китобларни туйнук шуъласига солиб, томоша қилиб ўтиришни ёқтирардим. Бу суратлар ҳам жуда ғалати, уларнинг аксари чарм пальто кийиб, белларига қилич ва тўппонча тақиб олган ҳарбий, баъзилари эса от ўйнатган, қизил алвон кўтариб душман сари от суриб кетаётган марду майдонлар бўлса ҳам, негадир барчасининг кўзлари ўйиб олинган ёки юзларига кўк сиёҳ тортилган эди. Нега шундай? Мен бу сир-асрорнинг тагига етолмай қийналардим, дадамлардан сўрашга эса юрагим дов бермас, сабаби, дадамлар қаҳри қаттиқ одам эди, «бу китобларни сенга ким кўрсатди?» деб дашном беришлари мумкин эди.

Ўша қора кун ҳам, нимадандир кўнглим нотинч, китоб титиш эсимга тушиб томга чиқдим. Аммо таниш туйнукка яқинлашганимда кўчанинг бошида кўш от қўшилган чиройли фойтунга кўзим тушди. Сал ўтмай, фойтун дарвозамиз рўпарасига келиб тўхтади. Ундан ўша пайтларда барча катталар учун расм бўлган яшил ранг галифе шим ва гимнастерка кийган ўрта яшар икки киши билан қизил кўйлакли, кўзлари қийғоч бир аёл тушди. Эраклардан бири томда мени кўриб қолиб:

– Эгамберди Жақиповнинг уйи шулма? – деб сўради.

– Шу, – дедим мен. Шу пайт ҳовлидан чиққан ойимларнинг:

– Келинлар, меҳмонлар, хуш келибсизлар, – деган овози эшитилди. Мен болохона устунидан сирпаниб, ерга сакраб тушдим. Меҳмонлар ичкарига киришган, ойимлар аллақандай ҳаяжонда эдилар.

– Дадангнинг маҳкамасига чоп! – дедилар ойимлар негадир шивирлаб – Айт: СА-КУда бирга ўқишган оғайниларилингиз келишди, де! Кутиб ўтиришибди, тезроқ келар экансиз, де! Ҳа айтмоқчи, бирйўла мактабга бориб, опанг билан поччангга ҳам айт – тезроқ келишсин. Дастурхон-пастурхонга қарашиб юборишсин!

Мен негадир, афтидан «меҳмон» сўзидан кўнглим ёришиб, икки оёғимни кўлимга олиб чопа кетдим. Гарчи поччам билан катта опамлар ўқитувчилик қиладиган мактаб дадамлар ишлайдиган маҳкамадан хийла нарида бўлса-да, аввал ўша томонга ўтиб, ойимларнинг гапини опамларга айтдим, сўнг, ҳамон икки оёғим кўлимда, ялангоёк, ялангбош, кўча чангитиб дадамларнинг маҳкамасига қараб чопдим.

Дадамлар бир маҳаллар Қозоғистон Халқ комиссарлари кенгаши қошида тузилган майда миллатлар (асосан ўзбеклар) халқ комиссари лавозимида ишлаган. САКУни тугатганларидан кейин эса ҳозирги Чимкент вилоятининг Сайрам районида биринчи котиб, кейинроқ эса Қозоғистон темир йўли Сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазибаларида хизмат қилганлар. Лекин кейинги йиллар «Отанг сўфи бўлган, сен буни яширгансан», – деган айбнома билан пастга сурила-сурила, юмалай-юмалай охир-пировардида Туркистон тумани молия бўлимига мудир этиб тайинланган эдилар.

Раҳматли бувамлар Ёқуб (жонлари жаннатда бўлғай!) ҳақиқатан Қарноқ қишлоғининг энг катта масжидида то инқилобгача сўфилик қилгандилар. Одамларнинг айтишича, у кишининг овозлари шу даражада зўр бўлган эмишки, ҳар субҳидам масжид мезанасига чиқиб азон айтганларида нафақат ўн минг кишилик Қарноқ аҳли, балки ўттиз чақирим наридаги Туркистон намозхонлари ҳам эшитган эмишлар. Шу боисдан Қарноқ аҳли бувамларнинг исмларига «шайх» сўзини кўшиб, Ёқуб шайх деб атаганлар... Лекин ўн олтинчи йилги қаттиқ қурғоқчиликда бобомиз Ёқуб шайх оғир аҳволга тушганлар. Шу боис отамиз оиласини боқа олмай, бир-икки кўй, бир-икки қоп ғалла эвазига бир бойнинг ўғли ўрнига мардикорликка кетганлар-у, у ёқдан болшевой бўлиб қайтганлар. Шу-шу, ота-бола бири – шайх, бири – болшевой, қип-қизил синфий душманга айланганлар.

Дадамларнинг маҳкамаси улкан савдогар қурган ва эндиликда партия кўмитаси жойлашган кўркам бинонинг шундоқ биқинига жойлашган эди. Мен борганимда дадамлар ҳам идорадан чиққан эканлар. Мени узоқдан кўриб дарвоза олдида тўхтадилар. Дадамлар тўладан келган, новча, киррабурун, ўша даврда расм бўлган тўмтоқ мўйловли, хушқад, салобатли киши эдилар. Эгнидаги либоси ҳозир хотирамда йўқ, агар янглишмасам ўша маҳалда Сталинга тақлидан кийиладиган кўкрак чўнтакли яшил костюм ва галифе шим кийган, оёқларида ҳам ўша замонларда расм бўлган ғарч-ғурч хиром этик.

Раҳматлик дадамлар, уйқусизликданми, бошқами – кўзлари қизарган, аллақандай ҳорғин кўриндилар менга. У киши ҳансирай-ҳансирай айтган гапларимни эшитдилар-у, чехралари сал ёришиб:

– Юр, болам!–дедилар бошимни силаб. – Сенга битта музқаймоқ оберай!

Боя айтганимдек, дадамлар дийдаси қаттиқроқ, ўктам, камгап одам эдилар. Ўша кунгача мен у кишининг бирор марта бошимни силаганларини билмасдим. Аксинча, ҳануз эсимдан чиқмайди: дадамлар ур калтак, сур калтак тагидан чиқолмай, ишдан ҳайдала-ҳайдала охир пировардида кишлокка қайтиб, уйда кўкрагини захга бериб

ётган пайтлар. Бир кун ойимлар кўлимга пул ва икки-уч литрли графин (дадамлар катта лавозимларда ишлаган маҳалда орттирган нодир матох) тутқазиб:

– Дўконга кириб кимиз олиб чиқ, даданг айтдилар! – дедилар.

Дўконга кирсам, кимиз тугаган экан. Мен парвойи фалак, кўлимдаги графинни ўйнатиб уйга қайтдим. Йўлим ёғоч ва темир қозиклар қоқилган мол бозоридан ўтарди. Тўсатдан нимадир «шак» этди. Қарасам, кўлимдаги графин темир қозиклардан бирига тегиб, тангадай жойи ўпирилиб тушибди. Юрагим орқамга тортиб кетди. Уйга қайтишга журъат қилолмай анчагача боғимиз пойидаги сой бўйида айланиб юрдим. Ниҳоят, юрагимни ҳовучлаб уйга кириб бордим. Ойимлар мени кўриб:

– Қаёқларда дайдиб юрибсан, бевош? Даданг шўрлик кутавериб дикқинафас бўп кетдилар-ку! – деб койидилар, сўнг графиндаги тешикка кўзлари тушиб, кўлимдан ушлаганча ичкарига судрадилар.

Дадамлар улкан, чорхари уйимизнинг тўрида китоб варақлаб, ёнбошлаб ётардилар..

– Дўконда кимиз йўқ экан, бу ҳам етмагандек, ўғлингиз графинни синдириб қўйибди... – Ойимлар шундай деб графинни дадамларнинг олдидаги хонтахтага кўйдилар.

Кейинчалик ойимлар бу ишларидан пушаймон бўлиб кўп гапирганлар. «Нега шундай қилганимни ўзим ҳам билмайман, болам, дадангларнинг ночор аҳволи ҳаммамизни эзиб қўйган эди», дегувчи эдилар, раҳматлик.

Дадамлар шитоб билан қадларини ростладилару хонтахтадаги графинни олиб, менага қараб отдилар. Зарб билан отилган графин шундоқ қулоғим тагидан ўтиб (чамаси, жонҳолатда бошимни олиб қочган бўлсам керак!), деворга тегиб чил-чил синди.

Мен тура қочдим, қочарканман, ойимларнинг:

– Қимиз ҳам ўлсин! Қимиз деб боламини ўлдирмоқчимисиз, адаси? – деган аччиқ фарёдини эшитдим.

Ойимларнинг айтишича, кейинчалик дадамлар ҳам бу қилмишидан пушаймон бўлганлар. Ким билсин, эҳтимол бошига оғир мусибат тушишини сезиб юргани учундир, эҳтимол бир маҳал дилимга озор бергани эсига тушиб, уни кўнглимдан чиқармоқчи бўлгандир, ҳар қалай, умримда биринчи бор бошимни силаб, музқаймоқ оберишга аҳд қилдилар.

Кўчанинг нариги юзида шаҳар боғи бўлар, боғ олдидаги майдончада ҳар хил сув, мева шарбатлари, музқаймоқ сотиладиган митти-митти дўкончалар бўларди. Борсак, дўконлар ёпилган экан. Дадамлар астойдил ранжидилар.

– Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлгандим, бу ҳам насиб қилмади-ёв, болам! — дедилар, у киши аллақандай чуқур ўкинч билан.

Уйга борганимизда чироклар ёнган, ҳовлидаги ўчоққа қозон осилган, биздан аввал етиб келган катта опамлар билан ойимлар ўчоқ атрофида куймаланиб юришар, поччамлар кўринмас эдилар.

Дадамлар ичкарига кириб кетдилару дарҳол қайтиб чиқдилар. Чехралари очилган, кайфлари чоғ эди.

– САКУда бирга ўқиган эски кадрдонларим келишипти. Қалай, тузукроқ гўшт-пўштлининг борми, Гулшан? – дедилар дадамлар ойимларга қараб.

– Бор бисотингни дастурхонга тўкасан бугун...

Мархум волидамизда жиндак шаддодлик бўларди.

– Сиз қозон-ўчоқ атрофида айланавермай ичкарига кириб меҳмонларингизга қарайверинг! – дедилар шартта кесиб.

Дадамлар ойимларнинг бу сал ясама кўрслигига кулимсираб, ичкарига кириб кетдилар.

Ҳовлимизда, шундоқ ўчоқ ёнида бир туп гужум ўсар, гужум тагида чуқур қудук бўлар, иссиқ ёз ва илиқ куз кунлари гўштни шу қудукда асрардик.

Ойимлар менга қудукдан гўшт олиб бер, – дедилар. Мен қудук чанғироғининг дастасини айлантириб, гўшт осилган чангаки торга бошладим-у, тўсатдан кўчадан кириб келган икки ҳарбийга кўзим тушиб, негадир юрагим оркамга тортиб кетди. Улар ўчоқ атрофида қуймаланиб юрган ойимлар билан опамларга бир қараб қўйдиларда, этиклари билан ерни тап-тап босиб айвонга чиқишди. Айвондан уйга киришди. Ҳарбийларни кўришлари биланоқ турган жойларида тош қотиб қолган ойимлар билан опамлар бирдан дод солишиб, уйга қараб югуришди. Қудук чанғироғини беихтиёр қўйиб юбориб мен ҳам кетларидан чопдим.

Мен ўша пайтлар мамлакатимизда ва ҳатто шаҳримизда нима бўлаётганидан беҳабар эдим, албатта, шу боис ойимлар билан опамларнинг ҳарбийларни кўришлари биланоқ фарёд чекиб, ичкарига отилишлари сабабини англамадим. Аммо улар мудҳиш мақсад билан келишганини ақл билан бўлмаса-да, юрак билан ҳис этгандим. Кейин билсам, ўша даврда ҳамма жойда бўлганидек, Туркистонда ҳам ҳар қуни, ҳар дақиқада кўплаб одамлар ҳибсга олинган экан. Ойимлар ва опамлар бундан боҳабар бўлганлари учун ҳам ҳарбийларни кўриб дод солишган экан. Эшикдан киришим билан ҳарбийлардан бири – новчадан келган, малла сочларининг учлари қошларига нафис эгилиб тушган хушсурат ўрис капитан полни ғарч-ғурч босиб, эшикка келди-да, унинг илмоғини солиб:

– Тинтув тутагунча энди ҳеч ким уйга кирмайдиам, чикмайдиам! – деди юракка гулгула солувчи бир қатъият билан.

Уйда қий-чув бошланган, катта опамлар ўрта эшикда ҳайкалдай қотиб қолган дадамларнинг бўйнига осилиб йиғламоқда, ойимлар ҳам дадамларнинг елкасига суяниб, унсиз титрамоқда, кичик опамлар билан укаларим бурчакка тикилишиб, худди калхатлардан кўрққан жўжалардай, кўзлари ола-кула, бир-бирининг пинжига кириб олишганди.

Икки тавақали ўрта эшик очик, ичкари хонанинг тўрида САКУда дадамлар билан бирга ўқиган меҳмонлар, рангларида ранг йўк, типпа-тик серрайиб туришарди. Иккинчи ҳарбий эса ичкари уйдаги катта қизил шкафга терилган китоб ва альбомларни битта-битта кўздан ўтказмоқда эди.

Китобларнинг деярли ҳаммаси қизил жилдли Ленин асарлари эди. Тинтув бошлаган ҳарбий Ленин асарларига тегмас, қалин, серсурат альбомларни эса варақлаб кўриб беписанд, ерга ташлар эди. Ҳануз эсим-да: бу альбомлар ҳам худди болохонадаги китоблар каби, аллақандай раҳбарларнинг суратларига тўла бўлиб, уларнинг ҳам аксари аллақачон қамалгани учун (буни мен кейин билдим, албатта) юзларига кўк сиёҳ чапланган, кўзлари ўйиб олинган, баъзи суратларнинг каллалари «кесиб» ташланган эди. Беписанд ҳарбий (агар янглишмасам, у ҳам капитан эди) альбомлар-

ни кўздан кечираркан, дам улардаги кўзлари ўйилган, бошлари «кесилган» сурагларга, дам дадамларга қараб:

– Кўришиб турибди, жа ғоявий эканлар! – дерди мийиғида кулимсираб.

Хушсурат малласоч капитан эса ташки хонадаги кутилар, сандиқ ва сандиқчалар, шкафларнинг тортмаларини очиб, улардаги буюмларни титкилар, латта-путталар орасидан алланималарни қидирар эди. Навбатдаги шкафга келганда ҳарбий қанчалик уринмасин, унинг пастки тортмаларини очолмади. Уйда бирорта сандиқ, ё шкаф йўқ эдики, мен уни очолмасам. Капитаннинг қийналаётганини кўриб, мен қўлимга мих олдим у пилдираб бориб шкафнинг тортмасини шартта очиб бердим. Капитан чеҳраси ёришиб кулди-да:

– Маладес! – деди бошимни силаб. – Келгусида зўр одам чиқади сендан!

Капитаннинг бу кутилмаган мақтовидан юрагим «жиз» этди. Кейинчалик, катта бўлганимда, мен уйдаги дод-фарёдга қарамасдан отамни қамашга келган жаллоднинг мақтовидан бир зумгина бўлса-да, яйраб кетганимни ҳар эслаганимда, бир ўзимдан ижирғаниб юрдим. Аммо ўша дақиқада, афсус-нидоматлар бўлсинким, унинг сўзларидан ғурурланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мудҳиш ҳақиқат!

Шу пайт дадамларнинг:

– Сув! – деган овозлари эшитилди. – Бир пиёла қудуқ суви беринглар, юрагим куйиб кетяпти!

Уйда сув йўқ экан. Опам йиғидан тўхтаб:

– Ўртоқ капитан! – дедилар ҳикиллаб. – Рухсат беринг, укам қудуқдан сув олиб кирсин!

Капитан шкаф тортмасидан бошини кўтариб:

– Агар дод-войингни қўйсанг – рухсат бераман! – деди ва кулди: – Шундай чиройли қиз ҳам бунақа йиғлоқи бўладими?

Капитаннинг опамларга қилаётган сохта хушшомади ёқмади. Лекин нима ҳам қилардим? Челакни олиб ташқарига отилдим. Ҳовлидаги чироқ ўчган, айвондан узокрокда, қудуқ ёнидаги гужум панасида кимдир қозикдек қаққайиб турарди. Бу – почтамлар эди. У лом-мим демасдан кўлидаги чақалокни менга тутқазиб, қудуқдан ярим челак сув олиб берди-да, шарпасиз одимлаб ҳовлининг қоронғи бурчагига қараб кетди.

Кейинчалик марҳум ойимлар кўп айтгучи эдилар:

– Ўша куни поччангни худо ўзи асради! Агар поччанг опанг билан бирга келганида, ким билсин, уни ҳам бирга опкетишармиди бу тошбағирлар?

Ойимларнинг бу гапида жон бор эди, чунки тинтув тугаб, дадамларни олиб кетаётганларида ҳарбийлар САКУчи шўрлик меҳмонларга Туркистондан кетишдан аввал НКВДга бориб, рухсат олишлари шарт эканини уктиришиб, қўлларидан тилхат олишди.

Мен ярим челак сувни кўтариб, ичкарига кирганимда, дадамлар стулда ўтириб, оёқлари тагида ҳамон дод солиб йиғлаётган катта опамлар билан ойимларни тинчитишга уринардилар. Азалдан қорамғиз одам, дадамлар бир зумдаёқ бамисоли оловда қолган арчадек қорайиб кетгандилар. Ойимлар тоқчадан коса олиб бердилар. Дадамлар бир коса муздай қудуқ сувини битта сипқориб:



– Кўй, йиғлама, қизим, йиғлама, Гулшан! – дедилар оғир хансираб. – Ҳукумат олдида тарикча гуноҳим йўк! Ўртоқ Сталин тирик экан, бу тухматлардан кутқариб олади ҳали!

Дадамлар кудуқ сувини косалаб сипқорар эдилару шу битта гапни қайта-қайта такрорлардилар:

– Ҳукумат олдида бегуноҳман, Гулшан! Ўртоқ Сталин барҳаёт экан, бизни буларнинг оёғи остига ташлаб қўймайди!

Мен ҳозир, шахсга сизгиниш даврининг мудҳиш кирдикорлари, мудҳиш инқилоб доҳийлари, айниқса, Сталин ҳукмронлиги даврида юз берган шафқатсиз қатлу қирғинлар, миллион-миллион бегуноҳ кишиларнинг бошига тушган ғурбатлар, ота боладан, бола отадан айрилиб, одамларнинг кўзёши дарё бўлиб оққан ўша зимистон йиллар ҳақида ўйлаганимда, дадамларнинг Сталин тўғрисидаги гапларини эслаб, ҳайрон бўламан. «Наҳот отам бу қирғин-баротни кўрмаган-сезмаган бўлсалар, наҳот Сталин бу жабру ситамлардан беҳабар эди, деган содда, бемантиқ сўзларга ишонган бўлсалар?» деган фикр бот-бот кўнглимдан ўтади.

Лекин ундай десам... ўша даврда ҳукм сурган инқилоб чавандозлари орасида машъум Инқилобнинг сохта оташин чақириқлар, жўшқин қўшиқлар, алвонлари, «доҳий»нинг алангали нутқларига астойдил ишонган, бўлаётган қатлу қирғинларнинг ҳаммаси инсоният бахти учун қилиняпти, деган мудҳиш ёлғонга учган соддадил, оқкўнги одамлар оз бўлганми?

Албатта, юракни зирқиратувчи бу ўйлар менинг хаёлимга кўп йиллардан кейин ўша даврлардаги даҳшатли воқеалар фoш қилиниб, кўзимиз очилганда келди. У маҳалда эса...

Билмадим, тинтув қанча давом этди. Лекин дадамлар кудуқ сувини сипқорасипқора, «Ўртоқ Сталин содиқ фарзандларини хор-зор қилиб қўймайди», деган гапни такрорлай-такрорлай ярим челақ сувни ичиб тугатганлари ҳануз эсимда.

Мен кейинчалик, бу гапни айтсам кўплар ишонмай:

– Қўйинг-э, одам боласи ярим челақ сувни ича оладими? – дегувчилар ҳам бўлди, аммо мен, ўн-ўн бир яшар бола, буни ўз кўзим билан кўрганман, дадамларнинг ўша сўзларини ўз қулоғим билан эшитганман! Ичи ёниб кетаётган одам ярим челақ у ёқда турсин, бир челақ сувни ҳам ичади!

Нихоят, тинтув тугади. Дадамларга кийинишни буюрдилар. Ойимлар билан опамларнинг ноласи кўкка чиқиб, уйимиз аччиқ фарёддан зир титради. Ойимлар дадамларнинг елкасига пальтосини илдилар. САКУни битирган шўрлик меҳмонларга тузалган дастурхондан илинган нарсани рўмолга тугиб, қўлларига тутқиздилар.

Боягидан ҳам багтар қорайиб, бир зумда аллақандай озиб, мункайиб қолган дадамлар аввал ҳамон фарёд чекаётган ойимлар билан опамлар, сўнг қақшаб-қалтираб қолган укаларимнинг пешоналаридан ўпдилар-у, навбат менга келганда:

– Ҳай, аттанг! – дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб. – Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлувдим. Шуниям эвлаёлмадим-ов, болам!..

Бутун тинтув давомида кўзимга ёш олмаган, «келгусида зўр одам бўласан», деган сўзлардан шишиб кетган норасида, бирдан ҳамма нарса – дадамларнинг ҳеч қачон эркаламаганини ҳам, дўкондан қимиз тополмай қайганимда графинни қулочкашлаб отганлари ҳам – ҳаммаси эсимдан чиқди-ю аламли чинқирик билан дадамларнинг тиззаларини кучоқлаб олдим...

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Ҳикоячи бола, яъни ёзувчи уйларини қандай тасвирлайди?
2. Дадаси нима учун китобларини болохонадаги пичанлар орасига яшириб, эшигига кулф солиб қўяди?
3. Ёзувчининг дадаси ва бобоси Ёқуб сўфи ҳақида нималарни билиб олдингиз?
4. Бола болохонада китоб титиб ўтирганда уларникига кимлар меҳмон бўлиб келишди?
5. Ойиси меҳмонларни уйга таклиф қилаётиб ўғлини кимларга хабар бериш учун юборди?
6. Дадаси болага нима сабабдан музқаймоқ олиб бермоқчи бўлди?
7. Дадасининг баджаҳллиги борасидаги боланинг тасавури тўғрими? Графинни синдириб қўйган ўғлига бўлган муносабати отанинг асл қиёфасини билдирадими? Йўқми? Буни сиз қандай аниқладингиз?
8. Ҳарбий кийимли икки киши уларникига нима учун келишди?

### **Баъжаринг:**

1. Асарда тасвирланган қаҳрамонларнинг ташқи кўринишлари ва кийимларини эслаб қолинг. Уларнинг нега шундай кийинганлигини изоҳланг.
2. Она тилидан олган билимингизга таяниб, ҳикоячининг: «...ҳамон икки оёғим кўлимда, ялангоёқ, ялангбош, кўча чангитиб дадамларнинг маҳкамасига чопдим» гапидаги иборани топиб, изоҳланг.
3. Уйларини тинтаётган ҳарбийларга ёрдам берган ва улардан бирининг мақтовидан яйраб кетган боланинг табиати ҳақида мулоҳаза юритинг.
4. Павлик Морозов кимлигини, унинг «хизмати» нимадан иборатлигини биласизми? Билмасангиз, ўқитувчингиздан сўраб олиб, ҳикоя қаҳрамонини у билан таққосланг.
5. Тинтув пайтидаги дадасининг, ойисининг, опасининг руҳий ҳолатини матнга асосланиб сўзлаб беринг.
6. Отанинг боласига музқаймоқ олиб беролмагани учун бунчалик хафа бўлганлиги сабабини тушунтиринг.

\* \* \*

...Бир неча ой ўтди. Бу орада хонадонимиз мотамсаро бир маконга айланди. Қиш яқинлашиб қолган, кун сайин унинг қаҳрли нафаси кучайиб борар, уйда эса на ўтин бор, на кўмир!.. Биз танча куриб, бир амаллаб кун кечирамиз.

Ҳафтада бир марта, янглишмасам, шанба кунлари дадамга овқат олишади. Ойимлар бир амаллаб топган-тутганларини пиширадилару тонг маҳал у киши билан бирга авахтага равона бўламиз.

Туркистонда Қул Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг шундоқ биқинида Ўрта Осиёни забт этган генерал Черняев қурдирган беш-олтита мустаҳкам ғиштин бинолар бўларди. Черняев бу биноларни чор аскарлари учун қурдирган. Шўро ҳокимияти эса уларни қамоқхонага айлантирган-у атрофини тиканли сим билан ўраб ташлаган.

Ҳар шанба тиканли сим билан чегараланган бу қалъа рўпарасига камида 150 – 200 аёл, чол-кампирлар йиғилишади, булар «халқ душманлари»нинг оила аъзолари. Ёш-ёш жувонлар, қақшаб-қалтираб қолган кексалар ҳибсхона ходимларининг овқат қабул қилишини кутиб, эрталабдан кечгача тиканли сим олдида дийдираб туришади. Ойимлар қамоқхонага гоҳида мени ҳам етаклаб боришларига сабаб – мабодо

дадамлар билан юз кўришиш насиб этса отамлар мени кўриб қолсинлар деган ни-  
ятда эдилар. Лекин дадамларни бирор марта кўрсатишмади, кўрсатишмаганлари  
ҳам майли, бот-бот олиб борган овқатларимизни қабул қилмасдан қайтариб юбори-  
шарди. Гоҳо мен бир неча соат маҳтал бўлиб кутганимдан кейин бирор баҳонани  
рўкач қилиб, хибсхонанинг шундоқ ёнгинасидаги шаҳар боғига қараб чопардим. У  
ерда худонинг куни борки, митинг бўлар, шаҳар мактабларидан ноғоралар гумбу-  
ри ва карнай-сурнайлар садоси остида болалар саф тортиб бокқа келишарди. Боғ  
ўртасига қизил алвон билан ўралган улкан минбар ўрнатилган бўлиб, чарм пальто  
кийган, тўппонча таққан фаоллар унга чиқиб ваъз айтишар, ваъзларнинг аксарияти  
тротскийчилар ва уларнинг «дум»ларини фош қилишга бағишланарди. Бу ваъзхон-  
ликларнинг дахшатли томони шунда эдики, бугун Тротскийнинг «дум»ларини фош  
этиб, оташин нутқ сўзлаган нотикларнинг аксари эртасига ўзлари «дум»га айланиб,  
фош этилганлар рўйхатига тушиб қолишарди.

Мени бу митингларга боришга нима чорлаганини ҳануз тушунолмайман. Афти-  
дан, карнай-сурнай ва ноғоралар садоси саф тортиб ўтадиган тенгдошларимнинг  
қувноқ ва жўшқин қўшиқлари бўлса, ажаб эмас. Чунки бу гумбур-гумбур садолару  
оташин қўшиқлар қулоғимга чалиниши билан худди ноғорага ўрганган ҳарбий отдай  
оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим ҳапқириб кетаверарди. Фақат бир нарса  
мурғак қалбимни эзар, у ҳам бўлса, минбардан туриб айтиладиган нутқларда баъ-  
зи-баъзида дадамларнинг номи ҳам «дум»лар қатори тилга олинади. Лекин шундай  
пайтларда дадамларнинг Сталин тўғрисидаги сўзлари эсимга тушардию юрагимга  
қуйилиб келган аламли туйғуни ҳайдардим. Бу ҳол токи шаҳар ёшлар кўмитасининг  
котиби билан юзма-юз келгунимча давом этди.

Бу ёш, хушқад, хушсурат йигитча бизга кўшни эди. Оиламиз бошига мусибат туш-  
гунга қадар, у хонадонимизга бўзчининг моксидек қатнар, дадамлар билан кечалари  
узок суҳбатлашиб ўтирарди. У ўша ёзда уйланган, хотини ҳам, ўзига ўхшаш кўхлик,  
хушқад, хушсурат эди. Дадамлар уларнинг тўйларига тўйбоши бўлган, ойимларнинг  
айтишича, дадамлар унга моддий ёрдам ҳам берган эканлар.

Дадамлар қамалганларидан кейин ён қўшнимиз қорасини ҳам кўрсатмайдиган  
бўлди. Бунга ажабланмаса ҳам бўларди, чунки шогирд тугул қариндош-уруғлар ҳам  
бу оғир, ғурбатли кунларда уйимизни четлаб ўтишар, битта-яримта келса ҳам кеча-  
лари кўрка-писа келиб, сўнг девор паналаб қайтиб кетарди.

Шанба куни эди. Чамаси, қамалганлар сони кўпайган, чунки авахтага овқат  
кўтариб келганлар сони анча ортган, навбат кутаётганларнинг думи кўринмасди.  
Кун совуқ, севалаб майда ёмғир ёғарди. Шу боисданми, бошқами, ойимлар мен  
сўрамасданок уйга кетишимга рухсат бердилар. Мен тинимсиз майдалаб ёғаётган  
ёмғирдан дийдираб, уйимизга томон равона бўлдим у тўсатдан боғ томонда янграган  
ноғоралар гумбирию карнай-сурнайлар садосини эшитиб, беихтиёр тўхтадим.

Ноғоралар ва карнай-сурнайлар садоси тобора авжга чиқмоқда, чамаси, одатдаги-  
дан ҳам катта митинг бошланмоқда эди. Ўргатилган отга ўхшаб яна ноғоралар гум-  
бирлаётган томонга бурилдим. Ҳақиқатан ҳам ёмғирга карамай, болалар ҳар томон-  
дан саф-саф бўлиб бокқа ёпирилиб келишарди.

Дарвозага яқинлашиб қолганимда ногаҳон рўпара томондан келаётган қўшнимиз-  
шаҳар ёшлар кўмитасининг котибига кўзим тушди. У бир ўзи эмас, чарм пальтолик

ҳарбий одам билан уч бурчак соқол қўйган, жиккаккина мўйсафид куршовида келарди.

Котибни кўришим билан юрагим негадир «шув» этиб, боққа шўнғишга чоғландим, аммо котиб бир сакрашда йўлимни тўсиб, билагимдан шаппа ушлади-да:

– Ҳа, кашқирдан туғилган кашқирча! – деди титроқ босиб. – Битта шалтоқ бузок бир тўда подани бузади! Бўйнингга сохта кизил галстук тақиб, бу софдил кизил пионерларни бузмоқчимсан? – У қўлимни оғритиб сикқанча ўзига торта бошлади. Лекин шу пайт жиккак мўйсафид:

– Қўйиб юбор, болапақирни, – деди орага тушиб. – Ўртоқ Сталин айтди-ку, бола отаси учун жавоб бермайди, деб? Гуноҳи нима бу норасиданинг!

Ёш котиб қовоғидан қор ёққанича бир қарияга, бир чарм пальтоли ҳарбийга қаради-да, қўлимни кўйиб юборди ва: «Йўқол кўзимдан!» – деб ўшқирди.

Шундан кейин нима бўлди, нима қўйди – ҳозир эсимда йўқ, фақат котибнинг омбирдек метин чангалидан чиқдиму томоғимни гип бўққан кўз ёшини юта-юта, сафсаф бўлиб ўтаётган бахтли тенгдошларим ёнидан катта кўча томон отилдим...

Дадамлар ҳибсга олингандан сўнг уч-тўрт ой ўтди ҳамки, у киши билан бирор марта кўриша олмадик. Бутун шаҳар хануз таҳликада, ҳамма жойда, ҳатто мактабларда ҳам душман қидириш ҳамон давом этарди. Сира эсимдан чиқмайди. Ўша йили улуғ рус шоири Пушкин вафотининг 100 йиллиги нишонланар эди. Бу ғамгин санага аталиб қанақа тадбирлар белгиланди, қанақа китоблар чиқарилди, қанақа мажлислар, адабий кечалар ўтказилди – буни билмайман. Аммо ўша санага аталиб ўқувчилар учун дафтар чиқарилгани ёдимда. Миллион-миллион нусхада чиқарилган бу дафтарларнинг олди муқовасида болаликдан ҳаммамизга таниш жингалак соч, ҳабашчеҳра шоирнинг сурати солинган, муқованинг охириги бетига эса шоир эртақларидан бирига чизилган сурат берилган эди. Аввал бошда ҳеч қандай гап йўқ эди. Кейин тўсатдан шаҳарда, жумладан мен ўқийдиган мактабда ҳам ваҳимали миш-мишлар тарқалди. Гўё Пушкин юбилейига чиқарилган бу дафтарлар, тўғрироғи, дафтар муқовасидаги суратларга аксилинкилобий сўзлар битилган эмиш! Кимки Пушкиннинг соч ва соқоллари, айниқса, муқова охиридаги эртақларга чизилган суратларни эътибор билан кўздан кечирса, шоирнинг жингалак сочларию эртақларга чизилган суратларни ҳушёрлик билан нигоҳидан ўтказса, маккорона битилган аксилинкилобий сўзларни топиши мумкин эмиш!

Мен ўқийдиган 3-«А» синфида ёши анчага борган, тишлари тўкилиб қолган, аммо жуда мулоим, меҳрибон рус кампири дарс берарди. Бир ойдан бери бу кампир – ҳозир исм-шарифлари ёдимда йўқ – касал бўлиб, ўрнига ёш татар йигитча дарс бера бошлаган эди. Қаттиқ оқсоқланиб юрадиган бу йигитча бизга кўшни бўлмиш райком котибининг қайниси бўлиб, дадам камалганларидан кейин менга ўқрайиб қарай бошлаган эди. Аммо ҳаётнинг ўйинини қарангки, дадамлардан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас ёш ўқитувчимизнинг поччаси ҳам ҳибсга олиниб, «халқ душмани» деб эълон қилинган эди. Шу-шу баттар мунғайиб, аввалгидан баттар оқсоқланиб қолган ўқитувчи менга ачиниб қарайдиган, йўлакдами, ҳовлидами – танҳо юрганимни кўрса, бошимни сийлайдиган бўлиб қолганди. «Пушкин суратлари ичига қабиҳ аксилинкилобий сўзлар ёзилган эмиш», деган гап тарқалган куни ёш ўқитувчимиз синфимизга жуда хомуш бир қиёфада кириб келди. У мунгли кўзлари билан болаларга узоқ тикилиб тургач:

– Болалар! – деди аллақандай ёлвориб. – Қани, кеча тарқатилган дафтарларингни олинглар-чи! Ҳалиги... муқоваларига Пушкин сурати солинган дафтарларингни айтяпман!.. Олдиларингми? Эҳтимол, эшитгандирсизлар, ашаддий душманларимиз маккорона чизилган ҳарфлар воситасида СССРга қарши сўзлар ёзишипти! Бу мудҳиш сўзларни топган болалар бор. Уларнинг суратлари эртага фахрий доскага осилади. Наҳот бизнинг синфимизда бирорта хушёр ўқувчи бола топилмаса? Қани, суратларга яхшилаб қаранглар! Шояд сизлар ҳам душманларимизнинг бу қабих сўзларини топиб, уларни фош этсаларинг!

Ёш ўқитувчи шундай деб менга ўзгача бир умид билан қараб қўйди. Ҳар қалай менга шундай туюлди-ю олдимдаги дафтарга чизилган суратларга тикилиб, жонжаҳдим билан маккорона чизилган ҳарфларни кидира бошладим...

Асабларим таранг тортилган, миям назаримда лаҳча чўққа айланган эди. «Наҳот жонажон ҳукуматимизга қарши ёзилган бу мудҳиш сўзларни топиб, душманларнинг кирдикорларини фош этолмасам? Йўқ, топаман! Топганда ҳам биринчи бўлиб топаман. Иккинчи бўлишнинг фойдаси йўқ!.. Тўхта, шоир елкасидаги мана бу гажак тола нимани эслатади? «С» ҳарфининг ўзгинаси-ку!.. Унинг ёнидаги гажак-чи! У ҳам «С»! Унинг ёнидагиси ҳам! Мана буниси «Р»нинг ўзгинаси-ку! Вой, тавба! Бу баттоллар «СССР» деб ёзиб қўйишибди-ку, боядан бери шуни ҳам кўрмапман-а?... Мана бу гажак тола-чи? Қуйиб қўйгандек «Д»- ку! Ундан кейинги гажак-чи? «О»нинг худди ўзгинаси-ку! «О» бўлган жойда «Л» ҳам бўлиши керак? Мана «Л»! Ёнгинасида эса «Ой»га ўхшаш иккита гажак қаторлашиб турибди! «Долой СССР!», яъни «Йўқолсин СССР!» деган гап-ку бу!»

Мен ҳаяжондан нафасим бўғилиб:

– Топдим, муаллим, топдим! – деб бақириб юбордим.

Мажруҳ ўқитувчим текис полда қоқилиб-суриниб оқсоқлана-оқсоқлана ёнимга келди. Синф тўла ўқувчилар ҳам «гурр» этиб ўрниларидан турдилар-да, устимга ёпирдилар.

Мен худди безгак тутгандек дир-дир титраб, улуғ шоирнинг жингалак сочлари орасидан топган мудҳиш ҳарфларни кўрсата бошладим. Ниҳоят, кўрсатиб бўлиб, тенгдошларимга мағрур қарадим. Синфга чўккан оғир сукунат ичидан тўсатдан ўқитувчимизнинг:

– Маладес! – деган хитоби эшитилди. – Хушёр пионер деб шуни айтадилар!

Ҳамма менга ҳасад билан қарар, мен ўзимни чинакам қахрамон ҳис қилардим.

– Қани, дафтарларингни йигиб беринглар! Бир соатдан кейин спорт майдонига бутун мактаб тўпланади. Ҳаммамиз бирга бу мудҳиш дафтарни ёқиш маросимида қатнашамиз!

Ўқитувчимиз оқсоқлана-оқсоқлана синфдан чиқиб кетди, лекин бир соат тугул икки соат ўтди ҳамки, у қайтмади. Сўнг дафтарларни ёқиш маросими бошқа кунга қолдирилипти, деган хабар келди-ю, уй-уйимизга тарқалдик.

Кечқурун мен кундузи бўлган воқеани ҳаяжондан энтика-энтика оймларга айтиб бердим.

Оймлар мен кутган мактов ўрнига:

– Ҳой, болам-ов, болам-ов! – дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб. – Сенга нима бўлди, болам-ов!

– Менга нима бўпти? Нега бундай дейсиз, ойижон? – дедим ранжиб.

– Ҳеч нима... Илоё дадангга ўхшаб қаҳри қаттиқ бўлма. Оллодан биттаю битта тилагим шу, болам.

Ойимларнинг гапига яхши тушунмадим. Эрталаб мактабга, тўғрироғи, залда осилган хурмат тахтасига қараб чопдим. Надоматлар бўлсинким, рўйхатга бир неча марта кўз югуртириб чиқдим: йўқ, на номим, на суратим бор! Душманнинг ёвуз кирдикорини фош этган ҳамма хушёр пионерларнинг сурати хурмат тахтасига осилган-у, битта менинг суратим йўқ! Афтидан, кимдир хушёрлик қилиб халқ душмани фарзандининг суратини хурмат тахтасига осиш мумкин эмаслигини айтиб, мендан ҳам хушёрроқ бўлган!

Мана, бу воқеаларнинг содир бўлганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Шахсга сиғиниш даврининг не-не жинойтлари фош этилди. Бу жинойтлар қандай даҳшатли бўлмасин, назаримда, уларнинг энг ёмони – катталар етмагандек, мендай гўдакларни ҳам ҳамма нарсага шубҳа билан қараш, ҳаммаёқдан ёвуз кирдикорлар қидиришга қаратилган уринишлар деб биламан.

Ниҳоят, дадамлар билан видолашадиган кун ҳам келди. Видолашишга уч кишига рухсат беришганди: ойимлар, катта опамлар ва менга! Шу боисдан бўлса керак, қариндош-уруғлардан ҳеч ким, на дадамларнинг укалари, на ёр-дўстлари – ҳеч ким келмади.

Ойимлар билан опамлар кечаси ухлашмай, дадамлар учун буғдой талқон, сўк талқон ва яна аллақандай нарсалар тайёрлашди. Чунки бу пайт дадамлар озод бўлади деган умид ожиз милтираб турган шамдай сўнган, у кишини узокларга олиб кетишлари чамаси ойимларга аён эди.

Эрталаб тўрва-халталарни кўтариб қамоқхонага қараб йўл олдик. Бу сафар бизни кўп куттиришмади. Белига чойнақдак тўппонча тақиб олган ҳарбий бизни узун, тор, нимқоронғи йўлакдан ичкарига бошлади. Йўлакнинг ярмига борганда ўнг қўлдаги эшикни очиб, бизга йўл берди. Чоғроқкина тўртбурчак хонанинг тўридаги стол олдида гимнастёрка кийган, сочлари оппоқ бир одам алланималарни ёзиб ўтирарди.

Дадамлар бурчакда курсида ўтирган эканлар (мен аввал у кишини танимай қолибман!) биз киришимиз билан дик этиб ўрнидан турдилар. Азалдан барваста, тўладан келган, новча одам бир-икки ой ичида чўпдай озиб, лунжлари ичига ботган, кўзлари киргайиб, кийғир бурни сўррайиб колганди.

Яна қамалган кечасидагидек йиғи-сиғи бошланди. Ойимлар-ку, юзини рўмолига яшириб, жимгина титраб йиғлар, лекин опамлар... дадамларнинг бўйинларига олиб олган опамларнинг фарёди тор хонани зир титратарди.

Кейинчалик марҳум ойимлар кўп айтгучи эдилар:

– Ноинсофлар жилла курса ярим соат ҳам фурсат бермадилар. Даданг шўрликнинг дийдорига ҳам тўймадик. Берган чорак соатлари кўз очиб юмгунча ўтиб кетди...

Бу сафар чорак соат давом этган видолашув давомида дадамлар бирор марта Сталиннинг номини тилга олмадилар, қамалган кунларидагидек: «Мен партия олдида гуноҳқор эмасман! Ўртоқ Сталин барҳаёт экан, мени оёқости қилиб қўймайди!», – демадилар. Билъакс, бир неча марта кўзларига ёш олиб:

– Мени кечир, Гулшан. Аёл бошинг билан беш болани қандай боқасан – ақлим бовар қилмайди. Энди юз кўришишимизга ҳам кўзим етмайди, кечир мени! – дедилар.

Ҳар сафар дадам шундай деганларида столга мукка тушиб, алланималарни ёзаётган киши:

– Ҳой, Ёқубов! – дерди қоғоздан бош кўтармай. – Сенга нима бўлди? Ёш болами-сан, Ёқубов!

Нихоят, бу одам қаршисидаги деворга осилган алмисокдан қолган девор соатига кўз ташлаб:

– Фурсат тугади, Ёқубов. Энди хайрлашинглар! – деб буюрди.

Опамларнинг нидоси баттар авжига чикди. Ойимлар озгина пул олиб келган эканлар, дир-дир титраган қўллари билан дадамларга тутди, дадамлар эса:

– Болаларингга ярат, Гулшан! – деб ёлворар эдилар. Лекин ойим кўнмай, ахири пулни олишга мажбур қилдилар.

Ойимлар келтирган пул бор-йўғи эллик сўм бўлиб, ўнта беш сўмликдан иборат эди. Дадамлар пулни қийнала-қийнала оларканлар, беш сўмликлардан бирини менга узатдилар. Ойимлар пулни мендан олиб, дадамларга қайтариб бермоқчи бўлгандилар, дадамлар кўнмадилар, кафтларини бошимга қўйиб:

– Сен энди бу уйдаги энг катта эркаксан, болам, – дедилар ва яна кўзига ёш олдилар. – Ойингга ёрдамлашиб, укаларингга қараб тургин, болам!

Дадамлар шундай деб беш сўмликни чўнтагимга солдилар.

– Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлган эдим, бу ҳам насиб этмади. Бу пулга дафтар-китоб ол! Қолганига музқаймоқ олиб е, ўғлим!..

Боядан бери ойим ва опамларга қўшилиб йиғлашни ўзимга эп кўрмай серрайиб турган бола, тўсатдан, худди дадамларни олиб чиқиб кетаётган пайтларидагидек юрагимда нимадир дарз кетгандай туюлди-ю, НКВД ходимининг мактовлари ҳам, аксилинкилобчилар кирдикорларини фош этган хушёр пионер эканлигим ҳам – бари ёдимдан чиқиб, «Дадажон!» деганча отамнинг тиззасини кучоклаб олдим. Бу машъум воқеалардан кейин кўп йиллар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди. 1955 йили Хрушчевнинг бутун дунёни ларзага солган машхур нутқидан кейин оиламиз, шахсга сиғиниш зулмидан жабр чеккан миллион-миллион оилалар каби дадамларнинг тақдирини, ўлик ё тирик эканини (унгача ёзган ўнларча хатларимизнинг биттасига ҳам жавоб ололмагандик) сўраб, юқори ташкилотларга мурожаат қилдик.

Мактубларнинг биттасини Қозоғистон Компартияси Марказий Кўмитасига, иккинчисини СССР Давлат хавфсизлиги кўмитасига йўлладик. Тахминан тўрт-беш ойдан кейин бирин-кетин иккита жавоб келди. Жавобларнинг биринчиси Қозоғистон Марказий Кўмитасидан бўлиб, унда дадамларнинг партиявий иши кўриб чиқилгани, у киши Сталин шахсига сиғиниш курбони бўлганлиги эътироф этилган ва 1918 йилдан эътиборан партия аъзоси сифатида тиклангани хабар қилинган эди.

Иккинчи жавоб Москвадан, Давлат хавфсизлиги кўмитасидан бўлиб, унда айтилишича, дадамлар Узоқ Шарқдаги қайси бир ўрмон хўжалигида дарахт кесувчи бўлиб ишлаган, 1943 йил қиш ойларида (вақти аниқ айтилмаган) дарахт кесаётган пайтида йиқилиб вафот этган.

Биринчи жавобдан фарқли ўлароқ, бу хатда шундай илова ҳам бор эди. Агар волидамиз (мен ёзган хат, табиий, ойимлар номидан битилган эди) нафақа ёшида бўлсалар, у кишига давлат тегишли микдорда нафақа тўлайди. Агар ойимларнинг

турар жойи бўлмаса, у киши кўмитадан келган ушбу жавоб асосида шаҳар кенгашига муурожаат қилиб, навбатсиз уй оладилар...

Ҳар иккала хат ҳам ҳақиқатни қарор топтириш, адолатни тиклашга қаратилган эди. Аммо мен негадир, эҳтимол, Узоқ Шарқда олти йил оддий солдат бўлиб, бутун қийинчиликларни бошимдан ўтказганим учундир, ногаҳон ўзим кўрган бепоен совуқ ўрмон, қор тагида эгилиб турган дарахтлар, киш кўз олдимга келди. Бир зум нигоҳим олдига бу коронғи ўрмонда беҳол имиллаб дарахт кесаётган дадамлар келди, келди-ю, алам, изтироб, меҳр-шафқат ва хўрлик туйғулари тошқиндай гувиллаб вужудимни қақшатиб юборди.

«Йўқ! Бу нопоклар 1918 йилдан фирқа аъзоси бўлмиш отамни ноҳақ қамайдилар, қариганида ҳам озод қилишни истамай, қаҳратон қишда ҳам ўрмон кесдириб, ўлимга маҳкум этадилар-у, энди ўз гуноҳларини ювиш умидида жудолик азобидан икки букилиб қолган бевасига нафақа тўлармишлар, бошпана берармишлар! Йўқ, мен битта онамни улар берган садақасиз ҳам боқиб оламан, уларсиз ҳам бошпана топиб бераман!» Хаёлан шундай деб, яхши ният билан ёзилган икки хатни бурда-бурда қилиб йиртиб ташладим...

*Тавсия: Адибнинг бошқа асарларини қуйидаги интернет саҳифаларидан юклаб ўқишингиз мумкин: **Одил Ёқубов (1926–2009) ziyouz.uz; Kutubxona - Turkum:Odil Yoqubov uzgen.org***

### **Муҳокама қиламиз:**

1. «...хонадонимиз мотамсаро бир маконга айланди», деб ҳикоя қилади бола. Нима учун?
2. Қамоқхона шаҳарнинг қаерига жойлашган эди? Ҳикоячи у ҳақда қандай маълумотлар беради?
3. Дадаси қамалгандан кейин бола ва унинг оила аъзолар қандай тазйиқларга учради?
4. Майдонда уюштирилаётган митингларда асосан нима ҳақида гапирилди эди? «Дум»лар кимлар эди?
5. Пушкин суратидан СССРга қарши ёзилган сўзларни топган бола ҳақида нима дейсиз? Дафтардаги суратда чиндан ҳам шундай сўзлар бўлган деб ўйлайсизми? Бўлмаса, ҳикоя қаҳрамони уларни қаердан олди?
6. Ҳурмат тахтасига номи ёзилмаганлиги болага қандай таъсир қилди? Бу ҳолнинг сабаби нимада эди?
7. Одамлар ўртасидаги ўзаро ишончни йўқотишга, уларни бир-бирларига ёв қилишга интилган давлат тартиби ҳақида қандай фикрдасиз?
8. Хайрлашув пайтида дадаси нима учун ойисидан кечирим сўради? Бола нега дадаси тиззаларини кучоклаб йиғлади?
9. Дадаси оклангач, ойисига ҳукумат бермоқчи бўган ёрдамга ёзувчи бўлиб воёга етган бола қандай муносабат билдирди? Унинг фикрига қўшиласизми?

### **Бажаринг:**

1. Қамоқхона симлари олдида навбатда турган одамларнинг ҳолатини изоҳлашга ҳаракат қилинг.
2. Боланинг «...гумбур-гумбур садолар-у, оташин кўшиқлар қулоғимга чалиниши билан худди ноғорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим ҳаққириб кетаверарди.» деган сўзларини изоҳланг. Ўзингизни бола ўрнига кўйиб кўринг.



3. Асар матнига таянган ҳолда комсомол кўмитасининг котиби табиатига хос сифатларни изоҳлаб беринг. У қандай одам, деб ўйлайсиз ?
4. Боласининг «топкирилигига» онасининг муносабатини тушунтиринг.
5. Бола отаси билан хайрлашаётган чоғда чинқириб, унинг оёғини қучоқлаб олганлиги сабабини изоҳланг. Ҳикоя қаҳрамони табиатига тавсиф беринг.

## ЭРКИН ВОҲИДОВ

(1936–2016)

Замонавий ўзбек миллий адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири Эркин Воҳидовдир.

У 1936 йилнинг 28 декабрь санасида Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ўқитувчи оиласида туғилган. Отаси Чўянбой Воҳидов уруш сўнгида фронтдан Тошкентга қайтиб келиб, шу ерда вафот этган. Сўнг онаси Розияхон Воҳидова (Соҳибоева) ҳам вафот этади.

Бўлғуси шоир эса тоғаси Каримбой Соҳибоев тарбиясида бўлади.

Эркин Воҳидов ўрта маълумотни Тошкентда олади. 1960 йилда Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатиб, аввал собиқ «Ёш гвардия», сўнг Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир ва раҳбар ҳам бўлиб ишлайди. «Ёшлик» журнаliga муҳаррирлик қилади.

Унинг биринчи шеъри 14 ёшида, 7-синфда ўқиб юрган кезларида чоп этилган. У 16 ёшга кирганда «Манзара» номли шеъри босилди. Унда табиат гўзаллиги самимий тасвир этилган бўлса, кўп ўтмай, у дўстларига қарата:

Истайманки, хуррамлик бўлсин,  
Шўх қаҳқаҳа боғласин қанот.  
Куй шалола янглиғ қуйилсин,  
Кўшиқ бўлиб туюлсин ҳаёт, –

деб, ижоднинг катта қарвонига ўзининг яхши нияти, катта умиди, покиза қалби билан кириб келди.

Шоирнинг «Тонг нафаси», «Кўшиғим сизга», «Ақл ва юрак», «Менинг юлдузим» каби тўпламларига кирган кўпчилик шеърларида унинг бадий тафаккурида ҳам, поэтик услубида ҳам ўсиш, улғайиш сезила бошлайди. Энди шоир оддий ҳаётгий тасаввурлардан анча чуқур фикрлаш сари кўтарилади. Айниқса, «Фурсат – олтин», «Инсон» каби шеърларида шоирнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввури яна ҳам чуқурлашади.

У инсон ҳақида мадҳия ўқиб: «Ерни гўзал қилгани сайин, Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон», деган хулосага келади. Меҳнатни, гўзалликни, эзгуликни улуғлайди.

Эркин Воҳидов ижодида ғазал, қасида, мухаммас каби жанрлар ҳам шаклланиб боради. У мумтоз адабиётнинг бу соҳадаги тажрибаларини бойитиш, мукаммаллаштиришга интилади. Айниқса, «Ёшлик девони»га кирган шеърлар бу жиҳатдан эътиборлидир.



Шоир дунё кезди, дунёни кўрди, дунёни таниди. Ана шу таассуротлари асосида «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» каби янги шеърый тўпламларини ташкил этган шеърларини яратди. Инсон тақдири, унинг бахти ва келажакги шоир ижодининг мавзуга айланди. Унинг «Келажакка мактуб», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» тўпламларига кирган шеърларида буюк, покиза, ҳақгўй ва бедор инсонни камол топтириш ғояси етакчилик қилади. Худди шу ўринда файласуф шоирнинг келажак ҳақидаги башорати ўзининг ёрқин ифодасини топган сатрларини четлаб ўтолмаймиз. Унинг «Ватан истаги», «Девона ҳақгўй», «Изтироб» каби шеърлари бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятли. Шоир «Ватан истаги» шеърида собиқ СССР мавжудлигидаёқ:

Бу ватандан бир Ватан кўрмоқни истайдир кўнгил,  
Ўзни озод қуш каби кўрмоқни истайдир кўнгил, – дея бўлғуси  
муस्ताқил Ватанни кўришни истади.

Шоирнинг «Буюк ҳаёт тонги», «Орзу чашмаси», «Нидо», «Палаткада ёзилган дoston», «Куёш маскани», «Рухлар исёни», «Кўҳинур» каби лиро-эпик асарлари, қолаверса, «Олтин девор» ва «Истамбул фожиаси» каби драмалари катта ижодий меҳнатининг самараларидир.

Ана шундай самарали ижоди Эркин Воҳидовга эл-юрт эъзозини олиб келди. У таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Шоирнинг тўрт жилдлик «Сайланма асарлар»и нашрдан чиқди.

Хуллас, Эркин Воҳидов бадиий маҳорати ўсиб, камол топган, чуқур фалсафий умумлашмалар даражасига кўтарилган ижодкордир.

У Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамонидир.

Шоир 2016 йилнинг 30 майида вафот этди.

### **Эслаб кўринг:**

1. Қуйи синфларда шоир Эркин Воҳидовнинг қайси шеърларини, достонини ўқигансиз?
2. Шоирнинг 5-синфда берилган достони мазмунининг ўш шаҳри билан боғлиқлиги борми?
3. Эркин Воҳидов яна қандай шеър ва дostonлар ёзган?
4. Шоир шеърларидан ёд олганмисиз? Билсангиз, ифодали ўқиб беринг.

## **НИДО**

### **Бағишлов**

Ҳайқираман,  
Тоғлар бағридан  
Гумбурлаган садо келади,  
Она-Ернинг оташ қаъридан  
«Ўғлим!» деган нидо келади.  
«Ўғлим!»  
Вужудимни чулғар аланга,  
Бўғзимга тиқилар ҳаяжон.

– Мана мен, ўғлингиз,  
Дардли оламга  
Сиздан танҳо ёдгор,  
Сўйланг, отажон!  
Сўйланг, бир дақиқа кулоқ солайин,  
Овозингиз тинглаб тўёлмаганман.  
Бир марта йўқотиб тополмаганман,  
Хаёлимда тиклаб олайин.  
Отажон!  
Мен ахир кутлуғ бу сўзни  
Йигирма йил олмадим тилга,  
Йигирма йил сақладим дилда.  
Армонли ўғлингиз тинглайди сизни,  
Сўйланг, эшитаман.  
Вужудим тилка,  
Юрагимни ёқар ўтли изтироб  
Аммо кўзларимда бир томчи ёш йўқ.  
Бағрим ўйиб,  
Бу кун менга бермоқда азоб  
Сизнинг кўксингизни тешган қора ўқ.  
Силқиб оқаётир  
Кўкрагимдан қон.  
Қалбим ўртамоқда сўнгсиз армоним...  
Юрак қоним билан битган достоним  
Сизга бағишладим,  
Отажон!

\* \* \*

Хаёлнинг туманли пардаси аро  
Йиллар кўз олдимида чарх ураётир.  
Қишлоқ кўчасидан занжидай қаро  
Олов болалигим югураётир.  
Дунё қайғусига бўлмаган ошно,  
Қаҳ-қаҳ ураётир,  
Барқ ураётир.  
Билмас, боши узра булутли само  
Чакмоқ чақаётир,  
Гулдураётир.  
Билмас, яраланган бу мажруҳ дунё  
Қасос сўраётир,  
Бонг ураётир...  
Қадамлар,  
Қадамлар,  
Оғир қадамлар...

Этиklar зарбидан титрайди тупрок.  
Қаерга кетмокда шунча одамлар?  
Нахотки, йўллари шунчалар йироқ!  
– Ана, кўряпсанми?  
Менинг дадамлар!  
Дада!!!  
Овозим ҳеч чиқмайди бироқ.  
Югураман – ортга кетар қадамлар,  
Йиғлайман – кўзимга келмайди намлар,  
Мурғак вужудимда фақат зўр титроқ!  
Бўғзимда аламлар,  
Аччиқ аламлар,  
Йўлнинг ўртасида турибман.

Шу чок –  
Поезд кичкиради,  
Тўхтаг, одамлар!  
Қайга кетмокдасиз?

Қани дадамлар?!  
Тепамда ёнади  
Зангори чирок...  
Чўчиб уйғонаман,  
Онам қошимда.  
Меҳрибон кўллари  
Оташ бошимда:  
– Нега йиғлаяпсан,  
Ёлғизим, кўзим?  
Тун узок, ухлай кол,  
Кўзларингни юм.  
Ором ол, мен сенга  
Аллалар айтай.  
Тонгда пешонангдан  
Ўпиб уйғотай.

\*\*\*

Олис соҳилларда,  
Уфқдан нари  
Ўлим сочмоқдадир  
Ёв кузғунлари.  
Ўлим сочмоқдадир

Элга беаёв.  
Шаҳар қишлоқларни  
Ютмоқда олов.  
Ўша олис юртда  
Кон кечиб хозир  
Отанг ҳаёт учун  
Жанг қилаётир.  
Элларнинг эрк деган  
Соф тилаги деб,  
Жаҳоннинг нурафшон  
Келажаги деб,  
Офат солмасин деб  
Оламга қотил  
Отанг узок юртда  
Жанг қилаётир.  
Сен учун, мен учун,  
Ўз учун эмас,  
Фақат ўзбек ва ё  
Рус учун эмас,  
Бутун Ер-ундаги  
Бор авлод учун,  
Дунёда энг кутлуғ  
Эътиқод учун

Узоқ ўлкаларда  
Қон кечиб ҳозир  
Отанг ҳаёт учун  
Жанг қилаётир.  
Сен ухла, ёлғизим.  
Сен ухла, кўзим,  
Бир нафас ором ол,  
Кўзларингни юм.

\* \* \*

Вақт келар, улғайиб,  
Одам бўларсан.  
Илм олиб соҳиби  
Олам бўларсан.  
Сен бизлар кўрганни  
Кўрмагайсан ҳеч,  
Ғурбат йўлларида  
Юрмагайсан ҳеч.  
Олам тўла қуёш,  
Қалбинг тўла нур,  
Ойдин бир замонда  
Яшайсан масрур.  
Бизлар ҳам ўтамиз

Вақт келиб бир кун.  
Сизларга қолади  
Муқаддас замин.  
Сиз уни авайлаб  
Кафтда тутасиз,  
Шараф йўлларида  
Олиб ўтасиз.  
Оташ алангага  
Тутмайсиз уни,  
Даҳшат уммонида  
Отмайсиз уни.  
Замин теграсига  
Олтин камалак  
Ўрайди етти хил  
Нурдан чамбарак.  
Сиз унинг бағрини  
Пора қилмайсиз,  
Оталар хокини  
Саклаб муборак.  
Сен шундай давронда  
Яшайсан, кўзим.  
Ҳозирча ором ол,  
Кўзларингни юм...

\* \* \*

Бошимизда оташин фалак,  
Пойимизда оташин тупрок,  
Кўлимизда ёғоч камалак,  
Остимизда ёғоч арғумоқ,  
Оппок чангдир эгнү бошимиз,  
Оппок чангдир кўзу кошимиз.  
Кўру кармиз,  
Бешдан олтига  
Эндигина ўтган ёшимиз,  
Кўча-кўйда кўтариб сурон  
Югурамиз саҳардан то кеч,  
Олам узра кезар зўр бўрон,  
Биз бу ҳақда ўйламаймиз ҳеч.  
«Уруш-уруш» ўйин бўлса бас,  
Титрагамиз кўку заминни.  
Ким ўйлабди дейсиз у нафас  
Бу урушнинг ростаканини.

Бурчаклардан бир-биримизни  
Ёғоч милтиқ билан отамиз,  
Биз билмаймиз:  
Қай биримизнинг  
Ўққа учди бу вақт отамиз.  
Кўксимизни ушлаганча жим  
Йиқиламиз,  
Ўлган бўламиз,  
Биз дунёда ростакам ўлим  
Борлигини қайдан биламиз?!  
Даҳшат солиб кезаркан у дам  
Узокларда жанг гулдуриси,  
Бизнинг қишлоқ кўчасида ҳам  
Янграр эди  
Акси садоси.

\* \* \*

Қуёш ботар,  
Оқшом чўқар кўча-кўйга,  
Тарқаламиз уй-уйгаю тепа тўйга,  
Тун бошланар,  
Менга чарчоқ билинмайди,  
Кипригимга уйку сира илинмайди.  
Мурғак фикрим етаклайди хаёлларга,  
Онам кўйнин тўлдираман саволларга.  
«Айтинг, ая, менинг дадам қахрамонми?  
Тоғларни ҳам кулатувчи паҳлавонми?  
Тўппончаси борми унинг чўнтагида?  
Ордени ҳам жуда кўпми кўкрагида?  
Менинг дадам самолётда учади?  
Осмонлардан парашютда тушадими?  
Ўткир пўлат қиличини қўлга олиб,  
Душманларнинг юрагига кўркув солиб,  
Катта жангга кирадими ёлғиз ўзи?  
Елкасида ёнадими беш юлдузи?  
Айтинг, дадам мени яхши кўрадими?  
Келганида тойча олиб берадими?  
Кўчаларда тойчоғимни етаклатиб,  
Қўлларимдан ушлаб олиб юрадими?  
Ўша кунлар тезроққина бўла қолсин,  
Айтинг, дадам ҳаялламай кела қолсин».

**Муҳокама қиламиз:**

1. Достондан каттагина парча ўқидингиз. У кимнинг тилидан айтиляпти?
2. «Ўғлим» деган нидонинг Ер қаъридан чиқаётганлигини қандай изоҳлайсиз?
3. «Бағишлов»да ўғилнинг қандай армонлари ифодаланган?
- 4.«Бағрим ўйиб, бу кун бермоқда азоб, Сизнинг кўксингизни тешган қора ўк. Силқиб оқаётир Кўкрагимдан қон» мисраларини изоҳланг. Достон қахрамони – бола чиндан ҳам яраланганмиди?
5. Бола тушида қандай мудҳиш манзарани кўриб чўчиб уйғонади?
6. Бола онасига берган саволларида унинг қандай орзулари ўз ифодасини топган?

**Бажаринг:**

1. Онанинг боласига айтган алласи мазмунини айтиб беришга уриниб кўринг.
2. Матндан уруш даври болаларининг ўйинлари билан ҳаётда рўй бераётган воқеалар ўртасидаги машъум ўхшашлик тасвирланган ўринларни топинг ва улар хусусида фикр билдиринг.
3. Достоннинг «Бағишлов» бўлимини ёд олинг ва ифодали ўқишга тайёрланинг.

\* \* \*

44-йил

Сентябрь тонги отди.

Мени чексиз қувонч билан бахт уйғотди.

Кўк жилдимда алифбе ва бир бурда нон,

Биринчи бор қадам қўйдим мактаб томон.

Ўйинлардан анча эрта тўйган эдим,

Китобларга барвақт ҳавас қўйган эдим.

Ёд билардим алифбенинг ҳарфларини,

Ўқир эдим информбюро хабарини.

Жуман «почта» дадамдан хат келтирган кун

Катта байрам бўлар эди менинг учун.

Ўқир эдим юз хижжалаб, юз тутилиб,

Такрорлардим йиртилгунча хат титилиб.

Яйрар эдим маъносини уқарканман,

Дадам хатин ўқиб савод чиқарганман.

\* \* \*

Бу кун яна хат олганмиз,

Ажойиб хат,

Госпиталдан чиққан эмиш соғ-саломат,

Бошидаги жароҳати битган эмиш,

Ҳатто ўрни билинмасдан кетган эмиш.

Берлин томон тушар энди йўлим дебди.

Хат сўнгида яхши ўқи, ўғлим, дебди.  
Шу кун тунда уч чизикли дафтаримга,  
Оро бериб катта-катта ҳарфларимга,  
Хира чироқ ёруғида кўз ишқалаб –  
Дадамга хат ёзмок учун сурдим қалам:  
«Дадажон!

Мен сизни жуда соғиндим.  
Соғиндим иккала кўзим билан тенг.  
Келиб қолармишсиз эртами-индин,  
Аям шундай деди,  
Ростми шу, айтинг?!

Дада,  
У кун сизни тушимда кўрдим.  
Оқ отда келдингиз,  
Сўрадингиз сув.  
Мен буни аямга гапириб бердим.  
Даданг келади, деб айтди,  
Ростми шу?..

Рустамнинг акаси урушдан қайтди,  
Қўлтиктаёғи бор,  
Бир оёғи йўқ,  
Рустам айтиб берди:  
Атака пайти  
Тиззасидан олиб кетган эмиш ўқ...  
Хол ака қайтганди уйга тўсатдан,  
Ўғли, дадажон, деб чопиб келибди.  
Ота кучай деса қўли йўқ экан,  
Тик турган жойида йиғлайверибди.  
Дарсга келмай қолди  
Тунов кун Талъат,  
Муаллим уришса тураверди жим.  
Дадасидан келган экан қора хат.  
Ҳаммамиз йиғладик,  
Ҳатто муаллим...  
Дадажон!  
Сизга ўқ тегмасин ҳечам,  
Мен учун ҳам тезрок қайтинг саломат,  
Бувим айтган,  
Агар мен тилак қилсам,  
Тилагим бўлармиш доим ижобат.  
Рост айтаман,  
Сизни жуда соғиндим,  
Соғиндим иккала кўзим билан тенг,



Келиб қоласизми, эртами-индин?  
Кутаман,  
Дадажон,  
албатта келинг».

\* \* \*

Ҳижрон кечалари ғоятда узун,  
Айрилиқ йўллари олис ниҳоят.  
Кўчага чиқаман юз бора ҳар кун,  
Кўзларим нигорон,  
Келармикан хат?  
Тонгда турганда ҳам,  
Кун ботганда ҳам,  
Ҳатто кечалари қилолмай тоқат,  
Эшикка карайман,  
Чекаман алам.  
Интизор бўламан,  
Келармикан хат?  
Мен қайдан билибман,  
Йўл босар экан  
Менинг мурғак хатим бекатма-бекат.  
У ёқдан,  
Худди у борар манзилдан  
Йўлга чиққан эди машъум қора хат.

\* \* \*

Қош, кўзларинг отанга ўхшар.  
Дейишади билганлар доим.  
Сўнг хўрсиниб қўшиб қўйишар:  
Ўхшамасин умринг, илойим.  
Отам тутган машъални ушлаб,  
Ўша йўлдан бораман мен ҳам.  
Майли эди отамдек яшаб,  
То сўнгги дам унга ўхшасам.

\* \* \*

Боболарнинг ҳикмати  
Ҳаётга ёруғ йўлдир.  
Отанг боласи бўлма,  
Одам боласи бўл, дер.  
Бу сўзни илк бор менга  
Ўргатган отам эди.

Мен отам фарзандиман,  
У эса одам эди.  
Қирқ биринчи йилларнинг  
Дахшати кўз олдимда,  
Гўдак эдим, отамни  
Кузатганим ёдимда.

У кўплар бахти учун  
Кирар экан зўр жангга.  
Онам бошимни силаб,  
Ўхша, деган отангга.  
Менинг мардлик мактабим  
Жонфидо отам эди.  
Мен отам фарзандиман,  
У эса одам эди.  
Мен отам босиб ўтган  
Қонли йўлни ўтмасман.  
Аммо шонли ҳаётин  
Бир умр унутмасман.  
Она-Ватан кўксига  
Қалқон бўлган отамнинг,  
Кўплар бахти йўлида  
Курбон бўлган отамнинг –  
Азиз номин калбимда  
Виждонимдек сақладим.  
Унинг ўлмас руҳини  
Шод этмокдир мақсадим.  
Умримни фидо этай  
У жон берган Ватанга.  
Эл мендан рози бўлсин  
Ўхшабсан, деб отангга.

\* \* \*

Кузғуннинг қанотидай  
Қаро эди ўша тун.  
На милт этган юлдуз бор,  
На йилт этган бир учкун.  
Кеч куз эди,  
Тунд кеча,  
Ер-кўк мунгли, борлиқ ғаш,  
Қор эзгилаб ёғарди  
Ёмғир билан аралаш.  
Сукунат.  
Жанг тин олар,  
Фақат гоҳи гоҳида  
Мушак учиб сўнади  
Душман қароргоҳида.  
Ярим тун зулматида  
Тепаликни қоралаб  
Тўрт соя эмакларди

Чакалакзор оралаб.  
Ҳар замон тўхтаб-тўхтаб  
Ҳордиқ олишар эди,  
Жим қолиб сукунатга  
Қулоқ солишар эди.  
Мана, улар ўрмоннинг  
Чеккасидан ўтдилар  
Ва ниҳоят дарёнинг  
Соҳилига етдилар.  
Тўхтадилар, бир нафас  
Кўз тикдилар йироққа.  
Атроф жим,  
Фақат дарё  
Уриларди қирғоққа.  
Сирли тун, бутун борлик  
Сехрланган сингари.  
Шундай кеча тўртовлон  
Йўл олмишлар қай сари?  
Қай манзилга шошишар  
Шу совукда, шу намда?  
Гўё қор бор,  
Ёмғир бор,  
Тун бор фақат оламда...  
Автоматлар бош узра  
Кўтарилди туғсимон.  
Бирин-кетин дарёдан  
Сузиб кетди тўртовлон.  
Жим, шарпасиз сузишар,  
Яқин қолди қирғоққа,  
Ёт, ноганиш товушлар  
Эшитилар қулоққа.  
Мана соҳил – тик қирғоқ,  
Атроф яланг,  
Нарида  
Икки душман соқчиси  
Кўринар тун бағрида.  
Бир-бирова тикилди  
Бир сўз демай тўрт жуфт кўз.  
Шу қарашнинг ўзида  
Айтилганди барча сўз.  
Тек қотдилар.  
Командир  
Имо қилди ниҳоят,  
Тун бағрига эмаклаб

Кириб кетди тўрт соя.  
Ногаҳон ўқ отилди,  
Ўт чакнади кетма-кет.  
Душман сезди,  
Разведка  
Жангга кирди бетма-бет.  
Граната портлади,  
Тилга кирди автомат.  
Бир ёнда бутун бир полк,  
Бир ёнда тўртта солдат.  
Икки ёндан ўқ ёғар,  
Олов ёғар бешафкат,  
Бир томонда тахлика,  
Бир томонда жасорат.  
Ўртада текис кенглик,  
Ўртада қуюқ зулмат.  
Бир томонда ёвузлик,  
Бир томонда адолат.  
Қанча давом этди жанг  
Билар фақат қаро тун,  
Билар фақат тепалик,  
Аммо булар лол ва гунг.  
Тонгга яқин қор тинди,  
Аста ёришди осмон.  
Тепаликка илк нурин  
Сочди хуршиди жаҳон.  
Бунда ерни кучганча  
Тошларга қўйиб бошин,  
Тўрт ўғлон тинч ухларди  
Кўкрагида қўрғошин.  
Тунги оғир жангдан сўнг

Гўё тин олар бари.  
Она бағрида ётган  
Маъсум гўдак сингари.  
Шу тонг сабо йиғлади  
Чидолмай бу фироққа.  
Шу тонг дарё йиғлади  
Бошин уриб қирғоққа.  
Ок, момик булутларнинг  
Бағри чок-чок сўкилди.  
Шу тонг офтоб нурлари  
Кўз ёш бўлиб тўкилди.  
Ўрмонлар шовиллаган  
Олис юртда ҳали ҳам  
Номсиз тепалик узра  
Ухлаб ётибди отам.

\* \* \*

Тенгдошим,  
Асрдош биродар!  
Кел, бир он жим ўйга чўмайлик.  
Бу ерда ётибди фидолар.  
Кел, уни гулларга қўмайлик.  
Эшит, чорлаяпти Она-Ер,  
Кўксида оловли оҳ-фарёд.  
Асрдош биродар, қўлни бер,  
Кел, Ерга қилайлик қасамёд:  
Бўлурмиз гал келса ҳар биримизга  
Тинчлик жангтоҳининг фидоси.  
Бу сенга, бу менга, бу бизга  
Йигирманчи аср нидоси.

*Тавсия: Шоирнинг бошқа асарларини қуйидаги интернет саҳифаларидан юклаб ўқишингиз мумкин: Эркин Воҳидов (1936) ziyouz.uz; Erkin Vohidov. Umr daftaridan bitiklar » Xurshid Davron kh-davron.uz*

### **Муҳокама қиламиз:**

1. 44-йилда бола ҳаётида қандай қувончли воқеа юз берди? Бундай қувонч Сизда ҳам бўлганми? Қачон?
2. Боланинг дадасидан келган хатда нималар ҳақида ёзилган экан?
3. Бола дадасига ёзган жавоб хатида қандай кўнгилсизликлар ҳақида хабар беради?
4. «**Ота қучай деса, қўли йўқ экан, Тик турган жойида йиғлайверибди**» мисрасида ифодаланган фожиага сабаб нима?

5. «Хижрон кечалари ғоятда узун, Айрилиқ йўллари олис ниҳоят» сатрларида қандай рухий ҳолат акс этган деб ўйлайсиз?
6. Боланинг дадаси қандай ҳолатда қахрамонларча ҳалок бўлди?
7. **»Кеч куз эди, тунд кеча, ер-қўк мунгли, борлиқ ғаш. Қор эзгилаб ёғарди, ёмғир билан аралаш»** сатрлари киши руҳиятига қандай таъсир қилишини изоҳлай olasизми?
8. Достон нега **«Нидо»** деб аталган?

**Бажаринг:**

1. **«Дадам хатин ўқиб савод чиқарганман»** деган мисра маъносини изоҳланг ва бу ҳолнинг сабабларини тушунтиринг.
2. Достон матнига таяниб, отага битилган хатда бола туйғуларининг қандай намоён бўлганлигини изоҳланг.
3. **«Дарсга келмай қолди тунов кун Талъат, Муаллим уришса, тураверди жим. Дадасидан келган экан қорахат, Ҳаммамиз йиғладиқ, ҳатто, муаллим»** мисраларида ўртоғининг қайғуси учун йиғлаган болакай туйғулари нечоғли ишонарли тасвирланганлигини изоҳланг.
4. Боладаги: **«Бувим айтган, мен тилақ қилсам, Тилагим бўлармиш доим ижобат!»** тарзидаги ишонч ва ҳаётий ҳақиқат ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқадиган фожиали ҳолатни аналитинг. Яна қайси асарда бола тилаги берилган эди?
5. Матнга таяниб, боланинг мактуби билан **«қорахат»**нинг бир вақтда юборилгани тасвирининг ҳиссий таъсири ҳақида гапириб беринг.
6. **«Боболарнинг ҳикмати ҳаётга ёруғ йўлдир, Отанг боласи бўлма одам боласи бўл дер. Бу сўзни илк бор менга ўргатган отам эди, Мен отам фарзандиман, У эса одам эди»** тарзидаги ифтихор сабабини изоҳланг.
7. Отанинг ҳалокати юз берган туннинг: **«кузғуннинг қанотидай қора эди ўша тун»** тарзида тасвирланиши сабабини тушунтиринг, қоронғуликнинг кузғун қанотида ўхшатиш сабабини изоҳланг. **«Қ»** товушининг такрорланиб келиши сизда бирор қайфият пайдо қилдими?
8. **«Шу тонг сабо йиғлади, чидолмай бу фироққа, Шу тонг дарё йиғлади, бошин уриб қирғоққа. Оқ момик булутларнинг бағри чок-чок сўкилди. Шу тонг офтоб нурлари кўз ёш бўлиб тўкилди...»** мисраларидаги адоқсиз ғам тасвирида қахрамон руҳияти ва табиат кўриниши ўртасидаги мувофиқлик сабабларини тушунтиринг.
9. **«Ерни тепма, аста бос қадам»** тарзидаги мурожаат сабабини изоҳланг.

## ДОСТОН

Азиз ўқувчи, сиз илк бор замонавий маънодаги чинакам адабий достон билан танишдингиз. Табиийки, сизни қандай асарлар достон деб аталиши қизиқтиради. Агар **«Нидо»**ни ўқиш жараёнида эътибор қилган бўлсангиз, унда муайян даврда кимнингдир бошидан ўтган воқеалар тасвирлангани ва улар туфайли шоир кечирган ҳистуйғулар ҳам ифода этилганини сезгансиз. Шунингдек, у шеър билан ёзилиб, ҳажми анчагина катталигини ҳам пайқагансиз. Демак, ҳаётда рўй берган ёки рўй бериши

мумкин бўлган воқеа ва унинг таъсирида шоир руҳиятида пайдо бўлган туйғулар тасвирига бағишлаб ёзилган йирик ҳажмли шеърый асар дoston саналар экан.

Достон баъзан поэма деб ҳам юритилади. Қадим замонларда халқ айтимчилари томонидан оғзаки яратилган ва фавкулудда хусусиятларга эга қаҳрамонларнинг ғаройиб саргузаштлари тасвирига бағишланиб, шеър ва сочма тарзда аралаш шаклга эга бўлган асарлар ҳам дoston деб юритилади. Бунга «Алпомиш», «Маликаи айёр», «Равшан» каби халқ дostonлари мисол бўлади.

## МУСА ЖАЛИЛ

(1906–1944)

Татар халқининг забардаст шоири Муса Жалил Оренбург губернасига қарашли Мустафо қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Дастлаб Оренбургдаги Хусайния мадрасасида таҳсил олди. Муса Жалилнинг ижоди 1919 йилдан бошланди. У 1931 йилда Москва Давлат университетининг адабиёт факультетини битиргач, татар тилида босиладиган «Кичкина», «Октябрь боласи» журналлари редакцияларида муҳаррирлик вазифасида ишлади. Улуғ Ватан уруши арафасида Татаристон ёзувчилар союзининг масъул котиби вазифасида ишлади. Урушда қаттиқ яраланган Муса асирга олиниб, 1944 йилда фашистлар томонидан Берлиндаги Шпандав турмасида қатл этилди.



Унинг кўп тилларга таржима қилинган «Моабит дафтари» шеърлар тўплами шоир ижодининг бош китоби саналади. «Моабит дафтари» ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

## ИШОНМА

Сенга мандан хабар берсалар,  
«У йиқилди чарчаб», – десалар,  
Йўқ, ишонма, бағрим!  
Бу сўзни –  
Дўстлар айтмас, яқин кўрсалар.

Байроғимга қон билан ёзган  
Онтим ундар олға боришга!  
Ҳаққим борми, ҳеч қоқилишга,  
Ҳаққим борми, чарчаб-ҳоришга?

Сенга мандан хабар берсалар,  
«У Ватанни сотди», – десалар,  
Йўқ, ишонма, бағрим!  
Бу сўзни –

Дўстлар айтмас, мени севсалар.  
Юртдан кетдим юртни, сени деб,  
Мен курашдим қонли ҳар дамда.  
Юртни, сени қўлимдан берсам,  
Нима қолар менга оламда?

Сенга мандан хабар берсалар,  
“Муса ўлди энди”, – десалар.  
Йўқ, ишонма, бағрим!  
Бу сўзни –  
Дўстлар айтмас, мени севсалар.

Тупроқ кўмар танни, кўмолмас  
Ўтли қўшиқ тўлган кўнглимни.  
“Ўлим” дейиш мумкинми ахир,  
Енгиб ўлган бундай ўлимни?

### **Муҳокама қиламиз:**

1. «Йўқ, ишонма, бағрим» мисрасидаги «бағрим» сўзини қандай изоҳлайсиз? Шу ўриндаги бадиий воситани аниқланг.
2. «Юртдан кетдим, юртни, сени деб», мисрасини талқин қилишга ҳаракат қилинг.
3. «Мен курашдим қонли ҳар дамда» мисрасидаги тагига чизилган жумлани изоҳланг. Ушбу мисрадан қайси тарихий воқеани эслаш мумкин?
4. «Муса ўлди энди – десалар йўқ, ишонма, бағрим» мисралари асосида ўз фикрларингизни баён этинг.
5. «Тупроқ кўмар танни, кўмолмас ўтли кўшиқ тўлган кўнглимни» мисраларини изоҳлаб беринг. «Ўтли кўшиқ» бирикмасига алоҳида эътиборни қаратинг.

### **ЭРК**

Ўзим хоҳлаб юра олмагач,  
Йўқ оёғим, демак, йўқ кўлим.  
Қандайин фарқ, эрким бўлмагач,  
Бор бўлганим ёки йўқлигим.  
Отам, онам йўқдир юртимда,  
Айтингиз, мен етим эдимми?  
Мен йўқотдим душман ерида  
Отамдан ҳам яқин элимни.  
Кулман бунда юртсиз ва эрксиз,  
Эрксиз ҳамда элсиз – мен ўксиз:  
Ота-онам гарчи бўлса-да,  
Жойим бўлар эди бўсаға.  
Бўлар эдим ҳамон мен етим,

Ва таланган итлар билан тенг.  
Олтин эрким, озод турмушим,  
Қайга учдинг учар куш бўлиб?  
Сўнгги дамим нега учмади  
Сенинг билан бирга кўшилиб?  
Билармидим эркнинг қимматин  
Тотган чоғда эркнинг бахрини;  
Оғир қуллик жабрини тортиб,  
Энди билдим эркнинг кадрини!  
Қувонтирса тақдир кўнглимни,  
Етиштириб эрка – йўлдошга,  
Бағишлардим қолган умримни  
Эрк учун бу эзгу курашга.

(1942)

*Тавсия: Шоирнинг бошқа асарларини қуйидаги интернет саҳифасидан юклаб ўқишингиз мумкин: Муса Жалил (1906–1944) [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz)*

### **Муҳокама қиламиз:**

1. Шеърнинг «Эрк» деб номланишини қандай изоҳлайсиз?
2. «Мен йўқотдим душман ерида Отамдан ҳам яқин элимни» жумлаларида қандай ғамлар илгари сурилган?
3. «Олтин эрким, озод турмушим, Қайга учдинг учар куш бўлиб» мисраларидаги сифатлашларни аниқланг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг.
4. «Оғир қуллик жабрини тортиб, Энди билдим эркнинг кадрини» . Бу шеърини парчада нимага ишора қилиняпти? Шоир таржимаи ҳоли асосида тушунтиришга ҳаракат қилинг.
5. «Мен эркни қандай тасаввур қиламан» мавзуида кичик эссе ёзинг.